

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Х.Н.Атабаева, З.К.Юлдашева, И.А.Исройлов**

**АГРОНОМИЯ ВА ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ**

**Фанидан Ўқув қўлланма**

**Касб – хунар колледжларининг**

**3620601 – Зоотехния**

**Таълим йўналишлари учун**

**ТОШКЕНТ - 2010**

“Агрономия ва ем-хашак етиштириш” ўқув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм “Агрономия асослари” деб номланган. Бунда экинларнинг ўрни, тупроқ унумдорлиги тушунчаси, зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг зарари, алмашлаб экишнинг аҳамияти, минерал ва органик ўғитларнинг тавсифи ва уларнинг қўлланиши, экин экишда ерга ишлов бериш, уруғликнинг сифати, тупроқ мелиорациясини ўз ичига қамраб олган.

Қўлланманинг иккинчи қисми “Ем-хашак етиштириш” деб номланиб, бу қисмда далачиликда ем-хашак экинларнинг етиштириш технологияси, яйлов ва пичанзорлар, яшил конвейер ҳамда озуқаларни тайёрлаш технологияси баён этилган. Қўлланманинг асосий бўлинмаларида бажариладиган амалий машғулотлар мавжуд.

Ушбу ўқув қўлланма барча касб-хунар коллажлари талабалари учун мўлжалланган.

ТАҚРИЗЧИЛАР:      1.Ф.Ҳасанова - қишлоқ хўжалик фанлари номзоди  
                          2. М.Шодмонов- қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

## **КИРИШ**

Республикамизда чорвачиликни ривожлантириш, шу асосда аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур. Ем-хашак базасини яратишда озуқаларни қайта ишлаш, сенаж, гранула, брикет, витаминли ўт унларини тайёрлаш ҳамда улардан илмий асосда рационал фойдаланиш, пичанни, силосни мукаммал технология асосида тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Омухта ем ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, озиқ ишлаб чиқаришда ачитқилардан, витаминлардан, ферментатив препаратлар ва бошқа биологик актив моддалардан фойдаланиш ем-хашак этиштиришда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Озуқа тайёрлашни тўғри ташкил этиш ва ем-хашак этиштириш экин майдонлари тузилишини такомиллаштириш, оралиқ, анфиз-зич, аралаш экинларни экиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, суғориладиган ерларда бир йилда 2 – 3 маротаба ҳосил этиштириш каби ишларни амалга оширишни тақоза этади. Озуқани қайта ишлаш ва сақлаш технологияларини, серҳосил тўйимли озуқа берадиган истиқболли экин навлари ҳамда дурагайларни ишлаб чиқаришга қисқа муддатларда жорий қилиш қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан чуқур билим, малака талаб қилинади.

Мазкур ўқув кўлланма ем-хашак базасини мустаҳкамлашнинг бугинги талабларини эътиборга олган ҳолда ёзилган бўлиб, унда амалий жиҳатдан ўзлаштириладиган ўқув маълумотлари баён этилган.

Амалий машғулотларнинг мазмуни ва ҳажми ўқув дастурига мос келади. Дарс давомида талабалар тупроқ, унинг хоссалари, ўғит турлари, ўсимлик морфологияси, ҳосилдорлиги, номи қайд қилинган экиндан олинган пичан ёки кўкатнинг тўйимлилик даражаси ҳақидаги назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалий кўникма ҳосил қиласилар.

Шунингдек, амалий машғулотлар давомида талабалар силос, сенажни тайёрлаш ҳамда сифатини аниқлаш ва ҳисобга олиш, зарарли

ўсимликларни фарқлаш йўлларини ўзлаштириб оладилар. Яшил конвейер тизими яйлов ва пичанзорлардан фойдаланиш, уларни тубдан ва юза яхшилаш йўллари билан танишадилар. Талабалар машғулотларида ўзлаштирган билимларини қайд қилиб борадилар. Машғулотларда кўргазма материаллари (масалан, уруглар, гербарий, пичан намуналари) дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

### **1.1. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳаёт омиллари ва уларни бошқариш**

Маълумки, ҳамма ўсимликлар ҳам бошқа тирик организмлар каби, ривожланиши ва ҳосил бериши учун муайян шарт - шароит бўлишини талаб этади. Демак, уларнинг ҳаёт фаолияти ташки мухит билан боғлик.

Ўсимлик органлари ҳосил бўлишида қатнашувчи ўсишига, ривожланишига, ҳосилдорлигига, етиштирилган маҳсулот сифатига таъсир этувчи факторлар **маданий ўсимликларнинг ҳаёт факторлари** дейилади.

Ўсимликларнинг ҳаёт факторлари икки гурухга бўлинади: 1). космик ёки энергетик фактор бўлиб, бунга ёруғлик ва иссиқлик энергияси; 2).ер факторлари, бунга сув, озиқ элементлари ва ҳакозалар киради.

Ўсимликларни ҳаёт факторлари билан тўлароқ таъминлаш мақсадида уларни ўсиш жараёнида мухит шароитини яхшилаш учун ҳар хил агротехник (ер ҳайдаш, шур ювиш, ерни экишга тайёрлаш, экинни парваришлаш ва ҳаказолар ) ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

Ўсимликлар танаси ҳар хил тўқималардан ташкил топган шакли жиҳатидан ўхшаш бўлган бир ёки бир неча хил вазифани бажарадиган хужайралар тўпламига **тўқима** дейилади.

Тўқималар шаклига кўра икки хил бўлади: паренхиматик ва прозенхиматик.

Паренхиматик хужайралардан ташкил топган тўқималарга паренхиматик тўқималар дейилади. Прозенхиматик хужайралардан ташкил топган тўқималарга прозенхиматик тўқималар дейилади.

Тўқималар келиб чиқишига кўра иккита катта гурухга бўлинади:

1. Эмбрионал ҳосил қилувчи тўқималар.
2. Доимий тўқималар.

Эмбрионал ҳосил қилувчи тўқималар келиб чиқишига кўра икки хил бўлади: бирламчи ҳосил қилувчи тўқима – прокамбий ва иккиламчи ҳосил қилувчи тўқима – камбий.

Домий тўқималар бажарадиган вазифасига кўра 5 хил бўлади:

1. Меристематик ёки ҳосил қилувчи тўқималар.
2. Қопловчи тўқималар.
3. Асосий тўқималар.
4. Механик тўқималар.
5. Ўтказувчи тўқималар.
6. Ажратувчи системалар. Кўпчилик ҳолатда бу системалар ўтказувчи тўқималар жумласига қўшиб ўргатилади.

Ҳосил қилувчи тўқималар - поя, илдиз ва уларнинг учларида ён поялар ҳамда куртакларда жойлашиб, янги органларнинг ҳосил бўлишини, шунингдек, ўсимликларнинг бўйига ўсишини таъминлайди.

Қопловчи тўқималар барча органларни қуриб қолишдан ва ташқи мухитнинг нокулай шароитларидан ҳимоя қиласди.

Асосий тўқималарнинг вазифаси ўзида озуқа тўплаш, ўсимликларни озиқлантиришдан иборат.

Механик тўқималар ўсимликлар танасини тик тутиб туришига мослашган бўлиб, шамол, ёмғир каби табиат ҳодисаларига бардош бера оладиган скелет системаси йўқ, бироқ ўсимлик органларида механик тўқима туфайли ташқи таъсирларга жавоб беради.

Ўтказувчи тўқималар вазифаси ўзидан сув ва озуқани ўтказишдан иборат.

Ўсимликлар организмида кечадиган метаболизм жараёнидан чиқинди ёки иккинчи даражали моддалар ҳам ҳосил бўлади. Буларга баъзи бир кислоталар, минерал тузлар, эфир мойлари, смолалар, алколоидлар, шилимшиқ моддалар киради. Бу моддалар ўсимликнинг ички ва ташқи секреция ажратувчи тўқималаридан ажралиб чиқади.

Ўсимликларнинг баргиз, куртаксиз ер ости қисмига **илдиз** дейилади.

Илдиз қуидаги физиологик ва механик вазифаларни бажаради:

- ўсимликларни тупроққа мустаҳкам бириктириб туради ва уни шамол ҳамда бошқа механик таъсиротларга қарши чидамлилигини оширади;
- тупроқдан сув ва унда эриган минерал ҳамда қисман органик моддаларни сўради;
- илдизда захира моддалар тўпланади. Айрим ўсимликларда илдиз ғамловчи органларга (шолғом, турп) айланади;
- илдиз вегетатив орган бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Келиб чиқишга кўра илдизлар асосий, ён ҳамда қўшимча илдизларга бўлинади.

Ўсимликлар морфологиясида баргли, куртакли поя **новда** деб аталади. Одатда ҳаво орқали озиқланишни амалга оширувчи асосий орган – вегетатив новдада қуидаги қисмларни ажратиш мумкин: поя, барглар, бўғимлар, бўғим оралиқлари ва куртаклар.

**Поя** – ўсимликнинг ер устидаги баргиз, куртаксиз қисми бўлиб, баргни илдиз билан морфологик ҳамда функционал боғлайди. Унинг функцияси сув ва унда эриган минерал моддаларни илдиздан баргига, баргдан илдизга борадиган оқимни бошқаради. У баъзан сув ва бошқа захира озиқ моддалар тўпловчи омбор вазифасини ҳам ўтайди. Бундан ташқари, поя нафас оловчи орган ҳисобланиб, айрим ўсимликларда ассимиляция ҳамда вегетатив кўпайиш вазифаларини бажаради. Шаклига кўра юмалоқ, яssi, цилиндрический бўлади. Пояларнинг йўғонлиги ҳам ҳар хил бўлиб, баъзи бирларининг поясининг йўғонлиги бир неча метрга етса, баъзилариники бир неча миллиметрни ташкил қиласди.

**Барг** – ўсимлик ҳаётида энг муҳим функциялардан бири – бўлган фотосинтез ва транспирация процессини бажаради. Бундан ташқари:

- ҳаводаги карбонад ангидрид газини ютиб, ҳавога соф кислород ажратиб чиқаради;
- тоза сувни буғлантириб, транспирация вазифасини бажаради;

- ёзда ўсимликларни қизиб кетишдан сақлайди;
- ташқи шароитга мослашиш органи бўлиб хизмат қилади;
- барглар тўкилиб ўсимлик ҳаётини қуриб қолиш ва совуқ уришдан сақлайди;
- ўзида захира озиқ моддаларни тўплайди.

Барг бандида биргина япроқ бўлса оддий барг, бир нечта бўлса мураккаб барг дейилади.

Гулда жуда мураккаб ва муҳим ривожланиш: микро ва спорогенез, чангланиш, уруғланиш ва меванинг ҳосил бўлиш жараёнларини кузатиш мумкин. Гул гулбанди, гулкоса барглари, гултожбаргларидан ташкил топади. Баъзи гулларда гулбанди бўлмайди. Ўзида гулўрами, чангчи ва уруғчиси бўлган гуллар тўлиқ гуллар дейилади. Фақат уруғчи ва чангчиси бўлган гуллар эса яланғоч гуллар дейилади.

Чангчилар морфологик табиати ва функциясига кўра микроспорафиллардан ҳосил бўлган. Ҳар бир чангчи чанг ипига, иккита чанг халтачаларига ва боғлагичга эга. Гулда чангчиларнинг тўплами андроцей деб аталади. Гулнинг ўртасида мевабаргчалар ўрнашган бўлиб, улар мегаспорабаргчалар ҳисобланади ёки уруғчи дейилади. Уруғчиларининг тўплами гинеций деб аталади. Гинецийда уруғчининг тумшуғи, устунчалиси ва тугунчалиси мавжуд.

**Уруғ.** Уруғларнинг униб чиқишида зарур бўлган озиқ моддалар уруғнинг ўзида тўпланади. Демак, уруғ муртагининг озиқланиши гетеротроф ҳисобланади. Уруғ типлари қуйидагича – перспермли, эндоспермсиз, эндоспермли бўлади.

Перспермли уруғлар, яъни захира озиқ модда уруғ куртакнинг нуцеллус ҳужайраларида тўпланган бўлса, перспермли уруғлар дейилади.

Эндоспермсиз уруғлар, яъни захира озиқ моддалар муртакнинг ўзида тўпланган бўлса эндоспермсиз уруғлар деб аталади.

Эндоспермли уруғлар, яъни захира озиқ моддалар маҳсус ғамловчи тўқима – эндоспермда тўпланган бўлса эндоспермли уруғлар деб аталади.

**Мева** – уруғлангандан кейин ўсган ва ичида уруғи бўлган тугунчага мева дейилади. Баъзан меванинг ҳосил бўлишида гул ўрни чангчиларнинг остки қисми, гултож ва гулкоса барглари ҳам иштирок этиши мумкин.

Мева икки қисмдан: мева қати (перикарп) ва уруғдан иборат бўлади.

Мевалар ҳар хил ўсимликда ҳар хил шаклда ва йириклика бўлади. Келиб чиқишига қараб мевалар – ҳақиқий, сохта оддий, мураккаб ва тўп меваларга бўлинади. Агар гулда битта уруғчи бўлса, бу уруғчидан ҳосил бўлган мева оддий мева, гулда бир нечта уруғчи бўлиб, бу уруғчилардан ҳосил бўлган мевага мураккаб мева ҳамда мева бир нечта гулдан ёки тўпгулдан ҳосил бўлса тўп мева дейилади.

Мевалар мева қатининг ривожланишига қараб: *қуруқ* ва *ҳўл* меваларга бўлинади. *Қуруқ меваларнинг* типлари:

- барг мева – битта мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган бир уяли, кўп уруғли бир томонлама очиладиган мева;
- дуккак – битта мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган бир уяли, бир-икки ёки кўп уруғли икки томонлама очиладиган ва очилмайдиган мева;
- қўзок ва қўзоқча мева – иккита мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган икки уяли, кўп уруғли мева, қўсак мева – икки ёки бир нечта мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган кўп уруғли мева;
- ёнгоқ ва ёнгоқча – мева қати қаттиқ ёғочлашган, бир уруғли, очилмайдиган мева;
- дон – иккита мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган очилмайдиган мева;
- қанотча – мева ёнлиги терисимон мева ёнлигининг экзокарп қавати яхши ривожланган пардасимон қанотча ҳосил қилган мева.

*Ҳўл мевалар* – ҳақиқий мева – гулнинг факат тугунчасининг ривожланишидан ҳосил бўлади;

– сохта мева – мева ҳосил бўлишида гулнинг бошқа қисмлари ҳам иштирок этади;

- оддий мева – гулдаги бир дона тугунчанинг ривожланишидан ҳосил бўлади;
- мураккаб мева – гулдаги бир нечта тугунчаларнинг ривожланишидан ҳосил бўлади;
- тўпмева – тўпгулдан ҳосил бўлади;
- резавор мева серсув кўп уруғли мева;
- данак мева – битта мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган хўл мева.

Барча тирик организмларнинг ўзига ўхшаш янги индивидларни ҳосил қилиши *кўпайиши* деб аталади. Ўсимликлар дунёсида кўпайишнинг турли хили мавжуд. Тубан, шунингдек юксак ўсимликлар уч хил (жинсий, жинссиз ҳамда вегетатив) кўпаяди. Жинсий кўпайишда физиологик жиҳатдан фарқ қиласидиган иккита гаплоид ҳужайра қўшилиб, янги орагнизмни вужудга келтиради. Жинссиз кўпайишда асосан бир ҳужайрали споралар ёки зооспоралар ёрдамида амалга ошади. Вегетатив кўпайиш – ўсимликнинг айrim тана қисмларидан бир бутун ўсимлик пайдо қила олиш хусусиятига асосланган.

Ўсимликлар ташқи муҳит шароитларига талабчан бўлади. XIX асрнинг бошларида ўсимликларнинг тарқалишида иқлим омилларига (иссиқлик, ёғингарчиликка) асосий эътибор берилган, лекин ўхшаш бўлган алоҳида регионларни ўрганишда эдатик омил катта аҳамиятга эга бўлган. Ўсимликлар муҳим муҳит омилларининг бир вақтда таъсири кўрсатадиган мураккаб комплекслари туфайли ўсади ва ривожланади. **Биотик омиллар** – табиатнинг тирик эмас омиллари (иқлим, ёруғлик, иссиқлик, намлик, ҳаво, тупроқ) тупроқнинг механик ва физик хоссалари ва тупроқ микробиологияси, орографик (ёнбағирнинг денгиздан баландлиги, қиялиги, уларнинг шакли ва экпозицияси) омилларга бўлинади.

**Биотик омиллар** – тирик организмларнинг ўзаро таъсири. Фитоген (ўсимликларнинг ўзаро бир-бирига бевосита) таъсири. Биотик омиллар учта гурухга ажратилиб ўрганилади: 1). ҳайвонларнинг ўсимликларга таъсири; 2).

ҳашаротларнинг ўсимликларга таъсири; 3. микроорганизмларнинг ўсимликларга таъсири.

**Антропоген омиллар** – инсонларнинг табиатга таъсири.

Кишиларнинг ўсимликларга, ўсимликлар оламига ва улар яшаб турган мұхит шароитига турли шаклдаги таъсири антропоген омиллариға киради. Ўсимликлар билан уларни қуршаб олған мұхит ўргасида доимий равища моддалар ва энергия алмашинуви боради.

Ёруғлик яшил автотроф ўсимликлар учун энг мұхим омил ҳисобланади, чунки бу омил ўсимликларда борадиган фотосинтез жараёнида яъни ўсимликтарнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган органик моддалар ҳосил бўлишида иштирок этади.

Тупроқнинг қалинлиги ҳам мұхим омил ҳисобланади. Сув режимида йил давомида тушадиган ёғингарчилик миқдори бир хил бўлмайди. Иссиқлик режими жойнинг рельефига ва ёнбағирларнинг қиялилигига, иқлим шароитига боғлиқ.

Тупроқнинг ҳаво режимида тупроқ намлиги қанчалик юқори бўласа, унда ҳаво шунча кам бўлади.

**Орографик омилларда** тоққа ҳар 100 метр кўтарилиб борган сари ҳарорат  $0,5^{\circ}\text{C}$  га пасайиб боради. Ўрта Осиёда денгиз сатҳидан кўтарилиш даражасига қараб ўсимликлар минтақаси – чўллар, адирлар, яйловлар кетма-кет келади. Ўсимликтарнинг тарқалишида ён бағирларнинг қиялиги ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, Шимолий ён бағирлар жанубий ён бағирларга қараганда сернам бўлиб, ўсимликлар қопламининг қалинлиги тавсифланади. Ёнбағирлар қанча қия бўлса, шунча кўп исиди. Шунга мос равища ўсимликлар ҳам шунча кам бўлади. Текисликларда ҳам орографик омилларнинг таъсири сезилади. Кўпинча чуқурликлар ҳосил бўладиган жойларда сув кўп тўпланади. Тепаликларда тупроқ намлиги паст бўли, бу ўсимликтарнинг турлари таркибиға таъсир этмай қолмайди.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўсимлик тўқимаси нима?
2. Ўсимликларнинг кўпайиш усулларини айтинг.
2. Ўсимликларга билвосита таъсир этувчи омилларни айтинг.
3. Биотик омиллар ҳақида тушунча беринг.

### **1.2. Тупроқ ва унинг унумдорлиги**

Тупроқ органик ҳаётнинг энг муҳим бўлаги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий воситасидир. Тупроқ турли жараёнлар ва табиий омиллар таъсири натижасида ўзгарган ва ўзгариб келаётган унумдорлик хусусиятига эга бўлган ернинг устки қатламидир. Унумдорлик тупроқнинг бир-бiri билан ўзаро боғлиқ бўлган кимёвий, физиковий, биологик хусусиятлари ва улар рўй берадиган жараёнлар комплексига боғлиқдир. **Тупроқнинг унумдорлиги** ёки ишлаб чиқариш хоссаси деганда тупроқ шароитининг йигиндиси, яъни экиладиган экиннинг яхши ривожланишини аъло даражада таъминлаши тушунилади. Унумдорлик икки хил: табиий ва сунъий бўлади. Табиий унумдорлик ўсимликлар, жониворлар, иссиқлик ва бошқа омилларнинг таъсирида пайдо бўлади. Сунъий унумдорлик эса инсон фаолияти натижасида, яъни ерни ҳайдаш, суғориш, ўғитлаш туфайли ҳосил бўлади. Унумдорлик тупроқнинг ишлаб чиқариш қобилиятини асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг рельефи жуда хилма-хил бўлиб, жанубий ва шарқий томонлари тоғ тизмалари билан ўралган, шимолий – ғарбий томонлари паст текисликлар, Қизилқум сахроси, Устюрт ва Орол денгизи билан туташиб кетган.

Текисликлар асосан Амударё, Зарафшон ва Сирдарёнинг ўрта ва қуий оқимларига жойлашган бўлиб, республика майдонининг 70– 75% ташкил қиласиди. Бу текисликларда Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм воҳалари билан бир қаторда Қизилқум, Малиқ, Қарши ва Қарноб чўллари ҳам жойлашган.

Текислик тупроқ иқлим зонаси тизимида Ўзбекистоннинг текислик қисми жанубий зона – сур қўнғир тусли, қумли чўл ва тақири тупроқлар тарқалган чўл зонасига киради. Республиканинг шарқий қисмлари вертикал зонасида (баландлик минтақа) эса, тоғ олди паст тоғ бўз тупроқлари, ўрта баланд тоғ жигарранг ва қўнғир тоғ – ўрмон тупроқлари ҳамда баланд тоғ оч қўнғир тусли ўтлоқи – чўл тупроқлари кенг тарқалган.

Ўзбекистон худудида чўл зонаси ва баландлик минтақа тупроқлари тарқалган.

**Баландлик минтақаси тупроқлари.** *Оч тусли қўнғир тупроқлар* денгиз сатҳидан 3000 – 3300 метр баландликдан бошланиб, баланд тоғларда тарқалган. Бу ерларнинг иқлими ўта ноқулайлиги боис дехқончилик учун яроқсиздир. Улардан яйлов сифатида фойдаланилади.

**Жигарранг тупроқлар** асосан ўрта ва паст баландлиқдаги тоғларда денгиз сатҳидан 1200 – 1600 метр баландликда тарқалган. Ер рельефининг мураккаблиги, нишабликнинг катталиги бу тупроқларда қишлоқ хўжалик экинлари экиш имконини бермайди. Улардан яйлов сифатида фойдаланилади.

**Тўқ тусли бўз тупроқлар** денгиз сатҳидан 700 – 1000 метрдан 1400 – 1600 метргача бўлган майдонларда тоғ олди текисликларининг юқори қисмида кенг тарқалган. Бу тупроқ асосан адирлик, паст тоғлик ва паст баландликнинг юқори қисмини ишғол этгани учун деярли сугорилмайди. Улардан яйлов сифатида фойдаланилади. Текислик рельефли ерларида лалмикор дехқончилик яхши ривожланган.

**Типик бўз тупроқлар** мураккаб рельефли тоғ олди, тоғ ости текисликларида ва дарёларнинг юқори терассаларида денгиз сатҳидан 350 – 1000 метр баландликда жойлашган Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, қисман Наманганд, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида учрайди. Бу тупроқ тарқалган ерлар бирмунча баланд – паст ва анча қия бўлиши ҳамда дарё водийларининг кесиб ўтганлиги билан ажралиб туради. Бу минтақада лалми ва сугориладиган дехқончилик ишлари яхши ривожланган.

**Оч тусли бўз тупроқлар** тоғ олди қия текисликларнинг қия қисми ва паст тепаликларида жойлашган. Уларнинг энг баланд чегараси денгиз сатҳидан 350 – 600 метр. Сирдарёning чап соҳили, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарёning юқори терассаси ва текисликларнинг катта майдонлари шу хил тупроқлардан иборат. Бу тупроқларнинг донадорлиги яхши эмас. Лекин сув ўтказувчанлиги ва юқори даражада капиллярлилиги билан ажралиб туради.

**Ўтлоқи бўз тупроқлар** дарё терассаларининг юқори ва тоғ остки текисликларининг қия қисмида сизот сувлари билан оз миқдорда намланишдан ҳосил бўлади. Бу тупроқларнинг бўз (кўриқ) ерлари хўжалик ички яйловлари тарзида фойдаланилади.

**Ўтлоқи тупроқлар** бўз тупроқлар минтақасининг ўтлоқи тупроқ массивлари оралиғидаги рельефнинг пастлашган ерларида жойлашган. Бу тупроқлар кам майдонни ташкил этганлиги учун хўжаликда унча аҳамият касб этмайди.

**Чўл минтақаси тупроқлари.** *Сур тусли қўнгир тупроқлар* чўл минтақаси тупроқларининг учдан бир қисмини ташкил қилиб, Маликчўл, Қарши ва Шеробод чўлларида ҳамда Поп атрофларида катта-катта майдонларни эгаллаган. Бу тупроқлардан яйлов сифатида йил бўйи фойдаланилади.

**Қумли чўл тупроқлари** Қизилқумда, қадимий Амударё дельтасида тарқалган. Бу тупроқлардан домий яйлов сифатида йил бўйи фойдаланилади.

**Тақирлар** водий ва Амударё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё делталари, шунингдек, Қизилқум ва Устюрт кенглиги текисликларида тарқалган. Бу тупроқларда ўсимликлар жуда оз, ёки деярли ўсмайди.

**Ўтлоқи тақир тупроқлари** делта текисликларининг тақир ва ўтлоқи зоналари бирлашган ерларда ривожланган. Бу тупроқларнинг деярлик барчаси у ёки бу даражада шўрланган.

**Ўтлоқи тупроқлар** чўл зонада дарё делталарининг доимий ўртача ва кўп даражада намланган сизот сувларига эга ерларда ривожланган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг асосий қисми Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларида жойлашган.

**Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар** чўл зонасида ўтлоқи тупроқлар каби қулай шароитларда ривожланади, лекин сизот сувлари намлигининг кўплиги оқибатида ботқоқлашади. Бу тупроқлар майдони унчалик катта эмас ва улардан асосан йил давомида яйлов сифатида фойдаланилади.

**Шўрхоклар** дарё делталари текисликлари ва делталарда тоғ олди водийларда пастқам ерлар депрессияларида, оч тусли тупроқларнинг қуи пастки минтақасида ривожланган. Барча шўрхоклар гумус горизонти қатламига эга ва ўсимликлар билан қопланган.

**Тупроқнинг механик таркиби.** Тупроқ жуда кўплаб ҳар хил катталикдаги заррачалардан иборатdir. Шу заррачаларнинг бир-бирига нисбати тупроқнинг механик таркиби дейилади. Тупроқнинг бу кўрсаткичи энг муҳим агрономик хусусиятга эга. Чунки тупроқ заррачаларининг салмоғига қараб тупроқнинг сув, ҳаво, озиқ ва иссиқлик каби режимлари белгиланади, уларни билмасдан тупроққа тўғри ишлов бериш, алмашлаб экишда ҳар бир экинни тўғри жойлаштириш асло мумкин эмас.

Ҳар қайси тупроқнинг механик таркибини аниқлаш учун, унинг қаттиқ қисмида учрайдиган минерал заррачаларнинг классификациясини билиш керак. Тупроқнинг механик таркибини заррачаларининг катта-кичиклигига қараб Н.А.Качинский қуидаги 5 гурухга ажратган:

I гурух 3 мм дан катта – тош.

II гурух 3 – 1 мм — шағал.

III гурух йирик 1 – 0,5 қум:

о‘рта 0,5 – 0,25 мм.

майда 0,25 – 0,05 мм.

IV гурух йирик 0,05—0,01 мм – чанг:

ўрта 0,01—0,05 мм.

майда 0,005—0,001 мм .

V гурух 0,001 мм дан кичик – лойқа.

Тупроқ заррачалари қанча майда бўлса, унинг юзаси шунчалик катта бўлади ва тупроқ вазни, зичлиги, қовушқоқлиги, ғоваклиги каби хоссаларини белгилайди. Шунинг учун ҳам тупроқ фракциялари миқдорларининг ўзгаришига қараб тупроқнинг солиштирма оғирлиги, сув ўтказиш хусусияти, капилляр найлар ҳосил қилиш каби хоссалари ҳам ўзгаради.

Тупроқнинг механик таркиби муҳим агрономик аҳамиятга эга. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, ҳам сифими каби хоссалари ҳамда ҳаво, сув, иссиқлик каби режимлари механик таркиби билан бевосита боғлиқ бўлиб, суғориш ва зах қочириш мелиорациясида бу кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади.

**Тупроқнинг кимёвий таркиби.** Тупроқнинг кимёвий таркиби она жинсга, шунингдек органик модда – чириндига, флорасига ҳамда тупроққа қандай кимёвий моддалар билан ишлов берилишига боғлиқ.

Тупроқдаги барча кимёвий элементларни ўсимликлар ўзлаштира олмайди, яъни керакли миқдордагисинигина бирикмалар ҳолида ўзлаштиради.

Марказий Осиё миңтақасидаги тупроқларда кальций корбанатнинг миқдори 20 % ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу тупроқлар нейтрал кимёвий муҳитга эга, яъни водорд кўрсаткичи pH 6,5 – 8,0 га teng. Тупроқда аэроб ёки анаэроб жараёнларнинг содир бўлишига қарамасдан, тупроқларимизнинг кислоталилиги ўзгармайди ва у доимо нейтралга яқин бўлади. Тупроқнинг кимёвий таркиби қўйидаги жадвалда келтирилган. (А.П.Виноградов маълумоти).

### 1 -жадвал

#### Тупроқнинг кимёвий элементлар миқдори

Элемент	Миқдори, %	Элемент	Миқдори, %
O	49,0	Mn	0,60
Si	20,0	H	5,40
Al	7,13	S	2,0
Fe	3,80	Ti	0,46
Ca	1,37	S	0,085

Na	0,63	P	0,09
K	1,36	N	0,10

Тупроқдаги кварцлар ёки лой фракциялари кўп бўлса водород ионларининг концентрацияси ўзгаради, натижада кислоталари (нордон) мухит ҳосил бўлади. Шунингдек, тупроқда ишқорли мухит ҳам вужудга келиши мумкин. Ўсимликларнинг тупроқ мухитига бўлган талаби турлича бўлади.

Кўпинча ўсимликлар нейтрал мухитли тупроқларда яхши ўсади. Дуккакли экинларнинг айрим турлари кислота мухитли тупроқларда ҳам яхши ўсади.

Иссиқлик режимини бошқариш тупроқ унумдорлигини оширишда мухим тадбир ҳисобланади. Ерга солинган чиримаган гўнг, органик ўғитлар тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилайди. Ерга барқарор совуқ тушмасдан олдин чуқур ва сифатли шудгорлаш тупроқнинг иссиқлмк режимини яхшилашда самарали тадбир ҳисобланади. Озиқ моддалар ва сув тупроқ унумдорлигининг асосий элементлари ҳисобланади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

- 1.Ўзбекистоннинг тупроқ турларини айтиб беринг.
- 2.Тупроқ унумдорлиги деб нимага айтилади?
- 3.Тупроқнинг кимёвий таркиби қандай?
- 4.Тупроқ унумдорлигига таъсир этувчи омилларни биласизми?

### **1.3. Ўсимлик заарқунандалари**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштиришда юқори ва барқарор ҳосил олишни таъминловчи ўсимликларни заарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг ағамияти бекиёсdir. Чунки жаҳон миқёсида заарқунандалар таъсирида буғдой ғосилдорлиги 5,0 фоизга, касалликлар сабабли — 9,1 фоиз, бегона ўтлар хисобига 9,8 фоиз жами 23,9 фоизга камаймокда. Бу кўрсаткичлар маккажўхори бўйича тегишли равишда

12,4; 9,4 ва 13,0 фоиз (34,8 фоиз)ни, барча экинлар буйича эса 11,6; 12,6 ва 10,0 % (34,2 фоиз)ни ташкил этади. Йиғишириб олинган махсулотнинг 20 фоизи сақлаш жараёнида зааркунанда ва касалликлар таъсирида йўқотилмоқда.

Ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда агротехник, механик, физик, карантин, биологик ва кимёвий усуслар қўлланилади.

Агротехник тадбирлар ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда қўлланилиши мумкин бўлган барча чора-тадбирларни ўз ичига олиб, заарли организмлар яшashi учун ноқулай шароитларни вужудга келтириш мақсадини кўзлайди.

Ўсимликларни ҳимоя қилишда касаллик ва зааркунандаларга чидамли экин навларини яратиш хамда етиштиришнинг ахамияти каттадир. Қишлоқ хўжалиги экинларининг турларини маълум бир худудда тарқалган шундай салбий омилларини хисобга олган ҳолда жойлаштириш кутилган натижага эришишга ёрдам беради.

Алмашлаб экишни тўғри қўллаш касалликларга қарши қураш самарасини янада оширади. Чунки бир ўсимликка мослашган касаллик иккинчи бир ўсимликка таъсир этмайди. Дон экинлари ўрнига бошқа экинлар экиш уларда кенг тарқалган қоракуя касаллиги камайишига, ғўзани беда билан навбатлаб экиш эса вилт касаллигини бартараф қилинишига олиб келади. Бир хил касалликка чалинувчи экинлар ўзаро узокроқ масофада жойлаштирилади. Бунда асосий экин турлари учун мақбул ўтмишдош танлаш мухимdir. Суғориладиган дехқончилик шароитида беда, дуккакли дон экинлари, ғўза, маккажўхори буғдойга яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ангизни дисклаш, ерни шудгорлаш, экишга тайёрлаш (текислаш, бороналаш, чизеллаш ва бошқа тадбирлар), экин катор ораларига ишлов беришни сифатли ўтказиш натижасида заарли организмлар ҳаёт шароитини ёмонлаштириб, уларнинг камайишига олиб келади.

Тупроқни ағдариб, чуқур ҳайдаш касалликларни камайтириш чораларидан биридир. Бегона ўтлар инфекция манбаи бўлганлигидан биринчи навбатда уларни йўқотишга алоҳида эътибор берилади. Чунки занг, замбуруғ, вирус касалликлари, кўпчилик зааркунандалар аввал шу бегона ўтларда кўпайиб, кейин экинларга ўтади.

Бундан ташқари, яхоб бериш, экинларни ўз вақтида экиш, парваришилаш, агротехника тадбирларини, шу жумладан, ўғитлаш ва сугориш режимини тўғри амалга ошириш, ниҳоят, ҳосилни энг мақбул муддатларда йиғиб олиш фоят муҳимдир.

Ўсимликларни зааркунандалардан ҳимоя қилишда биологик кураш чоралари кенг қўлланилмоқда. Бунда йиртқич ва паразит ҳашаротлар, каналар, күшлардан ҳамда зааркунандаларни касаллантирувчи микроорганизмлардан фойдаланилади. Ҳашаротлар билан озиқланувчи табиий кушандалар энтомофаглар, каналар билан озиқланувчилар эса акарифаглар деб аталади.

Энтомофаглардан *трихограмма* 80 га якин зааркунанда тухумига ўз тухумини кўйиб, уларни нобуд қиласи. Биофабрикаларда кўпайтирилиб, зааркунандалар урчиши кузатилаётган далаларга тарқатиладиган трихограмма тунламларни йўқотишда айниқса, самаралидир. Шунингдек, *апантелес, бракон* паразит ҳашаротлар, олтинкўз каби йиртқич кушандалар ҳам купайтирилиб, экинларни ҳимоя қилишда қўлланилмоқда.

Зааркунандаларга қарши курашда уларни касалликка чалинтирувчи *энтобактерин, дендробициллин, боверин* ва бошқа микробиологик препаратлар (бактерия, вирус ва замбуруғлар)дан ҳам фойдаланилади. Улар зааркунандаларнинг 50 дан зиёд турига қарши ишлатилиши мумкин.

Ўсимлик касалликларини бартараф қилишда *антибиотик* ва *антагонистлар* ҳам қўлланилади. Микроорганизмлар ҳаёт фаолиятининг маҳсули бўлган антибиотиклар кўргина касалликларга қарши курашда яхши самара беради. Бодрингдаги ун-шудринг касаллигига қарши трихотецин, нўхатнинг фузариоз ва ғўзанинг илдиз чириш касалликларига қарши

фитобактериомицин ишлатилади. Антагонистлар маълум бир микроорганизмнинг бошқа турдаги микроорганизм ҳаёт фаолиятини сусайтира олиш хусусиятига асослангандир.

Ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда *карантин* тадбирларининг аҳамияти каттадир. Бу тадбир бизда учрамайдиган, лекин бошқа минтақаларда мавжуд бўлган ўсимлик зааркунандалари, касаллик кўзғатувчи ва бегона ўтлар кириб келишининг олдини олишга қаратилган. Карантин хизмати зарур бўлган шундай объектларни (ўсимлик зааркунандаларини) тубдан йўқ қилиш чорасини ҳам кўради.

Картошканинг энг қўп таркалган зааркунандаси — Колорадо қўнғизидир. У Америкадан Европага ўтиб, сўнгра Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Картошка етиштиришда ундан катта зарар кўрилмокда.

Карантин(лар) ташқи ҳамда ички карантин(лар) бўлади. Ташқи карантин чет мамлакатлардан заарли организмлар кириб келишининг, ички карантин эса мамлакат ичкарисида маълум бир жойда учрайдиган карантин обьекти кенг кўламда тарқалиб кетишининг олдини олишга хизмат килади.

Заарли организмларга қарши курашда механик тадбирлар ҳам кўлланилади. Ўсимлик қолдиқлари ва ҳашаротлар уясини йўқотиш, ўсимлик танасини эски пўстлоқлардан тозалаш, дараҳтларнинг касалланган шохларини кесиб ташлаб, йўқотиш, касалланган меваларни алоҳида териб олиш шундай тадбирлар жумласидандир.

Кишлоқ хўжалиги экинларини зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан кимёвий ҳимоя қилишда пестицидлардан ҳам фойдаланилади. *Пестицидлар* қайси заарли организмларга қарши кўлланишига караб, *акарицидлар* (ўргимчакканага қарши), *инсектицидлар* (ҳашаротларга қарши), *фунгицидлар* (замбуруғларга қарши), *гербицидлар* (бегона ўтларга қарши), *нематицидлар* (нематодларга қарши) ва бошқа турларга бўлинади. Заарли организмларга таъсир этиш турига кўра, улар меъда-ичак, контакт (зааркунанда ташқи қоплагичини шикастлаб, организмга ўтиш воситасида), нафас йўли орқали (фумигантлар) таъсир қилувчиларга бўлинади.

Шунингдек, ёппасига (барча тирик мавжудотларга қарши) ва танлаб (бир турдаги организмларга қарши) таъсир этувчи хусусиятларга эга.

**Донли      ва      ем-хашак    экинларининг кенг тарқалган  
зааркунандалари    ва    уларга қарши қураш**

**Марокаш чигирткаси.** Арпа, бувдой, оқ. жўхори, тарик, маккажўхорига катта заар келтиради. Кашкадарё, Самарканд, Сурхондарё, Навоий вилоятларида тарқалган. Чигиртка 2,5—4,2 см. гача узунликда, жигарранг, устида X кўринишида оқ нақш бор . Тупроқда кўзача ҳосил қилиб, ичига тухум қўяди. Кўзача узунлиги 2,5—5 см. Xар бир кўзачага 18—42 та тухум қўяди. Тухуми чўзинчоқ, узунлиги 5 мм. Битта чигиртка 2—3 дона кўзача қўяди. Тухумдан келаси йил баҳорда личинкалар чиқиб, 20—35 кунда вояга етади. Чигиртка тўдалари жуда кўпайиб кетган вақтда 1 м<sup>2</sup> майдонга 1500 дан 6000 тагача кўзачалар жойлайди.


*Кураши чоралари:* чигиртка тарқалиш эҳтимоли бўлган жойлар йил бўйи уч марта текширилиб аниқланади ва личинкалар 3—4 ёшга етмасидан қарши қураш чоралари қурилади. Бульдок (2,5 фоизли эмульсия концентрати — эм.к., 0,1—0,2 л/га), децис (2,5 фоизли эм.к., 0,3—0,5 л/га), конфидор (20 фоизли эм.к., 0,05—0,1 л/га), дурсбан (40,8 фоизли эм.к., 0,4 л/га), регент (80 фоизли сувда эрувчан кукун — с.э. кук., 10,0 г/га), суми-альфа (20 фоизли эм.к., 0,1 л/га) ёки шерпа (25 фоизли эм.к., 0,1 л/га) препаратлари билан ишлов берилади.

**Кузги тунлам.** Қуртлари кузги ғалла экинлари ва маккажўхорини заарлайди. Биринчи авлоди экилган уруҳликни, сўнгра ёш ўсимталарни тупроқнинг юза қаватидан қирқиб, нобуд қиласида. Иккинчи авлод қуртлари такрорий экилган маккажухўрига катта заар етказади. Шунингдек, ўсимлик поясининг ичини, қузда эса сўтасини кемиради. Фаргона водийси, Хоразм, Сирдарё, Кашкадарё вилоятларида, Сурхондарёнинг тоғолди худудларида кўп учрайди.(расм 1).

Бу ҳашаротнинг олдинги қанотлари қўнгир, бўз рангли бўлиб, баъзан кўмир ёки сарғиш рангда товланади. Олдинги қанотида буйраксимон қорамтири доғи бор, ёйилган қанотларининг узунлиги 4 см. Тухуми гумбазсимон, оқиш, сирти қовурғачали, ривожлангани сари ранги корая боради. Қуртининг узунлиги 5 см. гача, ялтирок, кўкиш рангда товланадиган

корамтири-бўз тусда. Гумбаги 14 – 20 мм узунликда, оч кўнгир рангда, қорнининг охирида

иккита айри тукчаси бўлади. Кузги тунламнинг катта ёшдаги қурти ғалла, маккажўхори ва полиз экинлари далаларида уват ва йўл ёқаларида, бедапояда тупроқнинг 5 – 15 см чуқурлигидаги қишлиайди. Баҳорда 3– 6 см чуқурликда ғумбакка айланиб, апрел–майда капалаклар учуб чиқади ва тухум қўяди.



1 – расм. **Кузги тунлам**

1. капалаги; 2. тухуми;  
3. ғумбаги; 4. қурти.

Мавсумда 3 – 4 марта насл беради. *Кураши чоралари*: 1) ўсимликни парваришлаш агротехникаси яхшилаш), 2). далаларга трихограмма тарқатиш; 1 ва 2 авлод ёш куртларига қарши денд-робацилин (0,7 – 1 кг/га) пуркаш; 3) ўсиш даврида каратэ (2,5 фоизли эм.к., 0,7 л/га) ёки цимбуш (25 фоиз ли концентрат эмульсия — к.э., 0,3 кг/га) билан ишлов бериш.

**Заарли хасва.** Буғдой ва арпанинг пояси хамда бошогини шикастлайди. Шолига ҳам зиён етқазиб – у заарлаган далалардан олинадиган дон хосилдорлиги 50 фоизгача камайиб кетади. Хасва Республиkanинг барча минтақаларида кенг тарқалган (2-расм).

Заарли хасванинг бўйи 10 – 12 мм, танаси сарик ёки сариқ-кулранг, сирти мармарсимон нақшли, қалқонининг тубида иккита оқиш доғча бор. Вояга етган ҳашарот тош ва ўсимликлар остида қишлиаб, март – апрелда экинзорга ўтади. 100 – 180 дан 300 тагача тухум қўяди.

*Кураши чоралари:* 1) баҳорги дон экинларини эрта муддатда экиш; ҳосилни қисқа вактда йиғиб олиш; 2) ўсиш даврида децис (2,5 фоизли эм.к., 0,25 л/га), каратэ (5 фоизли эм.к., 0,15 л/га), нугор (40 фоизли эм.к., 1,0—1,5 л/га), а суми-альфа (5 фоизли эм.к., 0,2—0,5 л/га) билан ишлов бериш.



2 – расм. **Заарарли хасванинг вояга етгани;**

**Маккажўхори капалаги.** Маккажўхори, каноп, ғўза, оқ жўхори, тариқ, шоли ва бошқа экинларни заарарлайди. Маккажўхори сўтасига катта зиён етқазади. Республиканинг барча ҳудудларида кенг тарқалган. Маккажўхори капалагининг ёзилган қанотлари 27 – 28 мм, олдинги қанотлари узунроқ, эркак капалакнинг қаноти кўнғир-кулранг, ургочисиники – сарғиш, орқа қаноти тегишли равища қорамтири ва оч сарғиш-кулранг. Тухуми яssi шаклда. Қуртининг узунлиги 25 мм гача, оқ хира – сарғиш рангда бўлиб, орқаси бўйлаб қорамтири йўли бор. Бўғимларида 2 – 4 тагача қора доғчалари бўлади. Ғумбаги қўнғир, узунлиги 20 мм. Қурти ўсимликлар пояси ичида қишлиб, эрта баҳорда гумбакка айланади, 2 – 3 хафтадан кейин капалак чиқиб, 250—300 дан 1250 тагача тухум қўяди. Мавсумда 2 – 3 авлод беради.

*Кураши чоралари:* 1) бегона ўтларни йўқотиб туриш; ўсимликни энг тагидан, яъни тупроққа яқин жойидан ўриб олиш; чуқур шудгорлаш; 2) трихограмма тарқатиш; 3) каратэ (5 фоизли эм.к., 0,2 л/га) ёки золон (30 фоизи намиқувчи кукун – н.к., 1,5 – 2,0 кг/га) препаратлари билан ишлов бериш.

**Кўсак қурти.** Маккажўхори сўтасини ҳамда оқ жўхорини заарарлайди, у Сурхондарё, Тошқент ва Фарғона водийси вилоятларида кенг тарқалган.

Капалагининг ёзилган қанотлари 3 – 4 см, олдинги қанотлари сарғиш-кулранг, ўртасида иккита доғи бор: бири тўқ кулранг, буйрак кўринишида, иккинчиси кичикрок, кулранг, думалоқ. Тухуми гумбазсимон, қовурғали, оқимтири-сарғиш. Кўсак қурти 4 см гача узунликда, оч яшил, кўкиш, сарғиш

рангдан кўнғир рангача. Гумбаги тўқ, кўнғир рангли, 1,5 – 2 см, қорнининг охирида 2 та узун туккаси бўлади. Гумбак ҳолатида тупроқда 10 – 15 см чуқурликда қишлиб, апрел – майда учиб чиқади. 3 – 5 марта гача авлод бериб, 400 тадан 1000 тагача тухум қўяди.

*Кураш чоралари:* 1) ҳосил йиғиб олингач, ерни чимкирқарли плуг билан чуқур шудгорлаш; яхоб суви бериш; 2) трихограмма тарқатиш; кичик ёшдаги қуртларга қарши дендробацилин (1 кг/га) қўллаш; 3) ўсиш даврида дециис (2,5 фоизли эм.к., 0,7 л/га), фенкил (20 фоизли эм.к., 0,4 л/га), ципи (25 фоизли эм.к., 0,3 л/га) ёки циракс (25 фоизли эм.к., 0,3 л/га) препаратлари билан ишлов бериш.

**Буғдой трипси.** Буғдой, арпа, сули, маккажўхори ва бошқа ғалладош ўсимликларни заарлайди. Ҳосилини эса 50 фоизгача нобуд килади.

*Кураш чоралари:* 1) анғизни (ҳосилий йиғилган ер) суғориш ва уни ағдариб ҳайдаш; алмашлаб экиш; баҳорги экинларни эрта муддатда экиш; 2) ўсиш даврида каратэ (5 фоизли эм.к., 0,2 л/га), децис (2,5 фоизли эм.к., 0,25 л/га), нугор (40 фоизли эм.к., буғдой — 1,5 л/га, арпа, жавдар, сули-1,0-1,2 л/га) ёки карбофос (25 фоизли к.э., 0,3 л/га) билан ишлов бериш.

**Маккажўхори шираси.** Арпа, буғдой, маккажўхори ва оқ жўхорини заарлайди. Ўсимлик шираси билан озиқланади. Республика нинг барча ҳудудларида тарқалган. Шира танаси 1,5 – 2,8 мм, яшилдан тўқ қўнғир рангача бўлади, қанотли ва қанотсиз, тирик личинка туғиб, кўпаяди.

*Кураш чоралари:* 1) баҳорги дон экинларини эрта муддатларда экиш; анғизни эрта ҳайдаш; 2) ўсиш даврида бензофосфат (30 фоизли эм.к., 1,6 – 2,3 л/га), золон (30 фоизли н.кук., 1,5 – 2,0 кг/га), децис (2,5 фоизли эм.к., буғдой – 0,25 кг/га), каратэ (5 фоизли эм.к., 0,15 – 0,2 л/га), нугор (40 фоизли эм.к., 1 – 1,2 л/га), 50 фоизли карбофос (0,5 – 1,2 кг/га) препаратлари билан ишлов бериш.

**Нўхат шираси.** Бир йиллик ва кўп йиллик дуккакли экинлар — нўхат, вика, беда, ясмиқ ва бошқаларга зиён етказади. Ўсимликнинг юқори қисмидаги барги, гули, меваси ва поясининг ширасини сўриб зарар

келтиради. Бунинг оқибатида барглар буралиб, ўсиб-ривожланиши секинлашади.

Шира яшил, айрим ҳолларда қўнғир – қизил рангда, 4,5 – 5 мм узунликда бўлади. Ўсимлик поясининг ер юзасига якин қисмида тухум холида кишлайди, баҳорда ундан личинка чиқади. Вояга етган шира 50 дан 120 тагача тирик личинка туғади. Вегетация даврида 4 тадан 10 тагача авлод беради.

*Кураши чоралари:* 1) дуккакли-дон экинларини эрта муддатларда экиш; бир ва қўп йиллик дуккакли экинларни бир-биридан узоқроқ жойлаштириш; 2) заарланган далаларга 30 фоизли карбофос (1,5 кг/га) ёки 20 фоизли метафос (1 кг/га) билан ишлов бериш.

**Лавлаги узунбуруни.** Қўнғизи ёки қурти лавлагининг барглари ва поясини еб, зарар етқазади. Совуқ ёки жуда иссик вақтларда тупроқ остига яшириниб, кўкариб келаётган ўсимталарни нобуд қиласи. Личинкалари дастлаб ён илдиз ўсимталарини, сўнгра илдиз учини кемиради.

Лавлагт қўнғизи 15 мм гача узунликда, қанотининг усти оқиши-кулранг, қорамтири эгри йўллари бор. Қорнида майда қора нуқталар бўлади. Личинкаси оқ, оёқсиз, оч қўнғир бошчали. Узунлиги 12 – 14 мм. Қўнғиз тупроқнинг 15 – 45 см чукурлигига қишлоғи, баҳорда тупроқ устки қатламига 100 – 120 дан 360 тагача тухум қўяди. Личинка тупроқда гумбакка айланади.

*Кураши чоралари:* 1) бегона ўтларни йўқотиш; 2) уруғликни гептахлор (22 фоизли эм.к., 1,1 – 1,4 кг/га) билан дорилаш; экиш билан бирга тупроқда гранулаланган фосфорит (100 – 150 кг/га) солиш; нихолларни полихлорпиен (65 фоизли эм.к., 1,6 – 3 кг/га); усиш даврида ГХЦГ (50 фоизли н.кук., 0,8 – 1,5 кг/га) ёки 80 фоизли техник хлорофос (0,8 – 2,5 кг/га) билан ишлов бериш.

**Туганак узунбуруни.** Қўнғизи ўсимликнинг юқориги ёш баргларини еб зиён етқазади. Уруғ, барг ва ўсиш нуқтасини заарлаб, ўсимликни нобуд қиласи. Личинкалари илдиз тизимида туганаклар билан озиқланади.

Құнғизи кулранг, 3 – 5 мм гача узунлиқда, қиска йүғон хартум-бошли, қаноти устида оч ва түк йўллари бор. Личинкалари 5 мм гача узунлиқда, оқиши, бошчаси оч қўнғир тусли. Қўнғизи тупроқнинг устки қатлами ва ўсимлик қолдиқлари остида қишлиайди. Баҳорда жонлангач, кўп йиллик дуккакли ўсимликлар барги билан озиқланиб, сўнгра бир йиллик дуккакли экин далаларига ўтади. Қўнғиз тупроқ ёки ўсимликка бир неча ўнтадан 3600 тагача тухум кўяди.

*Кураш чоралари:* 1) бир йиллик дуккакли экинларни баҳорда эрта муддатларда экиш; 2) уруғликни 12 фоизли ГХЦГ (10 кг/т) билан дорилаш; ниҳолларига 12 фоизли ГХЦГ (10—15 кг/га) ва ўсиш даврида 80 фоизли техник хлорофос (2—2,5 кг/га) билан ишлов бериш.

### **Донли экинлар касалликлари ва уларга қарши кураш**

**Буғдой қўнғир занги.** Барча вилоятларда тарқалган. Буғдой шу касалга гуллаш даврида чалинса, 10 – 26,5 фоизгача, бошок чиқариш палласида касалланса, 40 – 50 фоизгача ҳосилини нобуд қиласида. Баргларда думалоқ, сарғиши-қўнғир, чангли урединиопустулалар ҳосил бўлиб, уларда ривожлангач, урединиоспоралар шамол ёрдамида тарқалади. Ёввойи ҳолда ўсуви бошоқли ўтлар касаллик манбаи бўлиб хизмат қиласида. Замбуруғ касалланган майсалар ичида мицеллий ҳолида ва баргларда пустула шаклида қишлиайди.

**Буғдой сарик занги** кам тарқалган, лекин зарари катта касаллиқдир.

*Кураш чоралари:* ўсимликка бошоқлаш давригача тилт (25 фоиз-ли эм.к., 0,5 л/га), рекс (49,5 фоизли суспензия концентрати – сус.к., 0,4 – 0,6 л/га) билан ишлов бериш.

**Чанг коракуя.** Буғдой, арпа, сули, маккажӯхорини шикастлайди. Бошоқ ва рўвакда қорамтири чанг массалари ривожланади. Үруғ дориланмай экилганда касаллик экиннинг 10 – 20 фоизгача камраб олади. Касаллик яширин ҳолда ўтганда ўсимликнинг бўйи паст, бошоғидаги дон миқдори ва вазни ҳам кам бўлади.

*Кураши чоралари:* уруғликни байтан универсал (19,5 фоизли н.күк. 2,0 кг/т), винцат (5 фоизли сус. к., 1,5—2,0 л/т), дивидент (3 фоизли сус. к., 2,0 л/т) ёки фундазол (50 фоизли н. күк., 2,0—3,0 кг/т) билан дорилаш (1 т уруғга 10 л сув).

**Арпадаги қаттық ва маккажүхоридаги пулфакли қоракуялар.** Арпа да дон ўрнига қоракуя споралари билан тўлган халтачалар ва маккажүхорининг ҳар хил органларида пулфакчалар пайдо бўлади. Инфекция уруғнинг ташқи қисмida, пулфакли қоракуя эса касалланган органларда сақланади ва кейинги йилга ўтади.

*Кураши чоралари:* 1) заарланган маккажүхори пояларини йигиб олиб, қўмиб ташлаш; алмашлаб экиш; бегона ўтларни йўқотиш; экинларни парваришилашда юкори агротехникани қўллаш; 2) уруғликни байтан универсал (19,5 фоизли н.күк., 2 кг/т), фундазол (50 фоизли н.күк., 2,0 – 3,0 кг/га), паноктин (35 фоизли сус.к., 2,0 л/т) билан дорилаш (1 т уруғга 10 л сув).

**Ун-шудринг.** Ун шудринг буғдой, арпа, сулида ҳамда лавлагининг барча ер устки қисмини шикастлайди. Масалан, ҳосилни 2 – 3 фоиздан 20 – 25 фоизгача камайтиради. Дастрлаб баргларда оқ паҳтасимон доғ қатлами қосил қиласди, кейинчалик қалинлашиб, бўртиб чиккан кулранг ёки сарғиш – кулранг ёстиқчалар тусига киради. Касаллик поя ва бошоқларга ҳам ўтади. Уларда замбуруғ конидиялари пайдо бўлиб, бир хужайрали, рангсиз, цилиндрисимон шаклда, шамол ёрдамида тарқалади. Ёз охири ва куз даврида касалланган ўсимлик органларида замбуруғнинг қишлоғчи палласи – мева таначалари пайдо бўлади. Уларда етишган аскоспоралар кузги ғалла экинларига ўтади ҳамда уларда ва ёввойи бошоқли ўтларда қишлиайди.

*Кураши чоралари:* 1) алмашлаб экиш; ерни чукур шудгорлаш; бегона ўтларни йўқотиш; баҳорги ва қузги ғалла далаларини ўзаро яқин жойламаслик; чидамли навлар экиш; 2) ўсиш даврида тилт (25 фоизли эм.к., 0,5 л/га), 80 фоизли олтингугурт (н.күк., 8,0 – 16,0 кг/га), рекс (49,5 фоизли сус.к., 0,4 – 0,6 л/га) билан ишлов бериш.

б) лавлагининг барча ер устки органларини шикастлайди. Касалланган органларида ёзниг биринчи ярмида оқ доғлар, иккинчи ярмида эса

қора рангли майда пулфаксимон клейстотеңлар пайдо бўлади. Касалланган барглар эрта сўлиб қолади. Замбуруғ ўсимлик қолдиқлари ва уруғмева ҳамда илдизмевада кқишилайди. Қуруқ ва иссиқ об-хаво шароитида қучли ривожланади.

*Кураш чоралари:* 1) касалликка чидамли навларни яратиш ва жорий этиш; ўсимлик қолдиқдарини даладан тўлиқ олиб чиқиб кетиш; суғоришни ўз вактида ўтказиш; 2) ўсиш даврида олтингугурт билан чанглаш (15–20 кг/га) ёки унинг 1 фоизли суспензияси билан пуркаш (4 – 6 кг/га).

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан химоя қилишда қандай тадбирлар кўрилади?
2. Ўсимликларни биологик ва кимёвий химоя қилиш чораларини баён этинг.
3. Ўсимликларни химоя қилишда агротехник ва карантин тадбирларининг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
3. Донли ва ем-хашак экинларининг кенг тарқалган зааркунандаларини тавсифланг ва уларга қарши кураш йўлларини баён этинг.
4. Донли экинларининг кенг тарқалган касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари ҳақида нималарни билиб олдингиз?

### **1 - Амалий машғулот**

#### **Ўсимликларнинг зааркунанда ва касалликлари билан танишиш**

*Топширик* – зааркунандаларни ва касалликларини ташқи белгиларига ва ўсимликларнинг шикастланганлигига қараб аниқлаш.

*Талаб қилинади* – ўсимлик ва зааркунанда намуналари, гербарий, уруғ, мевалар, расмлар, ўқув қўлланма, муляжлар тарқатма материал.

Зааркунандалар уларнинг спирт (формалин)даги намуналари ёки ясама нусхалари, муляжлари, предмет ойначасидаги препаратлар бўйича ўрганилади.

Шикастланган ўсимлик органлари ўрганишда эса қуритилган ва қаттиқ, қоғозга ёпиширилган намуналар, айрим ҳолларда ўсимлик шохчasi ёки унинг бир бўлаги, илдиз бўлакчasi, туганак, илдизмева ва бошка намуналардан фойдаланилади.

Кузатиш учун заррабин-лупа, пинцет, игнали таёқча, предмет ойначаси, Петри идишчаси керак бўлади.

### **Кўпхўр зааркунандаларни ташки кўринишига қараб аниқлаш:**

**Кузги тунламнинг** ташки белгилари: яшил доғли, ёғсимон товланувчи, еркулранг тусли, куртларининг узунлиги 40—50 мм. Орқаси ва ён томонларида буйлама йўли бор. Бошчаси маллароқ. Ўтлоқ парвонасининг ташки белгилари: куртлари ингичка, яшил кулранг, қорамтири ва оч тусли бўйлама йўллари бор. Бошчаси қора, оч тусли нақшлари, кўкрак олдининг устида сариқ йўли кўзга ташланади. Елкасидан қора бўртмаси оч тусли икки ҳалқа билан ўралган. Узунлиги 25 – 35 мм. Беданинг барги тўрсимон ва дағал ёйилган бўлади.


### **Ўсимликнинг шикастланганлигига қараб, зааркунандаларни аниқлаш**

**Туганак узунбуруни личинкаси.** Ўсимликнинг илдизини, туганакларини шикастлайди. Оч-кўнғир бошчали, эгилган, оёқсиз, майда, узунлиги 5 мм гача бўлган личинкалардан иборат.

**Туганак узунбуруни қўнғизи.** Ўсимликнинг барг ёки пояси, айрим ҳолларда генератив органлари шикастланган, барглар чеккаси овал шаклда кемирилган бўлади. Уларни майда (2,8 – 5 мм), ер-кулранг тусли калта хартумбошли узунбурун қўнғизча заарлайди.

**Беда узунбуруни** (фитономус). Бедани 4,5 – 6,5 мм узунликдаги қўнғизчалар заарлайди. Қанотининг усти кирсариқ тусли, қорамтири қалқон олди доғидан қанот бирикиши бўйлаб қора йўлчаси бор. Баргларда думалоқ ёки овал тешикчалар, барг банди ва пояда кичик чуқурчалар шаклида кемирилган шикастланишлар кузатилади.

**Лавлаги узунбуруни.** Илдизмевага кеми्रувчи зааркунанда шикаст етказган. Эгилган, оёқсиз, қирра бошчали оқ личинкалар майда ён илдизларни еб, асосий илдизни қисман ёки илдиз учини түлиқ кемириб шикаст етказади.



3 – расм. **Лавлагининг зааркунандалар билан шикастланиши:**

1 –лавлаги нематоди; 2 – кузги тунлам қурти; 3 – оддий лавлаги узунбуруни;  
4 – оддий лавлаги узунбуруни қўнғизи; 5 –лавлаги шираси.

**Лавлаги нематоди.** Лавлаги илдиз тизими кучли шохланиб, «соқолсимон» шакл олади. Ўсимлик ўсишдан орқада қолади ва сўлийди. Текшириб қўрилганда иддизда узунлиги 0,4 мм гача чўзиқ танали ёки бўйи 0,7 – 1 мм ва йўғонлиги 0,4 – 0,5 мм. ча келадиган куртлар (личинкалар) бўлади.

**Оддий лавлаги узунбуруни.** Лавлагининг барг ва поялари шикастланган. Бу узун хартумбошли, бўйи 15 мм гача бўлган оқиши-кулранг, қаноти устида қора эгри ва оч тусли йўллари бор қўнғиз етказган заардир.

**Ўсимликларнинг заарланганлигига қараб,  
касалликларини аниқлаш**

**Пуфакли қоракуя.** Катта ёшдаги маккажўхори ўсимлигининг барг пластинкаси томирчаларида, поя бўғинларида пуфаксимон шишлар вужудга келади. Султонининг айрим гуллари ва донлари шикастланган, баъзи донлари қаварган бўлади.

**Ун-шудринг.** Бу касалликдан барча бошоқли экинларнинг поя ва барглари шикастланади. Баргларда унга ўхшаш оқ ёки кулранг доғлар пайдо бўлади. Айрим ҳолларда унсимон доғларда майда қора нукталар кузатилади.

**Поя қоракуяси.** Буғдойнинг барг ва пояларида қора йўлчалар ёки дарзлар бўлиб, улардан чангсимон қора масса тушиб туради.

**Поя занги.** Барча бошоқли экинлар барги ва поясида сариқ, қўнғир ёки қора ёстиқчалар пайдо бўлиб, узунасига турли чизиклар бўйлаб жойлашади.

**Сарик занг.** Жавдар, буғдой ва арпанинг барг ва пояларида сариқ майда ёстиқчалар бўлади. Эпидермис билан қопланган қора ёстиқчалар ҳам учраши мумкин.

**Қўнғир занг.** Арпа ва буғдойнинг барглари ва пояларида эпидермис остида қўнғир ёки қора ёстиқчалар бўлади.

**Қаттиқ қоракуя.** Буғдой ва арпа бошоқлари тўлиқ шикастланган, дон қора чангга айланган. Дон кобиғи сақланган ёки унинг ўрнида юпқа оқ парда қолган.

#### 1.4. Алмашлаб экиш

Алмашлаб экиш деганда ўсимликлардан юқори сифатли ҳосил олиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган режага мувофиқ экинларнинг навбатлаб экилиши тушунилади. Экинларни далалар ва йиллар бўйича илмий асосда навбатлаб экиш **алмашлаб экиш** деб аталади. Экинлардан мўл ҳамда сифатли ҳосил олишнинг асосий гарови илмий асосланган алмашлаб экишdir. Алмашлаб экишни тўғри қўллаш тупроқнинг сув, табиий ва кимёвий хоссаларини яхшилайди, ўсимлик тупроқдаги намлиқдан, озиқ моддалардан унумли фойдаланади, бегона ўтлар, заракунанда ва касалликлар камаяди. Турли экинларни алмашлаб экиш натижасида тупроқда илдиз қолдиқлари ва ўсимликлар ўзлаштира оладиган азот моддалари ортиб, тупроқ унумдорлиги ошади.

Кўп йиллик дуккакли экинлардан беда экилган бўлса, уч йиллик ўсув даври давомида ҳар гектар майдонда 20 – 30 тоннагача илдиз қолдиради ва шу илдиз таркибида 0,15 – 0,18 % гача ўсимликлар ўзлаштирадиган

биологик азот бўлади. Бундан ташқари илдиз тупроқни чиринди билан бойитиши ҳисобига тупроқнинг ғоваклиги ошади, шунинг ҳисобига тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ортади, шур ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, сизот сувларнинг сатҳи пасаяди.

Алмашлаб экишга киритилган экинларнинг рўйхати ёки шу экинлар билан банд бўлган далаларнинг бир-бирига нисбати *алмашлаб* экии тизими дейилади. Экинларни тартиби билан, белгиланган тизимда ҳар бир далага экиш учун кетган вақт алмашлаб экиш ротацияси ёки *ротация даври* дейилади. Ротация даври далалар сонига teng бўлади. Экинларни ротация даврида йиллар ва далалар бўйича жойлаштириш режаси *ротация жадвали* дейилади.

Экинларни бир даланинг ўзида алмашлаб экиш тупроқ унумдорлигидан рационал фойдаланиш имконини беради. Лекин экинларни навбатлаб экишда уларнинг биологик жиҳатдан турли типда: дуккаклилар ( бир йиллик ва кўп йиллик), бошоқли ғалла экинлари, илдизмевалар ва тугунакмевалар ҳамда бошқа чопик қиласидан турли турлилар. Алмашлаб экиш тизимида тўғри амал қилинса, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланади ва аҳоли учун мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чарвочилик учун ем-хашак, қайта ишлаш саноати учун хом ашё етказиш яхшиланади. Тупроқ иқлим шароитини ҳамда хўжаликларнинг чорва озуқасини ҳисобга олган ҳолда қуидагича алмашлаб экиш тавсия этилади:

1. Биринчи йили силос учун маккажўхори экилади, у йифиб олингандан сўнг ўрнига ёзда беда экилади ва беда 2 – 3 йилгача сақланади.
2. Биринчи йили дон учун ғалла экилади ва ўрнига силос учун маккажўхори ёки беда экиш мумкин.
3. Пахтадан кейин оралиқ экинлар экиб, унинг ўрнига чорва моллари учун озуқабоп экинлар экилиши мумкин.

Лалмикор ерларда асосан жойнинг рельефи ҳамда табиий-иқлим шароитига қараб, қора шудгорга дон экинлари ҳамда турли қатор оралари ишланадиган экинлар навбатма-навбат жойлаштирилади.

Пахтачилик хўжаликларида беда тупроқ унумдорлигини оширадиган асосий экин ҳисобланади. У тупроқда азот тўплайди, тупроқ тузилмасини, сув-физик хоссаларини яхшилайди. Бедапояни бузиб ўрнига ғўза экилганда юқори ҳосил олинади. Бундай алмашлаб экиш ғўза-бедадан иборат бўлади. Айрим алмашлаб экиш тизимида асосий экин қатор оралари ишлов бериладиган экинлар, бошоқли дон экинлари экиб навбатланади. Масалан, картошка билан буғдой, эртаги картошка билан буғдой, маккажўхори билан буғдой, кузги буғдой билан баҳорги буғдойлар ва ҳоказо. Алмашлаб экишда авваламбор ўтмишдош тупроқ унумдорлигига таъсири ҳисобга олинади. Фалла ва ем-хашак экинлари учун дуккакли дон экинлари – кўк нўхат, соя, мош энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳар бир экин ёки экинлар гурухи учун шундай ўтмишдош танлаш керакки, бунда ўтмишдош экинлардан кейин далага экилган экинларнинг ҳосилдорлиги ошсин. Турли тизимдаги алмашлаб экишни қўллаш билан даланинг бегона ўтлар билан ифлосланганлиги, экинларнинг бактерия касалликлари билан касалланишини бирмунча камайтириш мумкин. Алмашлаб экишда, масалан, беда экилганда шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, сизот сувларининг сатҳи пасаяди, экинларнинг вилт билан касалланиши камаяди ва бир қанча бегона ўтлар йўқотилади. Бу тупроқ унумдорлигини оширишга имкон берадиган асосий тадбир ҳисобланади.

Аламашлаб экишни жорий этиш икки даврдан иборат бўлади:

- 1) алмашлаб экишни режалаштириш;
- 2) алмашлаб экишни жорий этиш.

Алмашлаб экишни режалаштиришда қўйидаги ишлар амалга оширилиши зарур: ер-сув ҳисобга олинади, барча ерлардан фойдаланиш режаси лойиҳалаштирилади; хўжаликларда келгусида этиштириладиган

маҳсулотлар ҳажми белгиланади; алмашлаб экиш учун мўлжалланган экинлар ҳосилдорлиги ҳисоблаб чиқилиб, экин майдонлари белгиланади; чорвачилик учун ем-хашакка бўлган талаб ҳисоблаб чиқилади; ем-хашак учун экин майдонлари ҳосилдорлиги белгиланади; хўжалик ер тартиби катта-кичиликини ҳисобга олиб алмашлаб экиш кетма-кетлиги аниқланади; экинларни алмашлаб экиш режаси тузилади; ерга ишлов бериш, ўсимликларни павариш қилиш, ўғитлаш, ҳар бир экин ва алмашлаб экиш бўйича бегона ўтлар, касаллик ва зааркундалар билан курашиш тизими ишлаб чиқилади. Алмашлаб экишда экинларни тўғри танлаш ва навбат билан жойлаштириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширилганда тупроқнинг унумдорлиги билан бирга экинларнинг ҳосилдорлиги ҳам ошиб боради.

Алмашлаб экиш уч турга – дала алмашлаб экиш, ем-хашак алмашлаб экиш ва маҳсус алмашлаб экишга бўлинади (2 жадвал).

2 жадвал

### **Алмашлаб экиш классификацияси**

<b>Алмашлаб экиш турлари</b>	<b>Алмашлаб экиш тизими</b>
1. Дала алмашлаб экиш	Дон-шудгор, дон-шудгор – қатор оралари ишланадиган экинлар Дон-ўт, дон-ўт қатор оралари ишланадиган экинлар Қатор оралари ишланадиган экинлар Ўт-қатор оралари ишланадиган экинлар. Сидератлар
2. Ем-хашак алмашлаб экиш а) ферма олди;  б) пичан тайёрланадиган яйлов	Дон-ўт қатор оралари ишланадиган экинлар Қатор оралари ишланадиган экинлар Ўт далали, шу жумладан тупроқни ҳимоя қиласиган экинлар
3. Маҳсус алмашлаб экиш	Дон-ўт, шу жумладан шоли Қатор оралари ишланадиган, шу жумладан сабзавот экинлари Ўт-қатор оралари ишланадиган, шу жумладан сабзавот экинлари, пахта

Дала алмашлаб экишда майдоннинг ярмидан кўпроғига дон, пахта,

картошка ва бошқа техника экинлари экилади.

Ем-хашак алмашлаб экишда майдоннинг ярмидан кўпроғига ем-хашак экинлари экилади.

Махсус алмашлаб экишда махсус шароит ва агротехника талаб қиласидан экинлар учун жорий қилинади. Буларга сабзавот, полиз экинлари, шоли, тамаки ва бошқалар киради.

**Дала алмашлаб экиш.** Кўп далали дала экинларини алмашлаб экиш ротациясини бир-бири билан боғланган алоҳида қисмлардан иборат деб қараш мумкин. Алмашлаб экишнинг алоҳида қисмида 2 – 3та ҳар хил экин навбатланиши мумкин.

Ўт – қатор оралари ишланадиган алмашлаб экишда тупроқ хусусиятларини яхшилашга қаратилган бўлиб, бу кўп йиллик ўтлар экилган дала ҳисобланади.

Беда-пахта алмашлаб экишда асосан 2 хил экин назарда тутилади.. Бедадан кейин 3-4 йил давомида пахтадан юқори ҳосил олиш мумкин. Пахта экилаётган далаларда оралиқ экинлардан фойдаланиш пахта ҳосилининг барқарор бўлишига ёрдам беради.

Агар беда битта далада 3 йил, пахта 6 йил экилса алмашлаб экиш тизими 3:6 рақами билан белгиланади. Беда 2 йил, пахта 3 йил, маккжўхори 1 йил, яна пахта 2 йил экилса, алмашлаб экиш 2:3:1:2 рақами билан белгиланади.

**Чиқарилган далали алмашлаб экиши.** Бу турдаги алмашлаб экишни ем-хашак экинларига ажратилган алмашлаб экишда чегараланган катталиқдаги майдонда жорий қилинади. Шунингдек, беда-пахта алмашлаб экиш тизимида ҳам мелиоратив ёки чиқарилган далани қўллаш мумкин. Масалан, 10 далали алмашлаб экишда битта далага беда экилади, қолган 9та далага 1:2:1:2:1:2 схемасида буғдой ва пахта экилади. Беда 3 йилдан кейин ҳайдалиб, алмашлаб экишга қўшилади. Унинг ўрнига ҳосилдорлиги пасайган битта дала алмашлаб экишдан чиқарилади.

Ҳозирги даврда буғдой-пахта алмашлаб экишга бедани киритиш

зарурати тобора ойдинлашиб бормоқда. Чунки, тупроқларнинг унумдорлиги сезиларли даражада пасаймоқда. Агар беда буғдой билан қоплама қилиб экилса алоҳида экин сифатида икки ярим йил давомида далани банд қиласи. Бундай қисқа муддатли алмашлаб экиш тупроқ унумдорлиги ва структурасини тиклашга ёрдам беради.

**Ем-хашак алмашлаб экиш.** Ем-хашак экинлари ҳозирги даврда асосан дон ва техника экинларини навбатлаб экиш тизимиға киритилган. Лекин, баъзи ем-хашак экинлари ўзининг биологик хусусиятларига кўра ҳамма жойда ҳам сифатли ва юқори ҳосил беравермайди.

Ферма олди ем-хашак алмашлаб экиш анча самарали ҳисобланади. Экинларнинг таркиби бўйича ферма олди алмашлаб экиш ўт- қатор оралари ишланадиган, дон – ўт – қатор оралари ишланадиган, дон – қатор оралари ишланадиган ва қатор оралари ишланадиган хилларга бўлинади.

Ўт- қатор оралари ишланадиган алмашлаб экишда кўп йиллик ўтлар ва бир йиллик ем-хашак ( судат ўти, маккажўхори) экинлари, бошқа алмашлаб экишда арпа, сули, жавдар, хашаки лавлаги каби экинлар экиласи.

Қатор оралари ишланадиган экинлар экиласидаги алмашлаб экишда асосий майдонни ёки ҳамма майдонни қатор оралари ишланадиган экинлар эгаллади. Бу экинлар икки йил ва ундан ортиқ бир далада экилиши мумкин. Органик ва минерал ўғитларни етарли даражада қўллаш бир гектар ердан олинидиган маҳсулот миқдорини юқори бўлишини таъминлайди.

Ферма олди алмашлаб экишда қатор оралари ишланадиган экинларни иложи борича унумдор ерларда қўллаш лозим. Унумдорлиги паст бўлган ерларда органик ва минерал ўғитларни қўллаш керак.

Ем-хашак алмашлаб экишда қуйидаги тизимларни жорий этиш тавсия этилади.

Биринчи: 1-кузги ғалла + беда; 2,3 – беда; 4 – хашаки лавлаги; 5,6 – маккажўхори.

Маккажўхори бир неча йиллар давомида ажратилган далада ўстирилиш мумкин.

Иккинчи: 1-арпа + беда; 2,3 – беда; 4- маккажўхори силос учун; 5 – хашаки лавлаги, 6 – маккажўхори, 7-хашаки лавлаги. Хашаки лавлагини маккжўхори билан бирга қоплам ости экини сифатида ҳам экса бўлади.

Учинчи: 1-судан ўти +беда; 2,3 – беда; 4 – маккажўхори силос учун; 5- картошка; 6-кўкат учун бир йиллик ўтлар.

Қатор оралари ишланадиган экинларнинг салмоғи 33 дан – 57%гача, бир йиллик ва кўп йиллик ўтларнинг салмоғи 28 дан 67%гача бўлади. Бу алмашлаб экишларни тузишда қопловчи ва қоплам ости экинларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Қатор оралари ишланадиган экинларни салмоғи кўп бўлган алмашлаб экишда оралиқ экинларни экиш яхши натижа беради.

Беда-маккажўхори икки далали алмашлаб экишни ҳам истиқболли деб қараш мумкин. Бу алмашлаб экишда 3 – 4 йиллик беда шунча йил давомида етиштирилган маккажўхори даласи билан алмашади. Бундай алмашлаб экишда бир далада беда, иккинчи далада маккжўхори ўстирилади. Битта ёки иккала экиннинг ҳосилдорлиги пасайиши билан уларнинг ўрни алмаштирилади.

Ўт - қатор оралари ишланадиган алмашлаб экишда ғалла экинлари қўшилса дон-ўт-қатор оралари ишланадиган алмашлаб экишга айланади. Масалан, 5 ва 8 далали алмашлаб экишлар: 1-силос экинлари; 2,3- кузги ёки баҳорги ғалла (қоплам остида беда); 4-беда; 5-картошка ёки илдизмевалилар; ва 1- баҳорги арпа + беда билан бирга; 2,3 – беда; 4-маккажўхори; 5-картошка ва хашаки лавлаги; 6- бир йиллик ўтлар; 7 – кузги ғалла-маккажўхори силос учун; 8-маккажўхори.

Чарво молларнинг тури ва таркибига қараб экинлар навбатланишига ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Пичанзор – яйлов алмашлаб экиш дарё ёқаларидаги ўтлоқи тупроқларда, ҳайдаладиган ерларнинг нишаблиги катта бўлган жойларида, ботқоги қуритилган ерларда ва ем-хашак экинларидан бошқа экинларни экиш ҳам самара берадиган ҳудудларда жойлаштирилади.

Пичан – яйлов алмашлаб экишда ҳар бир нечта дала қисқа даврда

алмаштирилиб, фойдаланиладиган яйлов сифатида ажратилади (2–5 йилгача). Ўтлар ҳаётининг 1 – 2 йиллари нимжон бўлганлиги ва моллар тепкилаб ташламаслиги учун улар пичан сифатида ўриб турилади. 4 – 7 йилдан сўнг яйлов ҳайдалиб, унда бир йиллик ўтлар ўстирилади. Бу ҳосил бўлган чимни чиритиш озиқ моддаларга айланишини таъминлайди.

Шундай қилиб, пичан-яйлов алмашлаб экиш 2 даврга бўлинади: ўтлоқ ва *пичан* етиштириш.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш муносабатлари ва структурасининг ўзгариши ем-хашак алмашлаб экишга илмий асосда ёндашишни тақозо этмоқда.

**Махсус алмашлаб экиш. Сабзавот алмашлаб экиш.** Бу алмашлаб экишда даланинг асосий ёки ҳамма майдони сабзавот экиnlари билан банд бўлади. Сабзавот экиnlарининг ўтмишдошларини 3 гурӯхга бўлиш мумкин: яхши, қониқарли ва ёмон.

Карам учун кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар, сабзи, картошка яхши ўтмишдош бўлади. Бедадан кейин 2 – йили карам экиш мумкин, лавлагини эса 2 йили экилганда ҳосил сифатини пасайишига олиб келади.

Сабзи учун бир йиллик ўтлар, карам ва картошка яхши ўтмишдош бўлади. Сабzinинг ўзи эса қониқарли ўтмишдош хисобланади.

Лавлагини картошка ва сабзидан кейин лойиҳалаштириш керак. Карамдан кейин экилса ҳам бўлади.

Сабзавотчилиқда қўйидаги алмашлаб экишни қўллаш мумкин: 1-эртаги пиёз ва бодринг; 2-эртаги карам ва гулкарам; 3-илдизмевалилар; 4-эртаги картошка ва кечки карам; ёки 1-карам + кечки сабзи; 2-лавлаги; 3-эртаги сабзи + кечки карам; 4-маккажўхори силос учун; 5-сабзи; 6-кўкат ва бошқа сабзавот экиnlари.

Агар сабзавот алмашлаб экишда ем-хашак экиnlари киритилса, ем-хашак-сабзавот алмашлаб экишга айланади. Масалан: 1-бир йиллик ўтларни кўп йиллик ўтлар билан аралаштириб экиш; 2,3- кўп йиллик ўтлар; 4-карам; 5-илдизмевалилар; 6-картошка; 7-хашаки лавлаги ва силос экиnlари. Полиз

экинлари учун алоҳида алмашлаб экиш қўлланилади.

Шоли алмашлаб экиш. Шоли экилган далаларда анаэроб шароитда тупроқда заҳарли бирикмалар тўпланади. Бу моддаларни оксидланиши учун тупроқда аэроб шароит яратиш, яъни шолини бошқа экин билан алмашлаб экиш лозим. Шоли учун яхши ўтмишдош беда ҳисобланади. У тупроқ структурасини тиклайди, унумдорлигини оширади ва яхшилайди.

Ўзбекистонда шолини қуйидагича алмашлаб экиш мумкин:

Уч далали: 1-шоли; 2- шоли; 3-қатор оралари ишланадиган экин.

Тўрт далали: 3:1 шоли + қатор оралари ишланадиган экин.

Олти далали: 2-6 беда + шоли.

Етти далали: 2:2:1:2 беда – шоли – маккажўхори – шоли.

Тўққиз далали: 3:3:1:3 беда – шоли – маккажўхори – шоли.

Ўн далали: 3:4:1:3 беда – шоли – маккажўхори – шоли.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Алмашлаб экишнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти қандай?
2. Алмашлаб экиш турларини сананг.
3. Лалмикор ерларда алмашлаб экишни айтинг.

### **2-амалий машғулот**

**Топшириқ** – Алмашлаб экиш жадваллари билан танишиш ва ўрганиш.

**Талаб қилинади-** жадваллар ва услугубий кўргазмалар, ўқув қўлланма, тарқатма материал.

Ем-хашак алмашлаб экишни ўрганиш. Бунинг учун маҳсус хўжаликдаги майдонларни ва уларнинг тупроқ шароити ҳақидаги барча маълумотларни ўрганилади. Хўжаликда тупроқлар текширилиб чиқилади ва бу тупроқлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Қайси далада қандай экинни жойлаштириш яхши самара бериши аниқланади. Тупроқ шароити ёмон бўлган далалар аниқланиб, уларни яхшилаш бўйича тадбирлар режаси тузилади.

Куйидаги жадвални давом эттиринг, бунда 5 далали ем-хашак алмашлаб экиш бир неча йиллар учун мұлжалланган.

Йиллар	Ем-хашак алмашлаб экиш				
	Дала				
1	кузги ғалла + беда	беда	беда	хашаки лавлаги	маккажүхори.
2					
3					
4					
5					
6					

### 1.5. Ўғитлар ва уларнинг қўлланиши

**Ўсимликларнинг озиқланиши.** Ўсимликлар илдизидаги тукчалари орқали тупроқдаги минерал озуқа элементларини ўзлаштиради. Бу жараёнда тупроқ микроорганизмларининг роли катта бўлиб, у минерал бирикмаларни ўсимлик ўзлаштирадиган шаклга айлантиради.

Тупроқдаги бактериялар аммиакни оксидлаб нитратларга айлантиради, атмосферадаги азотни ўзлаштиришда иштирок этади, қийин эрийдиган ва эримайдиган фосфор бирикмаларини эрийдиган шаклга айлантиради, органик моддаларнинг чиришида иштирок этади ва ҳоказо.

Ўғитлар самараси муайян жойнинг (иклим, тупроқ ва бошқа) шароитлари, ўсимлик тури, ўғитлаш меъёри ва ўсимликларга боғлиқ бўлиб, юқори агротехник тадбирлар қўлланилганда бу кўрсаткич кескин ортади. Лалмикор дехқончиликдагига нисбатан суғориладиган дехқончилик шароитида ўғитлар самараси бир неча марта юқори бўлади.

Ҳар бир ўсимлик озиқланиш жараёнида тупроқдаги озуқа моддалардан турлича миқдорда талаб қиласди. Масалан: беда, соя, себарга ва бошқа дуккакли экинлар илдизида яшайдиган тугунак бактериялар фаолияти жадал

бўлса, бу экинларга ўсиш даврида азотли ўғитлар солинмаса ҳам бўлади. Аммо бу ҳолда ўсимликлар фосфорли ва калийли ўғитларга жуда талабчан бўлади ҳамда уларни яхши ўзлаштиради. Ўсимликларнинг ривожланиш даврларида озиқланиши бир хилда бўлмайди. Масалан, қўпгина ўсимликлар дастлабки ривожланиш даврларида (шоналаш ва гуллаш) азотни қўпроқ, фосфорни эса камроқ талаб қиласди. Шунинг учун тупроққа солинадиган ўғитларнинг миқдори ўсимликларнинг ривожланиш даврига қараб берилади. Айрим ўсимликларнинг биологик хоссалари, тупроқнинг ва солинадиган ўғитнинг хоссаларини ҳисобга олинган ҳолда ўғитлар тупроқнинг асосий ишланишидан олдин, экишдан олдин, экиш пайтида, ўсимликларнинг ўсув даврларида берилади.

Ўғитларни тупроққа қўйидаги муддатларда киритиш мумкин – кузда, баҳорда, ёзда, белгиланган маълум ойларда.

Ўғитлашнинг асосий усуслари жумласига қўйидагилар киради: ёппасига (сочма), жойига (уялаб, ўчоғига, қаторлаб), локал-тасмасимон, захиравий, механизмлар ёрдамида, ҳаводан ва х.к.

Ўғитларни тупроқ билан аралаштиришда плуг, культиватор-озиқлантиргич, дискали ва тишли тирма каби мосламалардан фойдаланилади.

Ўғитларни тупроқ хоссалари ва экинлар илдиз тизимининг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда турли чуқурликка тушишига эришиш муҳим агрономик тадбирдир. Тупроқнинг чукур нам қатламига тушган ўғитлар осон эрийди ва ўсимликлар томонидан бутун ўсув давомида яхши ўзлаштирилади.

Ўғитларни қўллашда уларни гравитация сувлари таъсирида ҳаракатланиши, ювилиши ва газ шаклида йўқолиши каби салбий жараёнларни ҳисобга олиш лозим. Бу биринчи навбатда азотли ўғитларга тегишли бўлиб, нитрат шаклидаги азот сугорма сувлар таъсирида ювилади ва атроф-муҳитни ифлослантиради. Азотнинг айни йўл билан исроф бўлиши иқлим шароитлари, тупроқни ишлаш тизими, пайкалнинг экин билан банд ёки бандмаслигига боғлиқ. Айниқса шудгорлаб ташлаб қўйилган майдондан

нитратлар экинзорлардагига нисбатан күпроқ ювилади.

Нитратларнинг ювилиши айниқса суғориладиган дехқончилик шароитида жадал кетади. Шунингдек, эрта баҳор ва кеч куз даврларида сезиларли даражада кучаяди. Лекин суғоришни түғри ташкил қилиш, суғорма сувларни сизот сувлари сатҳи билан тутишига йўл қўймаслик нитрат ювилишининг олдини олишда асосий тадбирлардан ҳисобланади. Суғорма сувлар билан тупроқнинг қуи қатламларига ювилган нитратлар буғланиш жараёнида тупроқ бўйлаб юқорига қўтарилади ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Нитратларнинг ювилиши шунингдек, тупроқнинг механикавий таркиби билан ҳам боғлиқдир. Қумли тупроқлардан нитратлар кўпроқ ювилади. Гумусга бой тупроқлар ўзида сувни яхши тутиб туради, демак, бу тупроқларда эриган ҳолатдаги нитратлар ҳам нисбатан маҳкамроқ тутиб турилади.

Фосфорли ўғитлар анча қийин эрийдиган шаклда бўлганлиги сабабли одатда улар тупроқ профили бўйлаб жуда секин ҳаракатланади. Шунинг учун фосфорнинг тупроқ қатламларида ювилиш сезилар-сезилмас миқдордадир.

Маълумки калий тупроқнинг сингдириш комплекси томонидан алмашиниб сингдирилган бўлади. Қумли ва кумлоқ тупроқлардан камроқ миқдорда калий ювилиши мумкин.

**Ўғитлар таснифи.** Ўсимликларни озиқа элементлари билан таъминлаш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун қулай муҳит яратиш, асосан минерал, органик ва оҳакли ўғитларни қўллаш ҳисобига амалга оширилади.

Ўғитлардан фойдаланиш фақат экинлар ҳосилдорлигини ошириб қолмай, балки тупроқ унумдорлигининг узлуксиз яхшиланиб боришига таъсир кўрсатиши керак.

Ўғит сифатида фойдаланилаётган ҳамма моддалар қуйидаги гурӯхларга бўлинади: органик ёки маҳаллий ўғитлар, минерал ўғитлар, бактериал ўғитлар.

**Органик ўғитларга** - экинлар ҳосилини қайта ишлаш пайтида ҳосил

бўлган чиқитлар, ўсимлик ва тупроқ микроорганизмлари учун озиқ манбаи ҳисобланадиган ҳамма органик моддалар киради. Улар турига қараб ўта қимматли ўғитлардир. Уларнинг таркибида ўсимликнинг озиқланиши учун зарур бўлган барча моддалар бўлади. Масалан, гўнг тупроқнинг физикавий хоссаларини яхшилайдиган ўғит ҳисобланади. Ерга гўнг солингандаги микробиологик жараёнларнинг жадаллашуви натижасида чирийди ва тупроқда кўп микдорда карбонат ангидрид ажралади ҳамда ўсимликлар ўзлаштира оладиган кимёвий бирикмалар ҳосил бўлади. Гўнгнинг ерда чириши узоқ давом этади ва ҳосил бўлган минерал озиқлар ўсимликларни бир меъёрда озиқ моддалар билан таъминлайди. Гўнгдан ташқари органик ўғит сифатида компост, ёғоч кули, парранда ахлати, кўкат ўғитларни мисол қилиб келтириш мумкин.

**Минерал ўғитлар** – азотли, фосфорли, калийли, комплекс ва микроўғитларга бўлиниб, булар асосан саноат асосида ишлаб чиқарилади. Минерал ўғитлар таркибида 50 % гача ва ундан ортиқ асосий озиқ моддалари бўлади. Уларни ташиш ососн, ерларга механизация ёрдамида солинади.

Минерал ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўсимликлар осон ўзлаштиради, бу ўғитлар ҳосилдорликни 20—35 % га оширади. Минерал ўғитлар таркибида озиқ моддаларнинг турига қараб қуйидагиларга бўлинади:

а ) азотли ўғитлар: натрийли селитра  $\text{NaNO}_3$ —15-16 % N, кальцийли селитра  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ —13—16 % N, аммоний сульфат  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ —20—21 % N, аммоний хлорид  $\text{NH}_4\text{Cl}$ —24—26 % N, амиакли селитра  $\text{NH}_4\text{NO}_3$ —34,5 % N, кальций цианамид  $\text{CaCN}_2$ —18,5—21 % N, мочевина  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ —46 % N,

б ) фосфорли ўғитлар: оддий суперфосфат  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ —14—20 %  $\text{P}_2\text{O}_5$ , қўш суперфосфат  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ —45—50 %  $\text{P}_2\text{O}_5$ , преципитат  $\text{CaHPO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ —38—40 %  $\text{P}_2\text{O}_5$ ,

с) калийли ўғитлар: калий хлорид  $\text{KCl}$ —56.9—62 %  $\text{K}_2\text{O}$ , калий сульфат  $\text{K}_2\text{SO}_4$ —45—55 %  $\text{K}_2\text{O}$ ;

д ) комплекс ўғилар: аммофос  $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ —11—12 % N, 40—60 %

$P_2O_5$  диаммофос  $(NH_4)_2HPO_4$ —18 % N, 50 %  $P_2O$ , калийли селитра  $KNO_3$ —13 % азот ва 45 % гача калий бор.

**Азотли ўғитлар** ўсимликлар ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган оқсил, нуклеин кислоталар сингари органик моддалар таркибиغا киради ва ўсуви органлар ҳосил қилишда қатнашади. Фосфор хам нуклеопротеидлар, нуклеин кислоталар таркибиغا киради, ўсим ликларнинг генератив органлари ва илдиз системасининг ҳосил бўлишида катта рол ўйнайди. Калий эса ўсимликларда моддалар алмашинувида иштирок этади, уларнинг касалликларга чидамлилигини оширади.

Бактериал ўғитлар тупроқнинг озиқалик режимига таъсир этувчи фойдали микроорганизмларнинг ривожланишига ёрдам беради. Микроорганизм ва бактериялардан биологик усулда тайёрланган бу ўғитларнинг таъсирчанлиги бактерияларнинг турига ва унинг тӯғри кўлланишига ҳамда шароитга боғлиқ. Бактериал ўғитларнинг энг кўп тарқалгани нитрагин, азотобактерин, фосфобактерин, АМВ препарати ва бошқалардир.

**Нитрагин** – дуккакли экинлар илдизида яшовчи соғ тугунакбактериялардан тайёрланади ва 500 г дан шиша идишларга солинади. Уларнинг яроқлилиги 9 ойгача. Экиш олдидан бир шиша нитрагин сувда эритилиб бир гектар ерга экишга мўлжаллланган дуккакли экинлар уруғлари хўлланади, сўнг экилади.

**Азотобактерин** – тупроқда эркин яшовчи ва ҳаводаги азотни ўзлаштирувчи бактериялардан тайёрланади.

**Фосфобактерин** – тупроқнинг органик фосфорларини ўзлаштира оладиган бактериялардан тайёрланади.

**AMB препарати** таркибида турли бактериялар бўлади. Бундай бактериал ўғитлар органик моддалар ва тупроқ чириндининг парчаланишини тезлаштиради, ўсимликларнинг минерал моддалар ва азот билан озиқланишини яхшилайди.

**Кўкат ўғитлар** (сидератлар) тупроқ унумдорлигига ҳар томонлама таъсир қиласи. Айниқса хўжаликда гўнг етишмай қолган пайтларда уларнинг аҳамияти янада катта бўлади. Асосий экинлардан бўшаган ерларга турли оралиқ экинларни экиб, уларнинг кўк массасини тупроққа қўшиб ҳайдаб юборилади. Бундай экинларга *кўкат ўғитлар* ёки *сидератлар* дейилади.

Дуккакли экинларнинг кўкат ўғитлари (сидератлар) азотга бой бўлади, унинг таркибидаги азот гўнгнинг таркибидаги азотга нисбатан икки марта кўп фойдалидир.

Ўғит меъёрини белгилашда тупроқ, ўсимлик, ўғит, иқлим ва агротехникавий тадбирлар ўртасидаги боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим.

Ўғитларни тупроққа солиш меъёри гектарига килограмм ҳисобида ўлчанади. Ўғитлар меъёри қўйидаги формула билан ҳисоблаб чиқилади:

$$D = \frac{100 \cdot B - P \cdot Kt}{Ky}$$

Бу ерда:

$D$  — ўғитлаш меъёри, кг/га;

$B$  — экин ҳосили билан бирга чиқиб кетадиган озиқ миқдори, кг;

$P$  — тупроқ таркибидаги ўсимлик ўзлаштирадиган озиқ миқдори, кг;

$Kt$  — тупроқдаги озиқ моддалардан ўсимликнинг фойдаланиш коэффициенти;

$Ky$  — солинган ўғитлардан йил давомида ўсимликнинг фойдаланиш коэффициенти;

Режалаштирилган қўшимча ҳосил бўйича ўғит меъёрини аниқлашда қўйидаги формула қўл келади:

$$M_{(NPK)} = \frac{100 \cdot (X_p - X_a) \cdot \chi \cdot C}{Ky_f}$$

Бу ерда:

$M_{(NPK)}$  — ўғитлаш меъёри, кг/га;

Хр – режалаштирилган ҳосил, ц/га;  
Ҳа – амалдаги ўртача ҳосил, ц/га;  
Ч – экин ҳосили билан бирга чиқиб кетадиган озиқ миқдори, кг;  
С – тупроқнинг агрокимёвий хоссалари асосида киритиладиган тузатиш коэффициенти;  
К ўғ— ўғит таркибидаги озиқ моддаларининг ўзлаштириш коэффициенти.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўғит эвазига қанча ҳосил олиш мумкин?
2. Ўғит турларини айтинг.
3. Ўғитлаш меъёри нимага боғлиқ?

### **З-амалий машғулот**

**Топшириқ** – ўғитларнинг турлари билан танишиш. Экинларга солинадиган ўғитлар миқдорини ҳисоблашни ўрганиш.

**Талаб қилинади** – ўғитлар намуналари ва услубий кўргазмалар.

Ўғитларнинг ҳар бир экинга солиш меъёрини аниқлаш учун қўйидаги ҳисоб ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: ҳар гектар майдонга 100 кг ҳисобида фосфор солишни кўриб чиқайлик. Бунинг учун солинадиган ўғит – оддий суперфосфат таркибида 20 % таъсир этувчи фосфор моддаси бор.

$$\begin{array}{l} 100 \cdot 100 \\ \hline 100 - 20 \text{ кг} & X = \frac{100 \cdot 100}{20} = 500 \text{ кг} \\ X - 100 \text{ кг} & \end{array}$$

Демак, 100 кг фосфор солиш учун 500 кг оддий суперфосфат керак бўлади. Бироқ, бундай ҳисоблаш гарчан тўғри бўлсада, тупроқ таркибидаги мавжуд озиқ моддаларни албатта ҳтсобга олиш талаб этилади. Бундан ташқари тупроқда экинлар ўзлаштирадиган озиқаларнинг миқдорини тупроқ

картограммаси асосида ҳисобга олиш ҳамда ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддаларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кузги дон экинлари тупланиш давригача озиқ моддаларини унча кўп талаб қилмайди, лекин фосфорнинг танқислигига ўта сезгиридан. Найчалашдан бошоқ тортишгача ўтадиган даврда ва гуллаш олдидан озиқ моддаларни кўп миқдорда талаб қиласди. Уруғ уни чиққандан токи ниҳоллар қишлоғга киргунча энг масъулиятли давр ҳисобланиб, бу даврда тупроқда етарли миқдорда озиқ моддалар бўлиши тақозр этилади.

Ниҳоллар яхши ривожланиши ва қишлиши учун кузда фосфорли-калийли ўғитларни кўпроқ, азотли ўғитларни камроқ қўллаш керак. Айни ҳол ўсимликларнинг яхши тупланишига, бақувват илдиз отишига, кўп миқдорда қанд моддалар тўплашига ва оқибатда совукқа чидамлилиги ошишига ёрдам беради.

Кузги дон экинларига ўғитлаш меъёрини белгилашда улардан олинадиган ҳосил, ўтмишдош экин, тупроқ-иқлим шароитлари ва суғоришга алоҳида эътибор берилади. Суғориладиган тупроқларда донли экинларнинг калийга бўлган талаби асосан тупроқдаги калий захираси ҳисобига қондирилади. Лекин имкон қадар калийли ўғитларни ҳам қўллаш лозим (3 жадвал).

### 3 жадвал

#### Кузги дон экинларнинг озиқ моддаларга талаби, %

Ўсув даври	Азот	Фосфор	Калий
Кузги буғдой			
Кузда ва эрта баҳорда	47	30	48
Бошоқлаш	69	65	68
Гуллаш	90	93	95
Сут пишиш	98	97	100
Тўла пишиш	100	100	100

## **1.6. Ерга ишлов бериш**

Парвариш қилинаётган экинлар учун қулай шароит яратиш мақсадида машина ва қуролларнинг иш органлари билан тупроққа механик таъсир кўрсатиш *ишлов бериши* дейилади. Тупроққа ишлов бериш орқали унинг сув- физик хоссалари, ҳаво, иссиқлик ва озиқ режими яхшиланади, ўсимликлар ўсишига шароит пайдо бўлади. Тупроқдаги йирик ва майда капилляр ғовакликлар керакли меъёрга солиб турилади: ишлов берилганда тупроқнинг ғоваклиги ортиб, намликтинг буғланиши камаяди. Мола босилганда тупроқ зичлашиб, намнинг пастки қатламлардан юқорига кўтарилиши тезлашади. Ғовак тупроқ яхши қизийди ва иссиқликни яхши сақлайди. Тупроққа ишлов берилиши натижасида микроорганизмлар фаолияти учун қулай шароит яратилади, органик қолдиқдарнинг чириши тезлашади. Бегона ўтларнинг илдизлари борона, чизеллар ёрдамида тароқланиб, олиб чиқиб кетилиши натижасида уларнинг камайишига эришилади; ишлов бериш орқали зааркунанда ва касалликлар ҳам маълум даражада йўқотилади.

Тупроққа ишлов бериш вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) чуқур ҳайдалма қатlam ва тупроқнинг қулай донадор структурасини таъминлаш; 2) бегона ўт, зааркунанда ва касалликларни бартараф этиш; 3) кўп йиллик бегона ўтларни нобуд қилиш; 4) органик қолдиқ, ва ўғитларни керакли чуқурликларга кўмиш; 5) тупроқни сув ва шамол эрозиясидан химоя қилиш ва уларнинг оқибатини йўқотиш; 6) тупроқни экишга сифатли тайёрлаш ва уруғнинг униб чиқиши учун қулай шароит яратиш ва бошқалар. Ерга ўғит солиш, уни тупрокда аралаштириш, ерни текислаш, эгат олиш каби ишларни амалга оширишда ҳам тупроқ, ишланади. Ушбу вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши дехқончиликни жадаллаштиришга — сугориладиган ва лалми ер ҳар бир гектарининг маҳсулот беради олиш имкониятини оширишга ёрдам беради.


## **Ерга ишлов бериш технологиялари**

**Ер ҳайдаш.** *Ер ҳайдаш* деганда ишлов бериладиган қатламни  $135^{\circ}$  дан ортиқ ағдариш, юмшатиш ва майдалаш тушунилади. Бунда ҳайдалма қатlam

тузилиши кескин ўзгаради, ўғит ва ўсимлик қолдиклари маълум чуқурликларга кўмилиб, озиқ, унсурлари ҳайдалма қатламда бир текис тақсимланади, бегона ўтлар йўқотилади. Ер қатлами плуглар ёрдамида ҳайдалади. Лемехли плугларнинг ағдаргичи (отвали) цилиндрик, винтсимон, яrim винтсимон, эллиптик (маданий) ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Ағдаргичнинг шакли тупроққа ишлов бериш сифатини белгилайди.

Тупроқларни ҳайдашда маданий плуг кенг ишлатилади (4 расм). Плугнинг асосий корпусидан юқорироқда, шаклан у билан бир хил, қамраш кенглиги эса унинг 2/3 кисмига teng келадиган чимқирқар корпусча — мослама ўрнатилган.

**4-расм. Маданий плуг**



Чимқирқар юқориги чимли қатламни эгат тубига ташлайди, асосий корпус эса пастки қатламни юқорига чиқариб ағдаради. Чимқирқарли плугда ерни сифатли қилиб ҳайдаш *маданий ҳайдаш* деб аталади. Ҳайдаш сифатига агрегатнинг ҳаракатланиш тезлиги ҳам кучли таъсир этади. Мўътадил намлиқдаги тупроқни 7


км/соатгача, қуруқ тупроқда эса 5 км/соатгача тезлиқда ҳайдаш яхши натижга беради. Энг мақбул самараға агрегатнинг 5,4—5,8 км/соат тезлиқда ҳаракатланиши орқали эришилади. Ерни ҳайдаш муддати ҳар бир жойнинг иқлим-тупроқ шароити ва етиштириладиган экин афотехникасидан келиб чиқсан холда танланади. Ер, асосан, кузда, тупроқда мўътадил намлиқ бўлганида шудгор қилинади. Лекин Хоразм вилояти, Корақалпоғистон Республикаси ва Кўқон атрофидаги туманларда ер баҳорда ҳайдалади.

*Ҳайдаш сифати* уни ўтказишнинг агротехник муддатига риоя қилинганлиги, агрегатнинг тўғри чизик бўйлаб ҳаракат қилиши ва

белгиланган чуқурликни таъминлаши, даланинг барча қисмларида тупроқнинг бир хил чуқурлиқда ҳайдалганлиги, ўсимлик қолдиқларининг тўлиқ, кўмилганлиги, ҳайдалмай қолган парчалар ва палахсаларнинг йўқлиги, бурилиш жойларининг ҳайдалиш сифати, дала текислиги каби кўрсаткичлар билан баҳоланади. Агар ушбу агротехник талаблар тўлиқ бажарилса, ер жуда яхши (9 балл), атиги учтаси таъминланмаган бўлса, қониқарли (6 балл) ва аксарияти таъминланмаган бўлса, қониқарсиз (3 балл) ҳайдалган ҳисобланади.

Ҳайдаш чуқурлигидаги фарқ  $\pm 2-3$  см дан ошмаслиги лозим. Бу чуқурлик даланинг бир неча жойида махсус эгат ўлчагич ёрдамида текширилади. Ҳайдалмай қолган, яъни чала ҳайдалган жойлар 0,2 фоиздан ошмаслиги лозим. Диаметри 5 см дан катта палахсалар  $1\text{ m}^2$  да 5 тадан ортиқ бўлса ва ўсимликлар қолдигининг 10 фоизи кўмилмай қолса, ер сифатсиз ҳайдалган ҳисобланади. Иложи борича, шудгор юзаси текислигига эришилган, эгат ва марзалар сони кам бўлган ерлар сифатли ҳайдалган саналади.

Хозирда ерга сифатли ишлов бериш учун ПЛ-3-35 ва ПД-3-35 күш ярусли, ПОН-3-45 айланма плуг, умумий мақсадларда ишлатиладиган ПЛН-3-35,



Расм-5. ПД-3-35 кўш ярусли

#### ўрнатма плуг:

- 1—юқориги чимқиркар корпусча;
- 2—пастки корпус; 3—рамаси;
- 4—таянч ғилдираги; 5—ўрнатиш мосламаси; 6—кулф.

Ишлатиладиган ПКУ-4-35, корпуси алмаштириладиган ПЛН-6-35, ПЛН-5-35 каби плуглардан фойдаланилмоқда (5 расм). ПНД-4-30 дискли плуг шолипоялар чеккаларининг тупроғини ҳайдашда қўлланилади.

**Ҳайдаш усуллари ва техникаси.** Ер, асосан, икки усулда — *айланма* ва *такта* (загон)ларга бўлиб ҳайдалади. Айланма ҳайдаш муайян ер майдонининг ўртаси ёки чеккасидан бошланиб, яна унинг ўртаси ёки

чеккасида тугалланади. Бурилиш жойларида плуг иш ҳолатидан чиқарилмайди. Бунда ер сифатли ҳайдалмайди, яъни ҳайдаш чуқурлиги даланинг барча қисмларида бир хил бўлмайди. Дала бўлакларга бўлиб ҳайдалганда ҳайдаш сифати ошади. Шу сабабли дала бир неча тахталарга бўлиб чикилади. Агар плуг тахтанинг ўртасидан ўтиб, охирига келганда иккинчи ўтишни ўнг томондан бошласа, ағдарилаётган қатlam устма-уст тушиб, марза ҳосил қиласди. Бу ҳайдаш марзаси деб юритилади. Агар плуг тахтанинг ўнг чеккасидан ўтиб, охирида чапга бурилиб ҳайдаса, тахтанинг ўртасида эгат ҳосил бўлади — у ҳайдов эгати деб юритилади.

**Ҳайдаш чуқурлиги ва тезлиги.** Тракторларнинг яратилиши ва улар кувватининг тобора ошириб борилганлиги тупроқни дастлаб 20 – 22 см, кейинчалик 28 – 30 см чуқурликда ҳайдашга имкон туғдиради. Ҳозирги даврда ундан ҳам чуқур ҳайдашда иш берадиган тракторлар мавжуд.


Бу эса тупрокнинг сув ўтказувчанлигини оширади, бегона ўтлар, зааркунанда ва касалликларни камайтиради. Чуқур ҳайдалган ерларда шўр ювишнинг самарадорлиги ҳам яхши бўлади, ўсимликнинг илдиз тизими ривожланишига қулай шароит яратилади.

Ҳайдаш чуқурлиги тупроқ унумдорлиги, профилининг тузилиши, механик ва кимёвий таркибига боғлиқ бўлади. Унумдорлиги паст ва янги ерлар ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида 20 – 22 см чуқурликда ҳайдалади. Кейинчалик 2 – 3 см дан чуқурлатиб, чириндиси кам бўлган пастки қатламга астасекин қўшиб борилади. Шағал, қум қатлами яқин жойлашган ерларда қум ва шағал юзага чиқиб колмаслиги учун саёзроқ ҳайдаш амалга оширилади.

**Кузги шудгор.** Ерни кузда шудгорлаш ўсимликларнинг яхши ўсиши, ривожланиши ва мўл ҳосил тўплаши учун зарур асосий агротехник тадбирлардан ҳисобланади. Бунда тупроқдаги сув совуқ ва илиқ кунларда гоҳо музлаб, гоҳо эриб, кесакларнинг майдаланишини таъминлайди. Кузда ҳайдаб қўйилган ерда тупрокнинг сув ўтказувчанлиги яхшиланиб, намлик кўп тўпланади, микробиологик жараёнлар учун қулай шароит юзага келади, бегона ўтлар нобуд бўлади, касал туғдирувчилар ва зааркунандалар йўқотилади, экишни ўз муддатларида ўтказиш

учун имкон яратилади. Ерни баҳорда экишга тайёрлаш ҳам анча осон кечади. Сифатли ўтказилган кузги шудгор баҳорги ҳайдашга нисбатан экинлар ҳосилини 10—20 фоиз оширади, ҳосил эрта ва сифатли етилади. Пахта ҳосилининг 80—90 фоизини биринчи ва юқори навлар ташкил этади.

Ҳайдаладиган ерларни ҳолатига кўра, уч турга ажратиш мумкин: қатор оралари ишланадиган экинлардан бўшаган ерлар, ғалла экинларидан бўшаган ерлар ва чимзорлар. Қатор оралари ишланадиган экинлардан бўшаган ерларни ҳайдаш осон — доимий ишлов бериб турилганлигидан ўсимлик қолдиқлари кам тупроғи юмшоқ бўлади. Пахта териб олинганидан кейин дала агрегатлар ёрдамида гўзапоядан тозаланади, ер сифатли хайдалади. Ғалла экинларидан бўшаган ерларда нисбатан анча зичлашган чимзорлар бўлиши сабабли уларни ҳайдаш бироз қийинчилик туғдиради.



6- Расм **ПЯ-3-35** куш ярусли плуг:

А — ёнидан кўриниши; Б — юқоридан кўриниши.

Тупроқ намлиги максимал даражада бўлган дала нам сифимига нисбатан 40—60 фоиз сифатли ҳайдалади. Қуруқ ёки сернам тупроқ ҳайдалганда палахса кесаклар ҳосил бўлади. Кузги шудгор учун Ўзбекистоннинг шимолий минтакасида ноябрь ойи, марказий қисмида 15 – ноябрдан 15 – декабргача, жанубий минтакасида 20 – ноябрдан 15 – декабргача бўлган вақт кузги шудгор учун энг қулай давр ҳисобланади.

Тупроқ шароитига кўра, ер 30—35 см гача чуқурликда ҳайдалиши мумкин. Ерни икки қатlam — ярусли ҳайдашда ПЯ-3-35 русумли плуглардан фойдаланилади. Бунда устки қатlam (0—15 см) пастга, остки катlam эса (15—30 см) юкорига чикарилади (б-расм).

### Шудгорнинг турлари

Ўзбекистондаги тоғли ва тоғолди худудларининг қўп қисмида лалмикор дехқончилик қилинади. Бу ерларда, асосан, ғалла ва ем-хашак экинлари этиштирилади. Ҳосилдорлик ёғин-сочин сувларининг тўпланиши, сакланиши ва тақсимланишига боғлик, шунинг учун у ерларда асосий эътибор ёғин-сочин сувларини тупроққа тўплаш ва саклашга қаратилади. Ғалла экинларидан бўшаган, ҳайдалган ва йил давомида экин экилмай, маҳсус ажратилган дала *тоза шудгор* дейилади. Шудгорда йил давомида ёки ёзниг ўрталаригача экин экилмай, фақат бегона ўтларни йўқотиш мақсадида қуруқ. ишлов бериб турилади.

Тоза шудгор *эртаги*, *ўртаги*, *кечки* ва *банд* шудгорларга бўлинади. Ёғингарчилик кам бўладиган минтақаларда эртаги шудгор мақсадга мувофиқдир. Бундай худудларда ерни март ойининг охири ва апрелнинг бошларида ҳайдаш лозим. Шудгорни май — июнь ойларида ўtkазиш самарасиздир, чунки бунда қуриб колган ерга сифатли ишлов бериб бўлмайди. Ғаллачилик илмий текшириш институтининг маълумотларига кўра, лалмикор дехқончиликда тоза шудгорга экилган буғдой ҳосили 14—22 ц ни, анғизга эса 4—8 ц ни ташкил этган.

Лалми ерларни шудгорлашнинг энг қулай муддати текис ерларда март ойининг иккинчи ярми, текислик-адир ерларда мартнинг охири ва апрелнинг биринчи ярми, тоғолди ерларида апрель ҳамда тоғли ерларда апрелнинг охири ва майнинг бошлари ҳисобланади. Тоза шудгор ёз давомида 2—3 марта 10—12 см чуқурликда культивация қилинади. Бу иш КРН-3,5, КПНА-3, КП-4А, ПЛ-5-25, ППЛ-10-25 русумли культиваторлар ва КПЛ-2-150 русумли юмшатгич — плоскорезлар билан амалга оширилади.

Тоза шудгорни ёзнинг биринчи ярмигача экинлар билан банд қилиш кўшимча маҳсулот олишга ва йилнинг иккинчи ярмида яна тоза шудгор сифатида ишлов бериб туришга имконият яратади. Бундай шудгорга *банд шудгор* дейилади. Экиш муддатларига қўра *эрта*, *ўрта* ва *кеч баҳорги* турларга бўлинадиган банд шудгорда қатор оралари ишланадиган экинлар экилганда шу ишлов туфайли бегона ўтлар ҳам йўқотиб турилади. Эрта баҳорги банд шудгорга нўхат, хашаки нўхат, кунгабоқар; ўрта баҳорги шудгорга ок жўхори, судан ўти, кунгабоқар, намлик етарли бўладиган ерларда маккажўхори; кечки баҳорги шудгорга эса маккажўхори, ок жўхори, кунгабоқар, кунжут ва полиз экинлари экилади.

Эрта ва ўрта баҳорги банд шудгор учун мўлжалланган ерлар кузда хайдалиб, баҳорда бороналанади. Кечки баҳорги банд шудгор апрелнинг биринчи 10 кунлигига ҳайдаб қўйилади. Эртаги ва ўртаги банд шудгор экиш олдидан культиваторлар ёрдамида 10 см гача чукурликда юмшатилади. Кечки баҳорги банд шудгор экиш олдидан ясси культиваторлар ёки ағдарғичи олиб қўйилган плугда 16—18 см чукурликда ҳайдалади. Банд шудгорнинг яна бир тури *иҳотали шудгор* бўлиб, кучли шамол бўладиган минтакаларда тупрокни эрозиядан сақлашга хизмат қиласиди.

Экин ҳосилини йиғишириб олиш билан бир пайтда ҳайдалган ер қора *шудгор* дейилади. Бундай шудгорлашда ер аввалига лушчильник билан 10—12 см юмшатилиб, кейин 20—22 см чукурликда ҳайдалади. Яхши самара бермаганлиги учун қора шудгор Ўзбекистон шароитида кўлланилмайди.

### **Баҳорги ҳайдов**

Республикамизнинг айрим худудлари (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Кўқон атрофида тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ер баҳорда ҳайдалади. Ушбу ерлардаги тупроқ шўри 3—4, айрим майдонларда эса 5 мартагача ювилади. Ер етилиши билан марзалар текисланиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар солинади ҳамда ПН-4-35, ПЯ-3-35 плуглари ёрдамида ҳайдалади. Агар кўкламда тез-тез шамол бўлиб турса, ернинг юза қисми тез қуришидан ҳайдов пайтида кесаклар кўп ҳосил бўлади.

Шунинг учун баҳорги ҳайдовдан кейин ер бир неча марта чизелланиб ва бороналаниб, мола бостирилгач, зудлик билан экин экилади. Қўқон атрофи худудларида кучли шамол бўлиб туриши тупроқ нурашини келтириб чиқаради. Шу сабабдан бундай ерларда тупроқ баҳорда ҳайдалиб, оғир мола бостирилгандан кейин экин экишга киришилади.

### **Бедапоя ва анғизни ҳайдаш**

Бедапояларни ҳайдаш масъулиятли тадбирдир. Айрим ҳолларда П-5-35М, ПН-4-35 плугларининг чимқирқари бедани тўла кесиб, эгат тубига ташламасдан, аввал ағдарилган қатламнинг ёнига ташлайди. Бунда илдиз икки катlam орасидаги 10 – 12 см чуқурликка тушади ва баҳорда қайта кўкариб чиқади. Шу сабабли баъзан кузда шудгор қилинган бедапояни баҳорда юмшатишга ёки культиватор билан ёппасига ишлашга, кўп ҳолларда эса эрта баҳорда культивация қилинган ёки чизелланган бедапоядаги илдизларни йиғиб олишга тўғри келади.

Бедапояни ҳайдашдан 5 – 7 кун олдин ернинг устки кисми 5 – 6 см чуқурликда ағдаргичи олинган плуг билан ҳайдалади. Шунда илдизи 5 – 6 см чуқурликда кесилган беданинг унувчанлиги йўқолади.

20 – 25 октябрдан 10 – 15 ноябргача бўлган давр бедапояни ҳайдашнинг энг мақбул пайти хисобланади. Сизот сувлари чуқур жойлашган, тупроғи куруқ ва қаттиқ бедапояни сифатли ҳайдаш учун уни 7 – 10 кун аввал суғориш керак бўлади. Шундан кейин икки ярусли плугда чуқур ҳайдаш яхши натижа беради.

Ёппасига экилган ғалла экинлари ёки бир йиллик экинларнинг хосили йиғишириб олингандан кейинги дала *анғиз* дейилади. Чимзорларга қараганда анғизда органик моддалар кам, тупроқ қуруқ, унинг тузилиши ёмон, зич, бегона ўтлар илдизи, уруғи, зааркунанда ва касалликлар кўп бўлади. Анғизни ишлаш тизими уни лушчилик билан юмшатиш ва кузги шудгорлашдан иборатdir.

Кўп йиллик бегона ўтлар босган далалар икки марта — биринчи галда дискли лушчильник билан 4 – 5 см чуқурлиқда, кейин ағдаргичли лушчильник билан 10 – 12 см чуқурлиқда юмшатилади. Бир йиллик бегона ўтлар кўп тарқалган далалар 0 – 5 см чуқурлиқда 1 марта юмшатилади. Бундай ерлар октябрь бошларида шудгорланади. Кузги ер хайдашни шимолий минтақаларда 15 ноябрдан, жанубда эса 30 ноябрдан кечиктиринаслек керак. Кучли шамол кузатиладиган худудларда кўп йиллик бегона ўтлар кам ўсган майдонларни ағдаргичсиз плуг билан хайдаш яхши самара беради.

Кузги экинлар анғизи экишдан 15 – 20 кун олдин ҳайдалиши керак. Бундай далалар аввалига лушчильник билан юмшатилади. Куруқ ерни ёзда ҳайдашда ҳосил бўладиган палахсаларни майдалаш учун сихли борона тиркалган плуг, оғир волокушалар, кесик дискли лушчильниклардан фойдаланилади.


Анғиз ҳосил йиғишириб олиниши билан бир йўла ҳайдалса, тупроқ сифатли ишланади ва натижада кўп йиллик ўтлар кескин камаяди. Бунинг имкони бўлмаса, дарҳол уни лемехли ПЛ-5-25 плуги ёки ХП-2-250, АП-7,5 юза юмшатгич-плоскорезлари ва бошқа воситалар билан 10 – 12 см чуқурлиқда юмшатиш зарур. Шундан кейин ер плугда ҳайдалади.

Шамол эрозияси (дефляцияси) қучли кузатиладиган ерларда анғиз ағдаргичсиз плугда ҳайдалиб, маҳсус сеялкаларда дон экинлари экилади. Анғиз қишида қорни тутиб қолишини ва баҳорда эса майсаларни шамол таъсиридан сақлашини ҳисобга олиб, бундай худудларда ерни ишлашни кескин камайтириш талаб этилади.

### **Ерга юза ишлов бериш**

Дехқончиликда бороналаш, культивациялаш, мола босиш, эгат олиш, текислаш каби агротехник тадбирлар кўлланилиб, ерни асосан, 3—15 см чуқурлиқда ағдариб ёки ағдармай юмшатиш амалга оширилади.

**Бороналаш.** Тупроқни юмшатиш, майин қилиш, ҳайдалма қатлам ҳавоси алмашинишини яхшилаш, тупроқ юзасини текислаш учун ўтказиладиган бу тадбир натижасида бегона ўтлар кисман йўқотилади. Буни



7- Рasm . Сихли борона: 1—борона; 2— пишанг; 3— занжир.

алоҳида ёки ерга ишлов беришнинг бошқа усуллари билан биргаликда ўтказиш мумкин.

Бороналар сихли ва дискли бўлади. Ўзбекистонда, асосан, сихли бороналардан (7-расм) фойдаланилади. Оғирлигига қараб, сихли бороналар учга бўлинади: енгил бороналарнинг (ЗБП-0,6) ҳар бир сихига 0,6—1,0 кг гача, ўртacha оғир бороналарда (БЗСС-1,0) 1,0—2,0 кг гача, оғир бороналарда (БЗТС-1,0) 5 кг гача юк тушади.


Кузги шудгор қилинган ерлар баҳорда енгил ёки ўртacha оғирликдаги, қатқалоқ, ва йирик кесаклар эса ўртacha оғир бороналарда майдаланади, калин катқалоқ, босган ва кўп йиллик ўтлар экилган ерларга оғир борона босилади.

Дискли боронанинг иш органи сферик дисклардан иборат бўлиб, чим босган тупроқлар шундай бороналарда юмшатилади.

Бороналаш ундан олдинги ишлов йўналишига кўндаланг ёки қиялаб ўтказилиши керак.

**Ғалтаклаш.** Тупроқ юзасининг текис бўлиши, кесакларни майдалаш ва зичлаш учун далага ғалтак босилади. Ғалтакларнинг иш юзаси текис, кертикли, сихли бўлади. ЗККШ-6, ККН-2,8, КБН-3, ЗКВГ-1,4 каби ғалтаклардан фойдаланилади. Ғалтаклаш экин экилгунга қадар, экишдан кейин ёки алоҳида ҳолда ўтказилади.

**Лушчильник босиш.** Бу мослама дискли ёки лемехли бўлиб, тупрокни юмшатиш, кесакларни майдалаш ва юқори қатlamни аралаштириш ҳамда бегона ўтларни йўқотиш учун экин экишдан олдин қўлланилади. ЛДГ-5, ЛДГ-10, ЛДГ-15 русумли дискли лушчильник ва ППЛ-10-25 плуг-лушчильник ҳамда БДТ-2,5, БДТ-3, БДТ-2,24 5-25 лемехи яхши самара беради.



8- Рasm. БДТ-2,2 дискли оғирли борона:

1—диск; 2—гидравлик цилиндр; 3—рама; 4—рамани тўғриловчи меҳанизм; 5—орка ўнг батарея; 6—орка чап батарея; 7—ғилдирак; 8—олдинги чап батарея; 9—тиркаш мосламаси; 10—кергич.

**Культивациялаш.** Тупроқнинг устки қисмини текислаш, аралаштириш, кесакларни майдалаш, ғовак қатlam ҳосил қилиш, бегона ўтларни йўқотиш мақсадида ўтказилади. Ишлов бериш чуқурлиги 6 см дан 14 см гача етади. Культивациялаш экишдан олдин ёппасига ва экишдан кейин қатор ораларини юмшатишда қўлланилади. У тупроқ сув-физик хусусиятлари ва микробиологик

жараёнларини яхшилайди, бир текис кўчатлар етиштиришга имкон беради. Ёппасига культивациялашда КПС-4, тошлоқ тупроқларда ККН-2.5Б, жуда оғир тупроқларда КФГ-4,2, КРН-5,6, КХУ-4 культиватор -озиқлантиргичлар қўлланилади. Ёппасига культивациялашда биринчи ўтиш олдинги тадбир йўналишига кўндаланг ёки қия, иккинчиси эса биринчисига кўндаланг ҳолда амалга оширилади. Қатор ораларига ишлов беришда культиватор қатор йўналиши бўйлаб бўлади.

**Ерни мотигалаш.** Экин экилгандан кейин ҳосил бўладиган қатқалоқни бузиш ва тупроқ юзасини юмшатишда ротацион мотига қўлланилади.

**Мола бостириш.** Ерни экишга тайёрлаш, тупроқ юзасини текислаш, кесакларни майдалаш ва устки қатlamни бироз зичлаш учун далалар молаланади. Тупроқ зичланса, пастки қатlamдан намнинг кўтарилиши яхшиланади, уруғнинг униб чиқиши тезлашади.

### **Ерга экишдан олдин ишлов бериш**

Экин экиш олдидан ерга ишлов бериш уруғларнинг тўлиқ униб чиқиши учун ва кейинги парвариш ишларини ўтказишга қулай шароит яратиш мақсадида ўтказилади. Бу ишлар куйидагилардан иборат: 1) ерни жорий текислаш; 2) уруғни бир хил чуқурликка экиш, унинг қийғос униб чиқишини тъминлайдиган юшок қатlam ҳосил қилиш; 3) бегона ўтларни йўқотиш.

Вегетация даврида ўтказиладиган барча парвариш ишларининг сифати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан далалар текислигига боғлиқ. Шунинг учун шудгорлаш пайтида ҳосил бўлган марза ва эгатлар, тракторларнинг бурилиш жойларидағи дўнглик ва чуқурликлар ҳар йили текисланади. Бу ишда узун асосли текислагич, грейдер, кенг қамровли мола, темир-бетон брус ёки оддий ёғоч молалардан фойдаланилади. Агрегатлар ёрдамида текисланмай қолган дўнглик ва пастқам жойлар қўлда текисланади. Ерни экин экишга тайёрлаш шудгорни бороналашдан бошланади. Ушбу тадбир айни ер етилган пайтда амалга оширилса, кесаклар яхши майдаланади, тупроқ донадор ҳолга келади. Бороналаш кўп ҳолларда молалаш билан биргалиқда ўтказилади. Бунда икки қатор қилиб уланган сихли бороналардан

фойдаланилади. Иложи борича занжирли тракторлар ёрдамида ва албатта, дастлаб ер хайдалиш йўналишига қўндаланг, иккинчи марта эса узунасига бороналаниши лозим. Ерни экишга тайёрлаш, бороналаш ишларини экишдан бир неча қун илгари режалаштирган холда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу ишлар учун Сурхондарё ва Кашкадарё вилоятларида февраль ойининг иккинчи ўн кунлиги, Бухоро вилоятида февралнинг иккинчи ярми ва март ойининг биринчи ярми, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятларида март ойининг иккинчи ярми, Фарғона водийсида март ойининг биринчи ярми, Хоразм ва Қорақалпоғистонда март ойининг учинчи ўн кунлиги қулай муддат ҳисобланади.

Яхоб суви берилган ва шўри ювилган ерларни экишга тайёрлаш учун улар аввал яхшилаб текисланади, чизель-культиватор ёки культиваторлар ёрдамида юмшатилади. Сўнгра икки катор килиб тиркалган бороналар ёрдамида бороналанади. Шўрланмаган ва яхоб суви берилмаган ерлар икки марта бороналаниб, сўнгра молаланади. Тошкент вилоятининг бўз ва ўтлоки бўз тупроқли ерларига мола ҳамда унга икки катор уланган борона ёрдамида ишлов берилади.

Баҳорда ерларни қайта ҳайдамаслик лозим. Агар ер зичлашиб қолган булса, чизель-культиваторлар ёрдамида юмшатиш мақсадга мувофиқдир. Кузда ҳайдалган ерларга нисбатан баҳорда ҳайдаладиган ерларни экин экишга тайёрлаш қийинроқ бўлиб, қўп ишлашни талаб этади. Шу сабабдан ишлов беришни ер етилиши билан бошлаб, қисқа муддатда тугатиш лозим.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ерга ишлов беришнинг аҳамияти ва вазифаларини кўрсатинг.
2. Ерга ишлов беришнинг қандай турлари мавжуд?
3. Ерни ҳайдашда фойдаланиладиган техник мосламаларни таърифланг.
4. Ҳайдаш сифати ва уни белгиловчи омиллар қандай бўлиши лозим?
5. Ҳайдаш усуллари, техникаси, чукурлиги ва тезлиги ҳақида сўзлаб беринг.

## **4-амалий машғулот**

### **Ҳайдов қатламишининг тузилишини аниқлаш**

**Топшириқ:** лаборатория шароитида тупроқнинг капилляр, нокапилляр ва умумий ғовакликларини аниқлаш. Тупроқнинг аэрация ва сув билан тўйиниш даражасини аниқлаш.

**Талаб қилинади** : шиша найчалар, дока, фильтр қозоги, ойна, ваннача, чизғич, услубий қўлланма, тарқатма материал.

Тупроқ қаттиқ қисми ҳажмининг капилляр ва нокапилляр ғоваклиги бузилмаган ҳолатда олинган тупроқ намунасининг ҳажмига нисбати *ҳайдов қатламишинг тузилиши* дейилади.

Тупроқ уч қисмдан — *қаттиқ, суюк* ва *газсимон* таркибий қисмлардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро нисбати доим ўзгариб туради. Бу нисбат кесакларнинг йирик-майдалигига, шакли ва ўзаро жойлашувига, тупроқдаги чангнинг миқдори ҳамда бошқа омилларга боғлик бўлади.

Тупроқ заррачаларининг бир-бирига зич тақалиб турмаслиги натижасида турли катталиқдаги оралиқлар ҳосил бўлади. Улар *ғоваклар* деб юритилади. Кесакчалар ораси ва ичидаги барча майда (*қилсимон*) оралиқлар *капилляр ғоваклик*, кесакчалар орасидаги барча йирик оралиқлар эса *нокапилляр ғоваклик* дейилади. Капилляр ва нокапилляр ғовакликларнинг жами ҳажми умумий ғоваклик деб аталади.

## 1.7. Уруғлик ва уни экиш

Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш учун уларнинг агротехник тадбирлари тизимида режалаштирилган экин тури ва навларини тўғри танлаш, юқори сифатли уруғликдан фойдаланиш ҳамда ўсимликларнинг қулай озиқланиш майдонларини таъминлайдиган экиш меъёрларини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Уруғлик сифати.** Уруғнинг унувчанлиги, сифати, тозалигига кўра белгиланиб, нав ва синфларга ажратилади. Уруғлик юқори навли, бегона уруғлар билан ифлосланмаган, унувчан, касалликка чалинмаган бўлиши лозим. Агар уруғлиқдаги навнинг улуши 99,5 фоиздан юқори бўлса, бундай

урұғлик I тоифага, 98 фоиздан кам бўлмаса II ва 95 фоиздан кам бўлса III тоифага киритилади.

Уруғларнинг унувчанлиги асосий агротехник қўрсаткич бўлиб, униб чиққан уруғлар сонининг текширишга олинган уруғлар умумий сонига нисбатан фоизда ифодаланишидир. Масалан, 100 та уруғдан 97 таси униб чиққан бўлса, унувчанлик 97 фоизга тенг деб олинади. Уруғнинг тозалиги деганда асосий экин уруғи сонининг намунадаги уруғлар умумий сонига нисбатининг фоиз миқдори тушунилади. Масалан, намунада 200 та уруғ бўлиб, шундан бошқа экин уруғи 5 тани ташкил этса, уруғнинг тозалиги 97,5 фоизга тенг бўлади.

Шунингдек, уруғлик сифатини аниқлашда унинг намлиги ҳам ҳисобга олинади. Донли экинлар уруғларининг мўътадил намлиги 19 – 15 фоиз атрофида бўлади. Уруғликнинг касаллиги ва зааркунандалар билан заарланганлиги маҳсус текширишлар орқали аниқланади.

Уруғликнинг тозалиги ва унувчанлигига кўра, унинг экиш учун яроқлилиги қуйидагича аниқланади:

$$\text{ЭЯ} \cdot Y \frac{T}{100}$$

бу ерда: ЭЯ — уруғнинг экишга яроқлилиги, фоиз; Y— унувчанлиги, фоиз; T— тозалиги, фоиз.

Масалан, уруғнинг тозалиги 97 фоиз ва унувчанлиги 96 фоиз бўлса, унинг экишга яроқлилиги қуйидагига тенг:  $\text{ЭЯ} = 96 \cdot 97/100 = 93,12$  фоиз.

Экиш меъёрига уруғнинг катта-кичиклиги ҳам таъсир этади ва у 1000 та уруғ вазнига кўра баҳоланади.

**Экиш муддатлари.** Барча баҳорги экинлар экиш муддатларига кўра, эрта баҳорда экиладиган, яъни тупроқ ҳарорати  $+5^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлганда ҳам униб чиқа бошлайдиган (баҳори буғдой, арпа, сули, нўхат, дуккаклилар, ясмиқ, кунгабоқар) қамда кеч баҳорда экиладиган, яъни тупроқ ҳарорати  $+8-12^{\circ}\text{C}$  бўлганда уна бошлайдиган (маккажўхори, тарик, оқ, жўхори, шоли, картошка, соя, ловия, ер ёнғоқ, ғўза, полиз экинлари ва бошк.)

экинларга бўлинади. Жадвалда экинларнинг униб чиқиши учун зарур бўлган энг пастки ҳароратлар келтирилган.

#### 4 -жадвал

### Айрим ўсимлик уруғларининг униб чиқиши ва ниҳоллар пайдо бўлиши учун тупроқнинг энг паст ҳарорати

Ўсимликлар	Энг паст ҳарорат, °C
Буғдой, арпа, кўк нўхат	1-2
Нўхат, махсар	3-4
Кунгабоқар, картошка, лавлаги	5-6
Маккажўхори, соя, тарик	8-10
Ловия, оқ жўхори	10-12
Ғўза, шоли, ер ёнгоқ, кунжут	12-14

Кузги экинлар — буғдой, арпа, жавдар совук кунлар бошланишидан 45—50 кун олдин экилади. Ўзбекистонда улар сентябрь, октябрь ойларида ва айрим ҳолларда ноябрда ҳам экилиши мумкин. Экинлар эрта ва кеч баҳорда, ёзда ҳамда кузда экилади. Эрта баҳорда (15 февраль—15 март) лалмикор ерларда баҳорги ғалла экинлари, суғориладиган ерларда эса беда, эртаги картошка, кўк нўхат, кеч баҳорда (1—20 апрель) ғўза, маккажўхори, 15 апрелдан май ойининг ўрталаригача шоли, ер ёнгоқ, полиз экинлари, куз ойлари (сентябрь, октябрь)да эса бошоқли ғалла экинлари ва беда экилади.

**Экиш усуллари.** Ҳозирги кунда сочма ва қаторлаб экиш усуллари қўлланилмоқда. Сочма усул кулда, сеялка ва самолётлар ёрдамида, қаторлаб экиш эса сеялкаларда бажарилади.

Қаторлаб экишнинг ёппасига қаторлаб, кенг қаторлаб, тор қаторлаб, тасмасимон, уялаб, квадрат уялаб, эгатларга, марзаларга, пункттир усулларида экилади.

Тор қаторлаб экишда қатор ораси 7,5—9 см дан 15—18 см гача, кенг қаторлаб экишда эса 45 см дан 90 см гача бўлади.

Арпа, буғдой, жавдар, сули ва бошқа ўтлар СД-24, СЭН-24, комбинациялаштирилган СУК-24 ва бошқа сеялкаларда ёппасига қаторлаб экилади. Қатор оралари 13—15 см, ўсимликлар ораси 1,2—1,5 см қилиб олинади. буғдой, рапс, жавдар СУБ-48, СУБ-48Б ва СА-48 русумли дискли ёки

сошникли сеялкаларда тор қаторлаб экилади. Қаторлар ораси 6—8 см, ўсимликлар ораси 3—4 см бўлиши лозим.

СУ-24, СЗД-24, СУК-24 сеялкалари уруғ экиш меъёрининг ярми (50 фоизи)ни сепадиган қилиб созланади. Бунда далага шахмат усулида уруғ сепиб чиқилади. Ўзга, маккажўхори, ер ёнгоқ, кунгабоқар, оқ жўхори каби экинлар кенг қаторлаб СЧХ-4А-Ш русумли сеялкаларда экиб келинмоқда.

Кейинги йилларда ўзга, маккажўхори, лавлаги ва бошқа экинлар белгиланган тартибда экилмоқда. Масалан, чигит 90x10—1 тартибда экилганда, қатор оралари 90 см, қатордаги ўсимлик ораси 10 см, уядаги уруғ сони 1 дона бўлади. Бундай экишга кенг қаторли *серуялаб* экиши дейилади. Экишнинг бу усулида қатор оралари 60—90 см, қатордаги ўсимлик ораси эса 10—30 см қилиб олиниши мумкин.

*Пуштага* экиши қаторлаб экиш усулининг бир кўриниши бўлиб, уруғ олдиндан олиб кўйилган пуштага қадалади. Пуштада тупроқ тез қизийди, ортиқча сувнинг оқиб кетиши учун шароит яратилган бўлади. Намлик етишмаган ҳолда зудлик билан суғориш ҳам мумкин. Пушталар кузда ёки эрта баҳорда олинади.

Тупроқ юзаси қуриб қоладиган, қурғоқчил ва тоғли туманларда *эгат тубига* экиши кўлланилади. Бунда эгат очадиган маҳсус панжалар сеялканинг сошниклари олдига ўрнатилади

**Экиш меъёри.** Кўчат қалинлиги ҳар бир алоҳида олинган шароит учун тажриба йўли билан аниқланади. Бунда тупроқ унумдорлиги, нам билан таъминланганлиги, экиш муддати каби омиллар ҳисобга олинади. Масалан, қурғоқчил минтақаларда кузги буғдой гектарига 4 млн дона экилса, ортиқча намиққан жойларда 7 млн тага етказилади. Қурғоқчил минтақаларда кузги буғдойнинг мўътадил кўчат қалинлиги гектарига 3,5—4,5 млн дона, кузги жавдар — 3,5—5,0, баҳори буғдой — 3,5—5,0, арпа — 3,5—4,5, сули — 3,5—4,0, нўхат — 1,3—1,5 млн дона, картошка — 40—55 минг дона туганак, дон учун маккажўхори — 55—60 ва силос учун 90—110 минг дона уруғ

екилганида таъминланади. Поя учун каноп уруғи гектарига 1,6 млн дона ва уруғлик учун 200 минг дона экилади.

Умуман экиш меъёри қуидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}M = UC \cdot 100/\mathcal{E}Я,$$

бу ерда,  $\mathcal{E}M$ — экиш меъёри, кг/га;  $UC$ — 1 га учун унувчан уруғ сони, млн дона;  $M$ — 1000 дона уруғнинг массаси, г;  $\mathcal{E}Я$ — уруғнинг экишга яроқлилиги, фоиз.

Яроқлилиги паст уруғликни экиш меъёри назарий жиҳатдан белгиланганидан юқорироқ бўлади. Бунинг учун экиш меъёрига яроқлилиги 100 фоиздан кам бўлган миқдор қўшилади. Уни қуидагича хисоблаш мумкин:

$$100 - 100/93,5 = 106,9 \text{ кг/га.}$$

Демак, уруғликни экишнинг амалдаги меъёри 106,9 кг/га қилиб олинади.

**Экиш чуқурлиги.** Экиш чуқурлиги уруғларга ҳаво, нам, иссиқлик етарли бўлишини ва уларнинг қийғос униб чиқишини таъминлаши лозим. Экиш чуқурлиги уруғларнинг йирик-майдалигига, тупроқнинг механик таркиби ва намлигига, шунингдек, экиш муддатларига боғлик, бўлади ( 5-жадвал).

5-жавдал

### Айрим экинларнинг уруғларини экиш чуқурликлари, см

Экин тури	Енгил тупроқли ерларда	Ўртacha тупроқли ерларда		Оғир тупроқли ерларда
		намли	қуриган	
Буғдой, жавдар, сули	5,0	3,0	5,0-6,0	4,0
Арпа	5,0-5,5	2,5-3,5	4,0-5,0	2,0
Кўк нўхат,	7,0	4,0	6,0	3,0
Картошка	13,0	7,0	9,0	5,0
Беда	3,0	0,5	0,5-1,0	0,5-1,0
Маккажўхори	7,0	4,0	5,0	3,0
Фуза	4-5	3-4	5-7	3,0-4,0

Йирик уруғлар (маккажўхори, кўк нўхат ва дуккаклилар) анча чуқур — 7 см, картошка 13 см, беда ва шу каби майда уруғлар эса 1 см чуқурликка экилади.

Оғир тупроқли ерларга уруғ юза, механик таркиби енгил тупроқларга эса чукур экилади. Яхши намланган тупроқларда уруғ юзарок, қуриб қолган тупроқларда намланган қатlamга етиши учун чуқурроқ экилади.

**Ерга экишдан кейин ишлов бериш**, одатда, қатқалоқни юмшатишдан ва бегона ўтларга қарши қурашишдан бошланади. Бундай ишлов катор оралари ишланадиган экинларда бутун ўсиш давомида олиб борилади. Фўза, маккажўхори каби экинларнинг майсалари униб чиқмасидан қатқалоқ ҳосил бўлганда эса, у сихли бороналар ёрдамида йўқотилади. Майсаларнинг ярми ва кўпроғи униб чиқсан бўлса, қатқалоқ культиваторларга ўрнатилган ротацион мотигалар ёрдамида бартараф қилинади. Бажариш вазифасига қараб, культиваторлар юмшатадиган, кесадиган, эгат очадиган, ўғит соладиган иш органлари билан жиҳозланади.

Биринчи культивация 5 – 6 см, кейингилари 12 – 14 см чуқурлиқда ўтказилади. Бунда культиваторларнинг четки ишчи органлари ўртадагиларига қараганда саёзроқ ишлайдиган қилиб ўрнатилади. Культиваторлар билан ишлов бериш вақтида ўсимликнинг илдизларига шикаст етказмасликка эътибор бериш лозим. Бунинг учун қаторнинг ҳар икки томонидан 10 – 12 см ҳимоя зonasи қолдирилади. Қатор ораларига ишлов бериш усули тупрокнинг ҳолатига қараб белгиланади. Зич ва бегона ўтлар кўп бўлган тупроқни юмшатиш ҳамда бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культивация ўтказилади. Суғориладиган ерларда ўғит солиш ва эгат олиш ишлари ҳам юқоридаги тадбирлар билан бирга амалга оширилади. Ҳар суғоришдан кейин ер этилиши билан намликни сақлаб қолиш, тупроқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культивация қилиниши лозим.

Иккинчи ва учинчи йилги бедапояларга эрта баҳорда фосфорли ўғитлар сочилади, сўнгра дискли бороналар билан қўмилади. Дисклаш кўчат калинлиги сийраклашиб қолган бедапояларда ҳам ўтказилиши мумкин. Беданинг илдиз бўғизи кесилиши туфайли кўчатлар сони кўпаяди. Агарда бедапояда чимли қатlam вужудга келган бўлса, эрта баҳорда сихли бороналар ишлатилиб, ҳаво алмашинуви яхшилантирилади.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Үруғ сифатини белгиловчи кўрсаткичларни таърифланг.
2. Экиш кандай муддатларда ўтказилиши мақсадга мувофик?
3. Экиш усуллари ва уларнинг моҳияти нимада?
4. Экиш меъёри ва уни ҳисоблаш услубини тушунтириб беринг.
5. Экиш чуқурлиги ва унинг агротехник ахамиятини баён этинг.
6. Ерни экишдан кейин ишлаш технологияси ҳақида нималарни биласиз?

### **5-амалий машғулот**

#### **Ўсимликларнинг уруғлари билан танишиш ва уруғ сифатини аниқлаш**

**Топшириқ:** ўсимликларнинг уруғлари билан танишиш. Уруғларнинг тозалиги ва унувчанлигини аниқлаш. Уруғларнинг экишга яроқлилигини баҳолаш.

**Талааб қилинади:** ҳар хил экин уруғлари, техник тоштарози, махсус ажратгич тахтача, турли ўлчамдаги элакчалар, пинцет, ланцет, металл куракча, чўткача, патнисчалар, фильтр қофози, қум. Услубий қўлланма, тарқатма материал.

#### **Уруғларнинг морфологиясини ўрганиш**

Ғалла экинларининг дони бир уруғли, юпқа пўстли бўлади. Бундай мева *дон* деб юритилади. Кўпгина ғалла экинлари (арпа, шоли, тариқ, сули) дони қобиқ (пўст) билан ўралган бўлгани учун қобиқли (*пўст*)ли *дон* дейилади. Буғдой, жавдар, маккажўхори донлари *очиқ* *дон* деб аталади. Очик дон асосида қиясига муртак жойлашган. Буғдой ва жавдар донининг асосига қарши томони учидатукчалардан иборат попук бўлади.

Доннинг йирик-майдалиги унинг бўйи, эни ва йўғонлиги билан фарқланади. Унинг асосидан учигача бўлган масофа узунлигини, қорин томони пастга қаратилган ҳолдаги горизонтал диаметри энини, вертикал диаметри эса йўғонлигини билдиради.

## **Уруғларнинг тозалигини аниқлаш**

Уруғларнинг тозалигини аниқлаш учун намуна стол устига текис ёйиб қўйилади. Ундаги йирик аралашмалар ажратилади ва оғирлиги аниқланади.

**6 -жадвал**

### **Биринчи гурӯх ғалла экинларининг дони**

Дон белгиси	Буғдой	Жавдар	Арпа	Сули
Пўстлилиги	Одатда, очик, гоҳо пўстли	Очиқ	Пўстли ёпишган	Пўстли, ёпишмаган
Шакли	Чўзик овалсимон	Чузик, асоси ўткирлашган	Эллипс Симон, чўзик	Чўзик, жуда торайган
Пўстининг юзаси	Қиррали	Қиррали	Узунасига кетган	Силлик
Попуги	Бор	Бор	Йўқ	Бор
Эгатчаси	Кенг	Чуқур	Кенг	Кенг
Дон юзаси	Силлик	Майда	Силлик	Тукли
Ранги	Оқ, сарик, қизил	Яшил, кулранг	Пустли дони сарик	Оқ, сарик, жигарранг

Сўнгра намуна (маккажўхори ва дуккакли экинлар уруғидан 200 г дан, буғдой, арпа ва лавлаги — 50 г ва беда — 5 г олиш учун йирик аралашмалардан тозаланган уруғ стол устига 1 см қалинликда квадрат шаклида текис ёйилади, уруғ хоч шаклида бўлинниб, ўзаро қарама-қарши бўлаклари аралаштирилади ва иш ўртacha намунага тўғри келгунча давом эттирилади. Олинган намуналарнинг бир-биридан фарқи 0,8 фоиз атрофида бўлса, учинчи намуна олиш талаб этилмайди.

Сўнгра буғдой, арпа, жавдар ва сули уруғлари 2x20 мм, маккажўхори, кунгабоқар ва лавлаги уруғлари 2,5x20 мм кўзли элакларда эланади.

Элакдан ўтказилган намуналар орасидан меъёрида ривожланган уруғлар асосий уруғ сифатида ҳисобга олинади. Элакдан ўтиб кетган майда ва пуч, униб қолган, ярми ва кўпроқ қисми шикастланган уруғлар, бегона ўт ва бошқа

экинларнинг уруғлари, касалликка чалинган уруғлар, зааркунандалар, уруғнинг бўлаклари, тош, кесак, поя, гул ва тўпгул парчалари аралашмалар хисобланиб, уларнинг оғирлиги алоҳида-алоҳида аниқланади.

Дастлабки таҳлил вақтида йирик аралашмалар миқдори 0,24 фоизга тенг бўлғанлигини хисобга олсак, умумий аралашмалар миқдори  $0,24+1,05 = 1,29$  фоизга тенг бўлади. Демак, уруғнинг тозалиги УТ =100 — 1,29 = 98,71 фоизни ташкил этади.

Уруғ тозалигини аниълашда қуйидаги усулдан хам фойдаланиш мумкин: таҳлил учун олинган намуна оғирлиги (в) 1000 г ни, умумий аралашмалар(а) эса 12,9 г ни ташкил этса (б)  $1000-12,9 = 987,1$  г га тенг бўлади.

### **Уруғларнинг унувчанлигини аниқлаш**

Уруғнинг униб чиқиши деб, унинг мўътадил шароитда энг қулай муддатларда майса беришига айтилади.

Уруғнинг унувчанлигини лаборатория шароитида аниқлаш учун ҳар бири 100 тадан тўртта тўплам намуна олиниб, улар тубига қум ёки 5 – 6 кават фильтр қофози тўшалган патнисчаларда ундирилади.

Патнисчадаги қум текисланиб, намланади ва унга уруғлар бир текис териб чиқилгач, ясси предмет билан устидан босиб, қумга бир оз ботириб қўйилади. Ёки уруғлар фильтр қофоз устига териб чиқилади ва бунда улар қофознинг ванначадаги сувга тегиб турган қисми орқали намикади. Ванначанинг усти ойна билан ёпиб қўйилади.

Уруғларнинг униш вақтида қум намлиги унинг нам сифимига нисбатан 60 фоиз, дуккакли экин уруғлари учун 80 фоиз атрофида бўлиши таъминланади. Фильтр қофоз Қуриб қолмаслиги учун доим намлаб турилади.

Бугдой, жавдар, арпа ва сули  $20^{\circ}\text{C}$ , маккажўхори, оқ жўхори, тариқ, шоли  $20-30^{\circ}\text{C}$  иссиқ, қароратда ундирилади.

Уруғларнинг униб чиқиш қобилияти ва унувчанлиги (униб чиқиш энергияси) унган уруғларни кун ора санаш ва маҳсус журналга қайд этиш йўли билан аниқланади.

Униб чиқии қобилияти — уруғларнинг қисқа муддатда қийғос унишидир. Унувчанлик белгиланган кунлар ичида униб чиққан уруғларнинг фоизда ифодаланишини англатади. Униб чиққиши қобилияти дастлабки 3—5 кунда, унувчанлик эса 7—10 кундан кейин аниқланади.

Шу кўрсаткичларга кўра, уруғлар алоҳида синфларга бўлинади: I синф урутининг униб чиқиши қобилияти 88 ва униб чиқиши энергияси 95 фоизни; II синф — тегишли равишда 85 ва 90 фоизни; III синф — 80 ва 85 фоизни ташкил қиласди.

Илдизи нормал ривожланаётган ва асосий илдизининг узунлиги уруғ бўйига тенг бўлиб қолган уруғлар ҳисоблаб чиқилади. Жавдар, маккажўхори, буғдој ўсимлигининг бўйи уруғ бўйининг ярмига тенг бўлиши урутнинг унганлигини кўрсатади. Дуккакли экинларнинг айрим уруғлари қаттиқ қобиққа ўралган ҳолда униб чиқади. Улар ҳам унган уруғлар жумласига киради. Унмайдиган уруғлар илдиз чиқармайди, факат ўсимта бўлиб шаклланади. Нимжон ривожланган, қингир - қийшиқ, чириган илдизли уруғлар ҳам унмайдиган уруғлар сирасига киради.

### **1000 дона уруғ вазнини аниқлаш**

Уруғни экиш меъёрини аниқлашда 1000 та уруғнинг вазни ҳисобга олинади. Уни аниқлаш учун хар бирида 100 тадан уруғ бўлган тўртта намуна олинади. Намуналар алоҳида-алоҳида тортилиб, уларнинг ўртача вазни аниқланади ва 10 га кўпайтирилади. Шундан 1000 та уруғ вазни келиб чиқади.

### **Уруғларнинг экишга яроқлилигини аниқлаш**

Экишга яроқлилик деганда намунадаги тоза ва унувчан уруғлар микдори тушунилади ва шунга кўра экиш меъёри ҳисоблаб чиқилади.

Мисол учун, урутнинг тозалиги ( $T$ ) 97,5, унувчанлиги ( $Y$ ) 97 фоиз бўлса, урутнинг экишга яроқлилиги ( $\mathcal{E}Y$ ) қуйидагича бўлади:

$$\mathcal{E}Y = Y \cdot \frac{77100}{100} = 97 \cdot 97,5 / 100 = 94,6 \%$$

Ургуни ҳисобдагича экиш меъёри ( $\mathcal{E}M$ ) 1 га учун 80 кг га тенг бўлса, у ҳолда экишга яроқлиликнинг юқоридаги қўрсаткичига кўра, амалдаги экиш меъёри ( $\mathcal{E}M_a$ ) қўйидагича бўлиши лозим:

$$\mathcal{E}M = \mathcal{E}M \cdot 100/\mathcal{E}A = 80 \cdot 100/94,6 = 84,56 = 85 \text{ кг.}$$

## 1.8. Тупроқ мелиорацияси

*Мелиорация* лотинча melioratio сўзидан олинган бўлиб, яхшилаш маъносини билдиради.

*Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси* деганда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириб бориш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун нокулай бўлган табиий (иклим, тупроқ, гидрологик ва гидрогеологик) шароитларни яхшилашга қаратилган мелиоратив тадбирлар тизими тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги мелиорациясининг асосий вазифалари тупроқнинг сув режимини бошқариш ва суғоришни ривожлантириш, қўшимча сув манбаларини излаш, ер сатҳи сувлари оқимини ростлаш, тупроқ шўрланиши ва ботқоқланишининг олдини олиш, тупроқнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш ҳамда унинг эрозиясига қарши қурашиб, қўриқ, ерларни ўзлаштириш, қум кўчиши, сел оқими хавфини бартараф этиш каби чоратадбирларни амалга оширишдан иборат.

Суғориш (суғориш ва яйловларга сув чиқариш) ва заҳ қочириш мелиорациялари бир-биридан фарқ қиласи. Ўрганиш (яхшилаш) обьектига кўра, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси қўйидаги турларга бўлинади: *иқлим мелиорацияси, тупроқ мелиорацияси, ер сатҳии сувлари режими мелиорацияси ва сизот сувлар режими мелиорацияси*.

Тупроқ мелиорацияси ўз навбатида, тупроқнинг сув режими (суғориш ва заҳ қочириш) мелиорацияси, шўрхок ва шўрхоқли тупроқлар мелиорацияси, шўртоб ва шўртобли тупроқлар мелиорацияси, эрозияга учраган тупроқлар мелиорацияси, қумликлар мелиорацияси каби турларга бўлинади.

## **Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш**

*Суғории* — қишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришини жадаллаштирувчи ва экинлар учун табиий шароитни тубдан ўзгартирувчи воситадир. Бир гектар суғориладиган яйлов дашт ерлардагидан 100 баробар кўп, тоғли яйловларга қараганда 50 баравар ва лалмикор дехқончиликка қараганда 7,5 баравар ортиқ маҳсулот беради.

Суғориш ўсимликларнинг сувга бўлган талабини қондириш мақсадида сувнинг оқим шаклини тупроқ, намлигига ўтказишидан иборат технологик жараёндир.

**Суғориш турлари.** Қуйидаги суғориш турлари қўлланилади: *мунтазам, номунтазам, бир вақтли ёки лиман суғории*. Мунтазам суғориш тупроқда доимий равишда мўътадил намликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Номунтазам суғориш сув захиралари билан белгиланиб, 1 ёки 2 марта ўтказилади. Қурғоқчил минтақаларда сув етишмаслигидан экинлар 1 маротаба суғорилади ва бу бир вақтли суғориш дейилади. Лиман суғоришлар, асосан, МДҲнинг шимоли-ғарбий минтақаларида, шунингдек, Қозоғистонда қорларнинг эриши ҳисобига ҳосил бўлган сувни далада тутиб қолиш йўли билан ёки дарёларда сув кўпайганда тошқин ҳисобига амалга оширилади.

**Суғориш тизимлари** мураккаб сув-хўжалик мажмуи бўлиб, у икки таркибий кисмдан иборат: *а) суғории тармоқлари ва б) коллекторнинг зовур тармоқлари*.

Суғориш тармоқлари сувни сув манбаидан суғориладиган пайкалларгача оқизиб келтириш ва teng тақсимлашга, коллектор-зовур тармоқлари эса ортиқча сизот сувларни чиқариб ташлашга хизмат килади.

### **Суғориш режими**

Қишлоқ хўжалиги экинларини *суғориш режими* деганда ўсимликларнинг ривожланиш фазаларига кўра, суғориш сонини аниқлаш, суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари ва мўътадил суғориш муддатларини белгилаш тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга бўлган талаби иқлим минтақалари, тупрок, шароитлари, сизот сувлар чуқурлиги ва уларнинг минераллашганлик даражаси, парвариш қилинаётган экин тури ёки навининг биологик хусусиятлари билан белгиланади.

Суғориш муддатларини аниқлашнинг бир неча усуслари мавжуд: ўсимликларнинг физиологик хусусиятлари (баргларнинг сўриш кучи, хужайра ширасининг концентрацияси)га кўра; ўсимликларнинг ташки белгилари (барг пластинкасининг ранги, баргларнинг сўлиши, ғўза гулларининг узун ёки қисқа муддат очилиши, асосий поянинг ўсиш жадаллиги)га қараб белгилаш; тупрок намлиги каби хусусиятларни ҳисобга олиб белгилаш.

Қишлоқ хўжалигига ўсимликнинг ташки белгиларига кўра, суғориш муддатларини аниқлаш кенг қўлланилади. Тупроқда нам кам бўлса, ўсимлик барглари тўқ яшил, агар кўп бўлса, оч-яшил рангда бўлади. Баргининг тўқ. яшил рангга ўтиши суғориш муддати етилганлигидан дарак беради.

Экинлар гуллагунга қадар навбатдаги суғориш муддатини баргларнинг сўлий бошлаганлигига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун эрталаб (соат 7 – 8 ларда) ва кун исиган пайтда (соат 14 – 15 ларда) кузатиш ўтказилади: 8 – 10 га ли экинзорнинг 8 – 10 жойидан ўрта бўйли туплардаги юқори 3 – 4 барглар олиниб, букиб кўрилганда қисирлаб синмаса, ўсимлик сўлий бошлаганлигини билдиради. Агар баргларнинг 20 фоизи сўлий бошлаган бўлса, суғориш муддати етилган ҳисобланади.

Суғориш муддатларини тупроқ намлигига қараб аниқлаш ҳам энг тўғри усулdir. Енгил тупроқлар 10 – 12 фоиз, ўртача механик таркибли тупроқлар 18 – 20 фоиз ва оғир тупроқлар 25 – 27 фоиз нам сифимиға эга. Тупроқнинг нам сифимиға нисбатан 60 – 80 фоиздан паст бўлмаган миқдор экинлар учун мўътадил намлиқдир. Намлиқни аниқлаш учун тупроқ намуналари маккажўхори ривожланишининг 1-даврида унинг 50 см, 2-даврида 70 – 100 см ва 3-даврида 100 см қатламларидан олинади.

Тупроқ намунаси термостат шкафда 6 соат давомида 105°C да қуритилади ва унинг намлиги қўйидагича аниқланади:

$$W = (a - b) \cdot 100/(a - c), \%$$

бу ерда,  $a$  — нам тупроғи стакан оғирлиги, г;  $b$  — қуруқтупроқли стакан оғирлиги, г;  $c$  — бўш стакан оғирлиги, г.

### **Бедани суғориш**

Шимолий иқлим минтақасида арпа-беда аралаштириб экилган дала биринчи йили 5 – 7 марта 5 – 7 минг м<sup>3</sup>/га умумий меъёрида сугорилади. Бу тупроқдаги намликни нам сифимиға нисбатан 80 фоиз микдорда тутиб туришга имкон беради.

Иккинчи йилги беда Тошкент вилоятида 1-2-2-2 тартибда 7,5—8 минг м<sup>3</sup>/га умумий меъёрида сугорилади, бу тупроқ, намлигини нам сифимиға нисбатан 70—75 фоиздан паст бўлмаган ҳолатда тутиб туради. Учинчи йилги беда 1-3-3-3 тартибда сугорилганда ундан энг юқори ҳосил олинган. Ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқдарда 1-2-2-2 тартибда 1000—1200 м<sup>3</sup>/га меъёрида сугориш етарлидир.

Марказий иқлим минтақасида пичан учун экилган бедани 4 – 9 марта 4 – 9 минг м<sup>3</sup>/га умумий меъёрида сугориш тупроқ намлигини унинг нам сифимиға нисбатан 70—80 фоиздан паст бўлмаган ҳолатда таъминлашга имкон беради.

Жанубий иқлим минтақасида беда жами 8 – 10 марта, яъни ҳар ўрим орасида 2—3 мартадан сугорилади. Сизот сувлари 10 м гача чукурликда ётган ерларда бедани 1-2-2-2-2-1 йусинда 12 минг м<sup>3</sup>/га меъёрида сугориш керак, бу эса тупроқ, намлигини 75—85 фоизга таъминлайди. Ушбу минтақада биринчи ўримдаёқ, уруг олиниади.

*7 -жадвал*

### **Бўз тупрокларда пичан учун етиштирилаётган бедани суғориш режими**

<b>Гидромодуль</b>	<b>Суғориш сони</b>	<b>Суғориш муддатлари</b>		<b>Мавсумий суғориш</b>
			-гача	
I	9	6/IV	25/IX	9500
II	8	11/IV	25/IX	8900
III	6	16/IV	20/IX	8300
IV	5 – 6	21/IV	15/IX	7000
V	5	26/IV	10/IX	6700

VI	4 – 5	1/V	5/IX	5500
VII	4	6/V	5/IX	5200
VIII	3	1I/V	31/VIII	3300

## **Маккажўхорини суғориш**

Маккажўхори ўсимлигининг сувга талаби султон чиқаришдан бироз (10 –12 кун) олдин бошланиб, доннинг сут-мум пишиш давригача (30 –37 кун) давом этади.

Тупроқ турига кўра дон учун экилган маккажўхори 3 – 5 дан 6 – 7 марта гача суғорилади. Суғориш меъёри енгил тупроқларда 700 – 800 м<sup>3</sup>/га, оғир тупроқларда 1000—1200 м<sup>3</sup>/га бўлади.

Тошкент вилоятининг ўтлоқи тупроқларида дон учун экилган маккажўхорини 2-2-1 тартибида суғориш мақсадга мувофиқдир. Силос учун экилган маккажўхори 2 – 5 тартибида суғорилади. Мавсумий суғориш меъёрлари 5 – 6 минг м<sup>3</sup>/га. Тупроқнинг намлиги биринчи шароитда дала нам сифимиға нисбатан 70 – 75 – 65 фоиз, иккинчи шароитда эса 75 –80 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Марказий иқлим минтақасида дон учун экилган маккажўхори даласида тупроқ намлиги 70 – 75 –70 фоиздан, силос учун экилганда 75 –80 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Ўтлоқи тупроқларда суғориш сони 2—3 (мавсумий суғориш меъёри 2,3—3,4 минг м<sup>3</sup>/га) ва сизот сувлари чуқур ерларда 7 марта (6,8 –7,0 минг м<sup>3</sup>/га) бўлади.

Жанубий иқлим минтақасининг сизот сувлари 1,5 — 2 м чуқурлиқда жойлашган ерларида дон учун экилган маккажўхорини 2—3 (4) — 1 тартибида 6 —7 марта 7—8 минг м<sup>3</sup>/га меъёрда суғориш лозим. Бунда тупроқ намлиги 75 — 75 — 60 фоиздан юқори миқдорда ушлаб турилади. Сизот сувлари 3 — 4 м чуқурлиқда жойлашган ерларда эса 2—5—1 тартибида 8 марта 8—9 минг м<sup>3</sup>/га умумий меъёрида суғориш керак бўлади. Суғоришнинг шу режимига амал қилинса, тупроқ, намлиги 75—75 — 60 фоиздан кам бўлмайди.

## **Яйловларни сугориш**

Сунъий барпо этилган яйловлар дастлабки йилларда қишки-баҳорги ёғин-сочин ҳисобига биринчи ўримгача сугорилмайди. Лекин баҳорнинг қуруқ ва иссиқ келиши бу даврда бир марта сугоришни тақозо этади.

Яйлов ўтлари биринчи ўримдан сўнг тупроқ намлигини 65 — 75 фоиздан юқорида таъминлаш учун сугориб турилади. Сугориш режимини белгилашда яйлов ўтларининг илдиз тизими тупроқнинг устки қатламида жойлашиши назарда тутилади. Сугорищдан олдинги тупроқ намлигини аниқлашда устки 0 — 30 см қатlam ҳисобга олинади. Шўрланган ёки шўрланишга мойил ерларда ҳисобий қатlam 0— 80 см қилиб белгиланади.

Етти ўрим цикли яйловда сугориш 0-1-1-2-2-2-1 тартибида ўтказилади. Бу ракамлар ўримлар орасидаги сугориш сонларини билдиради.

0 — 30 см ли ҳисобий қатlamни намиқтириш учун сугориш меъёри 350 — 400 м<sup>3</sup>/га, 0 — 80 см ли қатlam учун эса 850—1000 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этади.

Катта нишобли (0,02 — 0,05) ерларда тупроқ нурашининг олдини олиш мақсадида сугориш меъёри бир неча сугоришлар орқали бўлиб-бўлиб берилади.

## **Сугориш усуllари ва техникаси**

Қишлоқ хўжалиги экинлари қуйидаги усуllарда сугорилади: 1) тупроқ сатҳидан сугориш; 2) ёмғирлатиб сугории; 3) тупроқ орасидан сугориш; 4) томчилатиб сугории.

Қатор оралари ишланадиган экинлар (ғўза, каноп, лавлаги, маккажўхори, оқ жўхори, сабзавот, полиз экинлари ва бошқалар) эгат олиб сугорилади. Бошоқли дон экинлари, бир йиллик ҳамда кўп йиллик ўтлар йўлаклаб, шоли эса чек олиб, бостириб сугорилади.

Эгатларга сувни чим, қоғоз билан тақсимлашда ҳар бир эгатга сувни бир хилда тақсимлаш имконияти бўлмайди. Сувни механизациялаштирилган усулда тақсимлашда ҳар хил сугориш машиналари ва агрегатларидан фойдаланилади.

Шунингдек, тўсиқ-тақсимлагичлар, сифон-найлар, қувурлар, эгилувчан шланг ва қаттиқ қувурлар, тупроқ ости қувурлари ҳам қўлланилади.



### 9 - Расм. Тупроқ усти қувури

Сифон-найлар 1,2 – 1,3 м узунликда тайёрланиб, ўқариқдан сувни эгатга ёки полга узатиш учун хизмат қиласди.

Йўлаклаб бостириб суғоришда поллар кенглиги 25 –30 м, узунлиги эса 150 – 200 м бўлади. Ёмғирлатиб суғориш машина ва агрегатлари ёрдамида суғориши механизациялаштириш имконияти кўпроқ. Бунинг учун сувни узоққа ва яқинга отувчи ёмғирлатиб суғориш машина хамда агрегатларидан (КДУ-55, ДДН-70, ДДА-ЮОМА, «Волжанка», «Фрегат», «Коломно», «Кубань» ва бошка русумдаги) фойдаланиш мумкин.

Ёмғирлатиб суғориш енгил қумлоқ, мураккаб рельефли, катта нишобли, сув ресурслари танқис ерларда яхши самара беради. Эгатлаб суғориш эса тупроғи шўр ва оғио механик таркибли, сизот сувлар саёз жойлашган ва суғориш сувлари минераллашган ҳамда кучли шамоллар бўлиб турадиган ҳудудларда яхши самара беради.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Қишлоқ, хўжалиги мелиорацияси тушунчаси, унинг турлари ҳамда вазифаларини сўзлаб беринг.
2. Экинларни суғориш режими деганда нимани тушунасиз?

3. Суғориши муддатларини белгиловчи усулларни баён этинг.
4. Беда ва маккажүхорининг суғориши режими ҳақида нималарни билиб олдингиз?
5. Яйловлар қандай тартибда суғорилади?

## **6 - амалий машғулот**

### **Суғоришга берилаётган сув миқдорини аниқлаш**

**Топшириқ:** Сув ўлчагич билан танишиш. Сув ўлчаш услубиятини ўзлаштириш.

**Талаб қилинади:** Чиполетти сув ўлчагичи, сув ўлчагичларга оид жадваллар.

Муваққат суғориш тармоқлари — ўқ-ариқлар, эгатлар ва алмашлаб экиш далаларига берилаётган сув миқдорлари Чиполетти конструкцияси асосида ишлаб чикилган трапеция шаклидаги сув ўлчаш асбоби ёрдамида аниқланади.

Сув ўлчаш асбоби ўқариққа унинг ёnlари ва остидан сув сизиб ўтмайдиган қилиб тупроқ билан яхшилаб шиббаланиб ўрнатилади. Ундан сувнинг эркин оқиб ўтишини таъминлаш керак. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор берилади:

— сув ўлчаш асбобининг остки қисми лойқа билан кўмилиб кетмаслиги учун ундан ўтаётган сув кичик шаршара ҳосил қилиши лозим. Шу мақсадда унинг остонаси ариқ тубидан 4 — 5 см баланд бўлиши керак;

— сув ўлчаш асбобидан 1 — 1,5 м олдинда оқим тезлигини секинлаштириш учун маҳсус ҳовузча қазилиши даркор. Ҳовузчанинг ўлчами сув ўлчаш асбобидан ўтаётган сувнинг миқдори, сув ўлчагич ва суғориш тармоғининг нишоблигига боғлик. холда танланади: суғориш тармоғининг нишоблиги қанча катта бўлса, сувнинг тезлиги ва шунга мувофик, секинлатгичнинг узунлиги ҳам катта бўлади;

— ўлчаш асбоби сув юзасига нисбатан тик ўрнатилиши лозим;

— ўлчаш асбобининг остонаси горизонтал бўлиши керак;

— рейкалар сув ўлчаш асбобининг олдига ўрнатилади. Рейкадаги ноль сони ўлчаш асбобининг остонаси билан баробар туриши лозим.

Асбобдан ўтаётган сувнинг микдорини ҳисоблашда доимий равища кузатиш ишлари олиб борилади ва маҳсус жуналга қайд этилади.

Асбода 2 та сув ўлчагич рейкаси бўлган ҳолларда уларнинг ўртача кўрсаткичи олинади. Рейка бўйича маълумотларни олиш тақрорийлиги ариқ орқали ўтаётган сувнинг ўзгариш хусусиятига боғлиқ бўлади. Агар ариқдаги сув сарфи тез-тез ўзгариб турса, унда ҳар соатда ўлчов ўтказиш, сув микдори ўзгармас бўлганда ўлчашни кунига 3 — 4 марта амалга ошириш керак.

Кузатиш ишлари тугатилгач, куйидаги ифода ёрдамида сувнинг микдори аниқданади:

$$Q = 1,86 \cdot \beta \cdot h \cdot \sqrt{h},$$

бу ерда,  $Q$  — ўлчаш асбобидан ўтаётган сув микдори,  $\text{м}^3/\text{сек}$ ;  $\beta$  — сув ўлчаш асбоби остонасининг кенглиги, м;  $h$  — асбоб орқали ўтаётган сувнинг қалинлиги, м.

**1-масала.** Агар сув ўлчаш асбоби остонасининг кенглиги 0,50 м бўлиб, ундан ўтаётган сув қалинлиги 90 мм бўлса, ҳар секундда асбоб орқали ўтаётган сувнинг микдорини ҳисобланг.

Ечиш:

$$Q = 1,86 \cdot 0,5 \cdot 0,09 \cdot \sqrt{0,09} = 0,025 \text{ м}^3/\text{сек} = 25 \text{ л/сек.}$$

Демак, сув ўлчаш асбобидан секундига 25 л сув оқиб ўтаётган экан.

**2-масала.** Асбобдан 25 л. сек сув ўтаётган бўлиб, сугориш меъёри  $800 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлса, бир суткада неча гектар экин майдонини сугориш мумкин?

Ечиш: даставвал ҳар минут (60 сек)даги сув сарфи ҳисоблаб чиқилади:

1 сек — 25 л

60 сек —  $x$

$$X = 60 \cdot 25 = 1500 \text{ л/мин} = 1,50 \text{ м}^3/\text{мин.}$$

1 минутда 1500 л сув ўтаётган бўлса, 1 соат 60 минутда: 1 мин — 1500  
л 60 мин —  $x$

$$X = 60 \cdot 1500 = 90000 \text{ л/с} = 90 \text{ м}^3/\text{с}.$$

## II БОБ

### **ЕМ – ХАШАК ЕТИШТИРИШ**

---

#### **2.1. ОЗУҚА ТУРЛАРИ ВА СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИ**

Чорвачиликда күлланадиган озуқалар сифати, түйимлилиги, ҳазм бўлиши билан фарқланади. Барча озуқалар 3-та гурухга бўлинади: ўсимликдан тайёрланган озуқалар, чорва маҳсулотларидан тайёрланган озуқалар ва минерал моддалар. Шу озуқалардан энг қўп қўлланиладигани- ўсимликлардан тайёрланадиган озуқалардир.

**Ўсимлик озуқалари.** Ўсимликлардан тайёрланадиган озуқалар кенг тарқалган бўлиб, улар кўкат, пичан, сенаж, силос, дағал, ширали, концентрат ва бошқа озуқалар ҳисобланади. *Кўкат озиқ*- бу энг арzon, түйимли, осон ҳазм бўладиган озиқдир. Кўкат озиқ етарли даражада сувли, витаминли, хушбўй, муҳим органик ва минерал моддаларга бой бўлади. Кўкат озиқ табиий ўтзорлардан, маҳсус экилган ем-хашак экинлардан олинади. У витаминаларга каротин, оқсил ва минерал моддаларга бой бўлади. *Дағал озуқалар.* Бу гурухга пичан, сомон, бута ва дараҳт новдалари киради. Умуман бу озуқалар осон ҳазм бўлмайди, лекин таркибида тўқималар кўп бўлади. *Пичан*-бу қуритилган ўсимлик озуқаси. Пичан ҳар хил табиий ўтзорлардан, экилган бир ва кўп йиллик ўтлардан ва бошқа ем-хашак экинлардан тайёрланади. Тўйимлилиги бўйича кўкатдан юқори бўлади (8-жадвал). Бу жадвалда кўкат билан пичаннинг тўйимлилиги ва уларнинг орасидаги фарқ яққол кўринади.

**Донли озуқа (ем)** – бу юқори тўйимли қуруқ озуқа. Ем сифатида донли ва дон-дуккакли экинларнинг дони (уруғи) ишлатилади. Дон тўйимлилиги билан юқори кўрсаткичларга эга. Асосий хашаки дон экинлари – бу сули, арпа, хашаки буғдой, жавдар, тритикале, жўхори, маккажўхори, нўхат, соя, бурчоқ. Доннинг таркибида оқсил, карбон сувлари, витаминалар мавжуд.

### Кўкат ва пичан тўйимлилиги (1 кг озуқанинг таркиби)

#### (В. Далакъян ва бошқалар маълумоти)

Экин турлари	Озиқ бирлиги	Протеин, г	Са , г	Фосфор, г	Каротин, г
Кўкат					
Беда	0,21	29	3,8	0,8	50
Қизил себарга	0,21	27	3,8	0,7	40
Баргак	0,18	28	2,4	0,6	65
Оқ сўхта	0,23	15	1,2	0,8	40
Қўнғирбош	0,23	24	2,9	1,7	35
Пичан					
Беда	0,68	127	21,3	1,9	40
Қизил себарга	0,52	79	9,3	2,2	25
Баргак	0,54	108	11,0	2,5	25
Оқ сўхта	0,41	39	4,7	2,2	15
Қўнғирбош	0,52	48	2,9	2,0	20

**Ширави озуқалар** – бу илдизмевалар, туганакмевалар, хашаки полиз экинларни меваси. Бу озуқалар серсувли, карбон сувларига бой, осон ҳазм бўлади. Чорва молларни сутини кўпайтиради.

**Консервалаштирилган озуқалар** – булар силос ҳамда сенаж. Бу озуқалар герметик усулда тайёрланади. Сенаж ем-хашак ўтлардан тайёрланади, силос эса силосланадиган экинлардан тайёрланади.

Бу озуқалар ҳайвонларни кўкат билан таъминлаш қийин бўлган қиши даврида кўпроқ кўлланади, чунки тўйимлилиги бўйича табиий ўтларга яқинdir. Бу озуқалардан ташқари бута ва дараҳтларнинг бир йиллик новдалари, тўкилган барглар, асосий ҳосил йиғилгандан кейин қолган барг ва поялар ҳам озуқа сифатида кўлланилади.

#### Ҳайвонот қолдиқларидан тайёрланган озуқалар

**Сут ва сут саноати чиқиндилари.** Чорвачиликда сут саноати чиқиндилари ҳам кенг қўлланилади. Қаймоғи олинмаган сут – ёш молларни боқищда энг тўйимли озуқа ҳисобланади, чунки унинг таркибида барча озиқ

моддалар ва витаминлар мавжуд. Қаймоғи олинган сут – оқсилга бой, аммо ёғи кам бўлади. Одатда бу сут чўчқа болалари ва бузоқларга ичирилади. Сузма ва пишлоқ ишлаб чиқилгандан сўнг қоладиган зардоби донли озуқаларга қўшиб молларга берилади.

**Гўшт ва балиқ саноати чиқиндилари** – қон уни таркибида 80-90% оқсил бўлиб, ўсимликдан тайёрланган озуқаларга талаб қилинганда кўшилади. Гўшт-суяқ уни таркибида 50% оқсил ва тахминан 20 – 23% кул бўлади. Бу озуқа фосфорга бой бўлади. Балиқ уни балиқчилик корхоналарида балиқ чиқиндиларидан тайёрланиб, унинг таркибида 55% оқсил ва 22 – 32% кул, фосфор, калций бўлади. Балиқ уни барча ҳайвонларга берилади.

### **Омиҳта ем**

Омиҳта ем ҳар хил озуқа аралашмаси бўлиб таркибида оқсил, минерал моддалар, витаминлар, тўқима, кул ва бошқа хил қўшилмаларни нисбати бир хил бўлмайди, бу боқишига мўлжалланган чорва турига ва ёшига боғлиқ бўлади ва боқиладиган чорвани биологик ва физиологик талабини қондириши лозим. Омиҳта ем саноат корхоналарида тайёрланади.

### **Ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат чиқиндилари**

**Ун тортини саноати чиқиндилари** кимёвий таркиби ва тўйимлилиги бўйича турлича бўлади. Дон экинларининг кепаги (кўпинча буғдой ва жавдар) қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун юқори тўйимли озуқа бўлиб ҳисобланади. Кепак тўйимлилиги бўйича дондан паст туради. Кепак омиҳта ем ва озиқ ачитқиси тайёрлашда қўлланилади, у сомон, илдизмева ҳамда бошқа озуқаларга аралаштириб молларга берилади. Оқшоқ паррандаларни боқиш учун, буғланган ҳолдагиси эса чўчқаларга ҳамда қорамолларга бериш учун фойдаланилади..

**Ёг-мой ишлаб чиқарии корхоналар чиқиндилари.** Асосий чиқинди – бу кунжара ва кунжара толқонидир. Бу озуқалар оқсил, карбонсувлари ва фосфорга бой бўлади. Молларга кунгабоқар, зигир, кунжут чигит кунжараси кўп қўлланилади. Чигит кунжараси тўйимлилиги бўйича пастроқ бўлади, чунки чигит қаттиқ қобиқ билан ўралган. Соя кунжараси ва толқони

таркибида оқсил кўп бўлади (43-45%), осон ҳазм бўлади, уни барча турдаги молларга берилади. Умуман кунжарани тўйимлилиги юқори, масалан, зифир кунжарасини 0,7 кг, кунгабоқарнинг кунжарасини 0,9, соянинг 0,8 ва чигитнинг 0,8 кги бир озуқа бирлигига tengdir.

**Қанд лавлаги корхоналари чиқиндилари.** Суви сиқиб олинган лавлаги турпи (жом) ва озиқбоп қиёмдан иборат. Лавлаги турпи заводларда лавлагининг шираси сиқиб олингандан кейинги қолган қисмидир. Унинг таркибида 93% сув бўлиб, оқсил ва минерал моддалар кам бўлади. Лавлаги турпи асосан соғин сигирларга ва бўрдоқига боқилаётган қорамолларга берилади. Янги лавлаги туртининг 12 кг, қуритилганинг 1,2 кг бир озиқ бирлигига teng бўлади. Қиём асосан чўчқаларга ва қорамолларга озиқ сифатида берилади. 1 кг қиём таркибида 0,8-1,0 озиқ бирлиги ва 41 г ҳазмланадиган оқсил бўлади. Одатда қиём сувга ва дағал озиқага аралаштириб молларга берилади.

**Вино ва пиво ишлаб чиқарши корхоналари чиқиндилари** – бу барда, ундириб янчилган арпа, арпа майсалари ва пиво ачитқисидир. Барда суюқ озиқа, у молларга фақат янгилигига берилади, чунки тез бузилади. У соғин сигирларга ва бўрдоқига боқилаётган қорамолларга берилади. Бунда молларнинг ҳолатига ва берилаётган янги барданинг миқдорига қараб суткасига 3-5 кг дағал хашак бериш керак. 1 т картошкадан 1,15 т ва 1 тонна дондан 3,6 т барда чиқади. 23 кг картошка бардаси, 11 кг маккажўхори бардаси ва 10 кг буғдой бардаси бир озиқ бирлигига teng келади. Ундириб янчилган арпа бўрдоқига боқилаётган молларга берилади. Арпа майсалари тез бузилади, шунинг учун уни қуритиб сақлашади. Қуритилган арпа майсалари соғин сигирларга берилади ва омихта емга қўшилади. Пиво ачитқиси янги ва қуритилган ҳолда ишлаб чиқарилади. Таркибида 30 – 53% оқсил ва витаминалар, фосфор тузлари мавжуд бўлади.

**Крахмал қиёми ишлаб чиқарши корхоналари чиқиндилари.** Бунга картошка, маккажўхори, шоли турпи(шираси эзид олингандан кейинги қолдиқ) киради. Янги туртининг таркибида сув кўп бўлганлигидан унинг

тўйимлилиги ҳам паст бўлади. Қуритилган ҳолатда барча молларга берилади. У хўл, қуритилган ва силосланган ҳолатда қўлланилади.

**Озиқ-овқат чиқиндилари** (умумий овқатланиш ошхоналари, ресторанлар, нон заводлари) шаҳар атрофидаги чўчқачилик хўжаликларида кенг қўлланилади. Ўрта ҳисобда 4 – 5 кг озиқ-овқат чиқиндиси тўйимлилиги жиҳатидан 1 озиқ бирлигига teng келади.

### **Витамины ва минерал озуқалар**

Озиқ - овқат саноати чорвачилик учун А, В<sub>1</sub>, С, В<sub>2</sub>, Д, Е ва бошқа витамины препаратларни ишлаб чиқармоқда.

Асосий озиқ элементлари билан бир қаторда минерал тузлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Минерал озуқалар – ош тузи, бўр, суяк уни ва бир қатор микроэлементлардир. Минерал озуқалар ичида ош тузи кўпроқ аҳамият касб этади. Ўсимликлардан тайёрланадиган деярли ҳамма озуқларда натрий ва хлор кам бўлади. Шунинг учун озиқ ҳазм бўлишини меъёrlаштириш учун ўт ейдиган молларнинг ҳаммасига ялама туз бериш керак. Бу хилдаги тузлар охурларга ташлаб қўйилади, яйловларга сепилади ёки туйилган ҳолда озиқ рационига киритилади.

### **Озуқаларга қўйиладиган талаблар**

Барча турдаги озуқалар умумий талабга жавоб бериши лозим, яъни:

- таркибида ҳазм бўладиган озиқ моддаларнинг миқдори юқори бўлиши;
- заҳарли ва заرارли моддалар меъёридан ошмаслиги;
- озуқанинг ранги, хиди ҳар бир турига мос бўлиши;
- озуқанинг сифати ва ҳазмланиши юқори бўлиши;
- узоқ муддат сақланиш хусусиятига эга бўлиш - каби талабларга жавоб бериши лозим.

**Озуқаларнинг сифати.** Қишлоқ хўжалик хайвонлари ҳар хил азотли моддали озуқалар билан боқилади. Озуқа турлари билан юқорида танишдик. Озуқаларнинг сифати, тўйимлилиги унинг кимёвий таркибига боғлиқдир. Озуқа таркиби сув ва қуруқ моддадан иборат. Қуруқ модда органик ва минерал моддалардан ташкил топган. Органик моддалардан азотли моддалар

(оқсил амидлар), азотсиз моддалар (карбон сувлар, мой), витаминлар (A, B, C, D, E ), минерал моддалар, макроэлементлардан (Mg, Na, S, P, Fe ), микроэлементлардан (D, Mn, Co, Cu, Ae ) ташкил топган. Озиқ таркибида минерал моддалар етишмаса ҳайвонлар маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади. Ҳайвонлар учун кальций, фосфор, магний, натрий, темир зарурдир. Озуқаларининг таркибида бу унсурлар етишмаса улар қўшимча равишда берилиши лозим. Ем-хашак экинларнинг таркибида кул ўртача 5% бўлади. Илдизмева ва туганак мевалар таркибида кальций ва фосфор кам бўлади, калий кўпроқ бўлади. Азотли моддалар ёки хом протеин оқсил ва оқсилсиз амидлардан ташкил топган. Озиқ турларига қараб оқсил миқдори ҳар хил бўлади. Дуккакли экинлардан тайёрланган озуқалар таркибида оқсил кўп бўлади, доннинг таркибида 25 – 30% гўшт, қон ва балиқ унида 50 – 80% оқсил бўлади. Оқсилнинг сифати унинг таркибидаги тенги йўқ аминокислоталар турига боғлиқ бўлади. Алмаштириш мумкин бўлмаган тенги йўқ аминокислоталар гуруҳига лизин, триптофан, лейцин ва бошқалар киради. Бу аминокислоталар ҳайвон организмида бўлмайди, шунинг учун бу моддалар ем-хашакда бўлиши керак, акс ҳолда модда алмашинуви бузилади, молларнинг маҳсулдорлиги пасаяди. Ҳайвонларнинг оқсилга бўлган талабини ҳар доим тўла қондириш лозим. Барча ҳаётий жараёнлар оқсил алмашинуви билан бевосита боғланган.

Амидлар – оқсилнинг парчаланиши ёки синтез бўлишида вужудга келадиган оралиқ маҳсулотдир. Кўкат, силос ва озуқабоп илдизмевалар амидларга бой. Ем-хашак экинларининг таркибида 0,1 – 6 фоиз амид бўлади. Ҳайвон организмида ёғлар қувват манбаи ҳисобланади.

Карбон сувлари озиқ турларида ҳар хил бўлади. Осон ҳазм бўладиган карбон сувлари – крахмал, қанд ҳисобланади. Кам ҳазм бўладиган ва сифатини пасайтирадиган карбон сувларидан тўқимани мисол тариқасида келтириш мумкин. Озуқа таркибида тўқима кўп бўлса озуқанинг сифати пасаяди. Тўқима сомонда, дағал озуқаларда кўп бўлади.

Витаминлар оз бўлсада ҳайвон учун жуда зарурдир. Витаминлар етишмаса ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги пасаяди, сут, гўшт ва тухумнинг сифати ёмонлашади. Витаминлар, айниқса қўкат таркибида кўп бўлади.

Ем-хашак экинларининг кимёвий таркиби турли факторларга боғлиқ. Масалан, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш даврига, органик ва минерал ўғитларга, экин навига, экиш муддатига, сақлаш шароитига боғлиқдир. Ем-хашак экинлари илмий асосланган замонавий технологияда етиштирилса ва вақтида йиғиб олинса ва яхши сақланса тўйимлилиги юқори бўлади.

Озуқаларнинг тўйимлилиги ҳар хил усулда аниқланиши мумкин. Озуқаларнинг сифати ҳозирги вақтда озуқа бирлиги билан баҳоланади. Озуқа бирлиги МДҲ ҳудудида 1922 – йилда қабул қилиниб шу давргача ишлаб чиқаришга ва айрим вақтда илмий ишларда ҳам қўлланилади. Бир озуқа бирлиги 1 кг қуруқ сули донининг тўйимлилигига тенглаштирилган. Бу кўрсаткич билан ҳар хил экинлардан олинган ҳосилни озуқа бирлигига айлантириб ҳисоблаш мумкин. Озуқа бирлиги рацион тузишда, ем-хашак тайёрлаш режасини тузишда фойдаланилади. Ҳар хил экинларнинг таркибидаги озуқа бирлиги маҳсус маълумотномаларда мавжуд. Аммо сули тўйимлилиги бўйича барча озуқаларнинг тўйимлилигини аниқлаш усули билан тўла маълумотга эга бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун кимёвий таҳлил қилиш лозим. Кимёвий таҳлилда албатта, оқсил, ёғ, карбон сувлари аниқланади. Замонавий озуқа бирлиги – бу қувват бирлигидир. Буни аниқлаш учун оқсил, ёғ, карбон сувлари қуввати аниқланади ва шунга қараб озиқа қуввати аниқланади. Озуқаларнинг кимёвий таркиби юқори бўлсада ҳазм бўлиши ҳар хилдир. Озуқаларнинг тўйимлилиги ва ҳазм бўлишини ошириш учун бир нечта тадбирларни ўтказиш лозим:

- ем-хашак экинларининг юқори тўйимли навларини яратиш;
- озуқаларнинг тўйимлилигини технологик тадбирлар орқали ошириш, тўғри сақлаш;
- селекцион ишлар, юқори сифатли зотларни танлаш;
- биологик моддалардан фойдаланиш.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Барча озуқа турларини ўрнига ягона озуқа ишлаб чиқариш мумкинми?
2. Озуқа сифатини аниқлашда қандай усулдан фойдаланилган маъкул?
3. Озуқа бирлиги қаерда ишлатилади?

## **2.2. ХАШАКИ ДОНЛИ ВА ДОН-ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ДОНЛИ ЭКИНЛАР**

Донли экинлар халқ хўжалигига катта иқтисодий, ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлиб, қишлоқ хўжалик экинлари орасида асосий ўринни эгаллайди. Донли экинлар инсон учун асосий озиқ – овқат махсулоти – дон беради. Бу гурухга буғдой, арпа, жавдар, тритикале, сули, тарик, маккажўхори, жўхори, шоли, маржумак киради. Бу гурух ўсимликлари асосан озиқ-овқат, ем-хашак, техникавий ва агротехникавий аҳамиятга эга.

Жаҳон дехқончилигига донли экинлар экин майдони жиҳатидан ҳам ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари орасида биринчи ўринни эгаллайди ва умумий экинлар майдонининг 70% дан ортиғини ташкил қиласди.

Ўзбекистонда донли экинлар сугорилмайдиган лалмикор ва асосан сугориладиган ерларда экилади.

Донли ўсимликларнинг ҳаммаси қўнғирбошсимонлар оиласига мансубдир. Бу оила энг катта ботаник оилалардан бири бўлиб, унга саккизта донли экинлар авлоди, тур, кенжак тур, тур хиллари киради.

### **Донли ўсимликлар гурухлари**

Донли ўсимликлар морфологик белгилари, биологик хусусиятлари ва хўжалик белгилари буйича икки гурухга: ҳақиқий ҳамда тариксимон донли ўсимликларга бўлинади.

#### **1. Ҳақиқий донли ўсимликлар**

Бу гурухга буғдой, арпа, жавдар ва сули ўсимликлари киради. Бу ўсимликлар *кузги* ва *баҳорги* шаклларга бўлинади. Донида узунасига кетган эгатчаси бўлади. Майса ҳосил бўлишда бир неча бошланғич ёки муртак илдизчаларга эга бўлиб, тўпгули бошоқ ёки рўвакдир. Бу экинлар ёргувесвар

узун кунли ўсимлиги бўлиб иссиқликни кам талаб қиласи, лекин тупроқ намига талабчан. Бу экинларнинг барчаси ем-хашак экини сифатида экилиши мумкин.

## **2. Тариқсимон донли ўсимликлар**

Бу гурӯҳга маккажӯҳори, жӯҳори, шоли, тариқ ва маржумак киради. Бу экинларнинг донида узунасига кетган эгатчаси *бўлмайди*. Униб чиқиш даврида фақат битта бошлангич муртак илдизчаси пайдо бўлиб, гул тўплами рўвак ёки сўтадан иборат. Буларнинг ҳаммаси баҳорги экин ҳисобланиб, иссиқликка талабчан, совуққа чидамсиз, қурғоқчиликка (шолидан ташқари) чидамли, қисқа кунли ўсимлиқдир. Ем-хашак экини сифатида маккажӯҳори ва жӯҳори, асосан арпа, сули, тритикале, жавдар қўлланади ва экилади.

### **Дон экинларининг морфологияси**

Донли ўсимликлар бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, умумий морфологик белгиларга эга.

**Илдиз.** Илдизи яхши ривожланган попуксимон бўлиб, ерга 100 – 120 см ва ундан ҳам чуқур кириб боради. Бироқ илдизнинг асосий қисми ернинг ҳайдалма қатламида жойлашган бўлади. Илдизи икки хил; муртак ёки бирламчи ва асосий ёки иккиласми илдизлардан иборат бўлади. Муртак илдизи уруғ униб чиқиш даврида ҳосил бўлади. Асосий илдизлар кейинроқ, поянинг ер остки бўғимларидан пайдо бўлади. Бундан ташқари баланд пояли донли ўсимликларда (маккажӯҳори, жӯҳори) поянинг ер устки бўғимларидан ҳам илдизлар пайдо бўлади. Булар таянч ёки ҳаво илдизлар деб аталади

**Пояси** – сомон поя бўлиб ичи бўш бўлади, бўйи 0,5 – 7 м.гача. Пояда 5 – 25 та бўғимлар бўлиб, поянинг баландлиги ўсимлик турига ва навига қараб ҳар хил бўлади.

**Барги** – оддий барг, лентасимон шаклда, барг пластинкаси ва барг қинидан иборат: барг қинини барг пластинкасига ўтар ерида иккита барг кулоқчаси ва ичкарисида барг тилчаси жойлашган. Тилча сувни поя билан барг қинининг орасига тушишига тўскинлик қиласи. Барг қинининг икки

томонида ҳосил бўлган барг қулоқчалари эса барг қинини пояда ушлаб туришга ёрдам беради.

**Гултўплам.** Донли ўсимликларнинг гултўплами буғдой, арпа, жавдарда бошоқ, сули, жўхори, тариқ, шолида рўвак, маккажўхорида эса гултўплам икки хил; оталиги рўвак ва оналиги сўта бўлади.

**Бошоқнинг тузилиши.** Бошоқсимон гултўплам, бошоқ ўқидан иборат бўлиб, бу ўсимлик поясининг давоми ҳисобланади. Бошоқ ўқи тўғри ва букилган шаклга эга. Бошоқ ўқи юз ва ён томонларига эга бўлиб, юз томони кенгрок, ён томони эса энсиз бўлади. Бошоқ ўқи бўғимчалар ҳосил қиласди, бўғимчаларда устунчалар бўлиб ҳар бир устунчада бошоқчалар жойлашади. Устунчалар йўғон ёки ингичка, тўғри ёки букилган бўлиши мумкин, устунчаларнинг чеккалари туксиз ёки тукли бўлиши мумкин. Бошоқ ўқининг бўғимлари поя бўғим оралиғи, устунчалар эса поянинг бўғимлари деб ҳисобласа бўлади. Бошоқ ўқининг ҳар бир устунчаси буғдойда, жавдарда биттадан бошоқча, арпада эса учтадан бошоқча ўтиради.

**Бошоқча** - ҳар бир бошоқчанинг икки томонида биттадан иккита бошоқча қобиғига эга. Ҳар хил донли ўсимликларда бошоқ қобиқлари ўзининг йириклиги ва шакли билан фарқ қиласди. Буғдойда бошоқча қобиқлари қалин, кенг, қайиқсимон шаклга эга бўлиб, қиррали бўлади, жавдарда энсиз, линейкасимон бигиз шаклда бўлиб, охири қилтиққа ўхаш ўткирлашган бўлади. Арпада эса бошоқча қобиқлари жуда кичик бўлиб, бигиз шаклда бўлади.

Бошоқча қобиқларининг орасида гуллар жойлашган бўлади. Буғдой бошоқчаси кўпгулли, бошоқча қобиқлари орасида 2 тадан 5 тагача гуллари бор. Жавдарда 2 – 3 та, арпада эса битта, бошоқчада битта гул жойлашади.

Гул иккита ташқи ва ички гул қобиғига эга. Ташқи гул қобиғи яхши ривожланган бўлиб, қайиқча шаклига эга бўлиб, бошоқча қобиғи томонида жойлашган. Бу гул қобиқ донли ўсимликларнинг қилтиқли шаклларида ва навларида қилтиқ билан тугалланади. Бу қилтиқлар фотосинтез нафас олиш транспирация жараёнларида маълум ролни ўйнайди.

Ташқи гул қобиғининг қарама-қарши томонида ички гул қобиғи жойлашади. Бу гул қобиқ юпқа пардасимон қайиқча шаклда бўлиб, остида иккита қирраси бўлади.

Гул қобиқларининг орасида гулнинг генератив қисмлари тугунча иккита патсимон оналик ва учта оталик (фақат шолида 6 та) лар жойлашган. Тугунча бир учлик бўлиб, унинг остки қисмида иккита майнин қобиқ (лодикуле) жойлашган. Лодикуле ўзига нам олиб бўртиши натижасида гул очилади.

**Рўвакнинг тузилиши.** Рўвак рўвак ўқидан иборат. Рўвак ўқи поянинг давоми ҳисобланиб, у бўғим ва бўғим оралиқларидан ташкил топган. Рўвак ўқининг ҳар бир бўлимидан биринчи тартибли ён шохлар ва улардан иккинчи, учинчи ва ҳоказо тартибли шохлар ҳосил бўлади. Ён шохларда худди бошоқдаги каби бошоқчалар ва уларда дон ҳосил бўлади. Рўвак ўқининг ва ён шохларининг узунлиги ва уларнинг рўвак ўқида ҳар хил бурчак ҳосил қилиб ривожланади. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси рўвак шаклини белгилайди ва рўвак гултўпламига эга бўлган ўсимликларнинг тури , хили ва навларида рўвакнинг тузилиши ҳар хил бўлишига олиб келади.

**Сўтанинг тузилиши.** Сўтасимон гул тўплам фақат маккажўхори ўсимлигига бўлиб, унда оналик гуллари ҳосил бўлади ва бу гултўплам ўсимликтининг барг қўлтиғига жойлашган бўлади. Сўта – цилиндричесимон ёки билинар билинмас конуссимон йўғон ўзакдан ташкил топган, унда вертикал қатор бўлиб бошоқчалар жойлашади. Ҳар бир бошоқчада иккита гул бўлиб шундан биттаси юқорида жойлашган гул мева беради, иккинчиси пастроқда жойлашган гул эса ривожланмай қолади ва мева бермайди. Ҳар бир йирик тугунчага ва ундан узун ипсимон устунча ҳосил қилиб, устунчани охири оналик оғизчаси билан тугалланади. Сўтанинг гуллаш даврида оналик оғизчаси сўта қобигидан ташқарига чиқиб, оталик чангларини олганидан сўнг у чангланади. Оналик оғизча иккига айрилган айрисимон ва ширали бўлгани учун оталик чанглари яхши ёпишади ва у чангланади, сўнгра тугунча ривожлана бошлайди.

Сўтанинг устки қисмида бир неча қобиқ ўзгарган барглар қобиги билан ўралган бўлади. Бу сўта ўрамининг остки қисмидаги барглар юпқа, юқори қисмида жойлашган ўзгарган барглар эса дағал бўлади.

**Меваси** – дон уч қисмдан икки қават қобиқ, эндосперм ва муртакдан иборат. Уруг қобигининг ташқи қисми *мева қобиги* деб аталади, у икки қатламдан иборат бўлиб тугунча деворларидан ҳосил бўлади. Қобикнинг икки қисми уруг қобиги дейилади, бу ҳам икки қатламдан иборат бўлиб, улар уруг куртакнинг иккита қобигидан ривожланади.

Пўстли донда айтиб ўтилган қисмлардан ташқари донни ўраб турган қобиқдан иборат бўлиб, у қобиқ гул қобигидан ташкил топган. Бунда гул қобиги дон билан бирикиб кетади.

### **Донли ўсимликларни ривожланиш даврлари**

Донли ўсимликларни уруғи экилгандан сўнг янги уруг ҳосил қилгунча яъни ўсимликларни бутун ўсув муддатида маълум ривожланиш даврларини ўтади. Ривожланиш даврларида ўсимликда морфологик ўзгариш содир бўлади ва янги органлар пайдо бўлади ва шаклланади. Донли экинлар майса ҳосил қилиш, тупланиш, най ўраш, бошоқланиш ёки рўвакланиш, гуллаш ва пишиш каби ривожланиш даврларини ўтадилар.

Ўсимликнинг камида 10% маълум даврга ўтса шу даврнинг бошланиши ва 75% бўлганда, шу даврга тўлиқ кирганлиги бўлади. Ўсимликларни ривожланиш даврларини бошланишини ва ўтишини, табиий яъни дала шароитида кузатувлар асосида олиб борилади.

Лаборатория шароитида эса ҳар бир ривожланиш даврини аниқлаш учун лаборатория шароитида уруг экилиб, униб чиқиши кузатилади. Қуйида бу ривожланиш босқичларининг тавсифи, турли органларни пайдо бўлиши ва даврларнинг бир – биридан фарқ қиласиган белгилари билан танишилади.


**Майсаланиш** – уругни униб чиқиши учун керакли омиллар сув, иссиқлик ва ҳаво (кислород). Сув уругнинг бўртиши ва уруг эндоспермидаги захира моддаларини эришига олиб келади. Уругни бўртиши ва униб чиқиши

учун ҳар хил ўсимлик дони ҳар хил миқдорда сув талаб қиласи. Бу нарса уруғнинг кимёвий таркибига ва асосан оқсил моддасига боғлиқ бўлади.

Донли экинларнинг уруғи бошқа тур экинларга нисбатан уруғ бўртиши ва униб чиқиши учун камроқ; абсолют қуруқ доннинг вазнига нисбатан буғдой, жавдар дони 50%, маккажўхори 44%, сули 65%, арпа 50%, тариқ ва жўхори 25% сув талаб қиласи.

Уругни униб чиқиши учун иккинчи омил бу иссиқлик яъни ҳароратни етарли бўлишидир. Донли ўсимликларни иссиқликка талаби ҳам ҳар бўлади. Буғдой арпа ва жавдар донининг униб чиқиши учун минимал ҳарорат  $1 - 3^{\circ}\text{C}$ , майсалар тўла пайдо бўлиши учун  $5 - 6^{\circ}\text{C}$  иссиқлик бўлиши керак. Маккажўхори ва тариқ экинлари донининг униб чиқиши учун  $8 - 10^{\circ}\text{C}$ , жўхори уруғлари учун  $10 - 12^{\circ}\text{C}$  иссиқлик бўлиши керак.

**Тупланиш.** Пояча ўсиб 3 – 4 барг ҳосил қилганда у бироз ўсишдан тўхтайди. Шу даврда поячанинг ер остки бўғимларидан қўшимча илдизлар ва поялар пайдо бўлади. Тупланишнинг шохланишдан фарқи – қўшимча илдизлар ва шохлар поячанинг ер остки бўғимидан ҳосил бўлади поялар ва иккиласи илдизлар пайдо бўлади. Шу сабабли бунга *тупланиш* дейилади.



10 расм. **Буғдойнинг тупланиши:**

1 – дон; 2 – муртак илдизлари;  
3 – тупланиш бўғини; 4 –  
қўшимча илдизлар; 5 – асосий  
поя; 6 – қўшимча ён поялар.

Одатда қўшимча поялар ва илдизлар ер бетига яқин жойлашган поячанинг ер остки бўғимида пайдо бўлади. Поячанинг шу ер остки бўғимига *тупланиш бўғими* дейилади. Тупланиш бўғими ўсимликнинг ҳаёт маркази ҳисобланади.

**Най ўраш** (пояни ўсиши). Дон экинлари тупланиш пайтида пояси, бўғим оралиқлари ва гултўплами бошланғич ҳолатда бўлиб барг поянинг ичида жойлашганлиги учун кўзга кўринмайди. Буни қўриш учун тупланиш даврида поянинг асосида ўсимликнинг бўйига қараб узунасига кесиб, лупа орқали қаралганда поячани ва унинг учидаги бошланғич гултўпламни қўриш мумкин. Сўнгра пояча ўсабошлайди, унинг ўсиши бўғим оралиқларининг узайиши ҳисобига бўлади. Бунинг натижасида тупроқ бетида поячанинг биринчи бўғими кўзга кўринади. Шу даврдан бошлаб ўсимликларнинг най ўраш даври бошланади. Най ўраш даври гултўплам ҳосил қилиш давригача давом этади. Бу даврда ўсимлик тез ўсиб, вазни ҳам тез кўпаяди. Шунинг учун бу даврда ўсимликларнинг озиқ моддаларга ва намга талабчанлиги ошади.

**Бошоқланиш ( рўвакланиш).** Ўсимлик пояси ўсиши, бўғим оралиқларини узайиши натижасида кўзга кўринмаган гул тўплам ҳам ўз қисмларини шакллантириб поя бўйича юқорига кўтарилиб боради ва охирги барг қинидан ташқарига чиқади. Шу даврда бошоқли донли ўсимликларда бошоқланиш, рўвакли донли ўсимликларда рўвакланиш даври дейилади.

**Гуллаш.** Кўпчилик донли ўсимликларда бошоқ ёки рўвак пайдо бўлгандан кейин тез орада гуллаш бошланади. Пояда бошоқ ҳосил бўлгандан сўнг 2 – 3 кун ўтгач тез орада гуллаш бошланади. Жавдар эса бошоқлангандан 10 – 12 кун ўтгач гуллайди. Арпа эса гуллаш бошланишидан олдин, яъни бошоқ барг қинининг ичида турган вақтда гуллаш бошланади. Гуллаш бўйича донли ўсимликлар икки гурухга : ўз-ўзидан чангланувчи ва четдан чангланувчи ўсимликларга бўлинади. Ўз-ўзидан чангланувчи ўсимликларга буғдой, арпа, сули, тарик, шоли ва четдан чангланувчиларга жавдар, маккажўхори ва жўхори киради.

**Пишиш.** Доннинг пишиш муддати уч давр (сут пишиш, мум пишиш, тўла пишиш) га бўлинади.

1. Сут пишиш даври бошоқлар гуллагандан 8 – 10 кун кейин бошланади. Бу даврда ўсимлик яшил бўлиб фақат унинг остки қисмидаги барглар сарғаяди. Дон шаклланган яшил рангда бўлиб у эзилганда сутсимон суюқлик

ажралиб чиқади. Доннинг намлиги 50 – 51 % бўлади ва органик моддалар тўпланиши давом этади.

2. Мум пишиш даврида донли экинларнинг поялари бутунлай сарғаяди. Бу даврда доннинг намлиги 25% ни ташкил қиласди. Дондаги озиқ моддалар тўла тўпланган бўлади. Мум пишиш даврининг ўтиш муддати 10 – 12 кунга тўғри келади. Бу даврда донни тирноқ билан кесиш мумкин.

3. Тўла пишиш даврида ўсимлик тупининг ҳамма қисмлари сарғаяди, дони қотади, ҳажми бироз кичиклашади, намлиги 14 – 18 % (лалми ерларда эса 8 – 10 %) гача камаяди, бу давр 8 – 10 кун давом этади. Шу даврда бошоқли донли ўсимликларнинг дони қуриб тўкила бошлайди. Шунинг учун бу даврнинг бошларида бошоқли дон экинларининг ҳосили йиғиб олинади

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўсиш ва ривожланишнинг қандай фарқи бор?
2. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши мумкинми?
3. Ривожланиш даврларини кетма-кетлигини ўзгартириш мумкинми?

### **Буғдой**

**Аҳамияти.** Буғдой энг кўп тарқалган асосий донли ўсимликлардан бири ҳисобланди. Бутун дунё халқарини ярмидан кўпроғи озиқ-овқат сифатида буғдой нонидан фойдаланади. Буғдой донининг таркибида оқсил ва крахмал кўп, оқсил моддалар асосан клейковина таркибида бўлганлиги учун унинг унидан сифатли нон тайёрланади.

Буғдой нони ўзининг таъми, тўйимлилиги ва ҳазм бўлиши билан юқори баҳоланади. Буғдой донининг таркибида унинг навига, экиш шароитига қараб 11,0% дан 18 – 19% гача оқсил моддаси бўлади. Буғдой нонидаги оқсилни ҳазм бўлиши 95% ни ташкил қиласди. Бундан ташқари буғдой донидан ёрма тайёрланади, унинг уни макарон ва қандолат саноатларида ишлатилади.

Буғдойнинг кепаги, сомони, похоли ва тўфони юқори озиқавий қийматга эга. Унинг кепаги ҳамма қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун юқори

концентрланган ем ҳисобланади. Кепагидан омихта ем тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Ундаги ҳазмланадиган оқсил миқдори арпа донига нисбатан 1,5 баравар кўп. Буғдойни янчишдан чиқсан чиқиндилари чорва моллари учун юқори сифатли озуқа ҳисобланади. Сомони майдаланган ва буғланган ёки кимёвий моддалар билан ишланган ҳолда қорамоллар, қўйлар учун иштаҳа билан ейиладиган озуқа. Сомонининг 100 килограмида 0,5 – 1,0 кг ҳазмланадиган оқсил, 20 – 22 озиқа бирлига бор. Буғдой донининг тўйимлилиги 1,16 озуқа бирлигига teng.

Техникада буғдой донидан спирт, крахмал, клейковина, декстрин, клей ва бошқа ҳар хил маҳсулотлар олинади.

**Тарихи.** Буғдой энг қадимги маданий ўсимликлардан ҳисобланади. У Мисрда бизнинг эрамиздан 6000 йил олдин экилган, бу даврда Мисрда сугориладиган дехқончилик ривожланган бўлган. Кавказ ортида, Украина, Овропа ва Ўрта Осиёда буғдой бизнинг эрамиздан 4000 йил олдин экилган.

Буғдойни келиб чиқиши ва унинг биринчи экилган минтақалари тўғрисида аниқ бир маълумот йўқ. Лекин ҳозирги вақтда ҳам Арманистон, Грузия ва Озарбайжоннинг тоғлиқ районларида буғдойни жуда кўп ёвойи турлари учрайди. Шунга кўра буғдойни келиб чиқиш маркази Марказий Осиё деб ҳисобланади.

Амударёнинг қуи қисми, Фарғона ва Ҳисор водийлари, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Вахш ҳавзаларининг унумдор ерларида эрамиздан олдин II мингинчи йилларда мураккаб ирригация каналлари тизимларига эга юксак ривожланган сугориладиган дехқончилик мавжуд бўлган ва буғдой этиштирилган.

Ҳозирги вақтда буғдой бутун ер шарида ўзининг экин майдони бўйича бошқа экинлар орасида биринчи ўринда туради ва у ер шарининг ҳамма қисмларида экилиб, экин майдони 213,8 млн гектар, ўртача ҳосилдорлик 35,4 центнерни (ФАО 2004) ташкил қиласди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда буғдой асосий экинлардан бири ҳисобланиб, унинг экин майдони 1,3 млн гектар ерни ташкил қиласди.

**Ҳосилдорлиги.** Ўзбекистонда буғдой жуда юқори ҳосил беради. Лалми ерлардаги ҳосилдорлиги ёғингарчилик миқдорига боғлиқ. Бундай ерларда буғдой 8 – 10 ц/га, сугориладиган ерларда кузги буғдой ҳосили ўртача 40 – 45 ц/га. Илғор фермер хўжаликларида кузги буғдойдан 80 – 90 ц дон ҳосили олишмоқда.

**Биологияси.** Буғдой кузги ва баҳорги шаклларга бўлинади. Кузги буғдой кузда экилиб қишлиб чиққандан кейин келаси йили ҳосил беради. Баҳорги буғдой эса эрта баҳорда экилиб, ўша йили ҳосил беради.

Буғдой кузда экилганда унинг кузги навлари ишлатилиши керак. Баҳорги навларни кузда экиб бўлмайди, чунки у ҳароратга кўпроқ талабчан бўлғанлиги учун қишки совуқлар натижасида нобуд бўлади. Лекин Ўзбекистонда навларни учинчи тури, яъни ярим кузги навлари ҳам мавжуд. Бу навларни кузда ва баҳорда экиш мумкин, иккала ҳолда ҳам улардан юқори дон ҳосили олинади. Ярим кузги навларнинг қишига чидамлилиги баҳорги навларга нисбатан юқори бўлади. Шунинг учун буғдойни кузги муддатда экиш учун биологик ва ярим кузги навлардан фойдаланиш керак.

Умуман Ўзбекистонда буғдойни кузда экиш керак. Чунки бу муддатда экилган буғдой кузги, қишиги, баҳорги ёғингарчиликлардан тўла фойдаланади. Баҳорда эрта ўса бошлайди, яхши тупланади, баҳорги буғдойга нисбатан 10 – 12 қун эрта пишади. Шунинг учун баҳорги буғдойга нисбатан юқори ( 25 – 30 % ) ва муттасил ҳосил беради. Бундан ташқари, кузги буғдой баҳорги буғдойга нисбатан совуқга чидамли.

Буғдой уруғи 1 – 2°C ҳароратда уна бошлайди. Уруғларнинг униб чиқиши учун қулай ҳарорат  $12 - 15^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади. Буғдой учун муқобил ҳарорат  $18 - 20^{\circ}\text{C}$ . Кузги буғдойнинг навлари  $-10^{\circ}\text{C}$  ва ундан ҳам паст ҳароратга чидайди. Қорсиз қишида буғдой  $16 - 18^{\circ}\text{C}$  совуқда нобуд бўлади. Фойдали ҳарорат йиғиндиси буғдой навлари ва етиштириш шароитига қараб ҳар хил бўлади. Буғдой намсевар ўсимлик, транспирация коэффициенти 450

– 600. Тупланиш, бошоқланиш ва гуллаш даврларда буғдой намни кўп талаб қиласди.

Буғдой тупроқقا талабчан, унумдор, бегона ўтлардан тоза, бўз ва ўтлоқи тупроқларда яхши ривожланади. Шўрланган тупроқларда яхши ўсмайди, агар шундай ерларга экиладиган бўлса, албатта ерни шўрини ювиш керак.

Кузги буғдой сугориладиган ерларда озуқа моддаларига, айниқса азотга талабчан бўлади. Най ўраш ва бошоқланиш фазаларида бу талаб айниқса ортади. Шунинг учун шу даврда озиқлантирилиши керак. Лекин ортиқча озиқлантирилса ҳам бўлмайди, айниқса азот ўғити кўп берилса, ўсимликларни қишига чидамлилиги пасаяди, ётиб қолиш ҳолати учрайди. 1 цон ва тегишли сомон етиштириш учун 2,4 – 4,2 кг азот, 1,0 – 1,7 кг фосфор ва 1,5 – 3,5 кг калий сарфлайди. Унумли, тоза ва тупроқ муҳити pH-6,5-7,0 шароитда яхши ўсади ва ривожланади.

### **Кузги буғдойни етиштириш технологияси**

**Ўтмишдош.** Кузги буғдой тупроқнинг унумдорлигига, бегона ўтлардан тоза ва нам билан яхши таъминланган тупроқларга талабчандир.

Кузги буғдой сугориладиган ерларда эртаги экинлардан бўшаган ерларга келаси йили такрорий экин экишга мўлжалланган майдонларга жойлаштирилиши керак.

Лалми ерларнинг текислик ва дўнглик – текислик зоналарида кузги буғдойни тоза шудгорга, ундан юқорироқ зоналарда эса тоза шудгордан ташқари, банд шудгорга экиш фойдали ҳисобланади.

**Ерни ишлаш.** Кузги буғдой экиладиган ерларни ишлаш мажмуаси ундан олдин шу майдонда қандай экин экилганлиги ва даланинг бегона ўтлардан қай даражада тозалигига қараб ишланади. Буғдойни мақбул муддатда экиш ва ерни яхши ишлаш учун олдинги экиндан бўшаган майдонлар сугорилади. Тупроқ етилгандан сўнг ПЛН 5-35, ПЯ 3-35, ПЛН 6-35 ағдарма плуглар ёрдамида 25 – 30 см чуқурликда ҳайдаш керақ, сўнгра борона ва мола босилади. Ерлар нотекис бўлса текисланади ва умуман

шудгор оғир бороналар ёки зичлагичлар ( катоклар) билан зичланиши керак, акс ҳолда кузги – қишиги шароитларда зичланиш натижасида буғдой майсалари ва ўсимликлари сийракланади ва нобуд бўлади. Шўрланган ерларга кузги буғдой экишдан олдин тупроқ шўри ювилади.

**Ўғитлаш.** Кузги буғдой ернинг унумдорлигига талабчан бўлади. Режалаштирилган ҳосилни олиш учун ерга солинадиган ўғитлар меъёри агрокимёвий картограмма маълумотларига асосан ерлардан ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддалар, экин ўзлаштирадиган озиқ моддалар асосида ерга солинадиган ўғит миқдори белгиланади. Кузги буғдой азотга жуда талабчан бўлади. У най ўраш ва бошоқланиш даврида азотни ўсишини дастлабки 4 – 5 ҳафтасида фосфорни ва ўсув даврининг бошидан гуллагунга қадар калийни кўп талаб қиласди. Фосфорли ва калийли ўғитлар кузги буғдойнинг қишига чидамлилигини оширади, доннинг етилишини тезлаштиради. Поянинг ётиб қолишидан ва турли замбуруғ касалликларидан сақлайди. Кўп миқдорда азотли ўғитлар солингандага тупланиш муддати узайиб, поялардаги бошоқлар бир вақтда етилмайди.

Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри: азот – 180 кг/га, фосфор – 90 ва калий 60 кг/га. Лекин унумдорлиги паст бўлган тупроқларда бу миқдор 10 – 15% га кўпайтирилади. Кўрсатилган йиллик миқдор бир неча муддатларда – экишдан олдин ва ўсимликларнинг ўсиш даврида озиқлантиришда берилади.

Ўғитларни самарадорлигини ошириш мақсадида уларни оптималь муддатларда, юқори сифатли ўтказиш зарур.

**Экиш муддати.** Кузги буғдойни мақбул муддатларда экиш катта аҳамиятга эга. Суғориладиган ерларда кузги буғдойни лалми ерларга нисбатан эртаги муддатларда экиш керак. Чунки бундай ерлар сув билан таъминланган бўлиб, уруғ экилгандан сўнг, суғориш натижасида майсаларни ундириб олиш мумкин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда кузги буғдойнинг агротехник қулай экиш муддатлари шимолий вилоятлар учун сентябрь ойининг биринчи ва иккинчи

ўн кунлиги марказий вилоятлар учун сентябрнинг сўнги ўн кунлиги октябр ойининг бошлари ва жанубий вилоятлар учун эса октябрнинг иккинчи ўн кунлиги ҳисобланади.

Лалмикор ерларда кузги дон ўсимликлар кузги ёғингарчиликлардан олдин яъни аксарият вилоятларда октябрь ойининг иккинчи яримларида экилиши керак.

**Уругни тайёрлаш.** Сифатли уруғлик юқори ҳосил етиштиришда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Асосан йириқ, текис, қобиги шикастланмаган ва униб чиқиш даражаси юқори бўлган уруғлар экиласди.

**Экиш.** Кузги буғдой асосан тор қаторлаб даланинг бир томонига, яъни суғориш йўлиги қараб экилиши керак. Шунга кўра ўсимлик ёруғлик сув ва озиқ моддалардан тенг фойдаланади. Бу усулда трактор ғилдираклари жойланиш масофасида 1-2 та сеялкани сошниклари беркитилиб, шу сошниклардан уруг экилмайди. Кейинчалик шу қолдирилган қаторлар орқали буғдой суғорилади. Ўғит ва гербицид берилганда тракторни шу қаторлардан юриши таъминланади.

Уругни экиш меъёри уруғликни сифатига тупроқ унумдорлигига ва сув билан таъминланишига қараб ҳар хил бўлади. Лалми ерлар унумсиз ва сув билан таъминланмаганлиги сабабли гектарига сарф қилинадиган уруг миқдори суғориладиган ерларга нисбатан кам бўлади. Уругни экиш меъёри лалми ерларни зоналарига қараб ҳам ҳар хил бўлади. Тоғ олди ва тоғлик зоналарда кўпроқ, текислик ва дўнглик – текислик зоналарда камроқ уруг сарфланади Шунга кўра бундай ерларда бир гектар ерга 2,0 – 2,5 млн дона, яъни 60 – 70 кг дан 120 – 125 кг гача уруг сарфланади.

Суғориладиган ерларда уругни экиш меъёри лалми ерларга нисбатан икки борабор кўп, яъни гектарига 4 – 5 млн. дона уруг экилиши керак. Бу миқдор 180 – 220 кг уругни ташкил қиласди.

Кузги буғдойнинг экиш чукурлиги 5 – 7 см га, лалми ерларда эса 6 – 8 см га бўлиши керак.

**Парваришиш.** Кузги буғдойни парвариш қилиш бороналаш, озиқлантириш ва сүфоришдан иборат. Кузги буғдой эрта баҳорда тупланиш даврида енгил бороналар билан қаторларни кўндалангига қараб бороналанади. Бунинг натижасида тупроқ бети юмшатилади, берилган ўғит кўмилади, ўсимликларнинг илдиз бўғизи очилади ва улар яхши тупланади.

Озиқлантириш икки муддатда ўтказилади. Биринчи озиқлантириш тупланиш давридан бороналашдан олдин ва иккинчи озиқлантириш най ўраш даври бошланганда ўтказилади. Озиқлантиришда экишдан олдин берилгандан қолган ўғитлар баробарига икки қисмга бўлинниб икки марта берилади.

Кузги экинлар тупроқ иқлим шароитига қараб 2 –3 марта гача сүфорилади.

**Ҳосилни йиғиб олиш.** Кузги буғдойни ҳосилини йиғиб-териб олиш энг масъулиятли давр ҳисобланади. Ҳосилни дон тўла пишганда “Сибиряк”, “Нива”, “Колос”, “Дон – 1500”, “Енисей – 1700”, “Кейс” комбайнларида тўғридан-тўғри ўриб янчиб олиш мумкин. Бундан ташқари буғдойни олдин ўриб, кейин комбайнларда йиғиб олиш мумкин. Бу усулда экинлар дони мум пишиқлик даврида маҳсус ўриш машиналарида ўрилиб, ерга ётқизиб кетилади. Бунда ЖВР-10, ЖНС-6-12, ЖНУ-4,0 ва бошқа ўроқ машиналаридан фойдаланилади. Ўрилгандан бир неча кун ўтгандан сўнг, доннинг қуришига қараб, подборщик ўрнатилган комбайнларда йиғилади ва янчилади.

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўримни 5 – 6 кун эрта бошлашга имкон беради, нобудгарчилик кескин камаяди.

### **Баҳорги буғдойни етиштириш технологияси**

**Аҳамияти.** Баҳорги буғдой кузги буғдойга ўхшаш озиқ-овқат, ем-хашак ва техник аҳамиятга эга.

Баҳорги буғдой қишда совуқ кучли бўладиган минтақаларда экилиши керак. Бундай шароитда кузда экилган буғдой қаттиқ совуқдан нобуд бўлади. Баҳорги буғдой эса қишигни совуқлар ўтгандан кейин экилади. Шунинг учун ҳамдўстлик мамлакатларда баҳорги буғдой кўп экилади. Унинг асосий

майдонлари Сибирда, Уралда, Волга бўйида, Қозогистонда жойлашган бўлиб, бу минтақаларда кузги буғдойга нисбатан баҳорги буғдой қўп ҳосил беради.

Куз ноқулай келган йиллари, унинг ўрнига буғдойни баҳорда экишга тугри келади. Бундай йилларда баҳорги буғдойни экиш майдони анча кўпаяди. Бундан ташқари қишида совук қаттиқ, айниқса қуруқ совук бўладиган шимолий минтақаларда, яъни Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятида, лалмикор ерларнинг тоғ олди ва тоғлик зоналарида кўпинча буғдойни баҳорда экишга тўғри келади.

Баҳорги буғдойнинг уни ҳам юқори сифатли бўлиб, доннинг ойнасимон қисми ва оқсилиниң кўплиги ( 16 – 18 %) билан фарқ қиласи, шунинг учун баҳорги буғдой ҳам кузги буғдойга ўхшаш катта аҳамиятга эга.

**Ўтмишдош.** Баҳорги буғдойни илдиз системаси кучсизроқ ривожлангани учун тупроқдан нам ва озуқа моддаларни сингдириш хусусияти пастроқ бўлади. Шу сабабдан тупроқда нам кам бўлса унинг ўсиш ва ривожланиши секинлашади, кам тупланади, ер бетини тўла қопламайди ва шу сабабли баҳорги буғдой экилган майдонда бегона ўтлар қўп ривожланади. Шу хусусиятларига кўра баҳорги буғдойни алмашлаб экишда кузги буғдойдан кейин жойлаштириш керак. Бундан ташқари баҳорги буғдойни чопиқ талаб (қатор оралари ишланадиган) экинлардан кейин ҳам экиш мумкин. Бу ҳолатда баҳорги буғдой бегона ўтлар билан кам заарланади. Ўзбекистон шароитида баҳорги буғдойни кўпчилик экинлардан гўза, маккажўхори ва бошқа экинлардан кейин экиш мумкин.

**Ерни ишлаш.** Баҳорги буғдой яхши ишланган тупроқларни хоҳлайди. Шунинг учун у кузда шудгор қилинган ерларга экилиши керак. Бу ҳолда баҳорги буғдойни муқобил муддатларда экиб олиш имконияти туғилади. Ерни ишлаш эса кузги буғдойга ўхшаш бўлиб, сугориладиган ерларда кузда 25 – 30 см чуқурликда шудгор қилишдан иборат. Эрта баҳорда ер етилиши билан ерда намни сақлаш мақсадида шудгор борона қилинади, экишдан олдин борона ва мола босилади. Лалми ерларда уларни ҳайдов чуқурлигини

қалинлигига қараб ер юзароқ ҳайдалади ва экишдан олдин борона ва мола босилади.

**Ўғитлаш.** Баҳорги буғдой ҳам кузги буғдойга ўхшаш маҳаллий ва маъдан ўғитлар билан ўғитланади. Лекин баҳорги буғдойнинг ўсиш муддати қисқа бўлганлиги учун ўғит меъёри кузги буғдойга нисбатан камроқ бўлади. Суғориладиган ерларда 1 гектарга 10 тоннагача гўнг, 120 кг азот, 70 кг фосфор ва 40 кг калий берилади. Лалми ерларда бу кўрсатилган ўғит миқдоридан камроқ, яъни уни 20 – 31 % га камайтириш мумкин, чунки лалми ерларда нам кам бўлганлиги учун ўғитни самараси анча пасаяди.

Бу ўғитларнинг асосий миқдори кузги буғдойга ўхшаш кузда, экишдан олдин ёки экиш билан бир вақтда ҳамда ўсимликларни ўсув даврида берилади. Кузги шудгорда гўнг, фосфор 40 кг\га ва 20 кг калий берилади, қолган азот, фосфор ва калий ўғитлари экиш билан бир вақтда ва озиқлантириш даврида берилади.

**Экиш.** Экиш учун юқори сифатли, йирик ва бир хил катталиқда бўлган уруғлар танланади. Бундай уруғларни униб чиқиш даражаси юқори, бегона ўт уруғларидан тозаланган бўлиши керак.

Баҳорги буғдой экиш учун уруғлик кузги буғдой уруғини экишга тайёрлагандек тайёрланади.

Лалми ерларда баҳорги буғдойни экиш муддати зоналарга қараб ҳар хил бўлади. Текислик зонада 20 – февралда, дўнглик – текислик зонада 10 мартда, тоғ олди зonasida 15 март ва тоғлик зонада 1 апрелда экиб тамомлаш зарур. Суғориладиган ерларда феврал ойининг охири март ойининг бошларида қисқа муддатларда экиб бўлиш керак.

Баҳорги буғдойни кузги буғдойга ўхшаш усулда экилади, фақат экиш меъёри камроқ олинади. Суғориладиган ерларда уруғни экиш меъёри 1 гектарга 3,5 – 4,0 млн дона уруғ ( 120 – 150 кг) экилади. Лалми ерларда эса унинг зonasига қараб экиш меъёри ҳар хил бўлади. Бир гектар ерга текислик зонада 1,7 – 2,0 млн дона уруғ ( 70 – 80 кг), дўнглик текисли зонада 2,0 – 2,2 млн дона уруғ ( 80 – 90 кг), тоғ олди зонада 2,2 – 2,7 млн дона уруғ (

90 – 100 кг) ва тоғлик зонада 2,7 – 3,0 млн дона уруғ (110 – 120 кг) экилиши керак. Уруғлар экиш вақтида 5 – 6 см чуқурликка күмилади.

**Парваришлиш.** Баҳорги буғдойни парвариш қилиш, бороналаш, озиқлантириш, бегона ўтларга қарши кураш ва суғориладиган ерларда сугоришдан иборат.

Баҳорги буғдой майса ҳосил қилгандан сўнг ёки ўсимликларни тупланишидан олдин борона қилинади. Борона қилишдан олдин экин озиқлантирилиши керак. Бороналаш енгил зиг-заг бороналар ёрдамида кўндалангига қараб ўтказилади. Бегона ўтлар пайдо бўлиши билан ўтоқ қилиш керак. Бегона ўтларга қарши кураш гербицидлар ёрдамида олиб борилади.

Суғориладиган ерларда асосий тадбирлардан бири экинларни сугориш ҳисобланади. Баҳорги буғдой тупроқ шароитига қараб 2 – 3 марта сугорилади. Биринчи сугориш – экинлар борона қилингандан сўнг ўсимликларни тупланиш даврида ўтказилади, кейинги сугоришилар ўсимлик талабига қараб бошоқланиш ва доннинг сут пишиш даврларида ўтказиш керак.

**Ҳосилни йиғиши.** Ҳосилни кечиктирмай қисқа муддатларда йиғиб олиш керак, акс ҳолда буғдой дони йиғиши жараёнида тўкилиб кетиши мумкин. Ўриб – – йиғиб олишда кузги буғдойни ўришда қўлланиладиган машиналардан фойдаланилади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Кузги буғдой навини баҳорда экиш мумкинми?
2. Экиш меъёри уруғ сифатига таъсир қиласими?
3. Ўғит меъёри нимага боғлиқ?

### **Арпа**

**Аҳамияти.** Кузги арпа асосан ем-хашак ва ёрма экини сифатида етиштирилади. Пиво саноати учун эса арпанинг донидаги оқсил кам бўлиши ва экстрактив қуруқ модда бўлиши лозим.

Кузги арпанинг қишига чидамлилиги кузги буғдой ва кузги жавдарнидан паст. Шунинг учун унинг экилиш минтақалари чекланган.

Ўзбекистонда кузги арпа оралиқ экин ва сугориладиган ерларда беда учун қоплама экин сифатида ҳам экиласди.

Кузги арпа баҳорги арпага нисбатан икки баробар серҳосил, аммо қишига чидамлилиги пастлиги баҳори арпа ўрнига ҳам кузги арпа экиш имкониятини чеклайди.

Баҳорги арпа чўчқалар, отлар учун яхши концентрат ем ҳисобланади. Донининг тўйимлилиги юқори бўлиб, 1 кг донида 1,23 озуқа, сомонида 0,49 озуқа бирлиги бор.

**Тарихи.** Ўрта Осиё ҳудудида қадим замонлардан бери экилиб келинганлиги маълум. 1954 йилги археологик текшириш натижаларига кўра, жанубий Туркманистоннинг Жойтун вилоятида топилган арпа донининг бизнинг эрамиздан 5000 йил аввал экилганлиги исботланди.

Арпа жуда тезпишар ва мосланувчан ўсимлик. Уни Помирнинг 3000 метр баландлигига, Узоқ Шимолда, Марказий Осиёнинг тоғли минтақаларида барқарор ҳосил берадиган экин сифатида етиштирилади.

Ҳозирги вақтда арпа экини дунёning кўплаб давлатларида экиласди: Овропа, Осиё, Шимолий Америка, Лотин Америкаси, Африка, Австралия ҳудудларида етиштирилади. Арпа экини майдони жаҳон бўйича 80 млн гектар атрофида бўлиб, буғдой, шоли, маккажўхоридан сўнг тўртинчи ўринни эгаллайди.

**Ҳосилдорлиги.** Ўзбекистоннинг сувли ва лалмикор ерларида экилиб келинадиган арпа навларининг биологик имконияти бўйича ҳосилдорлиги юқори. Сугориладиган ерларда гектаридан 40 – 50 ц/га ва ундан ошириб, лалмикор ерларда 10 – 15 ц/га ҳосил олинади. Илғор хўжаликларда 65 – 70 ц/га дон ҳосили етиштирилади.

Ўзбекистон ҳудудида кўп қаторли ва икки қаторли тур хилларига мансуб навлар экиласди.

**Морфологияси.** Маданий арпа бир йиллик ўсимлик ҳисобланиб, кузги ҳам баҳорги шаклларга эга. Майсаси яшил, тупи тик турувчи. Пояси похол ичи ғовак, унинг баландлиги 70 см дан 90 см гача бўлади. Баргининг узунлиги ва эни ҳар хил бўлиб, тўқ яшил рангда бўлади. Барг қини ва шапалоги ҳамма вақт туксиз. Барг тилчаси калта қулоқчалари эса яхши ривожланган, энли ва узун охири бир – бирига кириб туради.

**Гул тўплами** – бошоқ. Бошоқ ўқининг ҳар бир устунчасида биттадан донга эга бўлган учта бошоқчалар ўтиради. Бу бошоқчалар бошоқ ўқининг ҳамма томонида вертикал тартиб билан ўрнашиб, бошоқ ўқининг охиригача давом этади. Ҳар қайси бошоқчанинг икки томонида бошоқча қобиқлари жойлашади. Улар бошқа донли ўсимликларга нисбатан арпада жуда майдага линейкасимон ёки линейка-ланцетсимон шаклда бўлади. Гул қобиқларига ҳам иккита, биттаси ташқи гул қобиқ ғунчасимон, кенг бешта томирга эга бўлиб, қилтиқ билан тугалланади.

Арпа қилтиқлари ва тишларининг даражаси билан фарқ қиласи. Қилтиқлар ғадир – будур, текис ёки ярим текис бўлиши мумкин. Текис қилтиқлар охирида бир неча тишларга эга бўлади. Ярим текис қилтиқларда тишчалар уларнинг ярмисини ёки 2 қисмини эгаллаган бўлади, ғадир-будур қилтиқларда тишчалар унинг ҳамма қисмини эгаллаган бўлади. Арпанинг қилтиқсиз шакллари ҳам бор. Қобиқли арпанинг дони йирик, узун ёки эллипссимон шаклда, қобиқсиз арпанинг дони кенг ва тўлишган шаклда бўлиб охири ингичкалашади.

Бошоқчаларнинг бошоқ ўқида жойланишига қараб арпанинг маданий тури учта тур хилларига бўлинади.

1. Кўп қаторли арпа.
2. Икки қаторли арпа.
3. Оралиқ арпа.

Кўп қаторли арпалар бошоқ ўқининг ҳар бир устунчасида учта ривожланган бошоқчага эга. Улар биттадан учта дон ҳосил қиласи. Кўп қаторли арпа икки хил, тўғри олти қаторли ва нотўғри олти қаторли бўлади.

Икки қаторли арпада ҳам бошоқ ўқининг ҳар бир устунчасида учтадан бошоқча ривожланади. Лекин фақат ўртадаги бошоқча дон ҳосил қиласи. Иккита ён томондаги бошоқчалар дон ҳосил қилмайди. Бу бошоқчалар мевасиз бошоқ ўқига ёпишган ҳолда туради. Шу сабабли икки қаторли арпаларда бошоқни юз томони энсиз, ён томони эса кенг бўлади. Бошоқда икки қатор бошоқчалар дон ҳосил қилгани учун икки қаторли арпа дейилади.

Оралиқ арпанинг бошоқчаларини устунида ҳар қайсида ҳар хил миқдорда бошоқчалар бўлиб, ҳар хил миқдорда дон ҳосил бўлади (1, 2, 3 та).

**Арпа навлари.** Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда арпанинг “Ойқор”, “Болғали”, “Мовлоно”, “Афросиёб”, “Гулноз”, “Темур”, “Зафар”, лалмикор ерларда экиш учун “Унумли арпа”, “Байшешек”, “Нутанс-799”, “Каршинский”, “Лалмикор” навлари туманлаштирилган.

**Биологияси.** Арпанинг кузги, яrim кузги ва баҳорги навлари мавжуд. Кузги навларни фақат кузда экиш мумкин бўлиб, агар баҳорда экилса кўкариб чиқади, аммо ҳосил бермайди, қайсики паст ёки совуқ ҳароратда биринчи бошланғич ривожланиш даврини ўтмайди. Колган хилдаги навларни кузда ва баҳорда экиш ва ҳосил олиш мумкин. Аммо кузда экилганда, айниқса Ўзбекистон шароитида, мўл ҳосил олинади. Баҳорги арпа навлари кузда экилса қишиги совуқдан қучли заарланиш содир бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда экиладиган арпа навларининг кўпчилиги яrim кузги бўлиб яхши қишлийди. Арпанинг ташқи омилларга: ёруғлик иссиқлик, озуқа, тупроқ, намга бўлган талаби буғдойникига ўхшашдир.

Арпа экини буғдойга қараганда эртапишар бўлиб, қурғоқчиликка ҳам чидамли. Аммо буғдойга қараганда совуққа чидамсиз, айниқса сугориладиган ерларда эрта кузда ва жуда кеч кузда экилган ҳолларда. Арпани тупроққа бўлган талаби кузда экилган буғдойникига ўхшашдир.

## Етиштириш технологияси

**Ўтмишдош.** Суғориладиган ерларда арпа учун яхши ўтмишдош – қатор ораси ишланадиган ва дуккакли ўт экинлари. Лалмикор деҳқончилик шароитда арпа учун яхши ўтмишдош – тоза шудгор ва дуккакли дон, ўт экинларидан бўшаган ерлар ҳисобланади.

**Ўғитлаш.** Арпа экини ўғитга талабчан бўлиб, тоғли, тоғ олди, дўнгли текислик лалмикор зоналарида, айниқса суғориладиган ерларда ўғитнинг самарадорлиги юқори бўлиб, ҳосилни оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Кузда арпага органик ва минерал ўғитларни асосий қисми кузда ва озиқлантиришда берилади. Лалмикор ерларга 8 – 10 тонна/га гўнг, 40 кг фосфор ва 60 кг калий (таъсир этувчи модда ҳисобида) кузда арпа экишдан олдин солинади, баҳорда эса тоғ олди ҳудудларида азот 60 кг, дўнг текислик ҳудудларида азот 40 кг ҳисобида берилади. Суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектарига 20 тонна гўнг, 180 – 200 кг таъсир этувчи модда ҳисобида азот ва фосфор ҳамда 80 – 100 кг калий ўғитлари берилиши лозим. Органик ўғит, фосфор ва калийни ҳамда азотнинг 35 – 45 килограммини биргалиқда кузда ерни ҳайдашдан олдин далага сочилади. Юқоридаги меъёрда органик ўғитни ерга бериш имконияти бўлмаса, камида 5 тонна гўнг кузда қўлланилиши керак. Суғориладиган ерларда арпани ўсув даврида камида икки маротаба азотли ўғит билан озиқлантириш ҳосилдорликни оширишда катта ижобий таъсир кўрсатади (айниқса ўсимлик тупланиш ва най ўраш даврида озиқлантирилганда).

**Ерни тайёрлаш.** Лалмикор деҳқончилик шароитида ерни 22 – 25 см чуқурликда ҳайдалиб, экиш олдидан борона ва мола юргизилади. Суғориладиган ерларда ерни ҳайдашдан олдин гектарига 700 – 800 м<sup>3</sup>. миқдорида суғорилиб, ер этилиши билан 25 – 35 см чуқурликда ҳайдалади, экишдан олдин борона ва мола босилади.

**Экиш.** Экиш учун йирик, тоза, бир текисдаги уруглар экилади. Уруғ экишдан олдин касалликлар ва ҳашаротларга қарши Деразоль, Раксил, Тузил, Девидент ва бошқа тегишли препаратлар билан дориланиб сўнг экилади. Уруғни дорилашда маҳсус қўлланма ва кўрсатмага риоя этилиши керак. Акс

холда кутилган натижага эришмаслик ва кўнгилсиз воқеалар ( заҳарланиш) содир бўлиши мумкин.

Арпани экиш муддати ҳар бир зонани табиий иқлим шароити учун энг муқобил даврда адо этилиши керак. Лалмикор дехқончилик шароитида арпани экиш муддати: тоғли, тоғ олди зоналарда сентябрь охири – октябрь боши, адир ёки дўнг текислик зонада октябр ўртаси, текислик зонада - октябр охири – ноябрь бошида. Суғориладиган ерларда кузги арпа сентябр охири-октябр бошида экиш энг муқобил муддат ҳисобланади.

Арпани баҳорда экилганда уни март ойининг бошларида, умуман имкон борича эрта баҳорда экиш керак.

Арпани экиш меъёри зона шароити, навни биологик хусусияти, уругни йириклиги (1000 донасининг вазни) каби кўрсаткичлари ва уруғликнинг экишга яроқлилиги даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Арпани буғдой экиладиган усуlda экилади. Экиш меъёри тоғли ва тоғ олди лалмикор зоналарда гектарига 4 млн дона уруғ ҳисобида, дўнг текислик лалмикор зонада эса – 3,5.млн дона бўлиши тавсия этилади. Суғориладиган ерларда экиш меъёри гектарига 4,5 млн дона ҳисобида бўлиши яхши натижа беради. Агар баҳорда экиладиган бўлса юқоридаги экиш меъёри 15 – 20 фоизга камайтирилиши лозим.

Арпани экиш чуқурлиги лалмикор ерларда 5 – 6 см, суғориладиган ерларда тупроқ шароитига қараб 4 – 6 см бўлиш лозим.

**Парваришлаш.** Суғориладиган ерларда арпа экилиши билан эгатлари орқали суғорилиши керак.

Арпани бегона ўтларга қарши тупланиш даврининг бошларида эрта кўкламда далани кўндалангига қараб бороналаш лалмикор дехқончилик шароитида фойдалидир. Агар далани кўп миқдорда бегона ўтлар қоплаган бўлса, маҳсус гербицидларни қўллаш зарур бўлади.

**Ҳосилни йиғиши.** Арпа ҳосилини йиғиши асосан комбайнлар ёрдамида амалга оширилади. Ҳосилни ўришни арпани мум пишиши охири ва тўла

пишиш бошланиши билан қисқа муддатда ўтказиш лозим. Акс ҳолда, ҳосилни бир қисми тўкилиб тез нобуд бўлади

Арпани ҳосили буғдой каби йигилади. Сенаж тайёрлаш учун арпа бошоқланиш даврида ўрилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Арпанинг афзаллигини айтиб беринг?
2. Арпа унидан нон ёпиш мумкинми?
3. Арпани такрорий экин сифатида экиш мумкинми?

### **Жавдар ва тритикале**

**Аҳамияти.** Жавдар унидан тайёрланган нон ўзининг тўйимлилиги ва яхши таъми билан алоҳида ажралиб туради. У жуда кўп мамлакатларда буғдойдан кейин иккинчи нон экини ҳисобланади.

Жавдарни ва тритикалени дони чорва моллари учун тўйимли озуқадир. Уларнинг дони таркибидаги оқсил лизинга бой бўлганлиги учун омихта ем тайёрлашда ишлатилади. Кўпчилик жойларда жавдар ва тритикале экинларининг кўк массаси чорвачилиқда кенг қўлланилади, айниқса сенаж тайёрлашда. Бу экинлар дон учун экилганда сомони чорва моллари учун озуқа сифатида ишлатилади. Шунингдек, жавдарнинг похолидан (сомонидан) турли хил буюмлар (қофоз, целлюлоза, фурфурол, уксус, лигнин ва бошқа нарсалар) тайёрланади. Жавдарнинг 1 кг кўкатининг тўйимлилиги 0,74 , 1 кг сенажнинг тўйимлилиги 0,24 озуқа бирлигига teng.

**Тарихи.** Жавдарнинг тарихи – эрамиздан аввалги I – и асрда Италияда кўплаб экилганлиги ҳақида адабиётларда маълумотлар учрайди. Сибир ҳудудида жавдарни экила бошлиши X111 асрдан бошланганлиги, бунда рус мухожирлари томонидан олиб келинганлиги маълум.

Тритикале XX аср янги дон ўсимлиги бўлиб, буғдой билан жавдарни чатиштиришдан келиб чиқсан, дурагай бўлганлиги учун унда буғдой ва жавдарнинг белгилари ва хусусиятлари мавжуд. Бошоғининг кўриниши,

тузилиши, донининг шакли буғдой ва жавдарни эслатади. Аммо жавдар ва буғдойдан қуйидаги белги ва хусусиятлари билан ажралиб туради: жавдарни пояси йўғон, пишиқ, ётиб қолишга чидамли, барги ва бошоги катта, дони ҳам йирик. Жавдарни дони ингичкароқ бўлса тритикаленики тўлароқ. Дастлаб буғдой-жавдар дурагайи Германияда яратилган.

Жавдар экиладиган майдон жаҳон бўйича 7,4 млн гектар атрофида ва ҳосилдорлиги ўртача 14,6 ц\га ни ташкил қиласди. Кўплаб Овропа мамлакатларида кузда экилади. (Германия, Франция, Польша ва бошқа). АҚШда ҳам бу экин кўплаб экилиб келинади. Шунингдек, ҳозирги Ҳамдўстлик мамлакатларидан Россия ва Белоруссияда ҳам жавдар салмоқли ўринни эгаллайди. Бу экиннинг ҳосилдорлиги кўпчилик давлатларда юқори бўлсада, кузги буғдойдан кейинги ўринда туради. Ўзбекистонда жавдар асосан оралиқ экин сифатида кузда экилиб, кўк масса олинади. Жавдар бир гектар ердан 40 – 50 ц\га дон ва 300 – 450 ц\гача кўк поя беради.

Дунёда тритикале 2004 йилда 3,04 млн га экилиб, ўртача 11,1 ц\га дон ҳосили олинган. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида тритикале оралиқ экин сифатида кеч кузда ва кузда (август) экилса, мўл кўк масса ва дон беради. Ўзбекистон шароитида тритикале жавдарга нисбатан юқори ҳосилли, тўйимли концентрат озуқа ва мўл, сифатли кўк масса бериши билан ажралиб туради. Тритикале дон ҳосилдорлиги 50 – 60 ц\га, кўк поя ҳосили 350 – 600 центнер ва ундан кўп бўлмоқда.

**Морфологияси.** Экиладиган, яъни маданий жавдар бир йиллик ўсимлиқдир. У асосан кузги ўсимлик ҳисобланади бироқ баҳорги шакллари ҳам учрайди (баҳорги жавдар).

Жавдарнинг пояси ғовак, поянинг баландлиги 110 см дан 200 см ва ундан ҳам баланд бўлади. Поя 4 – 7 бўғим оралиқларига эга. Пояси яланғоч ёки тукли. Пояси баланд бўлганлиги учун у ётиб қолишга мойил бўлади. Пояси яхши тупланади.

Барги буғдойнинг баргига нисбатан энли, барг тилчаси калта, барг кулоқчалари ҳар хил шаклда ва узунликда, кўпинча жуда калта бўлади.

Бошоги икки ён томондан сиқиқ бўлиб, икки томонга йўналган калта қилтиқларга эга.

Жавдар дони думалоқ, чўзинчоқ ёки понасимон шаклида бўлиши мумкин. Узунасига кетган эгатчаси учида попуги бор, ранги яшилдан жигар рангача ўзгариб туради. 1000 та донасининг вазни 18 – 35г. бўлади.

Ўзбекистонда “Вятка-2”, “Белта”, “Саратовская-4”, “Вахшская-116” навлари, тритикаленинг “Многозерновий-2”, “Праг серебристый”, “Баҳодир” ва “Узор” навлари экилади.

**Биологияси.** Жавдар уруғи 1 – 2°C да уна бошлайди, тритикале уруғи эса 3 – 5°C унади. Уруғининг униб чиқиши учун энг мақбул ҳарорат 20 – 22°C ҳисобланади. Кузги ғалла экинлари орасида кузги жавдар қишига энг чидамлилиги билан ажралиб туради ва – 25 – 30°C совуққа бардош беради. Тупланиш тугунида ҳарорат -18 – 20°C совуқ бўлганда ҳам ўсимлик ҳаётчанлигини саклайди. Кузги тритикале -18 – 20°C совуққа чидайди.

Кузги жавдар транспирация коэффициенти 340 – 420 гача. Сувга энг талабчан даври – най ўраш бошоқлагунча давом этади. Бу даврда нам етарли бўлмаса бошоги кичик ва кам ҳосилли бўлиб қолади. Жавдар четдан чангланувчи экин бўлиб, тритикале эса буғдойга ўхшаб ўз – ўзидан чангланувчидир.

Кузги жавдар ва тритикале тупроққа унчалик талабчан эмас. Механик таркиби енгил қумлок, қумоқ, бўз, ўтлоқи бўз тупроқларда яхши ўсади.

Кузги жавдар буғдойга қараганда эрта пишади. Ўзбекистонда районлаштирилган тритикале буғдойга қараганда бироз кеч ёки кечпишар буғдой навлари билан бир вақтда етилади.

**Етиштириш технологияси.** Ўтмишдош – қатор оралари ишланадиган ва ўт экинлари. Жавдар ва тритикале Ўзбекистоннинг лалмикор ерларида экilmайди.

**Ўғитлаш.** Кузда ерни ҳайдашдан олдин органик ва минерал ўғитлар сочилиб, сўнг ер шароитиги қараб 25 – 30 см чуқурликда ҳайдалиши лозим. Ҳар бир гектарига 20 – 30 тонна гўнг, 120 азот, 90 кг аммофос ва 60 – 70 кг

калийли ўғитлар солиши самарали натижада беради. Тупроғи кучли шүрланган ерларга экиш тавсия этилмайды. Фосфор ва калийли ўғитлар ҳаммаси кузда экишдан олдин ёки экиш билан бир вақтда, азотли ўғит экиш билан бир вақтда, экишдан кейин ва эрта баҳорда озиқлантиришда берилади.

**Экиш.** Бу экинларниң экиш меъёри буғдойга қараганда 10 – 12 % күпроқ бўлади. Экиш чуқурлиги 5 – 6 см.

**Парваришлаш.** Кузда экилгандан сўнг тезда уларни суғориш лозим. Бундан ташқари ўсиш даврида 2 – 3 марта суғорилади.

Жавдар ва тиритикале экинлари кўк поя учун экилгандан бошоқлаш фазасида, дон учун эса тўла етилганда комбайнларда йиғиб олинади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Жавдарниң афзаллиги.
2. Тритикаленинг афзаллиги
3. Жавдар унидан нон ёпиладими?
4. Тритикаленинг буғдойдан қандай фарқи бор?.

### **Сули**

**Аҳамияти.** Сулининг донидан қорамоллар ва отларни озиқлантиришда қимматли концентрат ем сифатида фойдаланилади. Сули дони билан боқилган товукларниң тухум туғиши ошади, сигирларниң сути кўпаяди. Шунингдек, донидан ёрма ва кофе каби озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам тайёрланади. Бу маҳсулотлар ўзининг таркибида яхши ҳазм бўладиган оқсил, мой, крахмал ва витаминларга бой бўлиб, ёш болаларниң шифобахш овқати сифатида катта аҳамият касб этади. Сулининг сомони ва похол бошқа донли экинларнига қараганда чорвачиликда яхши озукадорлиги билан қимматлидир. Бир килограмм сули донининг тўйимлилиги 1 озуқа бирлигига teng.

**Тарихи.** Сули қадимий экинлардан ҳисобланиб, ёввойи ҳолда қадим-қадимдан буғдой ва арпа экинлари ичида ифлослантирувчи экин ҳолида

учраб келган. Ташқи шароитга чидамлилиги сабабли маданий шакллари алоҳида экила бошланган. Овропада сули экини эрамиздан 1500 – 1700 йиллар илгари маълумлиги ҳақида тарихий маълумотлар бор. Ҳозирги ҳамдўслик давлатларида У – XI асрдан бошлаб экила бошлаганлиги маълум.

Жаҳон дехқончилигига сулини экиш майдони 11,7 млн га ни ташкил этиб, ҳосилдорлиги 16,5 ц/га. Бу экин Ғарбий Овропа, АҚШ ва Канада давлатларида кўплаб экилади.

Ўзбекистонда сули кўпроқ оралиқ экин, қоплама экин сифатида дон ва кўкат масса учун экилиб, майдони жиҳатидан арпадан кейинги ўринни эгаллайди. Республикамиз суғориладиган ерларида сулидан 20 – 35 ц/га дон ҳосили ва 150 – 400 ц/га кўкат етиштирилади.

**Биологияси.** Сулининг уруғи 2 – 3°C да уна бошлайди, униб чиқиш ва туплаш даврлари учун 15 – 18° С энг қулай ҳисобланади. Ёш ниҳоли 8 – 9° С совукка чидаш беради.

Сулининг илдиз системаси тез ривожланиши натижасида баҳорги курғоқчиликдан баҳорги буғдой ва арпага қараганда кам зарар кўради.

Сули намталаб ўсимлик, унинг қобиқли навлари қобиқсиз донлиларга нисбатан униб чиқиш учун кўп нам талаб этади. Сули униши учун доннинг оғирлигига нисбатан 60% намни шимади. Сулининг транспирация коэффициенти 474. Бошқа ғалла экинларига қараганда сулини тупроққа талабчанлиги паст бўлиб, илдизи 120 см чуқурликка ва ён томонига 80 см гача боради. Сули ўсимлиги тупроқдаги қийин эрувчан озуқа эритмаларини яхши ўзлаштириш хусусиятига эга. Кучли шўрланган тупроқларда сули яхши ҳосил бермайди.

Навлари – “Дўстлик-1”, “Ўзбекистон кенг барглиси”, “Успех”, “Дўстлик-85”.

### **Етиштириш технологияси**

**Ўтмишдош.** Сули учун энг яхши ўтмишдош чопик талаб экинлар, айниқса дуккакли дон экинлардан бўшаган ерлардир. Сулини лавлагидан

сўнг экишга тавсия этилмайди, чунки нематод зааркунандаси зарар келтиради.

Сулини бир майдонда икки йил экиш ҳам салбий таъсир этиб, ҳосилдорлиги кескин камайиб кетишига олиб келади. Ерни ишлаш бошоқли донли экинлар билан бир хилдир.

**Ўғитлаш.** Сули экини органик ва минерал ўғитларга, айниқса азотга талабчан. Илгаридан ҳайдалиб келинадиган ер шароитида сулига азот, фосфор, калий ўғитларини қўллаш самарали бўлиб, ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Сули ўсимлигига органик ва минерал ўғитларини қўллаш арпаникига ўхшашиб бўлади, дони ва кўк массаси ҳосилдорлигига ва унинг сифатига кўп жиҳатдан ўғитни қўллаш муддати ва меъёрига боғлиқдир.

**Экиш.** Сули экин учун ерни ишлаш, экин муддати, меъёри ва усули ҳамда экин чуқурлиги, шунингдек парвариш ва ҳосилни ўриб янчиб олиш арпаникига ўхшашиб. Кўкат учун экилганда эса дони сут пишиш даврида ўрилганда мўл ва сифатли озуқа олишни таъминлайди. Баҳорда экинни эрта муддатда ўтказиш (февраль охири мартнинг бошларида) яхши натижага беради. Лекин такрорий экинларни экин учун ерни кеч бўшашига олиб келади. Бу эса ўз навбатда такрорий экинларни кеч экилиши сабабли ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Нима учун сулини Ўзбекистонда кузда экин мумкин?
2. Сули унидан нон ёпиладими?

### **Маккажўхори**

**Аҳамияти.** Маккажўхори энг қимматли, юқори ҳосилли донли ўсимлик ҳисобланиб озиқ-овқат, ем-хашак, техник ва агротехник аҳамиятга эга.

Озиқ – овқат сифатида маккажўхорининг дони ишлатилади. Унинг дони жуда ҳам тўйимли ҳисобланиб, таркибида ўртача 10,6% оқсили, 68 –

69% азотсиз экстрактив моддалар, 4,3% мой, 2,0% тўқима, 1,4% кул моддаларига эга. Лекин маккажўхори донидаги оқсил миқдори кам бўлади. Шу сабабли маккажўхори унiga 25-30% буғдой уни қўшилиб нон тайёрланади. Бундан ташқари маккажўхори донидан ёрма тайёрланади, сутмум пишиш даврида уни қовурилган ва қайнатиб пиширилган ҳолда озиқовқат сифатида ишлатиш мумкин. Ундан ташқари консерва ҳам тайёрлаш мумкин.

Ем-хашак сифатида маккажўхорининг дони ва пояси ишлатилади. Унинг дони жуда тўйимли 1 кг маккажўхори дони 1,34 озуқа бирлигига эга ҳисобланиб, уй паррандаларига ва молларга бутунлайича ёки ёрма ҳолда берилади. Пояси кўк ҳолича чорва молларига берилади ва ундан хашак тайёрланади, донининг сут-мум пишиш даврида ўрилганда эса унинг поясидан юқори сифатли силос тайёрлаш мумкин. Сўтаси билан тайёрланган силосни 1 кг ида 0,22 озуқа бирлиги бор.

Агротехникавий аҳамияти – қурғоқчиликка чидамли ва чопиқ талаб ўсимлик бўлгани учун бегона ўтларнинг камайишига олиб келади.

**Келиб чиқшиши ва тарқалиши.** Маккажўхори жуда қадимги ўсимлик, у Марказий Америкадан келиб чиқкан. Марказий Американинг маҳаллий халқи эрамиздан 3400 – 2300 йил аввал экиб келган. Маккажўхори XV асрда Америкадан Европага келтирилган, шу вақтда португалияликлар томонидан маккажўхори Ҳиндистон, Ҳинди-Хитой мамлакатларига келтирилган, XVII асрда Грузияда тарқалган, XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида у Фарбий Хитойдан Марказий Осиёга келтирилган. Ер юзида маккажўхори 144,8 млн гектар ерга экилади (2004 - й). У кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан: Бразилияда – 6,6 млн га, Мексикада – 5,6 млн га, Америкада – 3,0 млн га, Ҳиндистонда - 4,8 млн га, Хитойда - 5 млн га Руминияда - 4,3 млн га ерга экилади. Маккажўхори деярли кўпчилик мамлакатларда – Кавказ ортида, шимолий Кавказда, Волга бўйида, Марказий Қоратупроқ зоналарида. Қозогистон ва Марказий Осиё давлатларида ҳам экилади. Ўзбекистонда фақат дон учун 90 минг га ерга экилган (2001- й).

**Ҳосилдорлиги.** Маккажўхори юқори ҳосилли экин. Ўзбекистонинг суғориладиган ерларида унинг ҳар гектаридан 40 – 50 ц дон ва 500 – 700 ц кўк поя етиштириш мумкин. Лекин илгор оила фермер хўжаликларда маккажўхоридан жуда юқори ҳосил олмоқдалар.



11 – расм. Маккажўхори: 1 —майса; 2 —гуллаш даври; 3 —оталик гултўплами; а — умумий кўриниш, б —бошоқча; 4 — оналик гултўплами; а —умумий кўриниш, б — бошоқча.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида маккажўхори дони билан бир қаторда серҳосил кўк поя ҳам беради.

*Zea* авлоди ягона тур – *Zea mays L.* маданий маккажўхори ҳисобланади. – бу турдаги ўсимлик диплоид хромосомага эга ( $2n=20$ ).

Шулардан Ўзбекистонда кўп тарқалгани қуйидагилар:

1. Z.mays, ssp *indurata* – К. кремнистая. Эндосперманинг ташқи қобиғи шишиасимон, шохли (крахмал доначаларини оралиғи зич протеин билан тұлған), үрта қисми юмшоқ унсимон Селекцион навларидан күкат учун “Ўзбекистон 100”, “Кремнистая ЎзРОС” әкилади.

2. Z. mays, ssp *indentata* – тишисимон маккажүхори. Донни эндосперми фақат ён томонида ривожланган шишиасимон, шохсимон, қолган бўлагида ғовакли, унсимон, дони тишисимон, учки қисми ва үртаси унсимон эндосперм билан тұлған..

**Морфологияси.** Бошқа донли ўсимликларга нисбатан маккажүхори бақувват ва мустаҳкам, пояси йирик, узун ва энли барги, гултўпламлари ва донининг йириклиги билан фарқ қиласи.

Илдиз мажмуаси – сочиқ илдиз, кучли ривожланган. Тупроқда 1,5м дан 3м гача чуқурликка кетади. Бошқа донли ўсимликларга нисбатан маккажүхори поясининг ер устки бўғимларидан таянч ёки ҳавои илдизлар ҳосил қиласи. Бу илдизлар пояни тик ушлаб туриш учун хизмат қиласи. Илдизлар тупроқнинг нам билан таъминлашига қараб поянинг бир неча ер устки бўғимларида ҳосил бўлиб, кўпинча жуда кучли ривожланган бўлади. .

**Пояси.** Тик ўсуви, думалоқ ва силлиқ йўғонлашган бўғимлардан иборат 8 – 25 ва ундан кўп бўғим оралиқларига эга бўлади. Мексика навлари 45 тагача бўғим оралиқларига эга бўлади.

Поянинг илдизга яқин ер бетидаги қисми йўғонрок, поянинг учига қараб бўғим оралиқларининг диометри камайиб боради.

Поянинг ичи пўқак билан тұлған, унинг баландлиги маккажүхори навига ва ўсиш шароитига қараб 0,5 метрдан 4 метргача боради. Бундай баланд навни тик ушлаб туриш вазифасини таянч илдизлар бошқаради.

Барглари йирик кенг лентасимон шаклда барг қини хам узун, у пояни ўраб туради. Барг қинининг остки қисми поянинг бўғимидан чиқади. Барг тилчаси калта, қулоқчалари бўлмайди. Поянинг ҳар бир бўғимида биттадан барг ҳосил бўлади. Барг сонига қараб маккажүхори навини эртапишарлигини

аниқлаш мумкин. Эртапишар навларда 8 дан 12 та барг, ўртапишарларда 12 – 18 ва кечпишар навларда эса 18 тадан кўп барг бўлади.

**Гултўплам.** Маккажўхорининг гултўплами икки хил бўлади. Биринчиси ўсимлик поясининг учида жойлашган супургисимон гултўплам. Бу гултупламда фақат оталик гуллари мавжуд, иккинчи гултўплам сўтасимон бўлиб, барг қўлтифида ҳосил бўлади ва бу гултўпламда фақат оналик гуллари бўлади. Шундай қилиб битта ўсимликда оталик ва оналик гултўпламлари алоҳида жойлашади. Шу сабабли маккажўхорини бир уйли алоҳида жинсли ўсимлик дейилади

Супургисимон гултўплам марказий супурги ўқидан ва жуда кўп ён шохларидан ташкил топган, буларда бошоқчалар жойлашган. Бошоқчалар икки гулли, биттаси ўтирувчан (пастки) ва иккинчиси (юқориги) калта ўқча оёқчага эга. Бошоқча қобиқлари кенг кам тукли пардасимон, гул қобиқлари эса жуда юпқа, тиник пардасимон бўлиб, узунасига кетган томирларга эга ҳар бир гулда учтадан оталик мавжуд.

Сўтасимон гултўплам ҳар хил шаклда, кўпинча цилиндрисимон ёки конуссимон, калта оёқчаси билан барг қўлтифида жойлашади, ташқи томонидан уни ўзгарган барг шапалоғидан иборат ўрама қоплаб туради. Сўта серўт ўзакдан ташкил топган бўлиб, барг қўлтифида жойлашади. Сўтадаги катақчаларда оналик гулга эга бўлган бошоқчалар жуфт-жуфт, мунтазам тик қаторхосил қилиб жойлашади. Бошоқчада иккита оналик гули бўлиб, шуларнинг фақат юқориги биттаси ривожланиб уруғ тугади. Бошоқча қобиқлари пояди маккажўхори гуллаш даврида серэт бўлади, кейинчалик дағаллашади, гул қобиқлари икки пардасимон бўлиб, сўта янчилганда тўкилиб кетади. Бошоқчаларнинг жуфт бўлиб жойлашиши шу сўтадаги дон қаторлари сонининг жуфт бўлишини таъминлайди, дон қаторларининг сони 8 тадан 24 тагача бўлиши мумкин. Оналик гули бир уяли тугунчага эга, ундан узун ипсимон устунча ҳосил бўлиб, охири оналик оғизчалини билан тугалланади, гуллаш вақтида оналик оғизчалари сўтанинг катақларидан даста тук шаклида ташқарига чиқади ва оталик чанглари билан оталанади. Оналик

оғизчалари тукли ва ширави бўлганлиги учун уларга оталик чанглари яхши ёпишади. Меваси дон – уч қисмдан иборат бўлиб, дон қобиғи, муртак ва эндоспермдан иборат. Доннинг ҳамма қисмини парда(қобик)ўраб туради. Парданинг ранги маккажўжори навига қараб ҳар хил бўлади: оқ, сариқ, қўнғир, қора рангда бўлади. Қобиқни остида эндосперм жойлашади, у доннинг 82 – 85% қисмини эгаллайди. Эндосpermнинг юқори қаватини алайрон қавати дейилиб, у алайрон доначаларидан иборат. Алайрон қаватидан кейин эндосpermнинг ўзи жойлашади ва у икки хил: шоҳсимон(ойнасимон) ва унсимон бўлиши мумкин. Шоҳсимон эндосperm жуда зич, тиник крахмал доначаларидан ташкил топган, уни зич крахмал қавати ўраб туради. Донсимонида шоҳсимон эндосperm шишасимон бўлиб кўринади. Унсимон эндосperm юмшоқ, тиник бўлмаган крахмал доначаларидан ташкил топган, уни юпқа оқсил қавати ўраб туради.

Доннинг остки қисмида муртак жойлашади, муртак эса доннинг ҳамма қисмидан 10 – 15 % ини ташкил қиласди.

**Биологик ҳусусиятлари.** Маккажўхори иссиқقا талабчан ўсимлик, унинг уруғлари тупроқ ҳарорати 7 – 8° иссиқлиқда униб чиқиши тезлаша бошлайди. Маккажўхори қурғоқчиликка чидамли, у намни тежаб сарф қиласди. Лекин шу билан бир қаторда намга талабчан ҳисобланади, суғориш натижасида унинг ҳосили ортади. Маккажўхорининг намга талабчанлиги рўвакланиш ва сўталаш ҳамда мева ҳосил қилиш даврида ортади. Шу даврда уни тез-тез суғориб туриш керак. Маккажўхорининг транспирация коэффициенти 230 – 370. Маккажўхори қисқа кунли, ёруғсевар ўсимлик. Маккажўхори ҳар қандай тупроқда ҳам ўса олади, лекин унумдор, бегона ўтлардан холи бўлган ерларда у яхши ўсади.

**Маккажўхорининг ривожланиши.** Маккажўхори мақбул муддатларда экилганда 8 – 10 кунда униб чиқади. У биринчи даврларда секин ўсади. Тўпгул ҳосил қилиш даврида поясининг ўсиши тезлашади.

Бу вақтда суткалик ўсиши 8 – 10 см. ва ундан ортиқ бўлади. Маккажўхорининг навига қараб уруғ униб чиққандан сўнг 60 – 70 кун ўтгач

оталик тўпгули ва 4 – 6 кундан кейин оналик тўпгули – сўта ҳосил бўлади. Одатда, сўта рўвакка нисбатан (оталик тўпгули) 2 – 3 кун кейин гуллайди. Маккажўхори четдан чангланувчи ўсимлик. Шунинг учун уни сунъий равишда ҳам чанглантириш мумкин. Маккажўхори уруғлангандан 15 – 20 кун ўтгач, сут ва 22 – 25 кун ўтгач мум пишиш даври бошланади ва ундан 5 – 10 кун ўтгач дон тўла пишиб етилади.

Маккажўхорининг ўсиш даври унинг навига қараб 90 – 140 кунни ташкил қиласди.

**Етишириш технологияси.Ўтмишдош.** Фўза, донли ва айниқса дондуккакли ўсимликлар. Маккажўхорини маккажўхоридан кейин ва уни такрорий экин сифатида экилганда ҳам яхши натижга беради.

**Ўғитлаш.** Маккажўхори ўғитга талабчан ўсимлик. Ҳар бир гектар ерга кузда гўнг 10 – 20 тонна солинади. Бундан ташқари 100– 120 кг азот, 90 – 100 кг фосфор ва 60 – 70 кг калий ўғитлари солинади. Азотли ўғитнинг ҳамма қисми, фосфорли ва калийли ўғитларнинг қолган қисми маккажўхорини озиқлантиришда берилади. Ўсиш даврида маккажўхори икки марта, биринчи марта ўсимликда 3 – 4 барг ҳосил бўлганда ва иккинчи оталик тўпгул ҳосил бўлишига 8 – 10 кун қолганда озиқлантирилади. Ўғит маҳсус ўғитлагич машиналарида берилади.

**Ерни тайёрлаш.** Маккажўхори экиш учун ер кузда шудгор қилинади. Тупроқнинг хусусиятига қараб шудгорлаш чуқурлиги 28 – 30 см ва ундан ҳам чуқур бўлиши мумкин.

Шудгор чимқирқарли ёки икки ярусли плуг ёрдамида шудгорланади. Эрта баҳорда тупроқда нам сақлаш мақсадида шудгор борона қилинади. Экишга қадар шудгорда бегона ўтлар пайдо бўлса 8 – 10 см чуқурлиқда культивация қилинади, кейин бороналанади ва кетма-кет мола босилади.

**Уруғни тайёрлаш.** Ҳозирги вақтда уруғлик маҳсус заводларда тайёрлананади. Лекин уруғликни ҳар бир хўжаликда ҳам тайёрлаш мумкин. Янчилган дон тозаланади ва маҳсус машиналарда йириклиги бўйича

хилланади. Экиладиган уруғнинг тозалиги 99 – 99,8% униб чиқиши даражаси 85 – 95% бўлиши керак.

**Экиш.** Маккажўхори баҳорда тупроқ ҳарорати 10°C иссиқликка етганда экилади. Бундан ташқари уни ёзда экиш ҳам мумкин. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 15 – 20 мартларда, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида 20 – 25 мартларда, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 10 апрелда экилади. Умуман ҳар бир вилоят шароитида чигитни экиш бошлангунча маккажўхорини экишни тамомлаш керак. Маккажўхори кечки муддатларда экилганда унинг ҳосили анча пасаяди.

Маккажўхори кенг қаторлаб, қатор ораси 60, 70, 90 см қилиб экилиб, унинг навига қараб ҳар 15 – 20 см оралиқда битта ўсимлик қолдирилади. Эртапишар нав ва дурагайлар экилганда бир гектар ерда 70 – 80 минг ўсимлик, ўртапишар нав ва дурагайлар экилганда эса бир гектар ерда 50 – 55 минг ўсимлик қолдирилиши керак. Кечпишар навлар (Ўзбекистон тиҳсисимон) ва дурагайлар экилганда эса бир гектар ерда 40 минг ўсимлик қолдирилиши керак.

Ҳар гектар ерга сарф бўладиган уруғнинг миқдори унинг йириклигига ва униб чиқиши даражасига боғлиқ. Шу хусусиятларига қараб уруғнинг экиш меъёри 15– 20 кг дан 25– 70 кг гача бўлади. Уруғ тупроқнинг 7 – 10 см чуқурлигига кўмилади.

**Парваришлиш.** Маккажўхорини парвариш қилиш тупроқ қатқалоғига қарши кураш, қатор ораларини ишлаш, яганалаш, озиқлантириш, суғориш ва уруғлик майдонларида қўшимча чанглашдан иборат.

Ўсув даврида маккажўхори 3 марта қультивация қилинади. Ўсимлиқда ўртacha 3 – 4 та барг ҳосил бўлганда, биринчи қультивация ўтказилади. Сўнgra уялар атрофидаги бегона ўтлар чопик қилиниб йўқотилади. Биринчи қультивациядан сўнг 10 – 15 кун ўтгач иккинчи қультивация қилинади ва 10– 15 кундан учинчи қультивация қилинади.

Кейинги йилларда бегона ўтларга қарши курашда гербицидлардан кенг фойдаланилмоқда. Бегона ўтларни йўқотишида ҳозирги вақтда экишдан олдин агелон (4 – 6 кг га), атризин (3 – 8 кг га), трефлан (1 – 2 кг га) ишлатилади. Майсаланиш даврида – 2,4 Дамин тузи 2 кг га, 2,4Д бутил эфири (0,4 – 1,2 л га) қўлланилади. Бундан ташқари гербицидлар ҳам яхши натижа бермоқда.

Маккажўхори сувга талабчан экин ҳисобланади. Маккажўхорини навига, тупроқ шароитига қараб у 3 – 6 марта сугорилади, 1– 2 сув ўсимлик тўпгул чиқармасдан олдин берилади. Тўпгул чиқариш даврида ва дон етилиш даврида маккажўхори сувга талабчанлиги яна ҳам ортади. Бу даврда тез-тез сув бериб туриш керак. Ҳар 12– 15 кунда 800 – 900 м<sup>3</sup> меъёрда сув берилади. Ҳар сугоришдан кейин қатор оралари культивация қилинади.

Дон учун экилган маккажўхори сунъий равишида қўшимча чанглатилади. Маккажўхорини гуллаш даврида ўсимликлар устидан арқон судраб ўтиш ва уларни силкитиш билан даладаги чанг сони кўпайтирилади.

Маккажўхорини беда, дон-дуккакли ўсимликлар билан бирга қўшиб экиш ҳам мумкин. Маккажўхорини такрорий экин сифатида кузги экинлардан бўшаган ерларга экиш алоҳида ўрин тутади. Бу ҳолда кузги экинлар тез муддатда йиғиб олинади, ер экишга тайёрланади ва уруғ экилганда сўнг сугорилади. Умуман маккажўхори такрорий экин сифатида экилганда унинг агротехникаси, баҳорда экилгандаги маккажўхори агротехникасидан кам фарқ қиласи. Фақат маккажўхорининг эртапишар нав ва дурагайлари экилиши керак. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда Авило, Доминго, Бриллиант, Қорасув – 350 ва Ўзбекистон – 306МВ эртапишар дурагайлари экилмоқда. Бу дурагайлар такрорий экин сифатида экилганда гектаридан 35 – 50 ц. дон беради.

**Ҳосилни йиғиши.** Маккажўхори силос учун экилган бўлса доннинг сутумум пишиш даврида ўрилади. Бунда КСК-100, Марал-2,6, СК-2,6А комбайнлари ишлатилади.

Дон учун экилган маккажүхорини дони тўла пишганда ҳосил йигилади. Бунда маҳсус комбайнлар Херсонец-200, Херсонец-7, Кейс ишлатилади. Бу комбайнлар маккажүхорини ўриш, поясини майдалаш, сўталарни поядан ажратиб олиш ва уларни қобигини арчиш каби ишларни бир йўла бажаради. Сўталар эса хўжаликда оддий дон янчиш машиналарида ёки комбайнда янчилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Нима учун силос аксарият ҳолатда маккажүхоридан тайёрланади?
2. Силосни қанча сақлаш мумкин?
3. Маккажүхори донида қанча озуқа бирлиги бўлади?

### **Жўхори**

**Аҳамияти.** Жўхори энг муҳим донли ўсимликлардан ҳисобланиб, озиқ—овқат, ем—хашак, техник ва агротехник аҳамиятга эга.

Жўхорининг донидан ун тайёрланади. Лекин унинг унидан юқори сифатли нон ёпиб бўлмайди. Шунинг учун оқ жўхорининг унига 30—50 % буғдой уни қўшиб нон тайёрланади. Жўхорининг донидан маҳаллий таом “гўжа” тайёрланади.

Ем—хашак сифатида жўхорининг дони ва пояси ишлатилади. Унинг дони уй паррандалари ва ҳайвонлар учун тўйимли озуқа, уни бутунлайича ёки ёрма ҳолда бериш мумкин. Донининг таркибида 70% крахмал, 12% оқсил, 3,5% мой моддалари бўлиб, бир килограмм донини тўйимлилиги 1,22 озуқа бирлигига эга. Қандли жўхори поясидан шарбат тайёрланади. Жўхорининг техник тури рўвагидан супурги тайёрланади.

Жўхорининг пояси молларга кўк ҳолича берилади, ундан хашак ва донининг сут—мум пишиш даврида ўрилганда сифатли силос тайёрланади.

Жўхори ўрилгандан сўнг, янги бачки (қўшимча) поялар ҳосил қилиш хусусиятига эга, шу сабабли уни бир йилда икки баъзан уч мартагача ўриб олиш мумкин.

Нихоят жўхори агротехника аҳамиятига ҳам эга, у қурғоқчиликка ҳамда тупроқ шўрига чидамли ўсимлик ҳисобланади. Уни такрорий экин сифатида экиш мумкин, чопиқ талаб ўсимлик бўлганлиги учун бошқа экинлар билан алмашлаб экиш ҳам мумкин.

**Тарихи.** Жўхори жуда қадимги ўсимлик, у экваторли Африкадан келиб чиқкан. Жўхори Мисрда бизнинг эрамиздан 2200 йил олдин экила бошлаган Шарқий ва Жанубий Осиёда, Манчжурияда, Хитойда, Ҳиндистонда ҳам жуда қадимдан бери экилиб, асосий озиқ—овқат ва ем—хашак ўсимлиги ҳисобланади.

Овропага жўхори XУ асрда, Америкага XУII асрда тарқалган. Марказий Осиё давлатлари худудида ҳам 2000—3000 йиллардан бери экилиб келади.

Ер юзида жўхори 47—50 млн гектар ерга экилади. Энг кўп экадиган мамлакат Ҳиндистон, кейин Африка. Ҳозирги вақтда жўхори МДҲ давлатларини деярли кўпчиликларида — Украина, Шимолий Кавказда, Волга бўйининг қуви этакларида, Ставрополь, Краснодаръ ўлкаларида ва Марказий Осиё давлатларида экилади.

Ўзбекистонда жўхори асосан шўрланган сув билан кам таъминланган ва қисман лалми ерларда: Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Жizzах, Сирдарё вилоятларида ва Фарғона вилоятларининг Қўқон туманларида экилади.

**Хосилдорлиги.** Жўхори юқори хосилли экин ҳисобланади. Суғориладиган ерларда унинг ҳар гектарида 30—40 центнер, яхши парвариш қилинганда 80—90 ц дон ва 600—700 ц ва 1000 ц кўк поя олиш мумкин.

**Биологияси.** Жўхори иссиқликка талабчан ўсимлик, унинг уруғлари тупроқ ҳарорати 10—12°C иссиқликка етганда униб чиқа бошлайди. Қулай шароитда 6—7 кунда майса беради, совуққа чидамсиз. Оқ жўхорининг майсаларига —1°C совуқ ҳам кучли таъсир қиласи. Жўхори жанубий ўсимлик бўлганлиги учун қисқа кунда тез ривожланади, қурғоқчиликка чидамли. Транспирация коэффициенти 200 атрофида, лекин суғориш

натижасида унинг ҳосили ортади, тупроқ шўрига ҳам чидамли ўсимлик ҳисобланади.

Уруғ униб чиққандан сўнг майсалари биринчи даврда жуда секин ўсади. Шу сабабли оқ жўхори бегона ўтлардан тоза бўлган ерларни хоҳлайди. Майса пайдо бўлгандан сўнг 20—30 кунда туплайди ва 40—50 кундан кейин найча ҳосил қилиш даври бошланади. Шу даврдан бошлаб ўсимликнинг ўсиши тезлашади ва 20—30 кундан кейин тўпгул пайдо бўлади. Сўнгра 6—10 кун ўтгач гуллаш даври бошланади, 6—10 кундан кейин дон шаклланади.

**Навлари.** Ўзбекистон паканаси, Ўзбекистон—18, Асалбоғ, Қандли жўхори.

**Етиштириш технологияси. Ўтмишдош.** Жўхорини ҳар қандай ерга экиш мумкин. Уни донли ва дон—дуккакли ўсимликлардан, картошка илдизмевали экинлардан ва ғўздан бўшаган ерларга экса бўлади. Такрорий экин сифатида кузги дон экинларидан кейин ҳам экиш мумкин.

**Ўғитлаш.** Жўхори экиладиган ерларда органик ва минерал ўғитлар берилади. Ери кузда шудгорлаш олдидан унинг ҳар гектарига 15—20 тоннадан чириган гўнг солинади. Тупроқнинг унумдорлигига қараб ҳар гектар жўхори экилган майдонга йил давомида 120—150 кг азот 100—120 кг фасфор ва 50—60 кг калий ўғитлари берилади. Фосфор ўғитининг бир қисми (50—60 кг) кузда ери шудгорлаш олдидан берилади. Бошқа минерал ўғитлар шу жумладан фосфорли ўғитнинг қолган қисми ҳам экиш вақтида ва ўсув даврида солинади.

**Ери экишга тайёрлаш.** Жўхори майса ҳосил қилгандан сўнг дастлабки даврда жуда секин ўсади. Шу сабабли у бегона ўтлари йўқ, яхши ишланган ерларни хоҳлайди. Ер кузда 27—30 см чуқурлиқда чимқирқарли ёки икки ярусли плуг ёрдамида шудгор қилинади. Ўтлоқи ботқоқ тупроқларда ҳайдаш чуқурлиги ер ости сувларини жойланиши чуқурлигига боғлиқ. Шўрланган ерларда шудгор қилишдан олдин тупроқ шўри ювилади. Эрта баҳорда тупроқда нам сақлаш мақсадида шудгор борона қилинади.

**Экиш.** Уруғлик жўхори қуритилиб рўваги билан ( янчилмаган) тургани ҳолда сақланади. Уруғлик қурук, шамоллатиб туриладиган хоналарда сақланади. Экишга 7—10 кун қолганда рўваклардан дон янчилади, янчилган уруғ тозаланади ва экиш учун бир хилда бўлган йирик ва вазиндор дон саралаб олинади.

Давлат андозаси бўйича уруғликнинг тозалиги 99—95% дан ва униб чиқиши даражаси 80—90% дан кам бўлмаслиги керак.

Жўхорини уруғи экиш олдидан дориланади. Жўхори маккажўхорига нисбатан кечроқ, яъни тупроқ ҳарорати 13—15°C иссиқликка етганда экилади. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ( Сурхондарё, Қашқадарё) жўхори март ойларининг охири апрель ойининг бошларида Қорақаолпоғистон вилоятида эса май ойининг бошларида экилади. Ўзбекистоннинг марказий туманларида апрель ойининг иккинчи ярмида экилади. Лекин жўхорини қандли ва супургисимон турларини бир мунча эрта экиш мумкин. Жўхори қатор ораси 60, 70, 90 см қилиб экилади. Ўсимлик қалинлиги жўхорининг навига қараб ҳар хил бўлади. Баланд бўйли, кечпишар навлар юқори ҳосилли далаларда дон учун экилгандасийракроқ қилиб экилади. Паст бўйли тезпишар навлар қалинроқ қилиб экилади, яъни 15—20 см масофадан биттадан ёки иккитадан ўсимлик қолдирилади.

Жўхори дон ёки силос учун етиштириладиган бўлса ҳар гектар ерга 8—12, кўк поя етиштириладиган бўлса 15—20 кг уруғ экилади. Уруғни экиш чуқурлиги тупроқни механик таркибига ҳамда экиш муддатига қараб 3—5 см бўлади.

**Парваришлаш.** Жўхорини парвариш қилиш тупроқ қатқалоғига қарши кураш, қатор оралиғини ишлаш, ягоналаш, озиқлантириш ва сугоришдан иборат.

Уруғ униб чиққунга қадар ва униб чиққан даврида тупроқ қатқалоғини юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш учун енгил борона ёки ротацион мотига ишлатилади.

Жўхори майсалари дастлабки 30—35 кун ичида жуда секин ўсади ва қатор ораларини ўт босиб кетади. Шунинг учун майсалар тўла пайдо бўлгандан сўнг тез орада қатор ораларини ишлаш ва бегона ўтларни йўқотишга киришиш керак.

Ўсиш даврида жўхори 2—3 марта культивация қилинади. Ўсимлиқда ўртacha 4—5 та барг ҳосил бўлганда биринчи культивация ўтказилади, сўнgra ягона қилинади, уялар атрофидаги бегона ўтлар юлиб ташланади ва хато (бўш) уяларга қўшимча уруғ экилади.

Қатор ораларини ишлашда бир йўла культиваторга ўрнатилган СУЗ маркали ўғитлагич ёрдамида ўсимлик озиқлантирилади. Бегона ўтлар 2,4 Д гербициди билан йўқотилади.

Жўхорининг кечпишар навлари ўсиш даврида 5—6 марта, эрта ва ўрта пишар навлар вегетация даврида 3—4 марта сугорилади. Сугориш меъёри рўвак чиқаргунча бўлган даврларда 600—800 м<sup>3</sup> кейинчалик эса 800—1000 м<sup>3</sup> бўлиши керак.

Жўхори кўк ҳолиҷа молга едириш учун экилган бўлса уни ўриб олингандан сўнг гектарига 60—90 кг азот берилиб, сўнgra сугорилади. Бунинг натижасида жўхорининг қайта ўсиши тезлашади.

**Ҳосилни йиғиши.** Жўхори қандай мақсадларда экилган бўлса шу мақсадга мувофиқ йиғишириб олиниши керак. Кўклигича молга едириш мақсадида экилган бўлса жўхорини рўвак чиқарган даврида йиғиб олинади. Дон учун экилган жўхори эса дони тўла пишиб етилганда йиғилади.

Дон учун экилган жўхорининг паст бўйли навлари қайта ускуналанган дон комбайнларида ўриб олинади, баланд бўйли навларини эса комбайнда фақат рўваклари қирқиб олинади ва рўваклари қуритилиб дон комбайнларида ёки оддий янчиғичда янчиб олинади.

Жўхори янчилдан сўнг дон қуритилади ва намлиги 12—14% бўлган дон қопларда ёки полда 1,5 м қалинликда омборларда сақланади, уруғлик учун қолдириладиган жўхори бино ичида рўвакларда сақланади.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Жўхори кўкат учун неча маротаба ўрилади?
2. Жўхорини маккажўхоридан қандай афзаллиги бор?
3. Жўхорининг турларини биласизми?

## **Тариқ**

**Аҳамияти.** Тариқ қадимдан экилиб келинаётган экин. Тариқ ёрма ўсимликларнинг орасида қимматбаҳо маҳсулот (сўқ) берадиган ўсимлиkdir. Тариқ ёрмасининг таркибида 12,0%, 5,5% мой, 81,0% крахмал мавжуд. Тариқ дони ем сифатида қушлар учун қўлланилади. Тариқнинг сомони ва тўпони молларга ем—хашак бўлади. Тариқдан кўкат ҳам олинади. 1 кг донида 0,97 о.б. бор. Унинг 5,1 кг яшил массаси 1 о.б. teng. Похолининг 1 кг да 0,51, тўпонида 0,42 о.б. бор.

Ўзбекистонда тариқ асосий ва такрорий экин сифатида экилади. Ундан сийраклашган ғалла майдонларини таъмирлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тарихи.** Тариқ эрамиздан 4—5 минг йил муқаддам етиштирила бошланган. Тариқнинг келиб чиқиши Марказий Хитой бўлиб, Осиёда бу кенг тарқалган. У Хитой, Афғонистон, Туркия ва Овропада кўп экилади.

**Ҳосилдорлиги.** Дунё дехқончилигига 33,8 млн га ерга экилади, ҳосилдорлиги 7,9 ц/га. Ўзбекистонда лалми ерларда 7—10 ц/га дон ҳосили олинади. Суғориладиган ерларда 50—70 ц/га дон олиниши мумкин.

**Ботаник тавсифи.** Тариқ кўнғирбошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлиkdir. Тариқнинг иккита тури бор: оддий ва бошоқсимон тариқ. **Илдизи** попук илдиз, тупроққа 150 см чуқурликка кириб боради. Поянинг пастки бўғинларидан ҳаво илдизлари ривожланади.

**Пояси**—сомон поя, бақувват, ичи ковак, 4—10 бўғимларга бўлинган, кам тупланади. Тариқ тупланиш бўғинидан ва поянинг ер устки бўғинларидан шохланади. Бир туп ўсимлиқда 15—20 та рўвак бўлиши мумкин. Поянинг баландлиги 75—100 см, лалми ерларда 30—40 см. 1000 та донни вазни 5—8 г бўлади.

**Биологияси.** Тариқ иссиқсевар, уруғи 8—10°C да униб чиқади. Ҳарорат 12—15°C бўлганда майсалар 5—7 кунда кўкариб чиқади. Бу даврда муртак илдизи ўсиб чиқади ва биринчи барги ер юзида кўринади. Бу даврдан 15—25 кун ўтгандан кейин тупланиш даври бошланади. Иккиламчи илдизлар ва қўшимча поялар тупланиш бўғинидан ўсиб чиқади. Ўсимликда бу даврда 3—4 та барг бўлади. Сўнгра тариқ ўса бошлайди. Тупланишдан 10—12 кун ўтгандан кейин най ўраш даври бошланади. Ўсимлик тез ўсиб барглар ҳам яхши ривожланади ва генератив органлар шаклланади.

Муқобил ҳарорат ўртача 20°C, рўвак чиқариш даврида 23°C. Ўсув даври 65—115 кун давом этади. Такрорий экилган тариқнинг ўсув даври 15—20 кунга қисқаради.

Тариқ — курғоқчиликга чидамли ўсимлик. Уруғ кўкариб чиқиши учун ўз вазнига нисбатан 25% сув сарфлайди. Транспирация коэффициенти 200—250. Сувни кўплаб талаб қиласиган даври най ўраш ва рўвакланиш давридир.

Тариқ — ёруғсевар қисқа кун ўсимлиги. Фотосинтезни энг юқори маҳсулдорлиги дон шаклланиш ва тўла етилиш даврларида кузатилади.

Тариқ ҳар хил унумдор, тоза тупроқларга экилади. Тупроқ муҳити pH 6,5—7,5 атрофида бўлгани маъқул.

Ўзбекистоннинг лалми ва сугориладиган шароитида Саратов—853, Барнаул—80, Мироновская—51, Қозон—596 навлари экилмоқда.

### Етиштириш технологияси

**Ўтмишдоши** Дон—дуккакли ўсимликлар (бурчоқ, нўхат), дуккакли ўтлар (беда), полиз экинлари, жўхори.

Донли экинларнинг анғизи юмшатилиб, кейин ҳайдалади. Тоғ олди ва тоғ этагида шудгор қилинган ерларни қиш кунлари намни яхши тўплаш қор туткич, ёмғир ва қор сувларини тутиб қоладиган уватлар ясалади. Эрта кўкламда шудгор бороналанади ва ернинг қотиши, бегона ўтларнинг ўсишиги қараб бир неча марта культивация билан борона қилинади ва мола бостирилади.

**Ўғитлаш.** Ўртача 1 ц дон ва тегишли сомон ҳосилини етиштириш учун 3 кг азот, 1,4 кг фосфор, 3,4 кг калий сарфланади. Кузда ер ҳайдашдан олдин 10—12 т гўнг, 60 кг фосфор ва 30 кг калий солинади. Уруғ билан бирга 10—15 кг фосфорли ўғит берилади. Ўсув даврида тупланиш ёки най ўраш даврида қўшимча озиқлантиришда 30—50кг азот ва 20—30 кг фосфор ишлатилади.

**Экиш.** Рўвакнинг энг юқорги қисмидан серхосил уруғлар танлаб олинади. Уруғ тозаланади, сараланади. Биринчи синфдаги ургунинг тозалиги 99%, унувчанлиги 95% бўлиши керак. Куя касаллигига қарши ургуфордиланиши лозим.

**Экиш муддати.** Тариқ лалми ерларда апрель—май, сугориладиган ерларда апрел ойининг охири ёки анфизга июнь ва июлнинг бошланишида экилади.

**Экиш усули.** Унумдор тупроқларда ёппасига қаторлаб, унумдорлиги паст тупроқларда кенг қаторлаб экилади, қатор ораси 45—60 см бўлади. Экиш меъёри 8 кг/га, шароитга қараб ўзгаради. Экиш чуқурлиги 3—5 см.

**Парваришлаш** — қатқалоққа қарши борона қилинади, кенг қаторлаб экилганда қатор орасига 1—2 маротаба ишлов берилади, тупланиш ва рўвак чиқариш даврларида сугорилади, бегона ўтларга қарши гербицидлар ишлатилади (2,4Д—1,5—2,0 кг/га)

**Ҳосилни йиғиши.** Тариқ дони етилганда тўкилади, шунинг учун ҳосили комбайнлар ёрдамида қисқа муддатда йиғиб олинади.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Тариқ қандай экин деб аталади?
2. Тариқ дони оқлангандан кейин нима деб аталади?
3. Тариқнинг ўсув даврини биласизми?

### **2.3. ХАШАКИ ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАР**

Дуккакли дон экинларига ловия, ясмиқ, бурчоқ, нўхат, кўк нўхат, соя, мош, вигна, вика ва бошқа экинлар киради. Бу экинларнинг дони юқори

сифатли, таркибida 21 дан 50% гача оқсил, 2—20% мой бўлади. Етиштирилган маҳсулот экологик тоза бўлиб, бу ўсимликлар ҳаво азотини ўзлаштириб тупроқ унумдорлигини оширади. Бир йилда бир гектарда 50—150 кг азот тўпланади. Дон—дуккакли экинлар оқсилнинг сифати буйича ҳам ажралиб туради.

Дуккакли дон экинларини етиштириш қишлоқ хўжалигидаги учта асосий муаммони ҳал қилишга имкон беради: 1) дон етиштиришни кўпайтириш; 2) ўсимлик оқсили муаммосини ҳал қилиш; 3) тупроқ унумдорлигини ошириш.

Ер юзида дуккакли дон экинлари 135 млн га ерга экилади, энг кўп соя, ловия, нўхат, кўк нўхат экилади

### **Умумий морфологик хусусиятлари**

**Илдиз.** Дуккакли – дон экинларнинг илдизи ўқ илдиз бўлиб, туроқقا 2 м чуқурликка кириб боради, асосий микдори эса тупроқнинг 30 см чуқурлигигача жойлашади. Дуккакли экинларнинг илдизида **тугунаклар** бўлади, бу тугунакларда ҳаво азотини ўзлаштирадиган бактериялар *Rizobium* яшайди. Экинларнинг турига караб илдизда бактерияларни ҳар хил турхиллари бўлади. Тугунаклар шакли ва катталиги билан фарқ қиласди. Тугунаклар йирик ва кўп бўлса, демак ҳаво азоти яхши ўзлаштирилади ва тупроқда анча азот тўпланади. Экинларнинг илдизида тугунаклар яхши ривожланиши учун уруғлар экилишидан олдин сунъий маҳсус бактерия юқтирилади. Бу бактерияли ўғит **нитрагин** деб аталади.

**Поя.** Дуккакли экинларнинг пояси ўтсимон ёки чирмашиб ўсади, тукли ва туксиз бўлади. Масалан, нўхат, хашаки дуккаклар, соя экинларининг поаси тик ўсади, кўк нўхатнинг поаси эса чирмашиб ўсади. Дуккакли экинларнинг поаси шохланади. Ён шохлар барг қўлтиқларидан ўсиб чиқиб улар икки хил бўлади: **моноподиал** ва **симподиал**. Моноподиал шохлар пояда пастдан юқорига қараб ривожланади, симподиал шохлар эса юқоридан пастга қараб ривожланади, бу ҳолда асосий пояни учки қисмида гултўплам ҳосил бўлади.

**Барг.** Барча дуккакли дон экинларининг барги, тузилиши бўйича бир—биридан анча фарқ қиласидан 3 та гурухга бўлинади:

- 1) патсимон барглар;
- 2) учтали барглар;
- 3) панжасимон барглар.

Патсимон барглар жуфт ва тоқ патсимон бўлади. Тоқ патсимон баргларнинг учида тоқ япроқчаси бўлади. Жуфт патсимон барглар учида йирик—майда ва ҳар хил даражада шохланган жингалаклар мавжуд. Баъзи бир экинлар жингалаклар ёрдамида таянч ўсимликка ўралиб ўсади.

Умуман барглар йирик—майда, тукли—туксиз бўлиши мумкин. Баргнинг асосида ҳар хил шаклдаги **ёнбаргчалар** бўлади. Ёнбаргчаларга қараб экин турларини аниқлаш мумкин

**Гул.** Дуккакли экинларнинг гуллари аксарият ҳолда барг кўлтиқларида, 1—2 тадан жойлашади, айрим турларида шингил шаклдаги гултўплам ҳосил қиласиди. Дуккакли экинларнинг гуллари капалаксимон, гуллари икки жинсли бўлиб 5та гултожибаргдан ташкил топган. Гултожибарглар ҳар хил бўлади, энг йириги **елкан**, ён томондан иккита кичикроғи қанот ва пастки чети билан бир—бирига туташиб, иккита пасткиси **қайиқча** деб аталади. Чангчиси 10 та бўлиб, тўққизтаси туташиб ўсади, ўнинчиси эркин ўсади.

**Мева.** Гуллар чанглангандан кейин тугунчasi ўсиб мевага айланади. Меваси **дуккак** дейилади. Мевада калта бандга жойлашган уруглар мавжуд. Кўпчилик дуккакли дон экинлари етилганда дуккаги узунасига чатнайди, уруғ сочилади. Айрим экинларда (маҳаллий нўхат, ясмиқ, оқ люпин) меваси чатнамайди.

Дуккакнинг шакли чўзинчоқ, ромб шаклида, цилиндросимон, буйраксимон, юзаси силлиқ, бурушган, тукли ёки туксиз бўлади. Дуккақда биттадан ўнтағача уруғ бўлади.

**Уруғ.** Дуккакли дон экинларини уруғи қўнғирбошли дон экинларидан фарқ қилиб уруғи дуккагининг—ичида жойлашади. Уруғ қалин пўст билан

қопланган. Унинг юзаси экин турига қараб силлик, ялтироқ, буришган бўлади. Уруғнинг устида турларни бир—биридан ажратишга ёрдам берадиган ҳар хил белгилари бўлади. Шулардан бири— **уруғ кертиги**, уруғ бандининг, уруғ ривожланиб чиқадиган уруғкортакка бирикадиган жойидир. Уруғ етилганда ана шу жойда дуккак палласидан ажралади. Дуккакли дон экинлар уруғ кертигини катта—кичиклиги, ранги, шакли ва ҳолати билан бир—биридан фарқ қиласи. Уруғ қобиғининг тагида муртак жойлашган. Дуккакли экинларда қўнғирбошли дон экинлари каби эндосперм бўлмайди. Муртак ривожланишининг биринчи даврида зарур озиқ моддалар унинг ўзида, уруғпалла баргларида захира ҳолда тўпланиб боради.

Дуккакли ўсимликлар уруғининг муртаги уруғнинг иккита ярмидан иборат бўлган, иккита уруғпалладан ташкил топган бўлиб, улар бир томондан очилади, иккинчи томонидан эса уруғ кертиги ёнида туташган бўлади. Уруғпаллалар уруғ кертиги билан туташган жойда муртак илдизчаси билан куртакча бўлади. Баъзи дуккакли экинлар уруғининг куртакчаси анча бақувват ривожланган ва дастлабки иккита чинбарг бошланғичига эга бўлади, ўсимликнинг ўсиш нуқтаси эса шуларнинг орасида. Бундай уруғларнинг пўсти осон ажралади ва муртагининг барча қисми яхши кўриниб туради.

**Биологияси.** Иссикликка бўлган талаби ҳар хил: кўк нўхат, ясмиқ, бурчоқ уруғи  $1-5^{\circ}\text{C}$  да униб чиқади, муқобил ҳарорат  $18-20^{\circ}\text{C}$ , майсаси  $3-8^{\circ}\text{C}$  совуқга чидайди. Соя, ловия уруғи  $10-12^{\circ}\text{C}$  униб чиқади, муқобил ҳарорат  $20-22^{\circ}\text{C}$ , майсаси  $-1^{\circ}\text{C}$ да нобуд бўлади.

Дон—дуккакли экинлар намсевар бўлиб, айниқса шоналаш даврида сувни кўп талаб қиласи.

Дон—дуккакли экинлар ёруғсевар бўлиб, кўк нўхат, ясмиқ, бурчоқ, хашаки дуккаклар узун кунли экинлар. Соя ва ловия турлари қисқа кунли экинлар.

Бу экинлар озуқа моддаларига талабчан. Бу хусусият ҳосил этиштиришга сарфланган озуқа моддаларнинг миқдори билан баҳоланади.

Кўк нўхат, нўхат ва ловия 1 ц дон етиштириш учун 6,4—6,6 кг азот, 2,1—2,5 кг фосфор ва 2,9—6,0 калий сарфлайди. Соя, ясмиқ, бурчоқ эса 7,0—8,2 кг азот, 1,9—2,6 кг фосфор ва 3,9—4,7 кг калий сарфлайди.

Дуккакли экинлар тоза, унумдор тупроқларга экилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Нима учун дуккакли экинлардан экологик тоза махсулот олинади?
2. Қандай қилиб дуккакли экинлар тупроқ унумдорлигини оширади?

### **Нўхат**

**Аҳамияти.** Нўхат дони озиқ—овқатда ишлатилади, ундан ҳар хил миллий таомлар тайёрланади, хашаки навларининг дони ем бўлади, кўкати тўйимли озуқадир. Донининг таркибида 19—30% оқсили, 4—7% мой, 47—60% азотсиз экстрактив моддалар, 2,4—12,8% тўқима, витаминлар ва минерал тузлар мавжуд. Буғдой унига 10—12% нўхат уни қўшилса, ундан тўйимли нон ёпилади.

**Тарихи.** Нўхат Осиёning қурғоқчил минтақасида қадимдан экиб келинган. Ер юзида 10 млн га ерга экилади. Нўхат Ҳиндистонда, Жазоир, Туркия, Эронда кенг майдонларда экилади. Ўзбекистонда лалми ва сугориладиган ерларда экилмоқда. Сувли ерларда 15—20 ц/га дон олинади.

**Ботаник тавсифи.** Илдизи — ўқ илдиз, яхши ривожланган, тупроққа 1—1,5 метргача кириб боради, сершохли.

**Пояси.** Бақувват ривожланган, тик ўсади, яхши шохланади, етилганида ёғочсимон, баландлиги лалми ерларда 15—40 см, сувли ерларда 45—70 см бўлади.

**Барглари.** Мураккаб, токпатсимон, калта бандли, жуфт баргчаларининг сони 5—15 та, барчалари майда, арратишли, тукли. Тукларида органик кислоталар мавжуд (оқсалат, олма кислотаси). Барглари оч ва тўқ яшил рангли бўлади.

**Гуллари.** Икки жинсли, майда барг қўлтиқларида биттадан жойлашади, ранги оқ, қизил, пушти, қизил бинафша бўлади. Нўхат ўзидан чангланадиган ўсимлик, аммо айрим ҳолда четдан чангланиши ҳам мумкин.

**Дуккаклари.** Қавариқ понасимон ёки ромб шаклида, 1—3 та уруғ бўлади, узунаси 1,5—3,5 см, ранги оч сариқ, жигар рангли бўлади. Ўсимликнинг пояси, дуккак ва барглари тукли. Уруғи думалоқ ғадир—будур, тумшуқчаси бор, шарсимон юмалоқ ёки бурчакли шаклда бўлади, ранги оч сариқдан қорагача, 1000 тасининг вазни 100—600 г бўлади.

**Биологияси.** Ўзидан чангланади. Нўхат иссиқсевар ўсимлик, аммо уруғи 3—5°Cда униб чиқади, майсаси баҳорги совуқларга чидамли. Ҳозирда Ўзбекистонда нўхатни кузги буғдой каби кузда экилиб келгуси йили июн ойида ҳосили йиғиб олинмоқда.

Нўхат ёруғсевар узун кун ўсимлиги. Намгарчиликда аскохитоз касаллиги билан заарланади. Тупроқни унча танламайди, шўрланган, унумдорлиги паст, қумлоқ ерларда кам ҳосил беради. Ўсиш даври 65—100 кун.

Ўзбекистонда Лаззат, Ўзбекистон—32, Юлдуз ва бошқа навлари экилади.

### Етиштириш технологияси

**Ўтмишдоши.** Буғдой, арпа, нўхатдан кейин бошқа дала экинлари экилади.

**Ерга ишлов бериш.** Тупроқ 22—25 см чуқурликда шудгорланади. Эрта баҳорда борона қилинади. Экишга яқин 10 см чуқурликда культивация қилинади, кетма—кет борона қилинади ва мола юргизилади.

**Ўғитлаш.** Шудгорлашдан олдин 5 т/га гўнг, 50 кг фосфор, экишдан олдин эса 30—40 кг/га азот солинади.

**Экиш.** Уруғ тозаланади, сараланади, нитрагин билан ишланади.

**Экиш муддати.** Лалми ерларда эрта баҳорда экилади — февраль, март ойларида. Кузда ҳам экиш мумкин (октябрда).

**Экиш усули.** Кенг қаторлаб, қатор ораси 45—60 см ёки ёппасига қаторлаб, қатор ораси 15 см қилиб экилади.

**Экиш меъёри.** 0,5—0,8 млн.дона уруғ бир гектарга сарфланади ёки 40—100 кг/га, экиш чуқурлиги 4—7 см.

**Парваришилаш.** Борона қилинади қатқалоққа ва бегона ўтларга қарши.

Кенг қаторлаб экилганда қатор ораси 1—2 марта ишланади.

Шоналаш, гуллаш даврини бошланишида ва дони етилаётган даврда сугорилади.

**Ҳосили.** Меваси тўла етилганда дон комбайнлари ёрдамида йиғиб олинади. Дон тозалагич машиналарида тозаланади ва қуруқ жойларда сақланади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўсимлик тупига қараб кўк ва маҳаллий нўхатни ажратиш мумкинми?
2. Донни рангига қараб нўхатнинг хашаки навларини ажратиш мумкинми?
3. Нўхат пояси нима учун чорва ҳайвонларига берилмайди?

## **Соя**

**Аҳамияти.** Соя халқ хўжаликда кенг қўлланади. Доннинг таркибида 30—52% оқсил, 17—27% мой, 20% карбон сувлари мавжуд. Соя донидан мой, маргарин, пишлок, сут, ун, қандолат маҳсулоти, консервалар ишлаб чиқилади. Мойи озиқ—овқатда, лак —буёғ саноатида, совун ишлаб чиқаришда қўлланади. Ер юзида ишлаб чиқарилган ўсимлик мойининг 40% ни соя мойи ташкил қиласди.

Соя ем—хашак экин сифатида ҳам экилади. Ем сифатида дони, кўкати, сомони, қипиғи ишлатилади, силосга кўкати ва дони қўшилади. Соядан тайёрланган озукаларнинг тўйимлилиги юкори бўлиб бир озука бирлигига 200 г дан ортиқ оқсил тўғри келади.

Соянинг кунжарасида 40% оқсил, 1,4 % мой, 30% АЭМ сақланади. Сояни маккажӯҳори, оқжӯҳори билан бирга кўкат учун қўшиб экиш мумкин. 100 кг яшил массасида 21 о.б, 3,5 кг оқсил бор. Унинг яшил массасидан

витаминли ўт уни тайёрланади. Соянинг 100 кг поясида 32 о.б ва 53 кг оқсил сақланади.

**Тарихи.** Соянинг ватани Жануби—Шарқий Осиё. Қадимдан соя Хиндистон, Япония, Корея, Вьетнам, Хитой ва Индонезияда экилиб келинган. Ер юзида соя 2004 йилда 91,6 млн га майдонда экилган ва дон ҳосилдорлиги 12 ц/га ни ташкил қилган.

Ўзбекистонда соя 1930 йилдан буён экилади ва у Хитойдан Узок Шарқ орқали кириб келган. Ҳозирда ўртача 10 минг га ерга экилмоқда, дон ҳосили эса 2,5—3,5 т/га.

**Ботаник тавсифи.** Соя дуккаклилар оиласига *Glycine hispida* турига мансуб, бир йиллик ўт ўсимлик, илдизи ўқ илдиз бўлиб, яхши ривожланган, тупроқка 2 м чуқурликкача кириб боради. Илдизида тугунаклар ривожланади. Майсаси яшил рангли, 2 та уруғ палласи ер бетига чиқади.

**Пояси.** Дағал поя, тик ўсади, усти қиррали, тукли, баландлиги 25—200 см. Шохланиши пастдан бошланади. Иккиламчи ён шохлар кам учрайди. Тупи зич, тик, ғовак тукли. Поянинг ранги яшил, антоционли доғлар бўлиши мумкин.

**Барги.** Соянинг бирги учтали, тоқ патсимон, ён барглари мавжуд. Барг шапалоғи йирик, кенг, уруғи ҳар—хил шаклда ва катталиқда бўлади. Баргининг юзаси силлиқ ёки бурушган бўлади. Баргларнинг ранги яшил, тўқ—яшил, сарғиш—яшил, кумуш—яшил. Тўла етилганда барги сарғайиб тўкилади. **Гултўплами.** Шингил шаклда, барг қўлтиқларида жойлашган, кўпгулли, 13—20 та гул бўлади. Айрим гўлтупламлар калта бўлиб, уларда 3—6 та гул бўлиб, ён шохларида гуллар биттадан жойлашган. Гули майда, тукланган гулбандига жойлашган: гулкосаси яшил рангли, гоҳо антоциан доғлар бўлади, тукланган, ранги оқ ва бинафша рангли бўлади.

**Дуккаги** йирик (6—7 см), ўрта (4—5 см), майда (3—4 см), тик, эгилган шаклда бўлади. Бир туп ўсимликда дуккакнинг сони нав хусусиятига, тупроқ—иқлим шароитига боғлиқ бўлиб 10 дан 35 гача бўлади. Дуккаги сертукли, дуккакда

1—4 та уруғ бўлади. Дуккакнинг ранги оч жигар, тўқ жигар, кўқ, кул рангли бўлади. Айрим навларда дуккаги етилганда чатнайди.

**Уруғи.** Қора, жигар ранг, яшил, сариқ, икки хил бўлади, шакли шарсимон, кемасимон, чўзинчоқ, ясси ҳолда бўлиб, уруғи майда ва йирик бўлади, 1000 тасининг вазни 400—520 г гача. Қобиги силлиқ, ялтироқ ёки хира. Кертигининг юзаси ҳам силлиқ, чўзинчоқ шаклда, понасимон бўлади.

**Биологияси.** Баҳорги ўсимлик, ўсув даври 75—120 кун. Соя — иссиқсевар, уруғи 8—10°C да униб чиқади, муқобил ҳарорат 20—22°C. Майсаси —2°C совуққа чидайди. Соя — намсевар, илдизи яхши ривожланганлиги учун вақтинчалик сувсизликка чидамли, гуллаш ва дон туғиш даврларида эса сувсизликка чидамайди. Ёруқсевар қисқа кун ўсимлиги. Соя унумдор, тоза муҳити pH—6,5—7,0 бўлган тупроқларда экиласди. Озуқага талабчан, 1 ц дон ва тегишли сомон етиштириш учун 8 кг азот, 1,5—2,0 кг.фосфор ва 5—6 кг калий талаб қилинади.

Навлари: Юлдуз, Ўзбекстон—2, Дўстлик, Ўзбекстон—6.

**Етиштириш технологияси.** Ўтмишдоши — ғўза, шоли, маккажӯхори. Сояни кунгабоқар ва акация дараҳти ёнига экмаслик керак (акс ҳолда ҳашаротлар соя экинзорига кўчади). Ерни тайёрлашда асосий тадбир — 22—25 см чуқурлиқда шудгорлаш. Бегона ўтлар кўп бўлса, шудгордан олдин дискалаш ёки чизеллаш ўтказилади. Баҳорда борона қилинади. Экиш муддатигача зарурият бўлса ёппасига культивация ёки чизеллаш ўтказилади, говак тупроқларда борона билан мола босилади.

**Ўғитлаш.** Ер ҳайдашдан олдин 10—15 т. гўнг, 100 кг фосфор ва 50 кг калий ўғити солинади. Экишдан олдин — 20—30 кг азот, экиш билан бир вақтда 10—15 кг ва ўсув даврида 1—2 марта озиқлантирилади, бирида 30—50 кг фосфорли ўғит солинади. Нитрогин ишлатилмаса гектарига 100—150 кг азот солинади.

**Экиш. Экиш муддати.** Апрель ойининг охири, май ойининг биринчи ўн кунлиги. Такрорий экин сифатида июнь ойида экиласди. Экиш усули — кенг қаторлаб, қатор ораси 60 см, экиш чуқурлиги 4—6 см. Экишдан олдин

урұғ нитрагин (ризоторфин) билан ишланса ҳаво азотини ўзлаштириш жараёни фаол үтади. Буни Мобитокс ёки ПС—10 машиналарида бажариш мүмкін. Сояни қуёш нури тушмайдиган жойда сергитиб дархол әқилиши лозим. Экиш меъёри —300—500 минг дона уруғ гектарига әқилади. Кечпишар навлар кам әқилади, әртапишар навлар күп әқилади. Дон учун соя уруғи кам әқилади, күкат олиш учун уруғ әқиши меъёри ошади.



12 — расм. **Соя**

1—майсаси, 2—етук ўсимлиги, 3—гуллаган шохчаси, 4—урұғи, 5—дуккаги.

**Парваришлиш.** Ўсиш даврида қатор орасига ишлов берилади, сүфорилади. Сүфориш сизот сувлар чуқур жойлашган бўз тупроқларда 5—6 марта, хар гал  $600—800 \text{ м}^3/\text{га}$ . меъёрда сүфориш тавсия этилади.

Бегона ўтларга қарши гербицидлардан трефлан (1—1,5 кг/га) экишдан олдин, базагран (1,5—3,0 кг/га) майсаланиш даврида гербицидлари қўлланилиши мумкин. Касаллик ва ҳашаротларга қарши рухсат қилинган кимёвий моддалар ишлатилади.

**Ҳосилни йигиши.** Сояning ҳосили СК—5, Нива, СКД—6, Сибиряк, Кейс комбайнлари ёрдамида йигилади. Кечпишар навларда ўсимликнинг қуриши учун десикация қилинади. Бунинг учун дуккаги 45—53% пишганда хлорат магний (20 кг/га) ёки реглон (3л/га) ишлатилади. Бир гектарга 100 литр ишчи раствор сарфланади. Йигилган донни намлиги 14% дан ошмаслиги керак.

**Қўнғирбошли экинлар билан сояни қўшиб экиш.** Соя силос тайёрлаш учун маккажўхори, жўхори, судан ўти билан қўшиб экиласди. Бу экиш усулидан мақсад — силос тайёрлаш учун зоотехния талабига жавоб берадиган кўкат тайёрлаш. Соя билан маккажўхори бир қаторда ёки ҳар хил қаторларда навбатма навбат жойлаштирилади. Маккажўхори, жўхори ва судан ўтининг экиш меъёри ўзгармайди, соя меъёридан 75% экиласди.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Сояning афзаллиги
2. Соядан қандай маҳсулотлар ишлаб чиқарилади?
3. Сояни такрорий экин сифатида экиш мумкинми?
4. Ўзбекистонда сояning қандай навлари экилмоқда?


### **Кўк нўхат**

**Аҳамияти.** Озиқ—овқатда ва молларга озуқа тайёрлашда қўлланади. Уруғида 20—26% оқсил бўлади. Сабзавот навлари консерва ишлаб чиқаришда қўлланади. Бир гектар ерда бир мавсумда 80—120 кг /га азот тўплайди, тупроқнинг унумдорлигини оширади.

Ем—хашак сифатида дони, кўкати, сомони ишлатилади. Махсус хашаки навлари мавжуд. Омухта ем ишлаб сиқаришда асосий оқсил манбаидир. Унинг 1 озуқа бирлигида 120—185 г ҳазмланадиган оқсил сақланади.

**Тарихи.** Келиб чиқиши маркази Олд Осиё ва Ўрта денгиз соҳиллари. Кўк нўхат Овропа, Осиё, Америкада экилади. Ер юзида 15 млн га майдонга экилади. Уруғ ҳосили 2—3 т/га.

**Ботаник тавсифи.** Кўк нўхат дуккаклилар оиласига, *Pisum sativum* L. авлод ва турига мансуб, иккита кенжада тури экилади — экма ва дала кўк нўхати.



**Илдизи.** Ўқ илдизли бўлиб, яхши ривожланган, сершохли. Илдизида тугунаклар ривожланади.

**Пояси.** Ўтсимон бўлиб, кўпинча ётиқ ҳолда ўсади, узунлиги 250—300 см гача бўлади. Поясининг ўсишига қараб: паст бўйли (50 см), ярим паст бўйли (51—80 см), ўрта бўйли (87—150 см) ва баланд бўйли (151—300 см) хилларига бўлинади. Пояда бўғинлар мавжуд, шу бўғинлардан барглар ўсади. Бўғин оралиқлари узун ва калта бўлади.

13—расм. Кўк нўхат: 1—ўсимликнинг умумий кўриниши, 2а —қандли, 2б — чатнайдиган

**Барглари.** Мураккаб бўлиб, 2—3 жуфт баргча ва жингалаклардан иборат. Жингалаклар ёрдамида кўк нўхат таянч ўсимликка ўралади. Баргчаларининг шакли чўзинчоқ, понасимон бўлиб ранги яшил, сарғиш яшил, тўқ яшил бўлади.

**Гуллари.** Икки жинсли, йирик, барг қўлтиқларида 1—3 та бўлиб гулбандда жойлашади. Гултоjisи капалаксимон, елкани йирик, тухумсимон,

қанотлари чўзинчоқ, қайиқчаси рангсиз, антоцион доғлари бўлиши мумкин. Гулнинг ранги оқ бўлади.

**Меваси.** Д уккак бўлиб, дуккакда 3—12 тагача уруғ бўлади. Дуккагида пергамент қавати бўлганда чатнайди, осон янчилади. Дуккакнинг шакли ханжарсимон, ўроқсимон бўлади. Ранги—сариқ, оч яшил, тўқ яшил, тўла етилганда оч сариқ ва бинафша рангда бўлади.

**Уруғи.** Кўк нўхат кўпинча йириқ, юмалок, бурчакли бўлади. Уруғ катталигига қараб 1000 тасини вазни 150—250 г бўлади. Уруғининг юзи силлиқ ёки буришган бўлади. Ранги оқ, сариқ, яшил, тўқ яшил, сарғиши—жигар ранг, айрим ҳолда нақш билан (рангли доғлар) бўлади .

Ўзбекистонда экиладиган нави: Восток—55, Восток—84, Усатий.

**Биологияси.** Ўсув даври нав ва шароитга қараб 70—140 кун. Майсаланиш даврида уруғпалласи ер бетига чиқмайди, ўзидан чангланади. Хўраки навларининг пояси чирмashiб ўсади. Ёруғсевар узун кун ўсимлиги, уруғи 4—5°C униб чиқади, —4°C совукқа чидайди, муқобил ҳарорат 16—20°C бўлади. Ҳарорат +26°C дан ошса ҳосилга салбий таъсир кўрсатади. Намсевар ўсимлик, уруғ бўртиши учун 100—120% сув сарфланади. Сувни шоналаш, гуллаш, мева ҳосил қилиш давларда кўп талаб қиласди. Унумдор, тоза тупроқларга экилади.

### Етиштириш технологияси

**Ўтмишдош.** Кузги дон экинлари, картошка, қанд лавлаги, маккажўхори. Кузда 25—28 см чуқурликда ер ҳайдалади, эрта баҳорда борона юргизилади. Экишдан олдин ёппасига культивация қилинади, сўнгра борона юргизилади ва талаб қилинса мола босилади. Кўк нўхат кузда оралиқ экин сифатида ҳам экилади.

**Ўғитлаш.** 1 т уруғ ва тегишли поя—барг етиштириш учун 45—60 кг азот, 16—20 кг фосфор ва 20—30 кг калий сарфланади. Гектарига 20—30—кг азот, 60—80 кг фосфор ва 30—40 кг калий солиш тавсия этилади. Фосфорли

ва калийли ўғит ер ҳайдаш ёки экишгача солинади, азотли ўғит экишдан олдин ёки ўсув даврида қўлланади.

**Экиш.** Тоза сараланган уруғ экилади, 1— синфга кирадиган уруғнинг тозалиги 98%, унувчанлиги 95% бўлади. Баҳорда март ойида ва кузда октябрь ойида экилади. Экиш меъёри 150—300 кг/га. Сувли ерларда ёппасига қаторлаб экилади, лалми ерларда кенг қаторлаб қатор орасини 45 см қилиб экилади (экиш меъёри 60 кг/га бўлади).

**Парваришилаш.** Қатқалоққа қарши борона юргизилади, 1—3 марта шоналаш, гуллаш, дон туғиши даврларида суғорилади. Майсаланиш даврида бегона ўтларга қарши базагран 48% (2—3 л/га), ҳашоратларга қарши карбофос 65% (0,65—1,20л/га) ишлатилади. Пояси чирмасиб ўсадиган навлар таянч экинлар билан қўшиб экилади. Дуккагининг 60—70% етилганда ҳосил ўрилади, янчилади. Доннинг намлиги 14—16% бўлганда яхши сақланади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Тупига қараб хўраки ва ҳашаки навларини аниқлаш мумкинми?
2. Ҳашаки навларни уруғига қараб аниқлаш мумкинми?
3. Ҳашаки нўхатни кузда экиш мумкинми?

### **1— амалий машғулот**

#### **Донли ва дон—дуккали экинларнинг умумий морфологик белгилари ва ривожланиш даврларини аниқлаш**

**Топшириқ.** Донли ва дон—дуккакли экинларнинг тузилишини ўрганиш, морфологик белгиларини аниқлаш, ривожланиш даврларини аниқлаш услуби билан танишиш. Дон—дуккакли экинларнинг тузилишини ўрганиб олиш.

**Талаб қилинади.** Муртак илдизчалари, консерва қилинган поя ва барг қисмлари, гултўпламлар, уруғлар, майсалар, сув, идишлар, расмлар, ўкув қўлланмалар.

1. Доннинг бўртиши учун зарур бўлган сув миқдорини лаборатория шароитида аниқлаш мумкин. Бунинг учун очик ҳавода яхшилаб қуритилган тоза дондан техник тарозида тахминан 10 г намуна тортиб олиниб, маҳсус темир стаканга солинади ва устига уй ҳароратидаги ( $15-15^{\circ}\text{C}$  ли) сув қуийлади. Дон сувга ботиб туриши керак. Дон юзасидаги ҳаво пуфакчаларини чиқариб юбориш учун стакан чайқатилади ёки дон шиша таёқча билан аралаштирилади. Дон бир сутка давомида бўктириб қўйилади. Шундан кейин стакандаги сувни тўкиб ташлаб, дон юзасидаги сувни тамомила йўқотиш учун дон филтр қофози устига ёйилади. Сўнгра техник торозида яна тортилади. Дастребки ва кейинги вазни ўртасида фарқ дон бўртаётганда шимилган сув миқдорини билдиради. Бу миқдорини билиб олгандан кейин қуруқ дон ўз вазнига нисбатан қанча сув шимганини фоиз ҳисобига аниқланади. Айни вақтда қуруқ доннинг таркибида ҳам 6—8% га яқин сув бўлишини ҳисобга олиш керак. Доннинг сув шимишини яна ҳам аниқ ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун бўртган дон қуритич шкафга қўйилиб, доимий оғирлигига қадар қуритилади. Дастребки ва кейинги вазни ўртасидаги фарқ умумий сув миқдорини бу миқдорнинг қуритилган дон вазнига нисбати эса шимилган сувнинг фоиз миқдорини кўрсатади.

2. Тупланиш даражасини эса бир тупдаги пояларнинг сонини санаш билан аниқлайди. Тупланиши дала шароитида аниқланади, куз ва баҳор кезларида ўсимликларнинг туплари ковлаб олиниб, лабораторияларда сақланади ва амалий машғулотлар даврида шу ўсимликлардан фойдаланиб уларнинг тупланиши билан танишилади.

3. Бошоқланиш ва рўвакланиш ва шохланиши даражасини аниқлаш учун ёппасига экиладиган ўсимликларда  $1\text{ m}^2$  ерда намуна олиниб умумий поялар сони ва бошоқ ёки супурги ҳосил қилган поялар сони аниқланади. Буларнинг нисбати бошоқланиш ёки супургиланиш неча фоиз бўлганлигини кўрсатади, кенг қаторли қилиб экиладиган ўсимликларда (маккажўхори ва жўхори) маълум сондаги ўсимликлар олиниб, уларнинг супурги чиқарган сони умумий олинган ўсимлик сонидан фоиз ҳисобида чиқарилади.

Мисолни ишланг: Маккажўхори сут—мум пишиш фазасида ўрилиб, қуритилиб, брикетланган. Маккажўхори 50 гектар ерга экилган бўлиб, гектаридан 800 центнер кўкат ҳосили олинган. Кўкат намлиги 80% бўлган. Брикетлангунча 13%га тушган. Брикетнинг 100 кг да 70—78 озука бирлигини ҳисобга олиб, бир гектар ва умумий майдондаги озука бирлигини ҳисобланг.

## **2.4. ШИРАЛИ ОЗУКА ОЛИНАДИГАН ХАШАКИ ТУГУНАКМЕВАЛИЛАР, ИЛДИЗМЕВАЛИЛАР, ПОЛИЗ ВА СИЛОСБОП ЭКИНЛАР**

### **ТУГУНАКМЕВАЛИЛАР**

Бу гурухга ҳар хил ботаник оила ва турларга мансуб тугунакмева ҳосил қилиб уларни таркибида осон ҳазм бўладиган карбон сувлари сақлашидан ажралиб турадиган ўсимликлар киради.

Тугунакмевалилар таркибида 65—84 % сув ва 15—36 % қуруқ модда бўлади. Тугунакмевалилар озиқ—овқатда, ем—хашак сифатида ва техникада хомашё сифатида ишлатилади. Тугунакмевалилар ер ости поялар ёки илдизларда 5—20 см чуқурликда ривожланади.

Тугунакмевали ўсимликлардан Ўзбекистонда картошка экиласди ва қисман топинамбур ва батат экиласди.

### **Картошка**

**Аҳамияти.** Картошка муҳим озиқ—овқат ҳамда техник ўсимлик. Тугунаги таркибининг 75 фоизи сув ва 25 фоиз қуруқ моддадан иборатdir. Қуруқ модда ўз навбатида 1 фоиз минерал бирикма, 1 фоиз тўқима, 1,2 фоиз оқсил, 0,7 фоиз аминокислота, крахмал 17,13, қанд 0,9, пектин моддалар 0,7, органик кислоталар 0,2, мой 0,1 ва бошқа моддалар 1,5 фоизни ташкил этади.

100 г тугунак истеъмол қилинганда 75 ккал энергия беради. Тугунак таркибида витаминлардан PP 0,57 %, B—1 0,11%, B—2 0,06 %, B—6 0,22% мавжуд бўлиб, витамин С эса энг кўп миқдорни 12 %ни ташкил этади.

Картошка ҳамма турдаги моллар ва паррандалар учун жуда яхши

ширали озуқа ҳисобланади. У молларга хомлигича, қайнатилган, қуритилган ва силосланган ҳолда едирилади. Унинг поя ва барглари яхши силосланади. Кartoшка хом тугунакларининг 100 кг да 29,5, поя ва барглари силосида 8,5, бардасида 4, куруқ бардада 52, мағзида 13,2, куруқ мағзида 95,5 озиқ бирлиги бор.

Республикамиз миқёсида картошка асосан озиқ—овқат сифатида ишлатиш учун етиштирилади. Етиштирилган картошкани 25—30 фоизи уруғлик учун фойдаланилади.

Картошка агротехник аҳамиятга эга. У кўп қишлоқ хўжалик экинлари учун яхши ўтмишдошdir. Бир пайкалга қайта экишга нисбатан чидамли.

**Тарихи.** Картошканинг ватани Жанубий Америка Кардильерларидир, чунки Анд тоғи туманларида ва Тинч океан соҳилларида бу экиннинг кўпгина ёввойи ва ярим ёввойи турлари ҳозир ҳам ўсади. У Америкадан Овропага XУ1 аср иккинчи ярмида келтирилган, кейин Испаниядан бошқа давлатларга тарқалган.

Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда картошка XIX аср ўрталарида кенг тарқалади.

Дунё дехқончилигига картошка 18—19 млн га майдонни банд қилади. Ўртача ҳосилдорлиги 12,5—13 т/га.

Ўзбекистонда 2004 йил 54 минг га майдонга экилган, ўртача ҳосилдорлиги 13,0—14 т/га.

**Ботаник таърифи.** Маданий картошка — тугунак мева ҳосил қиладиган кўп йиллик ўсимлик бўлиб уни ер устки қисми — барг ва поялари ҳар йили ўсади ва нобуд бўлади. Картошка вегетатив йўл билан, ўсимталари ва қаламчаларидан кўпаяди. Бундан ташқари картошка уруғидан ҳам кўпаяди. Бу усулда кўпайтириш қийин бўлганлиги учун бу усул фақат картошка селекция ишларида қўлланилади.

**Илдизи.** Попук илдиз бўлиб, яхши ривожланган, ернинг ҳайдалма қатламида жойлашади. Илдиз поя бўғимларидан, оқ илдиз (столов)дан ва поянинг яна тугунакка бириккан қисмидан 3—5тадан гурух бўлиб ўсиб

чиқади. Уруғидан экилса ўқ илдиз ривожланади. Кartoшка тугунаги мухим биологик хусусиятга тиним даврига эга, шунинг учун у ковлаб олинганидан сўнг тезда ўсмайди. Тиним даври кўпчилик навларда 60 кундан кўп вақт талаб этади.

**Пояси.** Кartoшка 3—5 ва ундан кўп поя ҳосил қилиб, тик ёки ётиб ўсуви ўсимлик, поялари ҳам ўз навбатида шохлайди. Поялари уч ёки тўрт киррали, камдан—кам ҳолда юмалоқ бўлади, пастки қисмининг ичи ғовак, картошка экилганда бир пояли ўсимлик ўсиб чиқади.

**Барги.** Кartoшка барги тоқ патсимон, кесикли 3—7 жуфт барглардан иборат. Уларни орасида майда баргчалар жойлашган. Майда баргчаларнинг катта—кичиклиги, шакли ва сони картошканинг нав белгилари ҳисобланади. Барг ва поялар калта тукчалар билан қопланган.

Гули гажакларга тўпланган тўпгул. Гуллари икки жинсли, ўзидан чангланувчи, тожбарглари қўшилиб кетган, навига қараб оқ, қизғиши—бинафша ёки зангори—бинафша рангли бўлади. Кartoшка навига қараб гуллаш босқичи тезлиги бир хилда бўлмайди. Баъзи навлари ғунчасини ташлайди ва гулламайди, бошқалари эса гуллайди, аммо чангчининг жинссиз бўлганлигидан мева (уруг) ҳосил қилмайди. Фақат айрим навларгина уруг ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади.

**Меваси.** Икки уяли кўп уруғли, сариқ яшил рангли резавордир. Уруғи майда, яssi, сариқ—пушти рангда бўлиб, абсолют оғирлиги 0,5г гача teng.

Тугунаги ер ости поя (оқ илдиз—сталон)нинг йўғонлашган учидир. Столоннинг тугунакка бириккан қисмига киндик дейилади. Бошқа ҳар қандай новда сингари тугунаклар ҳам устки томонидан ўсади. Тугунакнинг устки қисмида спирал шаклида жойлашган кўзчалар бор. Кўзчалар тугунакни юқори қисмида кўп ва пастки киндикли ярмида эса кам бўлади. Кўзчада қошча барг ўрни бўлади, кўзчани ўзида 3—4 та куртак бўлиб, улар ўсиб новда чиқаради.

Кўзчаларда куртакларнинг ҳаммаси кўкармайди. Одатда фақат ўртасидаги, ўртадаги куртакнинг ниши заарланганда эса унинг

ёнидагиларидан бири кўкаради. Борди—ю иккинчи ниш заарланса, учинчи куртак ўса бошлайди. Тугунак сиртидаги ҳамма кўзчалар олиб ташланганда, унинг ички тўқималаридан қўшимча куртаклар ҳосил бўлиши мумкин.

Тугунакларнинг эти оқ, сариқ, қизил ва зангори бўлади. Пўсти сариқ, пушти, қизил, оч зангори ёки кўк рангда бўлади. Тугунакларни пўсти картошка навига боғлиқ бўлиб, у силлиқ, ғадир—будир ёки тўрсимон бўлиши мумкин.

Тугунак нафас олиши учун уни ясмиқчалар деб аталувчи қўплаб тешиклари бўлади.

**Биологияси.** Картошка иссиқликни кам талаб қиласди. Шунинг учун тугунакларнинг кўкариши ва ўсимликнинг ўсиши учун кўпчилик навларига  $6-7^{\circ}\text{C}$  дастлабки ҳарорат деб хисобланади. Тугунакларнинг яхши ўсиши учун эса ўртacha ҳарорат  $19-23^{\circ}\text{C}$ . Тугунак ўстирилаётган вақтда ҳарорат  $3-5^{\circ}\text{C}$  ва  $31^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлса у кўкаришдан тўхтайди.

Картошка илдизи ҳарорат  $7^{\circ}\text{C}$  юқори бўлган вақтда ҳосил бўлади. Унинг пояси эса  $5-6^{\circ}\text{C}$  дан ўса бошлайди, жадал ўсиши эса  $17-22^{\circ}\text{C}$  етарлик хисобланади.

Юқори ҳарорат картошкани ирсиятига ва сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади, унинг кўпинча айнишига, ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади.

Кечки муддатда — ёзда экиладиган уруғлик картошка сақлаш вақтида юқори ҳарорат таъсирида қўплаб нобуд бўлади, экилганда ерда чириб кетади. Натижада экин кўпинча сийрак чиқади ва ҳосили кескин камаяди.

Картошка ёруғсевар ўсимлик. Тугунаклар ундирилаётган вақтда ёруғлик етарли бўлмаса у ранги оқ, мўрт ва тезда синиб кетадиган ўсимта ҳосил қиласди.

Куннинг узунлиги картошканинг ривожланишига катта таъсир этади. Узун кун ўсимликнинг ривожланиши учун ҳам, тугунак ҳосил қилиши учун ҳам яхшидир.

Картошкада намлилар талабчан бўлиши билан бирга, қурғоқчиликка ҳам нисбатан чидамлидир. Қурғоқчилик — тупроқ ҳаво намлиги етишмаслиги бошланиши билан картошкада тугунак ҳосил қилишдан тўхтайди, аммо у нобуд бўлмайди. Қурғоқчилик ўтиб кетгандан сўнг у тугунак ҳосил қилишни давом эттиради, бунда ҳосилдорлиги кескин камайиб сифати пасаяди.

Картошкада тупроқдаги озуқа минерал моддаларга нисбатан талабчандир. Бир тонна тугунакмева ва тегишли поя барг етиштириш учун 6,2 кг азот, 2 кг фосфор ва 8 кг калий сарфлайди.

Картошкада шўр ерларда яхши ўсмайди, унга хлорли тузлар салбий таъсир этади. Тупроқ таркибидаги хлор 0,015—0,020%дан кўп бўлса, ҳосилдорлик сезиларли даражада камаяди, 0,05—0,07% бўлганда эса тугунаклар деярли ҳосил бўлмайди. Шунинг учун шўр ерларда картошкада етиштириш тегишли мелиоратив тадбирларни амалга ошириш зарур.

Картошкада пишиб етилишига қараб экиладиган навлари қуйидаги гурухларга бўлинади: тезпишар (ниҳоллар униб чиққанидан пишгунича 60—65 кун), эртаги—ўртаги (70—80 кун), ўртапишар (90—100), ўртаги—кечки (110—120 кун) ва кечпишар (130—150 кун).

Қуйидаги навлар экилади: Диамант, Фреско, Альвара, Ақраб, Агане, Бақро—30, Болеро, Виктория, Қувонч—1656, Латона, Марфона, Палма, Умид, Ҳамкор—1150, Тўйимли, Фазан, Романо, Кардинал, Драга ва бошқалари ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

**Картошканинг айниши.** Одатда ташқи нокулай экологик шароит ҳамда турли хилдаги вируслар таъсирида навдорлик хусусиятларини ёмонлашиши ҳамда ҳосил сифатини пасайиши ва уни кескин камайишига олиб келади.

Айниган картошкада ўсимлиги баргларида хлорофилл доналари кескин камаяди, фотосинтез ҳамда транспирация жараёни сусаяди, касалликларга бардош бераолмайди, ҳосилда товарбоп тугунаклар миқдори камаяди ва шу билан бирга уни мазаси пасаяди.

Картошка ўсимлигини айниганлиги турли кўринишда намоён бўлади. Жумладан: барглари бурушиб қолади, барглари устида жигарранг доғлар ҳосил бўлади, барглари майдалашади, поядаги бўғин оралиғи узайиб кетади ва тупдаги поялар сони кескин кўпайиб кетади. Тугунакларни айниганлигини уларни устида думалоқ—думалоқ доғлар ҳосил бўлиши ёки ёрилиб кетиши билан намоён бўлади. Айниган тугунаклар ипсимон ўсимта ҳосил қиласи, шу билан бирга пўсти рангизланиб қолади.

Картошка вируслар ва экологик шароитлар таъсирида айниганда тугунак таркибида витамин С миқдори, қуруқ модда камайишига ва крахмални бироз кўпайишига олиб келади.

Демак, картошканинг айниши ҳосилдорликни пасайтирибгина қолмай, балки унинг озиқлик қимматини ҳам анча пасайтиради.

### **Етиштириш технологияси**

**Ўтмишдоши.** Сабзавот алмашлаб экишда карам, бодринг, полиз экинлари ва илдизмевалар, пиёз ҳамда дуккакли дон экинлари, беда энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Эртаги экинлардан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида экиб юқори ҳосил олиш мумкин.

Картошка экиладиган ер кузда чуқур (27–29 см) қилиб ҳайдалади, эрта баҳорда борона солинади ва эртаги картошка экилади.

Ўтлоқи – ботқокли ерларга эртаги картошкани эрта муддатда экиш учун эгатларни куз фаслида олиб қўйилгани маъқул. Бўз тупроқларда ҳам бу усолда экиш ижобий натижа беради. Картошка такрорий экин сифатида экилса у экиладиган ер ҳайдалишдан олдин сугорилади, сўнг ҳайдаб ва бир йўла борона солиниб сўнг экилади.

**Ўғитлаш.** Картошка органик ва минерал ўғитларга талабчан ўсимликдир. Ўзбекистоннинг сугориладиган тупроғи таркибидаги азот ва фосфор жуда кам, шунинг учун бу минерал ўғитларни етарли миқдорда тупроқка солиш картошка экинига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўп йиллар мобайнида фойдаланиб келинаётган бўз тупроқларда картошка етиштирилса қуидаги миқдорда минерал ўғитлардан бериш тавсия этилади: эртаги картошкага азот 120—150, фосфор 80—100, калий 60, кечки картошкага эса 200—225, 150—160 ва 90—100: ўтлоқи тупроқларда эртаги картошкага: азот ва фосфор 100—120, калий 50—60, кечки картошкага эса азот ва фосфор 150—180, калий 70—80 кг дан берилиши керак.

Органик ўғитдан гектарига 20—40 тонна берилса азот ҳамда фосфор ўғитлари миқдори 20—30 %га, калий ўғитиники эса 50—70 %га камайтирилади.

Органик ҳамда калий ўғитларини тўлигича, фосфорни эса 75—80% шудгорлашдан олдин тупроққа солиниши керак. Фосфорнинг қолган қисми (20—25%) картошка экилиш даврида берилади.

Микроэлементлар (бор, молибден, марганец) ҳам картошка хосилдорлигини оширади. Бунинг учун микроўғитларни 0,01—0,05%ли эритмаси билан тугунаклар намланади ёки ўсимликлар баргидан озиқлантирилади.

**Экиш.** Картошка етиштиришда айниқса навга хос бўлган тугунакларни ажратиб олиш ҳамда айниганларини ва ипсимон ўсимта берганларини эса брак қилиш катта аҳамиятга эга. Уруғлик тугунаклар уч хилга ажратилади: 25—50, 50—90, ва 90 дан кўп оғирликка эга бўлган тугунаклар қўзларини жойланишига кўра иккига кесиб экиласди. Кесилган уруғлар экилишдан олдин ТМТД препарати сепилади, бунда 1 тонна кесилган уруғга 3,0—3,5 кг. препарат сепилиши керак. Ёз муддатида экиласдиган картошка тугунаклари кесилмайди, чунки юқори ҳарорат таъсирида улар чириб кетади.

Ёзда экиласдиган картошканинг кўкарган қўзларини экишга 1,5—2 ҳафта қолганида кўзлар 8—10 см га етгандан сўнг синдириб ташланади.

Баҳор ва ёз фаслида картошка экилишидан олдин тугунакларини ўсишини бошқарувчи моддалар гибберелин 0,5мг/л ва тур 500 мг/л эритмасига солиб, сўнг экилса ижобий натижа беради.

**Парваришилаш.** Эртанги картошка ернинг табий намига униб чиқади, кечки картошка экилган куни сугорилади. Экилгандан 25–30 кундан кейин униб чиқади. Бу муддат ичида бегона ўтларни йўқотиш учун 1–2 маротаба сеткали борона ёки тишли енгил борона билан бороналаш керак. Картошканинг униб чиқишини тезлатиш учун эгат устига чириган гўнг ёки қора рангли плёнка ёпиш мақсадга мувофиқдир. Картошка пояси эгатни қоплагунга қадар 2–3 маротаба культивация қилинади. Эртанги картошканинг ўсув даврида 1 ёки 2, кечкиси эса 2 маротаба чопик қилинади. Биринчи чопик ўсимлик бўйи 15–20 см бўлганида, иккинчи маротаба у гуллаш даврида ўтказилади.

Суғориш сони картошкани етиштириш муддати ва ер ости сизот сувларини чуқур ёки юза жойлашишига кўра аниқланади. Эртанги картошкани суғориш апрель ойининг иккинчи ярмидан бошланади. У ҳосил тўплаш даври бошлангунча 10 кунда бир маротаба, сўнг 4–6 кунда бир маротаба суғорилади.

Картошка ўсиш даврида ер ости сизот суви яқин жойлашган майдонларда 4–7, чуқур жойлашган ерларда эса 8–9 маротаба суғорилади. Кечки картошка экилган куни сугорилади. Ўсув даврида ҳар 8–10 кунда бир маротаба суғорилади ва суғориш ҳосил йиғишига 2–3 ҳафта қолганда тўхтатилади. Ер ости сизот суви юза жойлашган майдонларда 7–10, чуқур жойлашган ерларда эса 10–12 маротаба суғорилади.

**Ҳосилни йиғишириш.** Поялар сарғайиб, тугунак пўсти қалинлашиб, тугунаклар ўзларининг максимал катталигига етгач йиғиширилади. Тугунаклар КТН–2Б, КСТ–1,4 русумли ковлагичлар билан йиғиб олинади. Ҳосил йиғиширишдан 3–8 кун олдин картошка палаги УБД–3 ёки КИР–1,5 ўроқ машиналарида ўриб олинади. Ковлаб олинган тугунаклар далада 3–4 соат қуритилади, сараланади.

**Муаммолар.** Картошка экинига зааркундалардан симқурт, кузги тунлам, колорадо қўнғизи ва қандалалар катта зарар етказади. Кузги тунламга қарши 7%ли гранулланган хлорофосланган картошка экилиш

вақтида гектарига 50 кг тупроққа солиниши керак. Ўсув даврида 0,5 % хлорофосфор эртимаси сепилиши керак. Колорадо қўнғизига қарши ЭЙМ, дециясумма альфа препаратларини бирортасидан 0,15—0,3 кг, қандалаларга қарши эса БИ—58 ёки антиш препаратларининг бирортасини 0,15—0,20% эритмаси сепилиши керак. Колорадо қўнғизларини териб олиш, ғумбак ва тухумига қарши сумицин ишлатиш ижобий натижа беради. Поя нематодига қарши тупрок карбатион билан ишланади, 1м<sup>2</sup>га 150—200г препарат.

Картошка касалликларидан фузариоз сўлиш, макроспориоз, ҳалқали чириш каби касалликлар айниқса кўп тарқалган. Бундан ташқари фитофтора ҳам учраб туради.

Макроспориоз ва фитофторага қарши 1%ли бордо суюқлиги эритмаси шунингдек, мис хлориднинг 0,3—0,5 %ли эритмаси ёки цинеб препаратининг 0,4—0,5%ли суспензияси пуркалади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Картошка айнимаслиги учун нима қилиш керак?
2. Нима учун картошка тез—тез сугорилади?
3. Картошкани кузда экиш мумкинми?

### **Ер ноки (топинамбур)**

**Аҳамияти.** Ер ноки, асосан чорва учун озиқ ўсимлиги сифатида фойдаланилади. Ер нокининг ер устки (пояси) ва ер остки қисми (тугунаги) дан фойдаланилади.

Ер ноки пояси чорва моллари учун тўйимли озиқ бўлиб, таркибидаги протеин (21%), мой ва азотсиз моддаларнинг кўплиги жиҳатидан маккажўхоридан устун туради.

Ер ноки тугунагининг кимёвий таркиби картошка тугунаги таркибига ўхшашиб бўлиб, фарқи унинг таркибида, шу углеводлар картошка таркибидаги крахмал кўринишида эмас, балки у асосан инулин шаклида мавжуддир (30—40%). қуруқ модданинг инулин қандлари (полисахарид) кўринишида

бўлиб, тоза ҳолда таъмсиз, ранги оқ, унсимондир. У спиртда эримайди, совуқ сувда секин, иссиқ сувда тез эрийди.

Ер ноки тугунагидаги инулин углеводларнинг 80 % ни ташкил этади, қишида сақланиш вақтида парчаланиб қандга айланади ва тугунак мевага ширин таъм беради. Унинг тугунаклари озиқ—овқат сифатида, шунингдек, тиббиётда қанд касаллиги, подагра, ошқозон ичак касалликларининг бузилиши, рак, инфаркт, инсульт касалликларининг олдини олишда қўлланилади.

Яшил массасининг 100 кг ида 20—25 кг озуқа бирлиги сақланади. Унинг қуруқ, яшил массаси бевосита озуқа сифатида ишлатилади ёки ундан витаминли ўт уни, силос тайёрланиши мумкин. Унинг 200 кг силос массасида 18—25 о.б, 100 кг тугунакларида 23—30 о.б. мавжуд.

Ер ноки экилган пайкалларда чўчқаларни боқиши юқори самара беради. Чўчқа болалари ер ноки билан боқилганда уларнинг вазни 20—30% ошади ва ёғ сифати яхшиланади.

**Тарихи.** Ер нокининг ватани Шимолий Америка. Европага Америкадан келтирилган. Ҳозирда дунёning кўп мамлакатларида экилмоқда.

Ўзбекистонда ер ноки сугориладиган ерларда гектаридан 250—300 ц тугунак, 700—800 ц яшил масса ҳосилини бериши мумкин.

**Ботаник таърифи.** Ер ноки мураккабгулдошлар оиласига мансуб экин. Ер остки қисми картошкага, ер устки қисми кунгабоқарга ўхшаш ўсимлик. Пояси тик ўсади, сершох, 1—5 тагача поя ҳосил қиласиди, бўйи 2,5—4 м.га етади. Барглари чўзиқ тухумсимон, учлари ўткир, йирик, чети арасимон. Поянинг пастки қисмида доира шаклидаги барглар жойлашади. Тўпгули сават, кунгабоқарга нисбатан майдароқ, диаметри 3—5 см. Гули четдан чангланади. Меваси писта, 1000 та пистанинг вазни 7—9 г.

Илдизи ўқ илдиз, тупроқка 2—3 м.га кириб боради. Ер ости поялари тугунакмевага айланади. Бир тупда ўртacha 20—25 та дан 70 тагача тугунак ҳосил бўлади. Бир тупидан айрим ҳолларда 5 кг гача тугунак олиш мумкин.

Тугунакларнинг вазни 10—100 г бўлади. Шакли ноксимон, чўзиқ, кўзчалари бор, ранги оқ, бинафша бўлади.

**Биологияси.** У совуқقا чидамли, қисқа кун ўсимлик бўлгани учун шимолий туманларда ҳам етиштириш мумкин. Унинг ер устки қисми  $-8^{\circ}\text{C}$ , тугунаги ер қатлами ва тупроқ остида  $-40^{\circ}\text{C}$  совуқقا бардош беради. Тугунаги музлагандан сўнг эриб яна ўз ҳолига қайтиш хусусиятига эга.

Ер ноки қисқа кунлик ўсимлик. Курғоқчиликка чидамли. Бошқа маданий ўсимликларга нисбатан тупроқ турларига мосланувчандир (шўрхок ва шўртоб тупроқдан бошқа), шунинг учун у ҳар хил тупроқларда ўсади ва ҳосил беради.

Ер ноки тупроқ озуқасига талабчан, 1 т ҳосил тупроқдан 3 кг азот 1,2—1,4 кг фосфор ва 4,5 кг калий олиб чиқади. Ўсув даври 120—200 кун бўлади.

Ер ноки ўсув даврида 8—10 марта суғориса ҳосилдорлиги ошади.

Ер нокини бир ерда 10 йил, ҳатто 40 йил ўстирилгани тўғрисида маълумот бор.

Навлари: ФЮЗО, Белая, МОС—650Ю, Белий урожайний, Вадим, Нахodka, Интерес, Красноклубневий ва бошқа навлари кенг тарқалган.

**Етиштириш технологияси.** Ер ноки алмашлаб экиш системасида жуда эҳтиёткорлик билан жойлаштирилмаса ва бу ерда неча йил ўсиши ҳисобга олинмаса, у ўзидан кейин экиладиган ўсимликларга бегона ўтлар каби зарар етказиши мумкин.

Ер нокини бир ерда 3—4 йил мобайнида етиштириш мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиёда топинамбурдан бўшаган ерга бедани экиш ижобий натижга беради, чунки беда бир йил давомида 5—6 маротаба ўрилиши натижасида ер нокидан ўсиб чиқсан ниҳоллар йўқотилади ва ер ундан тозаланади. Ер ноки учун ерни ишлаш картошкага ўхшайди. Ерга ҳайдашдан олдин 30—40 т гўнг солинади.

Ер нокининг 25—50 грамм тугунаги экилади, уни кесиб экилса ҳосилдорлиги 25—30% камайиб кетади. Агар тугунак жуда йирик (70—80 г)

бўлса, уни экишдан олдин кесиб экилгани маъқул. Кесилган тугунак фақат баҳорда экилиши керак, кузда экиш тавсия этилмайди. Бир гектарга 50—60 минг тугунак экилади, гектарига 0,6—2,0 т/га уруғ сарфланади.

Ер ноки етиштириладиган иқлим шароитига кўра икки муддатда февраль охири — март бошланишида ва октябрь охири — ноябрь бошида экилади.

Экиш чуқурлиги экилаётган тугунак вазнига боғлик бўлиб, у 5—12 см чуқурликка 70x35—40 см схемасида экилади. Экилганидан сўнг ниҳоллар кўкариб чиққунича ер бир икки марта бороналанади. Ниҳоллар тўлиқ кўкариб чиққанидан кейин ҳар суғоришдан сўнг қатор ораси культивация қилинади. Агар топинамбур етиштирилаётган ерда бегона ўт кўп бўлса, унинг қатор ораси чопик қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади.

Ер нокини ўсув даврида чилпиш (чеканка) фақат кўк массасини кўпайтиради, лекин тугунак ҳосилига салбий тасир этади, шунинг учун тавсия этилмайди.

Ер ноки ҳаётининг иккинчи ва учинчи йили у ўсаётган ерни эрта баҳорда 2—3 марта борона қилиш билан бошланади. Иккинчи ва учинчи йили топинамбур ўсимлиги ҳар  $m^2$  да кўпайиб кетади, шунинг учун қатор ораси культивация қилинади ҳамда ундаги ортиқча ўсимликлар олиб ташланади, яъни қатордаги зичлиги меъёрига келтирилади. Ер ноки фақат тугунагидан эмас, поя қаламчаларидан ҳам кўпайтирилиши мумкин.

**Ҳосилни йиғиши.** Ер ноки пояси Ўзбекистон шароитида октябрь охирида, тугунаги эса ноябр охирида Морал, КС—2,6 комбайнлар билан 5—6 см баландликда йиғиширилади. Тугунак ҳосилини йиғишириш қиши фаслида давом этиши мумкин.

Ер ноки оқ чириш касаллиги билан заарланади, унга қарши курашиш учун тугунакмева сақланаётган хона ҳарорати — 3°C дан паст сақлаш ва касалланган ўсимликларни даладан чиқариб ташлаш керак. Симқурт, май қўнғизи каби зааркунандаларини, лавлаги ва шолғом каналари унинг поя қисмини заарлайди. Уларга қарши анабазин сульфат сепилиши керак.

## **ИЛДИЗМЕВАЛИ ЭКИНЛАР**

Бу гурухга серсувили, ширали, қуруқ моддаси кам бўлган илдизмевали ўсимликлар киради. Ҳар хил шаклдаги, катта кичик илдизмеваларда карбон сувлари уларнинг қуруқ вазнига нисбатан қўп тўпланади (14—24%).

Бу гурухга кирадиган ўсимликлар ҳар хил ботаник оилани (шўрагуллилар, соябонлар, карамдошлар, мураккабгуллилар) вакиллари бўлиб, уларнинг орасида бир, икки ва қўп йиллик турлари учрайди. Ўзбекистонда аксарият ҳолда қўп йиллик турлари экиласиди (қанд лавлаги, хашаки лавлаги, шолғом, хашаки сабзилар).

Бу ўсимликлар ҳар хил йўналишда қўлланилади. Қанд лавлаги қанд ишлаб чиқариш учун техник экин сифатида экиласиди. Озиқ—овқат учун сабзи, лавлаги, шолғом, турп, чорвачиликда ем —хашак сифатида хашаки лавлаги, турнепс, табобатда ишлатиш учун сачратки экиласиди. Қишида қўкат озуқа бўлмаганда илдизмевалилар энг асосий ширали озуқа бўлиб ҳисобланади. Ем—хашак сифатида уларнинг барглари ҳам ишлатилади.

Бу ўсимликларнинг илдизмевасини таркибида 10% дан 30 % гача қуруқ модда, қўп миқдорда қанд, крахмал ҳар хил тузлар, витаминлар ва каротин бўлади. Таркибида сув қўп бўлганлиги туфайли уларнинг маҳсулотини сақлаш қийинроқ.

### **Хашаки лавлаги**

**Аҳамияти.** Хашаки лавлагидан ширали, енгил ҳазм бўладиган ва тўйимли озуқа олинади. Хўжаликларда сут берадиган қорамоллар рационида хашаки лавлаги 40—50% га етади.

Унинг тўйимлилик қиймати чорва моллари организми учун зарур бўлган моддалар: углеводлар, азотсиз экстрактив моддалар, минерал тузлар ва витаминларга бой, бу чорва моллари организмида дағал хашакнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Хашаки лавлагининг 1 тонна илдизмевасида 120 озуқа бирлиги, 20—22 кг оқсил, 1 тонна баргидаги 100 озуқа бирлиги 40—42 кг оқсил сақланади. Илдизмевалар ҳазмланиши бўйича яйлов ўтларидан қолишмайди, концентрат емни тежашга имкон беради ҳамда насл беришни яхшилади. Аммо нимширин хашаки лавлагининг суткалик меъёри 25 кг дан ошмаслиги лозим. Хашаки лавлагида эса бундай чеклаш йўқ.

**Тарихи.** Хашаки лавлагини келиб чиқиши қанд лавлагидек бўлиб, XVIII — XIX асрларда лавлаги илдизмевалари хўраки, қанд ва ем— хашак йўналишлари учун етиштириладиган бўлган. Хашаки лавлаги Овропа мамлакатларида: Буюк Британия, Франция, Белгия, Германия, Дания ва бошқа сутчилик қорамолчилиги ривожланган мамлакатларда кўп тарқалган. Бу мамлакатларда илдизмевалилар ҳосили гектарига 600—900 ц ни ташкил қиласди.

Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳозирги вақтда хашаки лавлаги 1,8 млн гектар атрофида майдонни эгаллайди. Илдизмева ҳосили 204—215 ц га тенг.

Ўзбекистонда хашаки лавлаги ҳар йили 14—15 минг гектар майдонга экиласди. Илғор фермер хўжаликларида гектаридан 800—1000 ц ва ундан юқори илдизмева ҳосили олинади. Ўзбекистон шароитида уруғ ҳосили 15—20 ц ни ташкил этади.


**Ботаник таърифи.** Хашаки лавлаги шўрагулдошлар оиласига мансуб, икки йиллик ўсимлик. Ҳаётининг биринчи йили йўғонлашган илдизмева ва барглар тўпламини, иккинчи йили гул ҳосил қиласиган поялар, уруғ ҳосил қиласди. Пояларда узун рўваксимон тўпгуллар, икки жинсли гуллар жойлашган. Гуллар халқасимон жойлашиб, типик четдан чангланади.

**Илдиз.** Ўқ илдиз яхши ривожланган, тупроққа 1,5—2 метр чуқурликкача кириб боради, биринчи йили асосий илдизи йўғонлашиб илдизмевага айланади.

Хашаки лавлагининг илдизмеваси халтасимон, конуссимон, думалоқ—овалсимон шаклда, ранги оқ, сариқ, яшил, пушти рангда бўлади.

**Барги.** Оддий, йирик, бандли, юзаси текис, шакли юраксимон—тухумсимон бўлади. Биринчи йили 50—80 та барг ривожланади. Иккинчи йилги барглар майда бўлади. **Пояси** — ўтсимон, сершохли, қиррали, баландлиги 1—1,5 м бўлади. **Гули** — икки жинсли, гулкоса, 5 та гултожи барг ва генератив органлардан ташкил топган. Гуллари майда, яшил рангли. Гуллар барг қўлтиқларида 2—6 тадан бўлиб жойлашади. **Меваси** — майда бир уруғли ёнғоқча. Шакли юмалок — бурчакли шаклда бўлиб, ранги сариқ — қўнғир бўлади. Бир гул тўпламда жойлашган гулларнинг гул косалари қўшилиб ўсади, бунинг натижасида қўшалоқ мева ҳосил бўлиб, унинг таркибида 2—6 та уруғ бўлади.

**Навлар:** Узбекская полусахарная, Ўзбекистон—83.



14—расм. **Хашаки лавлаги**

**Биологияси.** Хашаки лавлагининг иссиқлик ва ёруғликка бўлган талаби қанд лавлаги билан бир хил. Хашаки лавлагининг нафас олиши юқори бўлган илдизмевасида қанд моддасининг кўп тўпланишига йўл қўймайди. Қанд лавлагининг илдизмевасида қанд моддасини юқори бўлганлиги учун ўсимликларни шўрга ва кузги совукқа чидамлилиги хашаки лавлагига

нисбатан анча юқори. Хашаки лавлаги илдизмевасини кўпроқ қисми ер устида жойлашгани учун кузги совуқ тез таъсир этади.

Хашаки лавлаги уруғлари 4—5°Cда униб бошлайди. Қийғос униб чиқиши учун ҳарорат 10°C дан кам бўлмаслиги лозим. Ер усти қисми —1—2°C совуқда нобуд бўлади.

Сувга жуда талабчан, айниқса ўсиши ва ривожланишининг бошланишида, шунинг учун Ўзбекистонда фақат сугориладиган ерларда ўстирилади.

Хашаки лавлаги ҳам қанд лавлагига ўхшаб озуқа моддаларга талабчан. Тупроқда етарли даражада озуқа моддалар бўлгандағина у юқори ҳосил бериши мумкин.

Хашаки лавлаги ер ости сувлари чуқур жойлашган, унумли, шўрланмаган, қумоқ, қумлоқ тупроқларда яхши ўсади. Ўсиш даври 160—180 кун.

**Етиштириш технологияси.** Хашаки лавлаги қатор оралари ишланадиган серҳосил экин. Яхши ўтмишдош — карам, картошка, маккажўхори, ғўза, беда. Ферма олди алмашлаб экишларида жойлаштирилади.

**Ерни тайёрлаш.** Хашаки лавлаги 100 ц илдизмева ва шунга мувофиқ барглар ҳосил қилиш учун тупроқдан 25—30 кг азот, 9—10 кг фосфор, 45—50 кг калий ўзлаштиради. У айниқса азотли, калийли ўғитларга талабчан. Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри азот 150—200, фосфор 100—120, калий 80—100 кг/га ни ташкил қиласи. Фосфорли калийли ўғитларнинг ҳаммаси ерни хайдаш олдидан солинади. Азот экишдан олдин 50 кг/га, сугоришдан олдин икки марта 50—75 кг/га озиқлантириш сифатида берилади.

Органик ўғит, гўнг гектарига 20—30 т ерни хайдаш олдидан солинади. Кузда ер 30—35 см чуқурликда хайдалади, шўрланган ерлар шўри ювилади, эрта баҳорда борона қилинади, чизелланади, мола босилади.

**Экиш.** Экиш тупроқда ҳарорат 5—6°C қизиганда бошланади. Март ва апрель ойларида экилади. Ҳар гектарига 7—8 кг уруғ сарфланиб, қатор ораси

60—70 см, ўсимлик ораси 20 см, экиш чуқурлиги 3—4 см бўлади.

**Парваришлаш.** Тўла майсалар кўкариб чиқгандан кейин қатор орасига ишлов берилади, ягана қилинади, гектарда 70—75 минг туп ўсимлик қолдирилади. Ўсув даврида 2—3 марта қатор орасига ишлов берилади, 1—2 марта қўшимча озиқлантирилади, 4—5 марта сугорилади.

**Ҳосил йиғиши.** Ҳосил кечроқ йиғиштирилгани маъқул. Кузда илдизмева массаси тез кўпаяди. Баргларнинг сарғайиши илдизмеваларнинг техник етилганини кўрсатади. Уруғ етиштириш технологияси қанд лавлагиникига ўхшаш.

Ўзбекистонда хашаки лавлагини маккажўхори билан қўшиб экиш кенг тарқалмоқда.

### Хашаки сабзи

**Аҳамияти.** Сабзи озиқ—овқатдан ташқари чорва моллари ва паррандалар учун каротин моддасига бой озуқадир. Янги йиғиштириб олинган илдизмеванинг таркибида 12—15% қуруқ модда, 9% атрофида карбон сувлари, 25—150 мг гача каротин, 0,14—0,16 озиқа бирлиги мавжуд.

**Тарихи.** Сабзининг ватани Жанубий Осиё бўлиб, шу ердан Овропа миintaқасига тарқалган. Дехқончилиқда бундан 2000 йил илгари маълум бўлиб олдин доривор ўсимлик сифатида экилиб келинган. Иккинчи ватани Афғонистон, Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Хиндистоннинг бир қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда сабзи 5—10 га экиласиди, ҳосилдорлиги 200—300 ц/га ни ташкил қиласиди.

**Ботаник таърифи.** Хашаки сабзи соябонгулдошлар оиласига мансуб бўлиб икки йиллик, уруғи экилган биринчи йили сершира илдизмева ва ён илдизлар ҳосил қиласиди. Иккинчи йили шу илдизмева қайта экилганда ундан ҳам гул ҳосил бўлиб, уруг беради. Биринчи йили уруг экилган тупроқ бетига жуда ҳам энсиз, нозик уруг барглари ўсиб чиқади. Сўнгра ҳақиқий барглар ҳосил бўлади.

Хашаки сабзини илдиз ён барглари энсиз кўп бўлакчаларга бўлинган, патсимон қирқилган барг. Иккинчи йили ҳам барглар ҳосил қиласиди. Улар ҳам

патсимон, ранги яшил, устки томони силлик, остки томони эса майда тукчалар билан қопланган бўлади.

Хашаки сабзини илдизмевасини шакли ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпчилик навларда конуссимон, юқоридан учига томон ингичкалашиб боради, илдизмевани ранги оч сариқ, тўқ сариқ ва қизил бўлади.

Иккинчи йили илдизмева экилгандан кейин, бир неча най ўсиб чиқади. Найларнинг бўйи 1 метр ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Поянинг ён шохларида соябонсимон тўпгул жойлашади.

Тўпгул мураккаб, унда бир неча майда гуллари бўлади. Гулларининг ранги оқ, гоҳида бинафша рангда ҳам бўлиши мумкин, гуллари ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Меваси қўш уруғлиқ, етилганида икки бўлакка ажралади. Уруғлари майда, чўзиқ, тухумсимон, узунлиги 3 мм гача бўлиб, қовурғали ингичка туклари бор, сариқ, жигар рангда бўлади. 1000 дона уруғ вазни тукчалари тозаланган бўлса 1,2—1,5 г келади.

**Биологияси.** Сабзи соябонгуллилар оиласига мансуб, икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили йўғонлашган илдизмева ҳосил қиласи, иккинчи йили уруғ ҳосил қиласи. Сабзи совуққа чидамли, уруғи 2—4°C униб чиқади, муқобил ҳарорат 18—20°C. Майсалари —5—6°C совуққа чидамли. Илдизи яхши ривожланганлиги учун ёзги қурғоқчиликка чидамли. Ўсиш даврида тупроқ доимий бир хилда нам бўлишини талаб қиласи. Сабзи ўсимлиги озиқ моддаларни кўпроқ ўсув даврининг иккинчи ярмида талаб қиласи. Ўсиш даври 120—130 кун бўлади. Уруғ олиш учун оналик илдизмева иккинчи йили экиласи.

Махсус хашаки навлар — Шантенэ—2461, Геранда, Валерия —5.

### **Етиштириш технологияси**

**Ўтмишдош.** Кузги дон экинлари, картошка, кўп йиллик ўтлар. Ер тайёрлаш қоидаси қанд лавлагига тайёрлагандай бўлади. Экиш — сабзавот экадиган сеялкаларда эрта баҳорда экиласи. Экишдан олдин уруғ тозаланади, дориланади. Қатор оралари 60—70 см, экиш меъёри 4—6 кг/га,

экиш чуқурлиги 1,5—2,0 см бўлади. Уруғ бир текисда ерга тушиши учун экишдан олдин 10—15 кг фосфор ёки чиринди билан аралаштирилади.

**Парваришлаш.** Майсалар тўла униб чиққандан кейин қатор орасига юза ишлов берилади. Ўсимликда 4—5 та барг чин барг чиқарганда ягана қилинади, гектарида 250—300 минг туп ўсимлик бўлиши керак. Бегона ўтларга қарши тавсия қилинган гербицидлар қўлланади. Ўсиш даврида 2—3 марта культивация қилинади ва қўлда чопик қилинади. Қўшимча озиқлантиришда 80—90 кг/га азот ўфити билан озиқлантирилади. Ўсиш даврида 7—8 марта суғорилади. Барги сарғайганда ҳосил йиғиширилади, бунда СНУ—ЗС ёки ғўза поя йиғиширадиган машиналардан фойдаланиш мумкин. Илдизмева маҳсус жойларда ёки чуқурлиги 0,7—1,0 м, эни 0,7 м, узунлиги 10 м бўлган хандакларда усти сомон билан ёпилган холатда сақланади.

## **Хашаки шолғом**

**Аҳамияти.** Тўйимли, ширали, осон ҳазм бўладиган озуқа беради. Сут этиштиришга мослашган хўжаликларда ем—хашак экинларнинг 40—50% шу экинга тўғри келади. Унинг таркибида калий, фосфор, магний моддалари кўп бўлганлиги учун ундан ун тайёрланади. Баргида витаминалар, оқсил кўп бўлади. Илдизмеванинг 1кг да 310—470 мг каротин мавжуд, серхосил экин. Ўзбекистонда баҳорда экилганда 45—50 т/га, ёзда экилганда 20—25 т/га илдизмева ҳосили олинади.

**Ботаник таърифи.** Шолғом карамдошлар Brassicaceae napus L. турига киради. Бу ҳам икки йиллик ўсимлик бўлиб, уруғи экилган биринчи йили илдизмева ва илдиз ён барглар ҳосил қиласиди. Иккинчи йили эса шу илдизмева қайта экилганда ундан поя ва гул ҳосил қилиб уруг беради.

Хашаки шолғом униб чиқиши даврида уруғбарг ҳосил қиласиди ва у яшил рангга киради. Уларни шакли калта, кенг тухумсимон, усти ясси. Ҳақиқий барглари йирик ва оддий, барг шапалоги тукли ва пастга қараб кенгайган.

Баъзи бир навларида барг шапалоги бутун, баъзиларида эса юқори қисмига қараб кенгайган.

Иккинчи йили ўсимлик илдизмеваларидан пояни ёппасига қоплаган учбуручак занжир шаклида жойлашган барглар ҳосил қиласди.

Илдизмевасининг шакли ва ранги навларига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпчилик навларнинг илдизмеваси узун цилиндрсизмон ёки эллипссизмон бўлади. Ер остки қисми оқ ёки сарғиш, ер устки қисми бинафша, яшил рангда, силлиқ бўлади. Илдизмевасининг 1/2—2/3 қисми тупроққа кириб туради, ён илдизлари илдизмевани энг устки қисмida ҳосил бўлади. (14—расм).

Иккинчи йили илдизмева экилгандан кейин, ундан бир неча поя ўсиб чиқади, поянинг баландлиги 1 метрга етади, шохланиб, уларда тўпгуллар ҳосил бўлади. Тўпгуллар қалқонча шаклида, гули сарик, 4 та гулбоши—барги, 6 та чангчи, оналиги бўлиб, гуллаб оталангандан кейин кўп уруғдан қўзоқчага айланади.

Уруғлари майда, жигарранг ёки қора, 1000 донасининг вазни 2,5—3,5 г келади.

Ўсув даври биринчи йили 70—110, иккинчи йили эса 85—90 кунгача бўлади.

**Биологияси.** Шолғом карамдошлар оиласига мансуб, икки йиллик ўсимлик, биринчи йили йўғонлашган илдизмева ҳосил бўлади, иккинчи йили илдизмева экилганда у нов чиқариб гул ҳосил қилиб уруғ тугади.

Хашаки шолғомнинг уруғи  $1-2^{\circ}$  иссиқлиқда униб чиқа бошлайди. Нам тупроққа экилган шолғом уруғи етарли ҳарорат бўлса, 3—4 кунда униб чиқади. Ёш ниҳоллари —  $5^{\circ}$ , йирик ўсимликлар эса —  $6^{\circ}$  совукқа чидаш беради.

Намга талабчан ўсимлик. Унинг эрта пишар навлари 60—70 кунда, кечпишар навлари эса 100—110 кунда пишиб етилади. Ўзбекистонда “Эсти Наэрис“ ва Остерзундонский “Московский” ва “Скороспелий ВИК” навлари экилиб, улардан юқори ҳосил олинади.

## **Етиштириш технологияси.**

**Үтмишдош.** Алмашлаб экишда хашаки шолғомни ғұза, маккажұхори, кузги ғалла әқинларидан кейин ёзда оралиқ әкини сифатида ҳам экиш мүмкін.

**Ерни ишлаш.** Тупроқни экишга тайёрлаш, ишлов бериш хашаки лавлаги ва сабзи әқинларини етиштириш билан бир хил. Ерни шудгорлашдан олдин ҳар гектар ерга 20—30 тонна чириган гүнг, 60—80 кг фосфор ва калийли (соф ҳолда) минерал ўғитлар солинади. Баҳорда чизелланиб, бороналаниб тупроқда намни сақлаб қолиши ва тупроқда уруғни бир текис тушиши ва күмилиши учун яхши текисланиб экишга тайёрланади.

**Экиш.** Хашаки шолғом уруғлари сабзовотлар әкіладиган сеялкаларда әкілади. Бир гектар ерга 3—4 кг уруғ әкілади, әкиш чуқурлиғи 1,5—2 см. Уруғни тупроққа бир текисда тушиши учун әкиш олдидан уруғга суперфосфат ёки чиринді аралаштириб әкілади. Қатор ораси 60—70 см, бир гектар ерда яғанадан кейин 90—100 минг ўсимлик қолдирилади.

**Парваришлаш.** Хашаки шолғомни парвариш қилиш қатқалоққа қараш, қатор ораларини культивация қилиш, яғаналаш, озиқлантириш ва суғорищдан иборат. Экин әкілгандан сүңг ёғингарчилик натижасида қатқалоқ ҳосил бўлса, уни кўндалангига енгил бороналаш ва чопиқ қилиб қатқалоқ йўқотилади. 2—3 жуфт чинбарг чиққан даврда ягана қилинади, бунда ҳар бир уяда 6—7 тадан ўсимлик қолдирилади. Бир гектар ерда 90 минг туп ўсимлик қолдирилади. Бегона ўтлардан тозалаш ва қатор ораларини юмшатиш мақсадида 2—3 марта культивация қилинади. Май ойининг охир ва июннинг бошларида әқинлар бир гектар ҳисобига 60—80 кг азот билан озиқлантирилиб, кейин суғорилади. Умуман ўсиш даврида 3—4 марта суғорилади.

Хашаки шолғомни такрорий әкин сифатида, кузги әқинлардан кейин ёзда ҳам экиш мүмкін. Бу ҳолда унинг агротехникаси баҳорда әкілган шолғомдан фарқ қымайди. Фақат асосий әкин әкиб олингандан сүңг тез муддат ичида ерни ҳайдаб, эрта әкиб олиш керак. Баҳорда әкілган хашаки

шолғомни қўл кучи билан июлда илдизмевалари қуриб қолмасдан ҳайвонларга озиқа учун йигиштириб олинади.

Ёзда экилган бўлса уни кузда ва қишида чорва молларига едириш учун хандакларда сақланади. Хашаки шолғомни илдизмеваси узоқ сақланади, шу сабабли уни биринчи навбатда чорва молларига бериш тавсия этилади.

## ХАШАКИ ПОЛИЗ ЭКИНЛАР

Хашаки экинларнинг орасида полиз экинлари серсувили, ширали, карбон сувлари кўп бўладиган озиқ берадиган экинdir. Хашаки тарвуз мевасида қуруқ модда микдори 3—5% ва 1—3% қанд бўлади, ундаги пектин моддаси 10—20%гача бўлиб, меваларнинг узоқ вақт давомида сақланишини таъминлайди. Қовоқнинг хашаки навларида қуруқ модда 6% ни, қанд 2—3%ни ташкил қиласи. Бу экинларнинг меваси сут кўпайтирадиган озиқdir.

**Полиз экинларининг келиб чиқиши, тарқалиши.** Полиз экинлари Осиё, Африка, ва Американинг тропик зоналаридан келиб чиқсан.

Тарвуз ўсимлигининг ватани — Марказий ва Жанубий Африка бўлиб, у ерда тарвузнинг бир неча турлари тарқалган. Эрамиздан бир неча минг йиллар аввал тарвуз тасвири қадимий Юнонистон деворларида, уруғи ва қуриб қолган барг шакллари ер қазилмаларидан топилган. Бу ўз ўрнида тарвузнинг қадимдан шу ерларда кенг тарқалганлигидан далолат беради. Эрамиздан 1—2 минг йиллар муқаддам тарвуз Мисрда экила бошланган. У ердан Фаластинга, ундан Сурияга, Суриядан эса Марказий Осиёга келтирилган. Тарвуз энг кўп Ҳиндистонда тарқалган. Эрамиздан 2 минг йиллар аввал тарвуз Ҳиндистондан Хитойга ва ундан Марказий Осиёга келтирилган.

Қовоқ — тарвузга нисбатан анча олдин маълум бўлиб, археология қазилмаларидан маълум бўлишича, қовоқ ўсимлигининг барча турлари Америкадан келтирилган.

**Экин майдони ва ҳосилдорлиги.** Полиз экинларининг жаҳон бўйича

етиштириладиган умумий майдони 2,7—2,9 млн гектарни ташкил этади. Полизчилик Америка Кўшма Штатларида, Руминия, Испания, Туркия ва Хитойда яхши ривожланган. МДҲда — Россиянинг Волга бўйи Шимолий Кавказ, Украина ning жануби, Молдава, Кавказ орти мамлакатлари, Марказий Осиё давлатлари полиз маҳсулотлари етиштирадиган минтақалар ҳисобланади.

Тарвуз ва қовоқ экинлари республика вилоятларида тарқоқ ҳолда жойлашган. Ўзбекистонда полиз экинлари етиштириладиган майдон давлат секторида 20,7 минг гектарни ташкил этса, хусусий секторда яна шунча майдонни эгаллайди. Республика бўйича ўртacha ҳосилдорлик 11,5—12 т/га ташкил этади, хусусий хўжаликларда бу кўрсатгич 18—20 т/га бўлса, илфор фермер хўжаликларда гектаридан 30—40 тоннагача ҳосил олинган. Йил давомида мамлакатимизда 500 минг тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари етиштирилади.

**Полиз экинларининг ботаник таснифи.** Полиз экинлари — Cucurbitaceae Juss — қовоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлардир.

Тарвуз *Citrullus Shrad* туркимиға мансуб бўлиб, яна 4 турга бўлинади:

1. Тукли тарвуз — *C. Lanatus* (Thunb) Matsum et Naxai. Бу тур хўраки ва хашаки тарвуз тур хилларини ўз ичига олади.
2. Колоцинт тарвузи — *C.colocynthis*(Z). Shrad.
3. Жингалаксиз тарвуз — *C.ecirrhosus* Cogn.
4. Ноден тарвузи — *C. naudinianus* (Song) Horr.

Хўраки ва хашаки тарвуз хиллари қўп тарқалган бўлиб, қолган уч тури ёввойи ҳисобланади ва улардан селекция ишларида фойдаланилади.

Қовоқ — *Cucurbita* авлодига мансуб ўсимлик. Маданий қовоқнинг уч тури мавжуд:

1. Йирик мевали қовоқлар — (*Cucurbita maxima*). Бу қовоқлар йирик ва ўртacha бўлиши, пўсти ёғочланмаслиги ва мевабанди цилиндричесимон бўлиши билан бошқа қовоқлардан фарқланади. Уруғи оқ ва сариқ рангда бўлади.

2. Мускат қовоқлар (*Cucurbita moschata*). Бу қовоқларнинг шакли йирик — майдалиги ҳар хил бўлади, пўсти ёғочлашмайди. Мевабанди қиррали, асоси кенгайган. Уруғи хира оқ, кўринадиган ҳошияси бор.

3. Қаттиқ пўстли қовоқлар (*Cucurbita pepo*). Меваси майда, пўсти қаттиқ, ёғочлашган бўлиши билан фарқ қиласди. Мевабанди қиррали, призмасимон. Уруғи оч сариқ, аниқ сезиладиган ҳошияси бор. Кабачка ва патиссон ҳам шу турга киради.


**Илдизи** – ўқ илдиз бўлиб яхши ривожланган, яхши шохланади, тупроққа 3 —5 м чукурликга кириб боради, ён томонга 5—7 м га тарқалади. **Пояси** чирмашиб ёйилиб ўсади, узунлиги 2—5 м, ён шохлари 5—10 та бўлади, дағал туклар билан қопланган. Барги кўп қийилган патсимон бўлакларга эга, дағал тукли. **Гули** сариқ, айрим жинсли, оналик гуллари йирик бўлади. Гули ҳашаротлар ёрдамида чангланади. **Меваси** кўп уруғли узун бандли, шарсимон, чўзинчоқ. Эти қизил, пушти, гоҳо, оқ ёки сариқ, мазаси ширин ёки кам ширин бўлади. Мева таркибида 5,7 —13% қанд бўлади. Меванинг вазни 2 —20 кг бўлади. **Уруғи** ясси, тухумсимон, узунлиги 0,5—2,0 см, четида кертиги бўлади, ранги қизил, қора. 1000 тасини вазни 60—150 г.

**Хашаки тарвуз** ўз хусусиятига эга. Илдизи бақкуват, яхши ривожланган. Барги йирик, калта бандли. Гули йирик, оч сариқ рангли. Оталик гулларининг банди узунроқ бўлади

**Мевасини шакли** шарсимон, понасимон—чўзинчоқ, яшил, тўқ рангли чизиклари бўлади .Эти оч яшил, таркибида 1,2—2,6% қанд бўлади, вазни 10—15 дан 25—30 кг гача бўлади. Уруғи ясси, тухумсимон, кертиги бўлмайди.

Хашаки қовоқнинг пояси ёйилиб ўсади, ичи ковак, цилиндрисимон бўлади. Барги буйраксимон, яшил, тукли, туклари дағал. Гули йирик, тўқ сариқ рангли. Меваси шарсимон, сал ясси, ҳар хил рангда бўлади, кўпинча оқ ва кул рангли. Эти кам толали, ғовак, ширали, тўқ сариқ рангли, таркибида 4—8% қанд бўлиб, пўстлоғи юмшоқ. Уруғи йирик, узунлиги 2—3 см, силлик, таркибида 36—50% мой бўлади. 1000 тасини вазни 240—300 г.

**Полиз экинларининг биологияси.** Полиз экинлари иссиқсевар ўсимлиkdir. Қовоқ тарвузга нисбатан иссиққа чидамсиз ва иссиқни кам талаб қиласи. Тарвуз уруғлари  $15-16^0$  да униб чиқади, қовоқ уруғи эса  $10-13^0$  да уна бошлайди. Экинларнинг яхши ўсиб, ривожланиши учун қулай ҳаво ҳарорати тарвуз учун  $25-30^0$ , қовоқ учун эса  $20^0$ . Ҳаво ҳарорати  $15^0$  гача пасайганда ўсимликларнинг ўсиши сусаяди, гул чанги ва чангдони етилмайди натижада, ҳосилдорлик пасаяди.



3

**15—Расм** 1—барг турлари; 2—мева шакллари; 3—поя ва гуллари.

Ҳаво ҳарорати  $5-10^0$  бўлганда, ўсимликлар ўсишдан тўхтайди.  $-1^0$  совуқда эса, экинлар нобуд бўлади.

Тарвуз қовоққа нисбатан курғоқчиликка чидамли, уларнинг тупроқ намлигидан фойдаланиш қобилияти юқори. Қовоқнинг ер устки вегетатив қисми жуда яхши ривожланган ва ундан сув буғланиши юқори даражада бўлади. Полиз экинлари яхши ўсиши, ривожланиши ва мева тугиши учун тупроқнинг нам сифими  $80-85\%$ , ҳаво намлиги эса  $50-60\%$  бўлиши керак.

Барча полиз экинлари, айникса, тарвуз ёргесвар ўсимлиkdir. Соя жойларда улар секин ривожланади. Полиз экинлари тупроқ нордонлигини кўттармайди.

Полиз экинларининг ўсув даври узун ва шу билан бирга ўшиш тезлиги юқори. Қулай об—ҳаво ва тупроқ шароитларида уруғлар экилганидан 3—4

кун кейин уна бошлайди ва 8—10 кундан кейин майсалайди. Яна 4—5 кундан кейин майсаларда биринчи чинбарг пайдо бўлади ва ҳар 3—4 кун оралаб кейинги барглари ҳосил бўлади. Шундан кейин ўсиш бирмунча сусаяди, 20—40 кундан кейин асосий поя ва ён шохлари ўса бошлайди. Тарвуз 40—50 кундан ва қовоқ 35—60 кундан кейин гуллайди.

Мева туғиши — мева пишиш даври тарвузда 35—50 кун ва қовоқда 45—70 кун давом этади. Ўсимликларнинг ўсув даври узунлиги, яъни майса пайдо пайдо бўлганидан то мева пишгунга қадар бўлган давр тарвузда 60—120 кун ва қовоқда 75—135 кун бўлади.

Навлари. Ўзбекистонда 20 дан ортиқ тарвуз навлари учрайди, шулардан 12—таси районлаштирилган. Эртапишар навлар Ўринбой, Маҳаллий, Мозаичний, Ўзбек—452; ўртапишар навлар Корол Кубў—92, Мраморний, Самарқанд оқ тарвузи, Дилноз, Необичний, Спутник; кечпишар навлар Кўзибой—30, Ҳайтқора, Гулистон.

Хашаки қовоқнинг Стофунтовая, Алтайская—47, Гибрид—72, Витаминная, Волжская серая—92 навлари мавжуд

## **ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Ўтмишдош.** Алмашлаб экиш системаси дехқончиликда асосий омиллардан бири бўлиб, у полиз экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлайди. Полиз экинларини йилдан—йилга бир жойга экиш натижасида уларнинг касаллик ва заарқунандалар билан заарланиши кучаяди ва ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Полиз экинлари учун энг яхши ўтмишдош—ғалла ва беда. Янги ўзлаштирилган ерлардан ҳам юқори ҳосил олиш мумкин. Эскидан ҳайдалиб келинаётган далада полиз экинлари карам ва сабзидан сўнг экилса, ҳосилдорлик ошади.

Полиз экинларини маккажўхори ва шолидан бўшаган майдонларга экиш фузариоз сўлиш касаллиги билан заарланишининг олдини олади. Полиз экинларини бир далага 1—2 йилдан кўп экиш тавсия этилмайди, фақатгина 5—7 йилдан сўнггина қайта экиш мумкин.

Полиз экинлари енгил қумоқ тупроқли ерларда яхши ўсиб, ривожланади, касалликка чалиниши ҳам пасаяди. Тупроқ таркибида хлор микдори 0,015% дан қўп бўлмаган шўр ерларда ҳам полиз экинларини етиштириш мумкин.

**Ерни тайёрлаш.** Полиз экинларини етиштиришда ерни тайёрлаш кейинги барча агротехник чора — тадбирларнинг яхши наф беришида муҳим шартдир. Полиз экинларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ерга белгиланган муддатларда ишлов бериш керак. Полиз экинларини экиш учун ерни тайёрлаш юзасидан бажариладиган асосий иш кузги шудгордан бошланади.

Ўтмишдош экинлардан барвакт бўшаган суғориладиган ерларга аввал сув қўйилади, сўнгра Т — 4А чопик тракторига тиркалган ЧКУ — 4 русумли чизел культиватори билан ер юмшатилади. Ерни ҳайдаш олдидан РТТ — 4,2 ўғит сочгич сеялка билан минерал ўғитлари ва РТО — 4 машинаси ёрдамида органик ўғитлар берилади.

Кузда 30 см чуқурликкача шудгор қилиш учун одатда тўрт корпусли ПЛН — 4—35 осма плуг, тупроқни 40 см чуқурликда ҳайдаш учун қўш ярусли, 4 корпусли, чуқур ҳайдагичли ПД—4—35 плуглар қўлланилади. Кўп йиллик бегона ўтлар билан ифлосланган ерларда кузги шудгорлаш олдидан тупроқни юмшатмай туриб ВКС—1,8 машинаси воситасида ўтлардан илдизи билан тирмалаб, йигиштириб олинади, бузилган пушта ва эгатлар ГН—2,8 текислагич грейдер ёрдамида текисланади.

Эрта баҳордаги ёғинлар туфайли тўпланган намликни сақлаб қолиш учун ер майдонига 6—8 см чуқурликда ишлов берилади. Тупроқнинг тури ва ҳолатига қараб оғир ёки ўрта вазни тирма—мололалардан фойдаланилади. У шудгорлаш йўналишига нисбатан бир оз қиялатиб солинади. Экиш олдидан ер майдони ЧКУ—4 культиватори билан 18—20 см чуқурликда чизелланади. Ерни текислаш учун узун базали ВП—8 текислагичдан фойдаланилади. Полиз экинлари эрта муддатларда (апрелда) экилганда ерни баҳорда қайта ҳайдамаса ҳам бўлади. Бу экинлар кечки муддатларда (май

ойи охирида) экилганида қайта ҳайдаш зарурати туғилади, чунки экиш пайтида тупроқ зичлашади ва уни бегона ўтлар босиб кетади, бу ҳолда ерни ағдармасдан туриб, яна 22 см чуқурлиқда ҳайдаб чиқиш зарур бўлади.

**Ўғитлаш.** Полиз экинлари экиладиган майдонга кузги шудгорлаш олдидан 15—20 т/га гўнг ёки компост, фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёрининг 75% ва калийли ўғитларнинг тўлиқ меъёрини солиш тавсия этилади. Азотли ўғитларнин 50% экиш олдидан ва экиш билан бирга, қолган қисми эса ўсимликлар 3—4 чинбарг ёзганда озиқлантириш учун солиниши керак. Ўғитларни солиш меъёри ва муддатларига амал қилиниши, полиз экинларидан юқори сифатли ва ширин мевалар олинишини таъминлайди.

#### 9—жадвал

### Полиз экинларига минерал ўғитларни солиш миқдори (гектарига кг соф модда ҳисобида)

Бўз тупроқли ерлар			Ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқлар		
N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
100—150	100—150	50	80—100	100—130	50—60

**Экиш.** Полиз экинларини тупроқнинг 8—10 см чуқурлигидаги ҳарорати 12—15<sup>0</sup> га етганида экишга киришилади. Бундай шароитда Ўзбекистоннинг жанубида апрел ойи бошида, шимолда эса апрель ойи охирида экила бошланади. Экиш муддатлари маҳсулот пишиб етилиш вақтига ҳам боғлиқ, бинобарин тарвузнинг қишида сақланадиган кечпишар навлари май ойи охири — июн ойи бошларида экилади, бунда ҳосилнинг кўп қисми сентябр — октябр ойида етилади.

#### 10—жадвал

### Ўзбекистон тупроқ — иқлим шароитлари ва навлар хусусиятига кўра полиз экинлари экиш муддатлари

Навлар	Экиш муддатлари		
	Жанубий зона	Марказий	Шимолий
Тарвуз			

Эртапишар	1—10 апрель	1—30 апрель	20—30 апрель
Ўртапишар	10—20 апрель	1—15 май	1—15 май
Кечпишар	1—10 июнь	15—30 май	20—30 май
Қовоқ			
Ҳамма навлари	20—апрель — 10 май	25—30 апрель	25—30 апрель

**Ургуни тайёрлаш.** Экиш учун тўлиқ уруғлар олинади. Уруғлар 3—5 % ли ош тузи эритмасига солиниб, эритмада чўкканлари тоза сувда ювиб ташланади. Ургуни экиш олдидан ивитиш тавсия этилади. Бунинг учун уруғлар тез—тез алмаштириб туриладиган илиқроқ сувда 12—18 соат давомида ивитилиши лозим. Ургуни экишдан олдин сал қуритиб олиш мақсадга мувофиқ, чунки бунда улар сепилувчан бўлади.

Касалликларга чалинишиннинг олдини олиш мақсадида ургуни экишдан олдин ўсимликка биоген таъсир этувчи моддаларнинг сувли эритмасида ивитиш: метилен кўки — 12 литр сувга 4 грамм модда ҳисобида, салицил кислотасида — 1 л сувга 0,1—0,5 мг ва микроэлементлар, 0,1—0,5 борат кислотаси, 0,002—0,05% ли марганец сульфат тузи ёки 0,02—0,04% ли алюмин молибдат нордон тузи уларнинг ўсишига яхши таъсир кўрсатади.

Экиш чуқурлиги уруғларнинг майда—йириклигига, экиш муддатларига, тупроқнинг намлигига ва таркибий хусусиятларига боғлиқдир. Одатда, тарвуз ва қовоқ уруғлари 5—7 см ва қовун уруғлари 4—6 см чуқурликка экиласди.

Полиз экинларини экиш меъёrlари экиш усули, бир уяга экиласдиган уруғ миқдори ва уруғлар катта—кичиклигига боғлиқ. Тарвуз уруғлари бир уяга 4—5 тадан, экиласди. 1 гектар майдонга 4—5 кг тарвуз ва 3—5 кг қовоқ уруғи экиласди.

**Экиш усуллари.** Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида тарвузнинг озиқланиш майдони  $1—2 \text{ м}^2$  ва қовоқники  $3 — 4 \text{ м}^2$ . Экиш усуллари ўсимликларнинг гектардаги керакли миқдорини таъминлабгина қолмай, балки полиз экинларини етиштириш ва ҳосилини йиғиш билан боғлиқ бўлган ишлар максимал механизациялаштирилган бўлиши керак. Бунинг

учун ўсимликларнинг қатор оралари трактор ва машиналарнинг юриши учун қулай бўлиши лозим. Мамлакатимизда ишлатиладиган тракторларнинг олдинги ва орқа фидиракларининг оралиғи 120—140 ва 180 см, шуни ҳисобга олган ҳолда ўсимликларни экиш усулларини танлаш зарур.

Полиз экинлари ҳозиргача турли усулларда экилади. Лекин, қуйидаги усуллар кўп тарқалган: тарвуз қўш қаторли лентасимон 280x70 x 70 см

2

ва бир қаторли 180 x 90 см усулларида;

— қовоқ — қўш қаторли лентасимон 330 x 90 x 70 см

2

ва бир қаторли 180x90 см усулда экилади.

Бунда 1 гектардаги ўсимликлар сони тегишли равишда тарвуз 6 — 8 минг дона ва қовоқ 5 — 5,5 минг дона бўлади.

Кичик майдонларга полиз экинларини уруғлари эгатлар олингандан кейин уялар қўлда экиб чиқилади, катта майдонларга эса СБУ—2—4А русумли ва қайта жиҳозланган пахта ва маккажўхори сеялкаларида экилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий текшириш институти ходимлари қовун ва тарвузни уч қаторли экиш усулини таклиф қилишган. Бунда қатор оралари ва ўсимликлар оралиғи ҳам 180 см ни ташкил этади. 1 гектар майдондаги ўсимликлар сони 5,9 минг дона бўлади. Ўсимликлар бу усулда жойлаштирилганда, СБУ —2—4А сеялкасига экиш эгатлари олинадиган НПБ—3 мосламасини улаб, оралиғи 1,2 м бўлган уч қаторга бир вақтнинг ўзида уруғлар экилади.

Трапеция шаклида олинган экиш эгатларининг эни 17 см бўлиб, чуқурлиги 10—15 см. уруғлар эгатларга 4—5 см д чуқурликда экилади ва улар тупроқ юзасидан 14—20 см чуқурликда жойлашади. Шу сабабдан, уруғлар тупроқнинг табиий намлиги туфайли майса беради, ўсимликлар гуллаш давригача суғоришини талаб қилмайди ва бу усулда экишда ўсимликлар дастлабки ўсиш даврида шамолдан ҳимоялангандир.

Ўсимликларни уч қаторли усулда жойлаштирганда, экинларга ишлов бериш учун полиз экинларини парваришлайдиган МУБ—5,4 универсал агрегати ишлатилади. Культивация қилиш ва сугориш эгатларини очища шу агрегатга ишчи мосламалари осилади. Мева тугиши даврида эса унга ЧПБ—2 русумли палакларни чилпиш мосламаси уланади, бу мослама ўсимликнинг палак учун чилпиб, трактор ғилдираги ҳаракати учун йўл очиб беради. Бу экиш усули полиз экинларини экишдан то йиғиб олингунга қадар кўпгина ишларни механизациялаштиришга ёрдам беради.

**Полиз экинларини парваришлаш.** Полиз экинларини парвариш қилиш тупроқни юмшатиш, ўсимликларни яганалаш, экинни озиқлантириш, чопик қилиш, сугориш, палакларини тўғрилаш, бегона ўтлар ва зааркунандаларга қарши курашни ўз ичига олади.

Баҳор серёғин келганда, тупроқ қатқалогини юмшатиш зарурати туғилади. Уруғлар униб чиқмасдан олдин қатқалоққа қарши курашиш учун МВН—2,8 ёки МВ—5,4 русумли ротацион мотигалардан фойдаланиш мумкин. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан қатқалоқни ялпи юмшатиш учун КРХ—3,6, КНБ—5,4 культиваторлари ёки МУБ—5,4 машинисига осилган ротацион юлдузчалар ишлатилади.

Ўсимлик биринчи чинбарг чиқарганда аввало яганаланади, бунда ҳар бир уяда иккитадан ўсимлик қолдирилади. Уядаги қолдириларига ўсимликларга шикаст етказмаслик учун, ягана қилинадиган ўсимликлар қирқиб олинади. Хатосига ивитилиб, нишланган уруғлар экиб чиқилади.

3—4 та чинбарг чиқарганда ҳар бир уяда битта ривожланган ўсимлик қолдирилиб, иккинчи яганалаш ўтказилади. Яганалаш билан бирга экинлар чопик қилинади, бунда ўсимлик тупроғи юмшатилиб, бегона ўтлар юлиб ташланади. 25—30 кундан кейин, ўсимликлар гуллашидан олдин иккинчи чопик қилинади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан қатор ораларини юмшатишга киришилади.

Сизот сувлари чукур жойлашган ерларда дастлабки сугоришгача бир марта, ер ости сувлари яқин жойлашган майдонларда эса икки бор

культивация қилинади. Кейинги культувациялар суғоришлардан кейин, тупроқ етилиши билан ўтказилади. Ўсиш даври давомида 4—5 марта культувация қилинади, ҳар сафар ўсимлик ҳимоя зонаси ошириб борилади. Суғориш эгатлари КРХ—3,6; КРН—4,2; КРН—5,6; КНБ—5,4 культуваторлар ёрдамида олинади. Ўсимликларни озиқлантиришда ҳам шу русумли культуваторлар қўлланилади. Трактор ва агрегетларнинг ўсимликка шикаст етказмасдан ўтиши учун НБЧ—5,4 универсал мослама комплексига кирадиган чилпигич ёрдамида ўсимликлар палаги тарапади ва ростланади. Тарвуз палакларини тараш мақсадга мувофиқдир.

**Суғориш.** Полиз экинлари сувга ўртacha талабчандир, улар ер сатҳи қуруқ бўлган ва ўсимлик илдизлари жойлашган тупроқнинг намлиги етарли бўлган жойларида яхши ўсиб, ривожланади. Тупроқнинг ўта нам бўлиши ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади.

Ўсимликларни қуидаги меъёрда суғориш тавсия этилади.

Тарвуз учун суғориш олдидан дала нам сифими 70—70—70% бўлиши керак. Бунинг учун гектарига  $600\text{ m}^3$  сув билан олти марта суғориш керак. Суғориш 2—2—2 схема бўйича умумий меъёри гектарига  $3600\text{ m}^3$  ни ташкил этиши керак.

Қовоқ учун энг қулай намлик — дала нам сифимидан 80% ни ташкил этади. Бунда гектрига  $550\text{ m}^3$  меъёр билан 2—3—2 схемасида етти марта суғориш талаб этилади, умумий суғориш меъёри гектрига  $3850\text{ m}^3$  бўлади. Шўрланган ерларда тарвуз етиштиришда тупроқ намлиги мева тутилишигача бўлган давда 70% ва мева тувиш даврида 80% бўлиши керак.

**Полиз экинлари ҳосилини йиғиши.** Теримга киришишдан 10—12 кун олдин суғориш тўхтатилади. Тупроқ намлиги қўтарилигач, вақтинчалик суғориш ариқлари текисланиб теримга киришилади.

Полиз экинлари ҳосилини йиғиб олиш хозирча тўла механизациялашмаган. Ҳосилни танлаб йиғиб олиш учун кенг қаторли ТШН—25 транспортлари қўлланилади. Полиз экинлари ҳосилини йиғишириб олиш учун 2 ПТС—4—793 А русумли арава уланган Т—28Х4МС

тракторидан фойдаланилади. Бунда харажатлар ҳосилни кўлда йиғиширгандагига нисбатан 5—8 баробар камаяди. Тарвуз, қовоқни ялпи йиғишириб олиш учун ҳосилларни уюб кетадиган УПВ русумли мослама ва ПБВ—1 мева тўплагичларидан фойдаланилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Хашаки қовоқ ва тарвуз мевалари қандай сақланади?
2. Бу экинларнинг меваси қуритиладими?

### **СИЛОСБОП ЭКИНЛАР**

Дала экинларидан силос тайёрлаш учун ҳар хил экинлар экилади, бу экинларга маккажўхори, жўхори, ер ноки, хашаки карам, кунгабоқар ва рапс киради. Булардан ташқари силоснинг тўйимлилигини ошириш учун дуккақдошлар, картошка, сабзи, перкодан фойдаланиш мумкин. Бу экинларни уруғ ва мева таркибида 20—60% мой бўлиб ўсимлик мойи ишлаб чиқариш учун хомашё бўладиган экинлардир. Мой ишлаб чиқарилгандан кейин қолган кунжара ва шрот чорва молларига юқори тўйимли озуқа бўлади. Бир килограмм кунгабоқарнинг шротида 1,20, соянинг шротида—1,30 озиқа бирлигига teng. Айрим мойли экинлар силос тайёрлашда қўлланади.

### **Кунгабоқар**

**Аҳамияти.** Кунгабоқар мойи асосан озиқ—овқатда қўлланади. Мойи оқиши сариқ ранги, тиник ярим қурийдиган (йод сони 119—144) уруғ таркибида 29—56% мой ва 15% оқсил бўлади

Мой олинганда қоладиган чиқиндилари (шрот ва кунжараси) чорва молларига юқори сифатли озуқадир. Кунгабоқарнинг савати чорва молларига ҳам яхши озуқадир.

**Тарихи.** Ватани Шимолий Американинг жанубий туманлари Овропага 16 асрнинг бошланишида келтирилган. Дастлаб кунгабоқар манзарали ўсимлик сифатида қўлланилган. Илк бор кунгабоқарнинг мойи 1835й

Россияда ишлаб чиқилган. Ер юзида кунгабоқар 18,3 млн га майдонга экилади. Кунгабоқар Аргентина, Канада, Хитой, Испания, Туркия, Руминия, Австралия, Танзания, Украина, Молдовада экилади. Уруғ ҳосили 2—5 т/га бўлиши мумкин

Кунгабоқар ургининг катталигига, мойини миқдорига ва мағизини чиқишига қараб 3 гурухга бўлинади: 1) мойли кунгабоқар — пистаси майда, 1000 донасининг вазни 35—80г, мағизини таркибида 53—63 % мой бўлади; 2) чақиладиган кунгабоқар — пистаси йирик, 1000 донасининг вазни 100—170г, мағизини таркибида 20—35% мой бўлади. Силосланиши мумкин, 3) оралиқ—ҳамма кўрсаткичлари бўйича ўртача.

**Морфологияси.** Бир йиллик ўсимлик, илдизи ўқ илдиз, яхши ривожланган, пояси тик ўсади, дағал, юқорги қисми шохланади, қалин туклар билан қопланган, баландлиги турларига қараб 1—4 м бўлади. Барги оддий, юраксимон, бандли, тукли, кетма—кет жойлашади, юқорги барглари саватни ўраб туради. Саватда икки хил гул бўлади. Саватни атрофида мева ҳосил қилмайдиган сарик рангли гуллар жойлашади, саватни юзасини икки жинсли гуллар эгаллайди. Меваси — писта, тўрт қиррали, ранги оқ, кул ранг, 1000—тасини вазни 100—150г.

**Биологияси.** — бир йиллик ўсимлик. Уруғи 4—6°C да униб чиқади, ҳарорат 10—12°C бўлганда анча тез унади. Майсаси 6°C совуқга бардош беради, оптимал ҳарорат 18°C бўлади. Иссиқликга талабчан даври — майсаланиш, гуллаш даврлари.

Кунгабоқар қурғоқчиликга чидамли, қалин туклари буғланишдан сақлайди. Сувни кўп талаб қиласиган даври гуллаш даври, бу даврда талаб қиласиган сувни 60% ни ўзлаштиради. Қурғоқчилик шароитда ҳосили анча камаяди. Ёруғсевар қисқа қун экини, соя ва булатли ҳавода ўсиши ва ривожланиши тўхтайди, барглари майдалашади.

Озуқага талабчан, 1 т писта ва тегишли поя барг ҳосил қилиш учун 50—60 кг азот, 20—25 кг фосфор, 120—160 кг калий сарфлайди. Озуқа унсурларини кўп талаб қиласиган даври—саватни ривожланишдан

гуллашгача бўлган давр. Гуллаш даврига етганда кунгабоқар 60% азотни, 80% фосфорни ва 90% калийни ўзлаштирган бўлади. Кунгабоқар қора, бўз, сур мухити pH—6,0—6,8 бўлган тупроқларда, яхши ўсади ва ривожланади.

Ўсиш даврида кунгабоқарда қуидаги ривожланиш босқичлари аниқланган:

1. Униб чиқиш 10—15 кун давом этади, муртак илдиз ривожланади, уруғ палласини ер бетига чиқаради.
2. Саватни шаклланиши 30—40 кун бу босқичда биринчи чинбарглари ривожланди. Ўсимликда ўртacha 13 та барг ривожланганда сават ҳосил бўлади.
3. Шоналаш — гуллаш 25—30 кун давом этади, ўсимлик тез ўсади, гуллаш бошланади, сариқ рангли тилсимон гуллари ривожланади.
4. Гуллаш — пишиш 35—40 кун давом этади, икки жинсли найчасимон гуллар ҳосил бўлади, гул четдан чангланади. Навга хос рангга эга бўлади.
5. Тўла пишиш —сават сариқ, жигар рангли бўлади. У пистасининг намлиги 18—12% га камаяди.

Навлари: Ўзбекистонда туманлаштирилган ВНИИМК—8931, Чкаловский гигант.

### **Етиштириш технологияси.**

**Ўтмишдош.** Кузги ва баҳорги буғдой, арпа, дон—дуккакли ва ем—хашак ўтлар. Кунгабоқар қанд лавлаги, беда ва судан ўтидан кейин экилмайди. Рапс, кўк нўхат, соя ва ловиядан кейин ҳам экилмайди, чунки касалликлари бир хил. Бир экилган ерга 8—10 йилдан кейин қайта экиш мумкин.

Ерга ишлов беришда қўйиладиган асосий талаб—кўп йиллик бегона ўтлардан тозалаш, текислаш, намни сақлаш, кўп йиллик бегона ўтлар билан зарарланган ерларда кўп босқичли ишлов берилади: 6—8 см га дискланади, кейин 10—12 см чизелланади, оғир борона юргизилади (БДТ—7), сўнгра ўт ўсиб чикканда ер ҳайдалади.

Экишдан олдин тупроқ юзаси текисланади, 8—10 см чуқурликка культивация қилинади ва борона юргизилади.

Ер хайдашдан олдин органик ва фосфорли, калийли ўғитлар солинади. Органик ўғит сифатида гүнг 15—20 т/га, 45—60 кг дан РК, экиш билан бирга 10—15 кг NPK, ўниб чиққандан кейин 30—50 кг N, 20—40 кг P қўлланади.

**Экиш.** Экиш учун туманлаштирилган навни уруғи экилади. Уруғнинг 1000 тасининг вазни 50—100г бўлиши керак, унувчанлиги 95% дан кам бўлмаслиги, тупсони сувли ерларда 40—50 минг, лалми ерларда 20—30 минг ўсимлик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Амалда экиладиган уруғ меъёри уруғ сифатига, экиш тизимига, навларининг биологиясига боғлиқ бўлади.

Кунгабоқар уруғини экишдан олдин фентиурам билан ишланади (3кг/т). Интенсив етиштириш технологияси қўлланганда ягона қилмаслик учун аниқ ўртача 45—55 минг дона уруғ экилади ёки 5—8 кг/га уруғ олиш учун, 35—40 кг/га силос тайёрлаш учун, экиш чуқурлиги 6—10 см, кенг қаторлаб экилади, қатор ораси 70см бўлади. Силос тайёрлаш учун кунгабоқар соя ва бошқа ем—хашак экинлар билан экилиши лозим.

**Экинни парваришлаш.** Қуруқ ҳавода экилган бўлса катаклар билан зичлаштирилади. қатқалоққа қарши борона юргизилади. Ўсиш даврида қатор ораси 2—3 маротаба культивация қилинади.

Бегона ўтларга қарши нитран, трефлан, гезагард—50 гербициidlари қўлланади. Гуллаш даврида экинзорга асал ари уялар қўйилса гуллар яхши чангланади, ҳосил ошади (1гектарга 1—1,5 уя). Уруғ экишдан олдин касалликларга ва ҳашаротларга қарши ТМТД 80% —3кг/т, апрон 35% —4кг/т лар билан ишланади. Бундан ташқари заразихага қарши алмашлаб экиш, уруғни дорилаш, чидамли нав экиш тавсия қилинади.

Ўсиш даврида суғорилади. Суғориш меъёри 600—800 м<sup>3</sup>/га гуллаш давригача 2 маротаба, гуллаш даврида 2 маротаба, пишиш давригача эса 1 маротаба.

Ўсимликни рангига караб етилганлигини аниқлаш мумкин. Ҳосили дон комбайнларда махсус мослама билан ўрилади. Сақланадиган уруғларни намлиги 13% дан ошмаслиги лозим

## Такрорлаш учун саволлар

- Нима учун қунгабоқар соя билан қўшиб экилади?
- Қайси даврда қунгабоқар силос тайёрлаш учун ўрилади?

## Рапс

**Аҳамияти.** Мойи озиқ—овқатда ва техникада қўлланади. Кузги рапснинг уруғ таркибида 32—50% мой, 23 % оқсил, баҳорги рапс таркибида эса 35—40% мой ва 21% оқсил сақланади. Рапсдан кўкат ҳам олинади. Кунжараси молларга юқори тўйимли озуқа сифатида берилади.

Уруғ ҳосили 1,5—2,5 т/га, кўкат ҳосили 15—25 т/га бўлади.

**Биологияси.** Бир йиллик ўтсимон ўсимлик, карамдошлар оиласига мансуб, кузги ва баҳорги биологик гурӯҳлари мавжуд. Совуққа чидамли, уруғи 1—3°C униб чиқади, майса —3—5°C га бардош беради. Намсевар, ёруғсевар экин, тупроққа талабчан эмас.



## 16 – Расм Рапс:

1—майсаси, 2—етук ўсимлиги, 3—гуллаган ва мевалаган шохчаси, 4—меваси, 5—уруги.

**Етиштириш технологияси.** Асосий ўтмишдош — тоза ва банд шудгор, бир йиллик ўтлар, дон экинлари, силоспоб экинлар. Бир экилган майдонга 4 йилдан кейин экиш мумкин. Ери тайёрлаш кузги дон экинларига ўхшаш. Ер юзини текис бўлиши талаб қилинади, чунки уруги майда.

**Ўғитлаш.** Бир тонна уруг етиштириш учун 50—60 кг азот, 25—35 кг фосфор ва 40—60 кг калий, 40—70 кг кальций сарфланади. Ўртача ўғитлаш меъёри 80—100 кг азот, 80—100 кг фосфор ва 40—50 кг калий. Ўғитлар ер хайдашдан олдин (фосфор, калий), экишдан олдин ва ўсув даврида солинади.

**Экиш.** Ёппасига қаторлаб ёки кенг қаторлаб, қатор ораси 30, 45, 60 см, экиш чуқурлиги 3—4 см бўлади. Экиш меъёри — ёппасига қаторлаб экилганда 3—4 млн дона, кенг қаторлаб экилганда 2,0—2,5 млн дона уруг экилади. Кузги рапс кузги дон экинлари билан бир вақтда экилади, баҳорги рапс баҳорги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Ўзбекистонда рапс оралиқ экин сифатида кенг экилмоқда.

**Парваришлаш.** Кузда экилгандан кейин мола босилади, 2 та чин барги чиққандан кейин культивация қилинади, 4—5та барги ривожланганда борона қилинади (ёппасига қаторлаб экилганда). Заараркунандаларга қарши экишдан олдин уруг дориланади (ТМТД—80%, 5—кг/т), ўсув даврида ҳашаротларга қарши карбофос 50% (0,6—0,8 л/га), сумицидин 20% (0,3 л/га) билан ишлов берилади. Баҳорда экилган рапс майсаланиш даврида борона қилинади, кенг қаторлаб экилганда культивация қилинади. Ҳосили дон йиғувчи комбайнлар ёрдамида йиғиб олинади, намлиги 8—10% бўлганда сақланади. Кўкат олиш учун кузда экилган рапс баҳорда гуллаган даврида ўрилади.

**Илдизи.** Ўқ илдиз, урчуқсимон, сершохли, яхши ривожланган. Кузги рапс кузда экилганда 5—9та баргдан ташкил топган тўпбарг ҳосил қиласи. Қишлиб чиққандан кейин поя чиқаради, гуллайди ва уруг ҳосил қиласи.

Баҳорги раВс баҳорда ва ёзда экилади ва шу йилнинг ўзида ҳосил олинади. **Пояси** — тик ўсади, кўп шохланади, ён шохлари яхши ривожланади, туксиз бўлади, баландлиги 100—150 см туп ҳосил қиласи. **Барглари** — бандли, туксиз, тўқ яшил рангли бўлади, патсимон, қийилган, 2—4та жуфт бўлакли, понасимон, кам тукланган. Пояда жойлашган ўрнига қараб барглар кертилган патсимон, чўзинчоқ—ланцетсимон, бутун барг бўлади, поясини ярмини ўраб туради. **Гултўплами** — ёйик шингил, гули тўрт бўлакли, оч сарик рангли, бир гултўпламида 25—40та гул бўлади. **Меваси** — қўзоқча, тўғри, эгилган бўлади, узунлиги 5—10 см, ингичка (3—4 мм), тумшуқчали бўлади, етилганда чатнамайди. Мевалари юқори томонга йўналган. **Уруғи** шарсимон, оч жигар рангдан қорагача бўлади, юзаси майда катакчали, 1000 тасининг вазни 3—7 г.

### Тақрорлаш учун саволлар

1. Рапсни оралиқ экин сифатида экиш мумкинми?
2. Рапс қайси оиласига киради.

### Хашаки карам

Хашаки карам муҳим силосбоп экинлардан биридир, тўйимлилиги бўйича кунгабоқардан қолишмайди. У крестдошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. Асосан кўкат ва силос тайёрлаш учун экилади. Кўкатининг 100 килограмми 15,7 озиқ бирлигига teng. Таркибида 2,5% оқсил, 8,8% азотсиз экстрактив моддалар, С, В витаминлари ва каротин бор. 1 кг кўкатида 33 мг каротин бўлади. Хашаки карамнинг таркибида 12—14% куруқ модда бўлади. Ҳосилдорлиги 500—1000 ц/га атрофида бўлади. Илдизи яхши ривожланган, поясининг йўғонлиги 3—5 см. Барглари мум ғубор билан қопланган, поя ва барглари яшил, гоҳида бинафша рангли доғлар бўлади. Иккинчи йили барг қўлтиқларидан гуллар ўсиб чиқади. Тўпгули шингил, меваси чатнаб кетмайдиган қўзок, уруғи майда, 1000та уруғнинг вазни 3—5 г келади.

Уруғи 5—6°C да униб чиқади. Майсаси —5—7° га чидайди. Хашаки карам тупроққа талабчан. У унумдор, сув билан таъминланган, ботқоқланмаган, механик таркиби ўртacha бўлган ерларда юқори ҳосил

беради. У ўғитга талабчан, шунинг учун албатта миңеарл ўғитлар берилиш керак. Ўсиш даври 140—160 кун, иккинчи йили 8090 кунни ташкил қиласиди.

### **Етиштириш технологияси**

Хашаки карам уруғи ва кўчатидан ўстирилади. Уруғидан ўстирилганда кенг қаторлаб, қатор ораси 60—70 см қилиб экилади. Уруғ экиш меъёри 2—3 кг/га, экиш чуқурлиги 1,5—2 см.

У эртаги дон экинлари билан бир вақтда экилади. Кўчат билан ўстирилганда кўчат 15—25 майда далага экилади. Кўчатлар ўсимлик 34та барг чиқарганда СКН—6 маркали машинада гектарига 40—50 минг туп қалинликда қатор ораси 70 см қилиб экилади. Вегетация даврида қатор оралари юмшатилади, 3—4—та барг чиқарганда ўсимликларнинг орасини 30—40 см қилиб ягана қилинади, бегона ўтлар йўқотилади, тупроқ намлигини ҳисобга олиб сугорилади.

Ўғитлаш меъёри гектарига 40 тонна гўнг, 60—90 кг дан таъсир этувчи модда ҳисобига азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар солинади. Баҳорда экилган хашаки карам ёз ойларига бориб йўғон, баландлиги 100—120 см келадиган поя ва кўплаб йирик барглар ҳосил қиласиди. Бу ҳолда кузгача сақланади, декабрга бориб барги тўкилади. Хашаки карам август ойида уруғидан ёки кўчатидан ўстирилганда ҳам яхши поя ва кўп барг ҳосил қиласиди, яхши қишлиб чиқади, баҳорда март ойларида ўсиши давом этади, апрель ойида гуллайди ва июнь ойида уруғи етилади.

Кўкати совуқ тушишидан олдин ўроқ машиналарида ўриб олнади. Карамнинг кўкати бошқа ем—хашак экинлари билан силос қилинади. Музлаган силос тўйимлилигини йўқотмайди. Силослаш учун Мингбош карам нави, кўкат учун Мазговаяя нави қулайдир.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистонда хашаки карам экиладими?
2. Хашаки карамнинг силосида қанча о.б. бор?
3. Хашаки карамнинг навларини айтинг.

## **2 – Амалий машғулот**

**Топширик.** Тугунакмевали, илдизмевали, полиз ва силосбоп экинларнинг тузилишини ўрганиб олиш ва турларини ажратиш.

**Талаб қилинади.** Ўсимлик намуналари, гербарий, уруғ, сават, расм ва услубий кўргазмалар.

Ширали озуқали экинларнинг ўсимликларидан уларни ажрата билиш лозим. Бунинг учун ўсимлик намуналари ва гербарийларидан фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги мисолларни ечинг: 1. Хашаки лавлагидан 600 центнер илдизмева ва 200 центнер барг ҳосили олинган бўлса, илдизмеванинг, баргнинг ва умумий озуқа бирлигини ҳисобланг.

2. Кartoшкани уюмда сақланганда уюмнинг кенглиги 3 метр, баландлиги ҳам 3 метр, узунлиги эса 10 метр бўлган. Kartошка уюмининг ҳажмини аниқланг.

3. Xўжаликдаги чорва ҳайвонларига йил давомида 1200 тонна силос керак бўлади. Бунинг учун маккажўхори ва кунгабоқарни силос учун экиб, 800 центнердан кўк масса олишни режалаштирилган. Бу хўжалик неча гектар ерга маккажўхори ва кунгабоқарни силос учун экиши керак?

### **2.5. ЕМ—ХАШАК ЎТЛАР**

#### **Ем—хашак ўтларнинг умумий тавсифи**

Ем—хашак учун экилган ва яйловларда, пичанзорларда ўсадиган ўтлар муҳим амалий аҳамиятга эга. Бу ўтлар қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун хилма—хил тўйимли ем—хашак манбаидир. Чорвани хилма—хил тўйимли озуқага бўлган талаби табий яйловлардан, пичанзорлардан ва маҳсус экилган ем—хашак ўтлардан тайёрланган озуқалар билан қопланади. Ем—хашак экинларнинг орасида ем—хашак ўтлардан тўйимли озуқалар тайёрланади: кўкат, пичан, силос, витаминли ун, сенаж. Бу озуқаларнинг таркибида ҳайвонлар ҳаёти учун зарур бўлган витаминлар, оқсил моддалар, мой, минерал тузлар мавжуд.

Ўтлар тупроқни чиринди билан бойитади, унинг сув—физик ҳоссаларини яхшилайди. Натижада тупроқнинг унумдорлиги ошади. Ем—хашак ўтлар бошқа қишлоқ хўжалик экинлари учун яхши ўтмишдош бўлади.

Ем—хашак ўтлар гурӯҳига дуккакли, қўнғирбошли ва бошқа оиласа мансуб экинлар киради. Яшаш муддати жиҳатидан улар кўп йиллик ва бир йиллик дуккакли, қўнғирбошли ўтлар (ҳамда бошқа оиласа мансуб экинлар) бўлади.

### **Кўп йиллик дуккакли ўтлар**

Дуккакли ўтларни моҳияти уларнинг биологик хусусияти билан боғлиқ— бу дуккакли ўсимликларнинг ҳаво азотини ўзлаштириб тупроқда азот тўплаш хусусиятидир. Энг муҳим биологик хусусияти шундаки, бу ўтлар биологик азот тўплайди. Кўп йиллик дуккакли ўтлар 2—3 йилда бир гектарда 200—400 кг азот ва анча илдиз қолдиқларини тўплайди. Бир гектардан бошқа ўтларга нисбатан 2—3 марта кўп, ўртача 2,5—3,0 т оқсил тўплайди. Шунинг учун дуккакли ўтлардан энг тўйимли озуқалар тайёрланади. Дуккакли ўтларнинг таркибида юкори сифатли оқсил тўпланади, унда ҳаёт учун зарур аминокислоталар мавжуд, шу туфайли бу оқсил яхши ҳазм бўлади, улардан тайёрланган озуқалар шунинг учун осон ҳазм бўлади. Дуккакли ўтлар кўп йиллар давомида анча қўкат ҳосилини тўплайди. Тупроқни шамол ва сув емирилишидан сақлайди, айниқса баҳор ва куз ёғингарчилик пайтида. Бу экинлар иқтисодий самарага эга, чунки ҳар иили экилмайди, уруғ талаб қилинмайди, ер ҳар иили хайдалмайди, қатор ораси ишланмайди. Аммо бу ўтлар тупроқ муҳитига талабчан, тупроқда фосфор, калий, молибден бўлишини талаб қиласи, уруғчилиги анча қийин.

Минерал азот кўп ишлатилса, тупроқ микрофлораси фаоллашиб органик йиғиндини минерал моддаларга айлантириб тупроқнинг таркибидаги чириндени камайтиради ва оқибатда унумдорлиги пасаяди. Азотнинг ортиқча қисми сизот сувларига етиб боради. Дуккакли ўтлар экилганда шу жараён кузатилмайди.

Дуккакли ўтлар ўрилгандан кейин яна қайта ўсиб чиқади, шунинг учун бир неча марта ҳосил олиш мумкин. Дуккакли ўтлар ўрилгандан кейин ўсиш бошланишидан шоналаш ва гуллаш давригача қўкат миқдори тез кўпайиб боради. Гуллаш давридан бошлаб бу жараён сустлашади, қўкат таркибида азот камайиб боради. Ўсимликдаги озиқ моддалар илдизизда тўпланади. Бу қишлиб чиқишига ёрдам беради. Гуллаш даврининг бошланишида қўкат таркибида 14—18% оқсил бўлади. Гуллаш даврини охирида унинг миқдори камаяди, клетчатка кўпаяди, озиқ сифати пасаяди.

Уруғи бир вақтда етилмайди, етилгани тўкилади. Уруғнинг унувчалигини сақланиши ҳар хил бўлади. Баргакда 1—2 йил сақланади, сариқ қашқарбедада 16—17 йил сақланади, бедада 3—7 йил, қизил себаргада 3—4 йил сақланади.

## 11—жадвал

### Ем хашак ўтларининг тўйимлилиги

Озуқа ва экин турлари	1 кг озуқа таркибида				
	Озуқа бирлиги, кг	Хазм бўладиган оқсил, г	Кальций, г	Фосфор, г	Каротин, мг
Кўкат— беда	0,21	27	3,8	0,7	40
Қизил себарга	0,17	36	6,4	0,6	50
Баргак	0,18	28	2,4	0,6	65
Пичан— Беда	0,52	79	9,3	2,2	25
Қизил себарга	0,49	116	17,7	2,2	45
Баргак	054	106	11,0	2,5	25

Дехқончиликда ўтларнинг аҳамияти ҳам катта, чунки бу ўсимликлар дала экинлари учун энг яхши ўтмишдош бўла олади, тўпроқда чиринди кўпаяди, тупроқнинг сув—физиковий, кимёвий ҳолати яхшиланади, шўрланиш камаяди, тупроқ емирилишини ҳам камайтиради.

Уруғчилиги қийин бўлганлиги туфайли дуккакли ўтларнинг экин майдонини кенгайтириш анча мураккаб. Дуккакли ўтлар уруғи бир вақтда

етилмайди, эрта етилгани тўкилади. Ҳосилни йиғиш муддати экинлар бўйича ҳар хил бўлади.

## Беда

**Аҳамияти.** Беда Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиёнинг сугориладиган ерлирида кўп экиладиган кўп йиллик серҳосил дуккакли ем—хашак ўсимликлардан биридир. Беда ўсимлигидан хилма—хил озуқалар тайёрлаш мумкин. Бу озуқалар тўйимлилиги билан ажралиб туради. Бир килограмм кўкати таркибида 0,20 озиқ бирлиги ва 30 г ҳазм бўладиган оқсил, 1 кг пичанида 0,47 озиқ бирлиги ва 90 г оқсил бўлади. Беданинг таркибида ҳайвонлар учун зарур бўлган кальций, фосфор, осон ҳазм бўладиган оқсил, ҳайвонлар ҳаёти учун зарур бўлган витаминалар А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, Д, С, Е, К мавжуд. Беданинг кўкати серсув, таркибида 70—75 % сув бўлади моллар тез ўсади, суяги бақувват бўлади.

Беда агротехник аҳамиятига ҳам эга. Беда бир гектар ерда 250—340 кг азот ва 150—184 ц илдиз қолдиқларини тўплайди. Беда экилган ерларда тузларнинг миқдори камаяди, тупроқ таркибида 1,58% гача чиринди кўпаяди. Сугориладиган маданий яйлов барпо этишда беданинг роли катта.

Беда мелиоратив ўсимлик ҳамдир, чунки беда экилган ерларда тузларнинг миқдори камаяди, бу беда қалин экилиб тупроқ юзасидан буғланишни анча камайишига, тузнинг бир қисми ҳосил билан кетишига, беда сугорилганда тузларнинг ювилишига ва беданинг илдизи чуқур қатламларига сувдан фойдаланганлиги туфайли сизот сувлар юқорига кўтарилимаслигига боғлиқдир.

Беданинг ҳосилдорлиги тупроқ—икклим шароитига, этиштириш технологиясига, навнинг биологиясига боғлиқдир. Биринчи йил бедадан ўртacha 20—40 ц пичан олинади, 2—3 йиллик бедадан 80—120 ц пичан олинади. Илгор технология кўлланса, 150—200 ц пичан этиштириш мумкин. Уч йил мобайнида маҳаллий Хоразм бедаси навидан 549,1, Вахш—233 навидан 645,1, Тошкент—721 навидан 607,4, Узген навидан 631,6 ва Тошкент—3192 навидан 637,4 ц/га пичан олинган. Лалми ерларда беданинг

хосилдорлиги сув билан таъминланишига боғлиқ. Тоғли зонада бедадан 50—60 ц, текислик—тепалик зонасида 12—18 ц пичан етиштириш мумкин.

Беда уругининг ҳосили селекцион навларида 4—6 ц. Ишлаб чиқариш шароитида уруг ҳосили кам, ўртача 0,8—1,5 ц.

**Тарихи.** Беда қадимдан экиб келинган, кенг тарқалган экиндир. Илк бор беда эрамиздан 5 минг йил илгари Ўрта Осиёда ва Кавказда экилган. Бундан илгари беда Хитой, Хиндистон, Эрон, Греция, Италия ва Шимолий Африкада тарқалган. Кейинроқ бу ўсимлик Европанинг бошқа зоналарига, Шимолий ва Жанубий Америка ва Австралияга тарқалган. Беданинг ватани Осиё минтақаси ҳисобланиб, ҳозир ер юзида беда 30 млн га ерга экилади. Ўзбекистонда 200 минг га ерга экилади.

**Биологияси.** Беда дуккаклилар оиласига мансуб бир, икки ва кўп йиллик ўсимлиkdir. Энг кўп экиладигани кўк беда. Бу кўп йиллик ўсимлик.

*Иссиқликка бўлган талаби.* Уруғи 1—3° униб чиқади, ўртача ҳарорат 18—20°. Ҳарорат 30° ошса уруғнинг униб чиқишига ноқулай шароит вужудга келади. Майсаси 6° совуққа чидайди. Қишида қор қалин бўлса беда 40° совуққа чидайди, ўртача қишлиб чиқади. Беданинг қишлиб чиқиши ва совуққа чидамлилиги кўпинча етиштириш шароитига боғлиқ. Экиш муддати охирги ўримни ўриш вақтига боғлиқdir. Баҳорда беда 5—7° да ўса бошлайди, қайта ўсишдан гуллаш давригача беда тахминан 800° фаол ҳарорат талаб қилади.

Намсевар, уруг бўртиши учун 100—120% сув сарфлайди, ўсиш даврида тупроқ намлиги 70—75 % бўлиши керак. Бир грамм қуруқ модда ҳосил қилиш учун беда 700—800 г. сув сарфлайди. Илдизи яхши ривожланганлиги учун беда тупроқнинг чуқур қатламидан сув ўзлаштира олади, шунинг учун лалми ерларда экилади. Куннинг иссиқ пайтларида бир қисм баргларини тўқади, ўсишдан тўхтайди, бироқ ёғингарчилик бошланганда ёки суғорилганда ўсиш яна давом этади. Шунинг учун беда лалми ерларда ҳам экилади.

Беда ёруғсевар узун кун ўсимлиги, ёруғлик даври 16—17 соат давом этганда яхши ривожланади. Беда қопловчи ўсимликлар билан экилса, секин ўсади ва суст ривожланади.

Беда тупроқдан кўп озиқ ўзлаштиради, чунки у серхосил ўсимлиkdir. Бир тонна пичан етиштириш учун 26 кг азот, 6,6 кг фосфор ва 15 кг калий сарфлайди. Унумдор, ғовак, шўрланмаган, ботқоқланмаган ва сувлари чуқур жойлашган тупроқларда яхши ўсади. Муҳити pH 6—7,5 бўлган тупроқларни талаб қиласди. Тупроқ муҳити pH—5 бўлса илдизда тугунуклар ривожланмайди, pH 8 ва ундан ортиқ бўлса, тупроқни, албатта ювиш керак бўлади. Бедани ўсиш ва ривожланиш даврига қараб шўрга чидамлилиги ўзгаради: майсаланиш даври 0,2%, шоналаш даврида 0,6%, биринчи ўримдан кейин 0,66 дан ортиқ тузларга бардош бера олади. Беда экилган жойга 5—6 йилдан кейин экилади.

Яхши шароитда экилган беда 5—6 кунда униб чиқади, майса майда бўлади, қатқалоқ бўлса кўп нобуд бўлади. Майса кўрингандан 3—4 кундан кейин биринчи чин барги кўринади, ўсимлиқда 15—20 чин барг чиқади. Навбатдаги барглар ҳар 4—5 кунда пайдо бўлаверади. Майсаланишдан 40—60 кун ўтгач шоналаш даври бошланади, яна 10—15 кундан кейин гуллайди. Беда пастдан юқорига, марказдан атрофга қараб гуллайди. Баҳорда экилган беда 90—110 кунда гуллайди, 140 кунда уруғи етилади. Экиш муддати, йилига, ўримиға қараб ҳар бир ўрим 25—65 кунда етилади.

Ўзбекистонда маҳаллий ва селекция навлари экилади, маҳаллий географик намуналари кенг тарқалган.

Беда баҳорги ўсимлик, экилган йили 2—4 ўрим беради, 2—3 йилги беда 5—7 ўрим беради, 2—ўримдан бошлаб уруғ беради. Иккинчи учинчи йилги беда биринчи ўримини 60—70 кунда, иккинчи ўримини 40—50 кун, ёзги ўримлари 28—35 кунда, кузги ўримлари 35—45 кунда етилади.

Уруғдан битта поя ўсади, кейинги поялар илдиз бўйинидаги куртаклардан ўсади. Бир гектар бедада 40—50 гектар барг юзаси шаклланади. Биринчи йилги бедада майсаланиш, шохланиш, шоналаш, гуллаш ва пишиш

даврлари кузатилади, иккинчи ва кейинги бедаларда: қайта ўсиш, пояни ўсиши, шоналаш, гуллаш, пишиш дааврлари кузатилади. Гуллаш даври анча давом этади, шунинг учун уруғ пишиши ҳам бир вақтда бўлмайди.

Навлари: Хива бедаси, Тошкент — 3192, Тошкент — 1, Тошкент — 2009, Аридная. Беданинг маҳаллий ва селекцион навлари мавжуд. Марказий Осиёнинг тупроқ—иқлим табиий шароитлари ҳар хил бўлганлиги учун шу шароитга мослашган бедани маҳаллий навлари шаклланган, масалан, Хоразм бедаси, Олмаота бедаси, Марҳамат бедаси, Самарқанд бедаси, Туркман бедаси, Туркистон бедаси, Хоразм бедаси, Сурия бедаси, Араб бедаси.

### **Етиштириш технологияси**

**Асосий ўтмишдоши.** Ўзга, каноп, шоли, маккажўхори, бошоқли дон, полиз, сабзавот экинлари. Бир экилган ерга беда 5—6 йилдан кейин қайта экилади. Беда экиш учун ер кузда хайдалади. Кузги шудгорлаш ишлари эса ўтмишдош экин турига боғлиқ бўлади. Тупроқ намлигини ҳисобга олиб ўтмишдош экинни ҳосил йиғиширилгандан кейин суғориш ҳам мумкин, бундан кейин ерни ишлаш осон бўлади. Ер 25—27 см чуқурликга экилади, баҳорда борона қилинади, бегона ўтлар кўп бўлса ёппасига культивация қилинади, кейин борона ва талаб қилинса мола юргизилади.

**Ўғитлаш.** Беда серхосил ва кўп ўримли ўсимлик бўлганлиги учун тупроқдан анчагина озиқ моддаларни ўзлаштиради. Озиқ моддалар етарли бўлса, беда яхши ва тез ўсади. Ер ҳайдашдан олдин минерал ва органик ўғитлар ҳамда 10—15 т/га гўнг солинади. Чириган гўнг солинганда ҳосил 30—40% га ошади. Кўпинча органик ўғит ўтмишдош ўсимликка солинади. Бунда ҳам унинг таъсири сезиларли бўлади.

Тупроқ тури ва унумдорлигига қараб ўртача 90—150 кг фосфор ва 50—100 кг калий сарфланади. Иккинчи ва учинчи йили 60—90 кг фосфор ва 30—45 кг калий сарфланади. Тупроқ таркибида азот етарли бўлмаса 50 кг азот экишдан олдин солинади. Азот бу меъёрдан кўп ишлатилса биологик азот тўпланмайди, экинни афзаллиги йўқолади.

Бедани парваришилашда микроэлементлардан фойдаланиш тавсия қилинади, айникса, молибден, бор, марганец. Микроўғитлар бошқа минерал ўғитларга ёки урукқа аралаштирилиб солинади. Молибденли ўғит сифатида молибденли аммоний, борли ўғит сифатида 11% соф бор, 17% борат кислотаси, марганецли ўғит сифатида 14—16% соф моддаси бўлган марганецли шлак ишлатилади. Бир гектар ерга молибденли аммоний — 1 кг, бор — 2—4 кг, марганец — 10—15 кг сарфланади.

Беда шўрланган тупроқларда экилган бўлса, шўри албатта ювилади. Беда экиладиган ер текис ва тоза бўлиши лозим.

Беда қадимдан экиб келинган Ўзбекистон тупроқларида бедага мослашган маҳсус тугунукли бактериялар етарли, беда илдизида тугунуклар яхши ривожланади, аммо айрим ҳолда беда уруғи маҳсус тугунукли бактериялар билан аралаштирилиб экилса, илдизида тугунуклар кўп бўлади, бу азот яхши тўплинишига олиб келади. Бир гектарга экиладиган урукқа нитрагин билан ишлов берилса, беда ҳосилдорлиги ошади.

**Экиш.** Экиш учун уруғ тайёрланади. Давлат андозалари бўйича кўк беда уруғининг тозалиги 92—98%, унувчанлиги 70—95% бўлиши керак. Зарпечак ва какра уруғидан маҳсус “Кускут” ва ЭМС—1 сараловчи электромагнит машиналарида тозаланади. Беда баҳорда, ёзда ва кузда экилади. Лалми ерларда кузда ёғингарчилик олдидан экилади. Ўзбекистоннинг тупроқ—икклим шароитини ҳисобга олиб, беда жанубий вилоятларда февралнинг охирида, марказий вилоятларда — мартнинг биринчи ўн кунлигига ва шимолий вилоятларда — мартнинг иккинчи ўн кунлигига экилади.

Экиш усули ва меъёри. Беда соф ҳолда ёки бошқа ем—хашак ўсимликлар билан қўшиб экилади. Беда соф ҳолда оддий дон экадиган сеялкада, гектарига 12—16 кг дан 2—3 см чуқурликка ёппасига қаторлаб экилади. Экилган йили бедани биринчи ўримидан кам ҳосил олинади, шунинг учун ҳар хил ўсимликлар билан қўшиб экилади. Беда баҳорди ёки кузда қопловчи ўсимликлар: хашаки буғдой, арпа, сули, жавдар, тритикале билан

кўшиб экилади. Бедани гектарига 14—16 кг, дон экинларини эса 40—60 кг миқдорида экиш тавсия этилади.

Бу аралашма ёппасига қаторлаб экилади, қатор ораси 13—15 см бўлади, экинлар қатор алмасиб жойлашади, дон—ўт экадиган сеялкада экилади. Беда бир йиллик дуккакли ўтлар шабдар ва берсим билан ҳам қўшиб экилади. Бу ўсимликларнинг экиш меъёри 8—10 кг беданини 10—12 кг. Беда судан ўти билан қўшиб экилади. Беданинг экиш меъёри 16—20 кг, судан ўти 12—14 кг экилади. Беданинг биринчи йилги ҳамма ўримида судан ўти бўлади, чунки у ҳам кўп ўримли ўсимлиқдир. Гектаридан олинадиган ҳосил анча кўпаяди ва етиширилган кўкат ёки пичан таркибида оқсил ва озуқа бирлиги нисбати зоотехния талабига тўғри келадиган бўлади. Беда кўп йиллик дуккакли ва қўнғирбош ўтлар билан ҳам қўшиб экилади. Ўзбекистонда кўпинча бедага қизил себарга, баргак, қашқарбедаси, буғдойиқ, оқ сўхта, мастак каби ўсимликлар қўшиб экишга тавсия қилинган. Бу аралашма маданий суғориладиган яйлов барпо этиш учун тавсия қилинади. Бедани ўсиб турган маккажўхори, оқ жўхори ва ғўза қатор орасига экиш ҳам мумкин, аммо бунда ҳосили анча камаяди. Бу экиш усули кам кўлланилади.

**Парвариш қилиш.** Беда намсевар ўсимлик, шоналаш давригача тупроқ намлигига талабчан бўлади. Нам етарли бўлса кўп ҳосил олиш мумкин. Суғориш сони, меъёри, муддати беданинг ёшига, ўримига, тупроқ—иклим шароитига, сизот сувларининг сатҳига боғлиқ. Биринчи йилги беда учинчи йилдагига нисбатан сувни кам талаб қиласи. Баҳорда экилган беда 45—60 кунда биринчи ўримгача 2—3 марта суғорилади. Биринчи ўримдан кейин биринчи ва кейинги йилги бедазорни суғоришда фарқ бўлмайди. Сизот сувлари чукур жойлашган енгил тупроқларда беданинг ҳар ўрими 3 марта суғорилади, сизот сувлари 2 м дан юқори жойлашган нами етарли тупроқларда беда 2 марта суғорилади. Ўришга 5—6 кун қолганда суғорилади, кейин ер тобига келганда ўрилади, ўрилган кўкат даладан ташиб чиқарилгандан сўнг дарҳол суғорилади, шунда навбатдаги ўрим тез этилади. Беда кўпинча бостириб суғорилади, бироқ бунда ер бети зичлашади,

қатқалоқ босади, сув кўп сарфланади, тупроқнинг ҳаво режими бузилади. Бедани эгат олиб суғориш яхши натижа беради. Эгат чуқурлиги 12—14 см, эгатлар ораси 60—90 см бўлади. Эгатлар то бедапоя бузилгунча сақланиши керак. Суғориш миқдори гектарига 600—700 ёки 80—1000 м<sup>3</sup>. Беда ўрим пайтида икки марта суғориладиган бўлса, биринчи сув ўрилгандан кейин, иккинчи сув шоналаш даврида берилади. Беда ўрими уч марта суғориладиган бўлса, биринчи сув ўришдан кейин, иккинчи сув шоналаш даврида ва учинчи сув ўришга 5—6 кун қолганда берилади. Озиқ етиштириш учун режалаштирилган ўримларда тупроқ намлиги дала нам сифимига нисбатан 75—80% бўлиши керак. Беда эгат олиниб суғорилади. Суғориш меъёри 800—1000 м<sup>3</sup>/га.

Беда режага асосланиб қўшимча озиқлантирилади. Баҳорда борона ёки диск юргизилади ва талаб қилинганда зааркунандаларга қарши чоралар кўрилади. Бедада фитономус, уруғхўри ва тугунук узунбурууни кўп учрайди. Фитономус бедага катта заар келтиради, унга қарши 50% ГХЦГ 0,6—0,8 кг, 30% фозалон 1,6—3,3 кг ва карбофос 50% 0,2—0,6 л/га (бу препаратлар ўрнига рухсат қилинган янги препаратлар қўлланиши мумкин) пуркаланади ва муддатидан олдин ўрилади. Уруғхўрига қарши ўсиш даврида 80% дилорон, 3—5 кг/га, 50% карбофос 0,2—0,6 л/га, 80% хлорофос 0,8—1,5 л/га дан фойдаланилади.

Бедазорларда аскохитоз, занг касаллиги ун—шудринг ҳам учрайди. Бу касалликларга ҳам чора кўрилади. Ун—шудринг беданинг барча ер устки қисмини заралайди. Ёзда беда баргларида оқ ғубор пайдо бўлади ва у тез ривожланади, беда кул ранг тусга киради. Кураш чораси: гектар ҳисобига 1500—2000л 0,5% ли оҳак—олтингугурт қайнатмасини пуркаш ёки олтингугуртга бир қисм оҳак кукуни аралаштириб чангаш керак. Орадан 10—15 кун ўтгач бу иш такрорланади.

Занг касаллиги кузда авж олади. Занг касаллиги билан беданинг барча ер устки қисми заарланади. Касалланган бедада майда юмалоқ қўнғир тусли доғлар пайдо бўлади. Ўсиш даврида бедазор 1% ли бардос эритмаси билан

пуркаланади.(12—15кг). Орадан 10—15 кун ўтгач яна тақрорланади. Агротехника чораларидан бедани вақтида ўриш бегона ўтларни йўқотиш, яхши натижа беради.

Беда кўкат ва пичан тайёрлаш учун шоналаш—гуллаш даврида ўрилади. Навбатдаги ўримлар ҳардоим ҳархил даврларда ўрили керак. Беда ер юзидан 5 см. баландликда ўрилади. Охирги ўримидан то бедапоя хайдалгунча бедазорда мол боқиши мумкин.

Беданинг биринчи ёки иккинчи ўримидан уруғ олинади. Уруғ оладиган ўрими кам суғорилади. Кўпинча уруғ иккинчи йили иккинчи ўримидан олинади, дуккакларининг 70% етилганда ўрилади, қуритилади, янчилади, тозаланади ва 13—14% намлиқда яхши сақланади.

**Бедани ўриш.** Бедани ўз вақтида ўриб олиш энг муҳим тадбирлардан биридир, чунки олинадиган ҳосил ва озиқнинг сифати, тўйимлилиги ўриш муддатига боғлиқ. Беда таркибидаги органик моддаларнинг микдори унинг ривожланиш даврига, ёшига ва навига боғлиқ. Беда навига, ёшига, ўсув даврининг давомийлигига қараб жанубий туманларда 5—7, шимолий туманларда 3—5 марта ўриб олинади. Бедани гуллаш даври бошларида ўриш тавсия қилинади. Аммо бу давр озуқани энг сифатли бўлган даври ҳисобланади. Поя ўсиш даврида бедада ёшига қараб 21,4—25,4% оқсил мавжуд, 10% шонага кирганда 19—22,1%. 50% шонага кирганда 18,3—19,3%, 10% гуллаш даври бошланганда 17,9—16,8%, 10% гуллаганда 15,8—15,4% бўлади. Шоналаш даврининг бошланишида кўкат сифати юқори бўлгани билан ҳосил юқори бўлади. Шу ўзгаришларни ҳисобга олиб, энг қулай ўриш муддати аниқланиши лозим. Беданинг ҳамма ўримларини бир даврда ўриш мумкин эмас, чунки бундай ҳолда беда яхши ривожланмайди, сийраклашади.

Беда ер юзидан 5—6 см баландликда ўрилади, бу бегона ўтларни ҳам йўқ қилишга ёрдам беради. Беда тиргакли ёки (КПТ—6, КС—2,1, КУФ—1,8, КПВ—3) осма механизмлар ёрдамида ўрилади. Ўрилган беда ёзда 2—3 соат, кузда ва баҳорда 5—6 соатдан кейин ГК—1, ГБУ—6 хаскаш билан йигилади ва қуритишга ёйилади. Намлиги 35% гача камайганда беда сақланадиган

жойларга ташилади ғарамланди, сақланадиган беданинг намлиги 17—20% бўлади. Беда қуритилиб майдаланади, прессланади.

**Бедапояни ҳайдаш.** Охирги ўримдан кейин то ҳайдаш муддатигача бедапояда мол боқиш мумкин. Кейин маҳсус юмшатгич (лушчилник) ёки отвали олинган оддий плугда 58 см чуқурликда ҳайдаш лозим, бунда беда илдизи қислади, ўсишдан тўхтайди, қурийди. ОРадан 10—15 кун ўтгач 23—30 см чуқурликда П—5—35—Эш русумли плугда икки ярусада ҳайдаш лозим, бунда беданинг қайта ўсиб чиқиши анча камаяди. *Одатда беда 2—3 йилдан кейин ҳайдалади, лекин беда яхши парваришланган бўлса кўп йиллар давомида яхши ҳосил беради.*

**Беда уруғчилиги.** Амалда олинаётган беда уруғининг ҳосили унинг биологик имкониятига нисбатан олинган. Уруғ етиштириш учун беда маҳсус экилади ёки эски бедаларнинг 1—2 ўримини уруғга қолдирилади. Уруғ олиш учун беда маҳсус экиладиган бўлса, беда кенг қаторлаб экилади. Уруғ экиш меъёри 6—8 кг/га, экиш чуқурлиги 2—3 см. Маҳсус экилган ерларда икки ўримдан ҳам уруғ олинади. Ўсиш даврида қатор ораси 2—3 марта юмшатилади. Уруғ етиштириладиган бедапояларда тупроқ намлиги ўртacha 65% бўлади. Бу намликни яратиш учун беданинг биринчи ўрими бир марта суғорилади, иккинчи ўрими икки марта суғорилади. Албатта, бу сизот сувларинин жойлашиш чуқурлигига боғлиқ. Суғориш миқдори 600—700 м<sup>3</sup>/га. Уруғ етиштириш учун фосфорли ва калийли ўғитлардан тупроққа ишлов беришда ёки ўсув даврида солинади. Микроўғитлардан бўр кўпроқ қўлланилади, у гектарига 2—3 кгдан минерал ўғитларга қўшиб солинади.

Эски бедапояларнинг биринчи ёки иккинчи ўрими уруғ учун қолдирилади. Биологик хусусияти бўйича биринчи ўрим уруғга қолдирилгани маъқул, аммо баҳорда фитомномус билан беда кўп зарарланади, ёғингарчилик кўп бўлган йиллари беда кўп ўсан бўлади, бегона ўтлар ҳам кўп бўлади, шунинг учун ишлаб чиқаришда кўпинча беданинг иккинчи ўрими уруғга қолдирилади. Бу ҳолда беданинг биринчи

ўрими муддатидан олдинроқ ўрилиши мумкин. Уруғ олиш учун бедапояларни тури сийраклашган, сув тўпланиб қолмайдиган, ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонлар танлаб олинади. Уруғлик ўримда меъёрда минерал ўғитлар юқорида айтилган миқдорда солинади, сугорилади. Дуккаги 78—80% кўнғир тусга кирганда дон комбайн ёрдамида ўрилади. Агар комбайн бўлмаса ўроқ машиналарида ўрилади, қуритилади, янчилади, тозаланади. Тозалангандан сараланган уруг намлиги 13—14% бўлганда яхши сақланади. Дуккаги тўкилмаслиги учун беда эрталаб ўрилгани маъкул.

**Лалми ерларда беда етиштириш.** Лалми ерларда ҳам беда муҳим юқори сифатли, серҳосил ўсимлиқдир, беданинг яхши ривожланган илдизи тупроқнинг чуқур қатламларидаги сувни ўзлаштириб яхши ривожланади ва табиий пичанзорларга нисбатан юқори ҳосил беради. Лалми ерларда ўртача гектаридан 10—30 ц пичан ва 1,5—2,5 ц уруғ олинади.

Лалми ерларда беданинг экма тури тарқалган, яшаш муддати 20—25 йил, одатда 4—5 йил яшайди. Нам етарли бўлган йиллари 12 йилгача қониқарли ҳосил олинади. Биринчи йили беда секин ўсади, баландлиги 25—50 см бўлади. Иккинчи ва кейинги йилларида беда эрта баҳорда ўса бошлайди, баландлиги 60—100 см гача етади, 10—20 майда гуллайди. Олди ва тоғ лалми ерларда ҳам иккинчи ўрим олиш мумкин. Беда, албатта, шудгорланган ерга экилади. Ер 23—25 см чуқурликда шудгорланади. Шудгорлашдан олдин бегона ўтларнинг турига ва сонига қараб тупроқ юза 4—5 ёки 8—10 см чуқурликда ҳайдалади. Эрта баҳорда намни сақлаб қолиш учун борона қилинади. Экишдан олдин мола бостирилади. Кузги ҳайдашдан олдин гектарига 50—60 кг дан фосфор солинади.

Беда эрта баҳорда (февраль—март) ёппасига қаторлаб экилади. Нам кам ерларда қатор ораси 30 см бўлади. Уруғ экиш меъёри гектарига 8—12 кг. Беда соғ ҳолда экилади. Экиш чуқурлиги тупроқнинг намлигига қараб 1,5—4 см бўлади.

Қатқалоқ ҳосил бўлса майсалар униб чиққунча ер енгил борона қилинади. Биринчи йили беда секин ўсади, бегона ўтлар ичидаги сиқилиб қолади. Бегона ўтларни йўқ қилиш учун беда июль ойидаги жуда паст ўриб олинади. Иккинчи ва учинчи йилги беда эрта баҳорда бороналанади, анча эски бедапоялар дискаланади. Бороналангандан кейин тупроқ юмшайди, нам яхши сақланади, бегона ўтлар камаяди, беда яхши шохлайди. Ем—хашак учун етиширилган беда гуллаш даврининг бошланишида ўрилади. Барг тўкилиб кетмаслиги учун тез йигиб олиниши керак. Туп сони сийраклашган ( $1\text{ m}^2$ —14—20 туп) бегона ўтлардан тозаланган бедапоялар уруғга ажратилади. Уруғ факат биринчи ўримидан олинади. Дуккаги 80—90% қорайганда комбайн билан йиғишириб олинади.

### 3 – амалий машғулот

#### Беданинг морфологияси

**Топшириқ.** Беда ўсимлигини тузилишини ўрганиб олиш, морфологик белгиларини аниқлаш нав ва турлар бўйича.

**Талаоб қилинади.** Ўсимлик намуналари, гербарий, уруғ, дуккаклар, расмлар, ўқув қўлланма, лупа, тарқатма материал.

**Илдиз.** Ўқ илдизли, яхши ривожланган, сершоҳ, тупроққа 2 м дан ортиқ чуқурликка кириб боради. Илдизининг ён томонларига шохланиши ўсимлик турининг шаклига боғлиқ. Пояси тик ўсадиган турларида илдизининг ён шохлари тупроқнинг ҳайдалма қатламидан пастроқ жойлашади. Пояси чирмасиб ўсадиган турларида ён шохлар ҳайдалма қатламда жойлашади. Илдизининг йўғонлашган қисми **илдиз бўйни**, унинг юқори қисми **илдиз бошчаси** дейилади. Илдиз бошчасида поя чиқарадиган куртаклар жойлашади. Кўп йиллик бедада илдиз бошчаси чуқурроқ жойлашади, экиннинг совуққа чидамлилиги ошади.

**Пояси** — ўтсимон, сал қиррали, ёни силлиқ, тукли, чети туксиз, ичи кавак, ранги яшил, бўйи 60—170 см. Бир тупида 3—10 та поя бўлади, сийраклашган холда 100та гача бўлади. Пояси шохланади, ён шохлар

биринчи ва навбатдаги тартибда бўлиши мумкин. Тупининг шакли ҳар хил бўлади.

**Барги** мураккаб, тоқ патсимон, учқўшалоқ, барглари чўзинчоқ, тухумсимон шаклда. Поянинг пастки қисмидаги барглар майда, ўрта қисмидагилари йириқ, юқори қисмидагилари ўртача ва ингичка бўлади. Баргларининг ранги яшил, туксиз ёки тукли, барги бандли, баргининг пояга қўшилган жойида иккита ён барглари бор, уларнинг катталиги ва шакли ҳар хил. Кўкат ҳосилининг 30—40% ни барг ташкил қиласди

**Гултўплам** — асосий ва ён шохларининг барг қўлтиқларида жойлашган. Гултўплам шингил шаклида, гултўпламнинг катталиги, зичлиги, шакли ҳар хил. Бир шингилда ўртача 10—30 та гул бўлади, узунлиги 2—25 см гача. Гултўплами шарсимон, урчуқсимон, цилиндрисимон бўлиб. Бир туп ўсимликда бир неча юздан икки минг шингил ривожланиши мункин. Гули икки жинсли, капалаксимон, кўк ва бинафша рангда, гули гулкоса, гултожи, чангдон ва тугунчадан иборат. Гулкоса бешта тишли, тукли, гултожи бешта гулбаргдан иборат. Гулбаргларининг катталиги ва шакли ҳар хил бўлади. Чангдонлари 10 та, шу жумладан 9 таси қўшилиб ўсан бўлади.

**Дуккаги** — бурاما шаклида, 2—5 маротаба буралган, 6—12 та уруғ бўлади. дуккаги майда, диаметри 3—5 мм, тукли ва туксиз, ранги сарик, жигар ранг ва қора бўлади. **Уруғи** майда, шакли ҳар хил, кўпинча байроқсимон, ялтироқ, сарғиш яшил бўлади, эски уруғлар қизғиш — жигар рангда, 1000 уруғнинг вазни 1,5—3,5 гр.

Навлар: **Аридная** — ўртапишар, ўсув даври 110 кун, баҳорда биринчи ўрими 65 кунда етилади, яхши пишмайди. Иккинчи йилдан бошлаб 5—6 йил давомида ҳар йили икки ўрим олиш мумкин. Лалми ерларда кўкат ҳосили 164 ц/га, пичан 54 ц/га, уруғ 2,4 ц/га, кўкат таркибида 17,2% оқсил, 25,8 % тўқима бўлади.

**Тошкент—3192** селекция йўли билан яратилган. Тупи тўғри ўсади, поялари ўртача баланд. Ўримдан кейин ўсиб чиқадиган пояси тўғри бўлади. Барглари майда, пояси, барги ва дуккаклари тук билан қопланган. Шингил

ўртача зич, узунчоқ ёки бошча шаклида. Гулларининг ранги оч пушти, бошқа тусда бўлиши ҳам мумкин. Дуккаклари ўртача йирик, 3—4 маротаба буралган. Уруғи ўртача йирик. Бу серҳосил, эртапишар, қишига ва курғоқчиликка чидамли нав. Баҳорда эрта ўсади, кузда қишлишга кеч киради.

**Тошкент-1** — селекция йўли билан яратилган. Тупи тўғри ўсади, баландлиги ўртача, ўрилгандан кейин ўсиб чиқадиган пояси ярим тик ўсади. Барглари йирик, поя, барг, дуккаклари сийрак тукли, шингили зич бўлади, гуллари бинафша рангда бўлади. Дуккаклари ўртача йирик, 3—4 маротаба буралган. Уруғи ўртача. Бу нав серҳосил, эртапишар, қишига чидамли. Баҳорда эрта ўсади, кузда қишлишга кеч киради.

**Хива жайдари нави** — тупи ёйилиб ўсади, кўп пояли, баландлиги ўртача. Ўрилгандан кейин ўсиб чиқадиган поялари ер бағирлаб зич ўсади. Барглари ўртача йирик. Шингиллари зич, калта цилиндрическимон ва чўзинчоқ бошча шаклида. Гуллари тўқ бинафша рангда. Дуккаклари ўртача, қора рангда, 2—3 маротаба буралган бўлади. Уруғи ловиясимон, оч яшил — сариқ рангда. Бу кечпишар нав, баҳорда кеч ўса бошлайди ва кузда ўсишдан эрта тўхтайди. Ўсиш даврида ўртача 3 маротаба ўрилади. Бу нав қишига чидамли, курғоқчиликка чидамсиз.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Беданинг барча ўримларини бир ҳил даврда ўриш мумкинми?
2. Бир ерда беда неча йил ҳосил бериши мумкин?
3. Нима учун беда бир экилган далага 5—6 йилдан кейин экиласди?
4. Беда етиштирилганда азотли ўғит қўлланадими?

### **Қизил себарга**

**Аҳамияти** — юқори тўйимли кўкат, пичан, силос, пичан уни тайёрлаш мумкин. Унинг таркибида 15,2% оқсил, 3,1% мой, 43,9% карбон сувлари 1% минерал моддалар (асосан калий) мавжуд. 100 кг кўкатида 20 озиқ бирлиги, 2,7 кг оқсил, 380 г кальций, 70 г фосфор, 400 мг каротин мавжуд. 100 кг

пичанида 52,2 озиқ бирлиги, 7,9 кг оқсил, 1200 г кальций, 340 г фосфор, 2500 мг каротин бор. Тупроқни азот билан бойитади, унумдорлигини оширади.

Себарга агротехника аҳамиятига эга. Тупроқни азот билан бойитади, гектарда 100—200 кгсоф модда ҳисобида азот қолдиради ва азот, кальцийга бой бўлган анғиз қолдиқларини тўплайди.

**Тарихи.** Қадимдан Греция ва Италияда экилмоқда. Себарганинг ҳар хил турлари Оврупа худудида Ўрта денгиз соҳилларида, Осиё ва Африка тоғларида учрайди. АҚШда, Овропада кенг экилади. Экин майдони 20 млн га. У АҚШ, Польша, Чехословакия, Англия, Франция, Россияда кўп экилади. Ўзбекистонда қизил себарга ўтлоқи, ўтлоқи—ботқоқ ерларда, шоличилик хўжаликларида кўп экилади. Кўкат ҳосили 300—400 ц/га, 60—80 ц пичан ва 3 ц уруғ олинади.

**Ҳосилдорлиги.** Илғор фермер хўжаликларда гектаридан 400 ц кўкат, 60—80 ц пичан, 3 ц уруғ етиштирилади. Ўзбекистон шоличилик институтининг маълумотига кўра ўтлоқи ботқоқ, сизот сувлари юза жойлашган тупроқлардан биринчи йили 70—90 ц, иккинчи йили 150—170 ц пичан олинади.

**Биологияси.** Қизил себарганинг бир, икки ва кўп йиллик турлари мавжуд. Ўзбекистоннинг тоғли ерларида ҳар хил турлари бор.

Иссиқлиқка бўлган талаби. Қизил себарга 1—2°C да униб чиқади. Ўсиши ва ривожланиши учун 15—20°C талаб қилинади. Биринчи йили —15°C совуққа чидайди. Иккинчи ва кейинги йилларда совуққа чидамлилиги пасаяди ва —8,5°C бўлганда 40% ўсимлик нобуд бўлади. Аммо агротехник тадбирлар билан совуққа чидамлилигини ошириш мумкин. Фаол ҳарорат йиғиндиси биринчи ўрим учун 950<sup>0</sup>, иккинчи ўрим учун 600—800<sup>0</sup> бўлади.

Қизил себарга мўтадил нам иқлимига мослашган ўсимлиқdir, ёғингарчилак миқдори 400—450 мм бўлган минтақади яхши ўсади. Намсевар ўсимлик, сувни шоналаш даврида кўп талаб қиласи, гуллагунча тупроқ намлиги 80% бўлиши керак, кейин паст бўлиши мумкин. Ўзбекистонда бу ўсимлик фақат сугориладиган шароитда етиштирилади. Гуллаш давригача

тупроқ намлиги дала нам сифимиға нисбатан 80%, гуллашда 60% уруғ пишиш даврида 40% бўлса ўсимлик яхши ўсади. Шимолий себарга куннинг ёруғлик даври ўзгарса бўғин орлиқлари камаяди, пояси паст бўлади, бўғин сони кам бўлади. Жанубий себарга сояда ҳам ўсаверади, шунинг учун бошқа дала экинлари билан қўшиб экиш мумкин, аммо жуда соя бўлса туп сони кескин камайиб 10—15% сақланади.

Ёруғликка унчалик талабчан эмас, бошқа ўсимликлар билан қўшиб экиш мумкин. Ҳар хил тупроқларга экиласди. Тупроқ муҳити pH 4,5 дан юқори бўлиши шарт.

Бир тонна пичан етиштириш учун 5—6 кг фосфор, 16—17 кг калий, 15—17 кг кальций, 5,0—5,5 кг магний сарфланади.

Март ойида экилса 6—7 кунда кўкаради, бир жуфт уруғ барги ер юзига чиқади, сўнгра битта оддий барг чиқади, кейин мураккаб чин барглари ривожланади. Майсаланишдан 65—80 кундан кейин гуллайди, гуллаш 15—20 кун давом этади. Биринчи ўримидан уруғ 110—120 кунда етилади, иккинчи ўримидан уруғ 155—160 кунда етилади (биринчи ўрими кўкатга ўрилади). Иккинчи ва кейинги йилларда баҳорда поя ўсиши, гуллаши, мева ҳосил қилиши кузатилади.

Баҳорда ўсиш бошланишидан ва поя ўсиш вақтида фақат барги ривожланган бўлади. Поя ўсиш даврида тез етилиб, шохланади. Шохланишидан гуллашигача ўсиши анча секинлашади. Барг юзаси юқори кўрсаткичга эга бўлади. Гуллашдан уруғ пишиш вақтигача озиқ элементларнинг сарфланиши ортади, фотосинтез маҳсулдорлиги камаяди, шунинг учун илдиз тугунукларида азот ўзлаштирилади. Бу ривожланиш хусусияти аниқ бўлгандагина энг қулай ўсиш муддатини аниқлаш мумкин.

### **Етиштириш технологияси**

Қизил себарга ўтлоқи, ўтлоқи—ботқоқ тупроқларга шоли билан алмашлаб экишда қўлланилади. Қизил себарга қопловчи ўсимликлар билан ҳам бирга экиласди. Алмашлаб экишда себаргадан 2—3 йил давомида фойдаланилади.

Асосий ўтмишдоши шоли, маккажўхори, картошка ва сабзавот экинлари. Кузда ер ҳайдалади, баҳорда борона қилинади, экишдан олдин дискалаш ёки ёппасига культивация қилинади ва кетма—кет борона юргизилади.

**Ўғитлаш.** Кузги шудгорлашдан олдин 10—20 т/га гўнг, 100 кг фосфор, 50 кг калий солинади. Экиш билан бирга молибден солиш тавсия қилинади. Бунинг учун уруг бир литр сувга 100—20 г молибден солинган эритма билан аралаштирилади ва кейин экилади.

**Экиш.** Экишдан олдан уругни молибден билан ишлаш яхши натижа беради. Бир литр сувга 100—200 г молибденли аммоний солиниб уруг дориланади ва сўнгра экилади. Молибден таъсирида ҳосил ва унинг сифати ошади.

Эрта баҳорда оддий дон ёки дон—ўт экадиган сеялкада экилади. Соф ҳолда гектарига 12—16 кг уруг ёппасига қаторлаб, чуқурлигини 1—3 см қилиб экилади. Уруг олиш учун кенг қаторлаб гектарига 6—8 кг уруг экилади. Бошқа экинлар билан қўшиб экилса 6—10 кг уруг сарфланади. Қизил себарга бедага ўхшаб қопловчи ўсимликлар билан ҳам экилади. Уруғи майда бўлганлиги учун экиш чуқурлиги 2—3 см бўлади.

**Парваришлаш.** Майса униб чиқишидан олдин ва кейин борона қилиш тавсия қилинади Себарга бедага ўхшаб суғорилади. Тўйимли озиқа тайёрлаш учун себарга гуллаш даврини бошланишида ўрилади. Уруг олиш учун себарга кенг қаторлаб экилади ёки уруг иккинчи йили биринчи ўримидан олинади. Етилганда уруғи тўкилмайди, дуккагини 80% етилганда ҳосил ўрилади, янчилади, тозаланади, қуритиб омборларда сақланади.

#### 4 – амалий машғулот

##### **Қизил себарганинг морфологияси**

**Топшириқ.** Ўсимлик намунасига қараб тузилишини ўрганиб олиш, морфологик белгиларини аниқлаш.

**Талааб қилинади.** Ўсимлик намунаси, гербарий, уруғ, тарози, расмлар, ўқув қўлланмалар, тарқатма материал.

**Илдизи.** Ўқ илдиз бўлиб, йўғонлашган илдиз ва бир қанча ингичка ён илдизчалардан иборат. Илдизининг асосий қисми 30—40 см чукурликда жойлашади, айрим илдизлар 1—1,5 м чукурликка кириб боради.

**Поя.** Ўтсимон, тик ўсади, сершоҳ, ичи ковак, сийрак тупли, 5—10 та бўғим оралиқлари мавжуд, бўғим оралиқларининг узунлиги 10—20 см, поянинг баландлиги 1,0—1,5 м бўлади. Ўсимлик яхши тупланади, 10 тагача поя ҳосил қиласди.

**Барги** — мураккаб, учқўшалоқ, четлари теккис, барг банди 12 см. гача бўлади, пастки баргларида 20 см гача. Баргнинг шакли тухумсимон, ранги яшил, кул ранг — яшил, ён барглари тухумсимон, сертукли бўлади.

**Тўпгули** — бошчасимон, думалоқ, ёки чўзинчоқ шаклда, асосий поянинг ва ён шохларининг учларида жойлашади. Бир гултўпламида 100—135 та гул, гули майда, бандсиз, ранги оқ, бинафша бўлади.

**Мева** — дуккак, юраксимон, сариқ ва бинафша рангли, бир уруғли. **Уруғи** — нотўғри юраксимон, ялтироқ. Сариқ ёки бинафша рангли, 1000 тасини вазни 1,7—1,8 г келади.

Экиладиган нави: **Ўзбекистон—3** Шолицилик ИТИ да яратилган якка танлаш йўли билан. Тупи тик ўсади, яхши тупланади, баландлиги 120—130 см, кам тукланган. Барги ўртacha, баргланиш даражаси 60% ни ташкил қиласди. Гултўплами бошсимон, зичли шингил, гули қизил рангли, уруғи сарғиш — бинафша ранг, 1000 тасини вазни 2,2 — 2,6 г. Баҳорда секин ўсади, ўримлардан кейин тез ўсади, қишига ва шўрга чидамли.

### **Баргак**

**Аҳамияти.** Кенг тарқалган тўйимли озуқа берадиган ўсимлик. 100 кг пичанида 53—54 озуқа бирлиги ва 11,9—12,6 кг оқсил бўлади. Уни ҳамма чорва моллари хуш кўриб ейди. Баргак экинлари билан моллар боқилганда тимпанит касаллигига учрамайди. Тупрокда 100—200 кг азот тўплайди. Бир

гектарда 170 кг асал йигади. Бир гектардан лалми ерларда 20—75 ц, сувли ерларда 150 ц пичан ва 6—18 ц уруғ олиш мумкин.

Баргак ўрмон, чўл, тоғ минтақаларида кенг тарқалган. Лалми ерларда 20—75 ц, суғориладиган ерларда 150 ц гача пичан олиш мумкин. Бир ўсиш даврида 1—3 маротаба ўрилади. Уруғ ҳосили 6—18 ц бўлади.

Дуккакли ўсимликлар каби баргак ҳам тупроқни азот билан бойитади, бир гектарда 100—200 кг азот тўпланади.

Курғоқчиликка чидамли ўсимлик бўлганлиги Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга.

**Ботаник таърифи.** Баргак дуккаклилар оиласига мансуб. Унинг асосий уч тури учрайди: а) экма баргак, б) кавка орти баргаги, в) кум баргаги

Экма баргак кўп йиллик, ўқ илдизли, поя баландлиги 60—150 см, сербарг ўсимлик, гул тўплами бошоқсимон шингил, пушти рангли, дуккагининг узунлиги 6—9 мм.

**Илдизи** ўқ илдиз бўлиб тупроққа 1—6 м чукурликга кириб боради. **Пояси** ўтсимон, тик ўсади, эгатчали, тукли, ичи ковак, кам шохланади, 5—8 та бўғинли, баландлиги 50—150 см бўлади. Тупи йифик ёки ёйилган бўлади. **Барглари** мураккаб тоқ патсимон, барглари ингичка, суст ривожланган, иккита пардасимон ён барглари мавжуд.

**Тўпгули** — бошоқсимон шингил, оч ёки тўқ пушти рангли ёки қизил гулли. Гули четдан чангланади. **Меваси** — бир уруғли дуккак, доира ёки бурчакли шаклида, юзаси тўрланган, чатнамайди.

**Уруғи** ловиясимон, оч жигар рангли. 1000 та уругининг вазни турларига қараб 8—15 г бўлади. Уруғ сифатида дуккаги ишлатилади. Тоғли тупроқларда тупроқ эрозиясига қарши экилади.

**Биологияси.** Кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Уруғи 1—2°C униб чиқади, муқобил харорат 18—25°C, яхши қишлияди, баҳорда —12°C совуққа бардош беради. Баргак қишига чидамли ўсимлик. Айрим йиллари қишини 42—48°C совуғига бардошлилиги кузатилган. Баҳорги кечки —12—24°C совуғига чидайди. Курғоқчиликка чидамли, сувни кўп талаб қиласиган даври

шоналаш ва гуллаш даврларидир. Илдизи тупроқнинг 1 м чуқурлигидаги сувни ўзлаштира олади. Баргак ёруғсевар узун кун ўсимлиги. Шўрланган ва нордон тупроқларда яхши ўсмайди. Хлор—сулфат шўрланиши 0,05—0,10% бўлганда униб чиқиши ва ҳосилдорлиги анча пасаяди. Бир тонна пичан учун 6—7 кг азот, 18—20 кг фосфор, 11—12 кг калий сарфланади. Уруг экилгандан кейин ер бетига уруғ барглари чиқади, кейин оддий чин барг, сўнгра мураккаб тоқ патсимон барглар ривожланади. Баҳорда ўсиш бошлангандан 60—65 кун ўтгандан кейин гуллайди ва 110—120 кунда этилади. Кузда ҳарорат 5°C дан пасайганда ўсишдан тўхтайди. Биринчи йили суст ўсади, фақат тупланиш даврига етади. Иккинчи йили яхши ўсади, гуллайди ва яхши мева ҳосил қиласиди.

### **Етиштириш технологияси**

Баргак учун ўтмишдош ҳар хил экинлар бўлиши мумкин, чунки у дала, ем—хашак экинлари билан алмашлаб экилади. Асосий ўтмишдош—кузги буғдой, маккажўхори, илдизмевалилар. Ўтмишдошни ҳосили йиғилгандан кейин суғорилади ва чизелланади. 10—15 кундан кейин 20—25 см чуқурликда ер ҳайдалади. Баҳорда борона қилинади, талаб қилинса мола босилади.

Ўғитлаш ер ҳайдашдан олдин, экиш билан бир вақтда ва ўримлардан кейин ўтказилади.

**Ўғитлаш.** 60—90 кг фосфор ва 40—70 кг калий бир гектар ерга ишлатилади. Ер ҳайдашдан олдин 50—70 кг фосфор ва 40—50 кг калий солинади. Экишдан олдин 10—15 кг азот, фосфор ва калий солинади. Тупроқда азотли моддалар кам бўлса экишдан олдин ёки ўсиш даврида 30—50 кг азот қўлланади. Режадаги ўғитларнинг қолган миқдорлари ўсиш даврида ишлатиладиб борилади.

Баргак етиштиришда 200 г молибден қўллаш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ўрнига маҳсус нитрагин қўллаш яхши самара беради.

Ўтмишдошнинг ҳосили йиғилгандан кейин суғорилади ва ер 22—25 см чуқурликда ҳайдалади, чизелланади ва борона юргизилади.

Экиш учун йирик, тоза уруғлар тайёрланади. Экишдан олдин уруғга нитрагин ёки нитрагин ва молибден билан ишлов берилади.

Эрта баҳорда ёппасига қаторлаб 2—3 см чуқурликда экилади. Экиш меъёри сувли ерларда 90—11 кг/га, лалми ерларда 70—80 кг/га. Уруғ 3—4 см чуқурликка экилади.

Уруғ олиш учун баргак кенг қаторлаб (45—70 см) экилади, экиш меъёри 40—50 кг/га бўлади. Уруғ ҳосили дуккакларнинг 50% пишганда ийғилади ва 14—15% намлиқда сақланади.

**Парваришлаш** — режадаги ўғит солинади, шоналаш, гуллаш ва мева ҳосил қилиш даврларида сугорилади, меъёри 600—700 м<sup>3</sup>. Пичан учун шоналаш — гуллаш даврларда ўрилади. Биринчи ўримлар 6 см, охирги ўримлар 8—10 см баландликда ўрилади. Уруғ олиш учун дуккакларни 70% етилганда ўрилади, қуритилади, янчилади ва маҳсус омборларда сақланади.

### **Қашқарбеда**

**Аҳамияти.** Қашқарбеда тўйимли озуқа берадиган ўсимлик, юқори сифатли кўкат, пичан, сенаж ва силос тайёрланади. Бир килограмм кўкатида 17—25 г оқсил ва 0,16—0,20 озуқа бирлиги мавжуд.

Қашқарбеданинг дехқончиликдаги моҳияти катта, чунки қурғоқчиликка, совуққа ва шўрланишга чидамли ўсимлик. Тупроқни азот билан бойитади, шўрини камайтиради ва асал берувчи ўсимлиқдир. Сариқ қашқарбеда озиқ—овқатда ва фармакологияда доривар ўсимлик сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистонда дарё қирғоқларида, риқ бўйларида ва тоғли ерларда кўп учрайди.

**Морфологияси.** Оқ қашақарбеданинг илдизи ўқ илдиз бўлиб яхши ривожланган, пояси ўтсимон, тик ўсади, яхши шохланади, баландлиги 75—200 см бўлади. Барги мураккаб уч бўлакли, тукли ва туксиз, думалоқ ва чўзинчоқ шаклда. Гуллари барг қўлтиқларида жойлашади, шингил шаклдаги гултўпламга эга. Дуккак майда, бир уруғли, усти тўрланган, уруғи майда, сарғиши—яшил, 1000 тасини вазни 1,5 г.

Сариқ қашқарбеда — 1—2 йиллик ўсимлиқ, ўқ илдизли, пояси тик ўсади, сершохли, антоциан рангли, барги мураккаб, уч бўлакли. Шингили узун, гуллари сариқ рангли, дуккаги майда, бир уруғли, уруғи майда сариқ ёки сариқ—яшил, 1000 тасини вазни 1,3—1,5 г.

**Биологияси.** Қашқарбеда биологик хусусияти бўйича бедага яқин, аммо қишига, қурғоқчиликка чидамлилиги бедага нисбатан юқори. Намни кўп талаб қиласиган даври—гуллаш даври. Шу даврда сув етишмаса баргини тўқади.

Ўсиш даври 85—140 кун. Шоналаш даврида тез ўсиб суткалик ўсиши 3—5 смга тўғри келади. Эрта баҳорда ўсиши бошланади. Гуллаш даври турхилларига қараб 14—15 кун давом этиши мумкин. Меваси етилганда тўкилади.

Қашқарбеданинг ҳамма турларида кумарин ароматик (хушбўй) модда бор. Бу илдизида, поясида, баргода, гулида ва мевасида бўлади.

**Етиштириш технологияси.** Қашқарбеда ҳар хил ўсимликлардан бўшаган ерларда экилади. Бир тонна пичан етиштириш учун тупроқда 3 кг калий ва 15 кг кальций сарфланади. Қашқарбеда экиладиган ер бедага тайёрлагандек бажарилади.

**Экиш.** Давлат андозаларига сифати бўйича тўғри келадиган уруғ экилади. Эрта баҳорда экилади, гектарига 20—25 кг уруғ сарфланади, экиш чуқурлиги 2—3 см. Аксарият ҳолда қопловчи экинлар билан экилади.

**Парваришлиш.** Биринчи йили сугорилиб турилади, ҳар ўрими 1—3 марта эгатлар орқали сугорилади, меъёри  $600—800 \text{ м}^3$ . Пичан тайёрлаш учун шоналаш — гуллаш давриларида ўрилади. Ўримлардан кейин озиқлантирилади ва сугорилади. Иккинчи йили баҳорда борона юргизилади.

Уруғ 1—2 ўримларидан олинади. Дуккагини 30% етилганда йиғишини бошлаш мумкин. Дон комбайнларида янчидан, тозалаб олиш мумкин. Уруғи 15% намликда яхши сақланади, бир ўримдан 10—12 ц\га уруҳ олиш мумкин.

## **БИР ЙИЛЛИК ДУККАКЛИ ЎТЛАР**

### **Шабдар (эрон себаргаси)**

**Аҳамияти.** Шабдардан тайёрланган озуқаларни қишлоқ хўжалик ҳайвонлари хуш қўриб ейди. Пичани таркибида 15,2% оқсил, 6,49% мой, 30,3% азотсиз экстрактив моддалар, бир килограмм пичанида 0,50 озуқа бирлиги бор.

**Тарихи.** Ёввойи ҳолда у Осиё, Овропа, Шимолий Америкада учрайди. Бир йилда 60—70 ц\га пичан, 1—8 ц урух олиш мумкин.

**Биологияси.** Шабдар намсевар, ёруғсевар ва совукга чидамли ўсимлик, кузда ва баҳорда экилиши мумкин. Уруғи 5—6°Cда яхши униб чиқади, майсалари 5—6 °C совуқка чидайди. Қишлоғ пайтида 25°C совуқка ҳам чидайди. Ер танламайди, ботқоқланган ва шўрланган ерга экилмайди. Шабдар ҳашаротлар ёрдамида четдан чангланади.

Бир йилда 2—4 марта ўрилади, уруғи етилганда ўрилса, ўсиб чиқмайди. Ўсиш даври 80—130 кун, фитономус билан заарланмайди.

**Етиштириш технологияси.** Шабдар дон экинлари, техника экинлари, шоли, маккажӯхори, сабзавот экинларидан бўшаган ерларга экилади. Шабдар учун ер бедага ўхшатиб тайёрланади.

**Экиш —** соф ҳолда ёки беда, арпа, сули билан биргаликда экилади. Шабдар кузда ёки эрта баҳорда дон—ўт экадиган СЗТ—47 сеялка ёрдамида экилади. Гектарига 15—20 кг уруғ экилади, экиш чуқурлиги 1—2 см. Кузда экилганда кетма—кет сув берилади. Суғориш учун оралиғи 60—70 см бўлган эгатлар олинади. Бошқа экинларга қўшиб экилса гектарига 8—10 кг уруғ экилади. Кўпинча бедага қўшиб экиш тавсия қилинади. Шундай қилинса биринчи ўримининг 85%ни, иккинчи ўримини 15%ни шабдар ташкил қиласи.

Баҳорда экилганда шабдар донли экинларга қўшиб экилади, бунда шабдар 15 кг, дон экинлари 50—70 кг гектарига экилади.

**Парваришилаш.** Ўсув даврида шабдарнинг ҳар бир ўрими 2—3 маротаба суғорилади, гектарига 600—800 м куб сув сарфланади (ҳар суғориша).

Озуқа учун шабдар гуллашнинг бошида ёки ёппасига гуллаганда ўрилади. Кузда экилса уруги май ойида пишади, баҳорда экилса июнь ойининг иккинчи ярмида пишади. Уруғлик учун экиш меъёри 8 кг, агар кенг қаторлаб экилса гектарига 3—5 кг уруғ экилади, қатор орасига ишлов берилади, 1—2 маротаба суғорилади. Уруғ биринчи ўримидан олинади, гултўплами ёппасига етилганда ўрилади. Дон комбайнларида янчиб тозаланади, кейин ўт тозалайдиган машиналардан ўтказилади.

### **Берсим (Миср себаргаси)**

**Аҳамияти.** Берсимдан кўкат, пичан, силос ва сенаж тайёрланади. Пичан таркибида 9,3% оқсил, 2,39% мой ва 46% карбон сувлари мавжуд. Ўзбекистонда шолицилик хўжаликларда қўпроқ экилади. Пичан ҳосили 70—80 ц, уруғ ҳосили 5—8 ц\га.

**Биологияси.** Берсим баҳорги экин, намсевар, иссиқсевар бўлиб, уруги 6—8°C ҳароратда униб чиқади. Майсалари совуққа чидамсиз. Майсаси 7—8 кунда кўринади. Майсаланишдан 50—60 кун ўтгандан кейин гуллайди.

**Етиштириш технологияси.** Берсим шолидан, канопдан бўшаган ерларга экилади. Ер хайдалганда 3—5 ц\га суперфосфат солинади. Берсим қўпроқ баҳорда экилади, аммо кузда хам экилиши мумкин. Экиш усули—ёппасига қаторлаб, экиш меъёри 12—16 кг. Себарга ёки бедага қўшиб экилса, гектарига 8—10 кг уруғ экилади. Экиш чуқурлиги 2—3 см бўлади. Берсимни ҳар ўрими 1—2 маротоба суғорилади. Гуллаш даврини бошларида ўрилади. Уруғ олиш учун ёзги ўрими қолдирилса яхши ҳосил олинади.

## **5 – амалий машғулот**

### **Шабдар ва берсимнинг морфологияси**

**Топширик.** Ўсимлик тузилишини ўрганиб олиш, морфологик белгиларини аниқлаш.

**Талаоб қилинади.** Ўсимлик намунаси, уруғ, гербарий, расм, ўқув кўлланма, тарқатма материал.

### **Шабдар морфологияси**

**Илдизи** — ўқ илдиз яхши ривожланган, тупроқнинг хайдалма қатламида сершоҳли бўлади. Илдизида ҳаво азотини ўзлаштирадиган бактериялар яшайди.

**Пояси** — ўтсимон, майин, ичи ковак, қиррали, туксиз, сершоҳ, сувли ерларда баландлиги 50—100 см, лалмида 40—70 см. Поянинг пастки қисми бинафша рангда, диаметри 5—10 мм бўлади.

**Барги** — мураккаб, учқўшалоқ, узун бандли, баргчалари тўқ яшил рангли, тескари тухумсимон, ромб шаклида, чети арасимон, иккита ён баргчалари мавжуд.

**Гултўплами** — ярим шарсимон, диаметри 1,0—1,5 см бўлиб, 30—40 та гулдан ташкил топган. Гулбандининг узунлиги 5 —7 см. Гуллари майда, ранги оқ, пушти, қизил — бинафша.

**Дуккаги** — тухумсимон, бир уруғли, майда.

**Уруғи** — шарсимон, ранги ҳар хил, 1000 та уруғнинг вазни 0,3 —1,8 г, ёввойи турларининг уруғи майда бўлади

### **Берсим морфологияси**

**Илдизи** — ўқ илдиз бўлиб, яхши ривожланган, тупроқка 1,0 —1,8 м чуқурликка кириб боради. Илдизнинг асосий қисми тупроқнинг ҳайдалма қатламида жойлашган. Сизот сувлари яқин жойлашган тупроқларда яхши ривожланади. Тугунаклари қўп ва йирик бўлади.

**Пояси** — ўтсимон, тик ўсади, айрим ҳолда ётиб қолади, майин туклар билан қопланган, сершоҳ, игичка, бўйи 80—100 см. Бир тупида 2—20 та гача поя бўлади.

**Барги** — мураккаб учқўшалоқ, барг банди калта ва узун бўлади. Барги чўзинчоқ шаклда, четлари аррасимон, кам тукланган. Баргининг узунлиги ва экинининг нисбати 3:1, себаргали.

**Гултўплами** узунчоқ бошча, тухумсимон, узун гулбандларга жойлашган. Гули икки жинсли, капалаксимон, ранги оқ, сариқ, пушти, сертуқ бўлади.

**Меваси** — бир уруғли дуккак, тескари тухумсимон шаклда. Уруғи йириқ, сариқ ва бинафша рангли, 1000 тасининг вазни 2,8—3,5г, уругини қулай шароитда сақланса унувчанлигини 10 йилгача йўқотмайди

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Дуккакли ўтларнинг экологик аҳамияти
2. Нимани эвазига дуккакли ўтлар биологик азот тўплайди?
3. Дуккакли ўтларнинг экологик аҳамияти нимага боғлиқ бўлади?

### **Кўп йиллик қўнғирбош ўтлар**

Кўп йиллик ғалласимон ўтлар қўнғирбошлар оиласига киради. Ер юзида қўнғирбош ўтлар ҳар хил мақсадда экилади: тўйимли озуқа етиштириш, яйлов барпо этиш, тупроқ ва сув эррозиясини тўхтатиш, шаҳарларда кўкаламзорлар яратиш учун экилади.

Ўзбекистоннинг табиатида қўнғирбош ўтлар кўп тарқалган, аммо кам экилади. Бунинг асосий сабабларидан бири уруғликни яхши йўлга қўйилмаганлиги.

Суғориладиган ерларда қўнғирбош ўтлар бедага, қизил себаргага қўшиб ёки соф ҳолда экилади.

Дехқончиликда экиладиган қўнғирбошли ўтларнинг ҳаммаси биологик азот ўзлаштиrmайди, шунинг учун хосилдорлик тупроқ таркибидағи азот миқдорига боғлиқ бўлади. Муқобил шароитда қўнғирбош ўтлар бир ерда 5—10 йил яхши ҳосил бериши мумкин.

Қўнғирбошли ўтларнинг ғовак тупли турлари айниқса яхши тупланади. Ўтларнинг иккинчи ўримидаги ҳосил тупланиш жараёнида ҳосил бўлган поялар эвазига олинади.

Қўнғирбош ўтларнинг илдизи попук илдиз бўлиб ҳар бир янги поя ўз илдизига эга бўлади. Бошоқланиш даврига етганда илдизнинг қуруқ вазни поя ва баргнинг 80—90% ни ташкил қиласди.

Кўкат миқдорини энг тез кўпаядиган даври—най ўраш давридан бошоқланиш (рўвакланиш) давригача. Бу даврдан олдин ўрилса ҳосил кам бўлади, кеч ўрилса сифати пасаяди.

Қўнғирбош ўтларнинг гуллаш даврини бошланишидаги тўйимлилиги юқори бўлади — кўкатида 8—11% оқсил бўлади, шундан 49—67 % ҳазм бўлади (12—жадвал).

Қўнғирбошли ўтларнинг илдизи попук илдиз бўлиб ҳар бир янги поя ўз илдизига эга бўлади. Бошоқланиш даврига етганда илдизнинг қуруқ вазни поя ва баргнинг 80—90% ни ташкил қиласди.

Кўкат миқдорини энг тез кўпаядиган даври най ўраш давридан бошоқланиш (рўвакланиш) давригача. Бу даврдан олдин ўрилса ҳосил кам бўлади кеч ўрилса сифати пасаяди.

## 12—жадвал

### **Қўнғирбош ўтларнинг гуллаш даври бошланишидаги тўйимлилиги**


Экин	Оқсил миқдори,%		Оқсилнинг ҳазм бўлиши,%	
	Хом	Тоза	Хом	Тоза
Ажриқбош	14	10	52	49
Ялтирибош	13	9	64	61
Эркак ўт	11	8	54	59
Буғдойик	9	7	58	58
Судан ўти	13	11	66	67

## Оқ сүхта

**Ахамияти.** Оқ сүхта сийрак тупли қўнғирбош ўт, яйловда 10 йил яшайди. Пичани таркибида 0,54 озуқа бирлиги ва 0,043 кг оқсил бўлади. Кўкати таркибида тупланиш даврида (1кг да) 0,02 озуқа бирлиги ва 4,2 г оқсил, 1—4 мг каротин бўлади. Пичани ва яйлов ўти ҳамма қишлоқ хўжалик ҳайвонлари томонидан яхши ейилади. Бахорда эрта ўсади ва серсуви озуқа беради.




17 —расм. Оқ сүхта



18 — расм. Бўйчан мастак

## 19 —расм. Кўп ўримли мастак



Ўримлардан кейин яхши ўсиб чиқади, яйловлатишга чидамли. Яйлов, пичанзор барпо этишда қўлланади. Кўкат ҳосили 500 ц, пичанни ҳосили 150 ц/га. Биологияси бўйича кузги гурух ўсимликларга киради.

**Биологияси.** Экилгандан кейин секин ўсади. Учинчи йили тўла етилади, ион ойида гуллайди. Қишига чидамли, қурғоқчиликка чидамсиз. Сув бостирилган пастлик ерларда яхши ривожланмайди. Тоза унумдор тупроқларда яхши ривожланади, pH—4,7 — 5,5.

Озуқага талабчан, бир центнер пичан етиштириш учун 2,3—2,5 кг азот, 0,4—0,5 кг фосфор ва 3,6—3,8 кг калий сарфланади. Азот моддасига таъсирчан

**Етиштириш технологияси.** Кузда ёппасига қаторлаб экилади, гектарига 14—15 кг, уруғ олиш учун экилганда 8—9 кг уруғ сарфланади. Ўт аралашмаларида 7—8 кг\га экилади. Кўкат тайёрлаш учун най ўраш давридан рўвак чиқариш давригача ўрилади. Уруғ тўла етилганда дон комбайнлари ёрдамида йигиштирилади.

## Эркак ўт

**Аҳамияти.** Эркак ўт— тўйимли ем—хашак ўт ўсимлиги. 100 кг қўкати таркибида 22,2 озуқа бирлиги ва 4,1 кг ҳазм бўладиган протеин, пичанида тегишлича 48,7 ва 6,9. Бошоқланиш давригача яйловда яхши ейилади, бошоқланишдан кейин қониқарли ейилади, гуллагандан кейин ёмон. Маданий яйлов ва пичанзорлар барпо этишда қўлланади.

**Тарихи.** Эркак ўт дашт ва ярим дашт минтақаларида кўп тарқалган. Ўзбекистонда кўпроқ учрайдиган турлари: Сибирли тор бошоқли ва даштли тор бошоқли, кенг бошоқли турларидир.

**Биологияси.** Эркак ўт – сийрак тупли қўнгирбош ўт ўсимлиги. Умуман эркак ўт яхши тупланади, қишига чидамли, қургокчиликка чидамли, ёҳингарчилик бошланганда ўсиш давом этади. Кам шўрланган тупроқларда экилади. Бир центнер пичан этиштириш учун 2,2 кг азот, 0,54 фосфор ва 2,1 кг калий сарфланади. Бир ерда 20 йилгача ҳосил беради. Энг юқори ҳосил 4—5 йилда олинади.

**Етиштириш технологияси.** Эркак ўт соф холда ёки арпа, тарик, буғдой билан қўшиб экилади. Ўғитлаш маъёри: 30—50 кг азот, 45—60 кг фосфор ва 30—45 калий. Эркак ўт экиладиган ерлар бегона ўтдан тозаланган бўлиши керак.

Уруғ экиш меъёри 10—12 кг/га, ўт аралашмаларида 8—10 кг, кенг қаторлаб экилганда 5—7 кг экилади. Экиш чуқурлиги 2—3 см.

Кўкат учун бошоқланиш—гуллаш бошланишида ўрилади. Уруғ олиш учун думбул пишганда ўрилади. Дон камбайнни ёрдамида ўрилади, янчилади.

## **Құнғирбош**

**Ахамияти.** Құнғирбош мұхим ем—хашак ўтлардан биридир. Бошоқланиш даврида 100 кг күкәтни таркибида 24,5 озуқа бирлиги ва 3,5 кг оқсил мавжуд. Яйлов барпо этишда қўлланади. Ўт аралашмада яхши ёйлади.

**Биологияси.** Құнғирбош — илдиз бўғимли сийрак пояли кузги экин. Құнғирбош баҳорда эрта ўсади, 2—3 йил яхши ўсмайди, тўртинчи йили яхши ўсади ва 10 йилгача ўт аралашмаларида ўсиб туради, яйловлатишга чидамли, ўримлардан кейин тез ўсаб чиқади. Кўкатининг ҳосили 6—12 т/га.

Илдизи суст ўсади, тупроққа 1м га киради. Пояси сомон поя, баландлиги 90—100 см, яхши тупланади. Гултўплами — ёйик рўвак.

Құнғирбош ўртача намли, унумдор тупроқларда яхши ўсади. Сув босганда 20—30 кун чидайди, қурғоқчиликка, қишига чидамли, кузги ва баҳорги совуққларга чидамли. Уруғидан ҳамда вегетатив усулида қўпаяди, ўт аралашмаларида етилган уруғи тўкилиб ҳам ўсиб чиқади.

Азотли ўғитлар ҳосилига ва сифатига ижобий таъсир қиласи.

Кузда ўт аралашмаларидан 5—7 кг/га уруг экиласи, чукурлиги 0,5—1,5 см бўлади. Табиий ўтзорларда қўнғирбошнинг ҳар хил турлар учрайди

## **Кўп ўримли мастак**

**Ахамияти.** Кўкат ва пичан учун экиласи. Пичанининг 100 кгда 4,9 кг оқсил, кўкатида 1,2 кг оқсил ва 20 озуқа бирлиги мавжуд. Пичан ҳосил 4—6 т/га, ўтзорда 3—4 йил ҳосил беради. Шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кўп қўлланади.

**Биологияси.** Сийрак тупли кўп йиллик ўсимлик. Иссиқ ва намли иқлимга мослашган. Ўрта Осиёда кенг учрайди. Яхши қишиламайди, сугорилганда яхши ўсади ва 5—6 маротаба ўрилади. Биринчи йили яхши ўсади, 2 йили 3 маротаба ўрим беради.

**Етиштириш технологияси.** Ёппасига қаторлаб экилганда 10—13 кг, кенг қаторлаб экилганда 7—8 кг/га уруг экиласи. Пичан тайёрлаш учун

бошоқланиш даврида ўрилади, уруг учун думбул пишиш даврида ўрилади, қуритилиб янчилади, тозаланади.

## Судан ўти

**Аҳамияти.** Мұхим бир йиллик ем—хашак ўт ўсимлиги. Юқори түйимли, ҳайвонлар томонидан тұла ейиладиган ўт. Судан ўти күкат, пичан, силос, сенаж ва уруғ тайёрлаш учун экилади. Күкат ҳосили 60—80 т\га, уруғ ҳосили 2,5 т/га.

Күкатнинг 100 кгда 22 озуқа бирлиги ва 2,8 кг оқсил, пичанида эса тегишлича 57 ва 7,4 кг. Судан ўти такрорий әкін сифатыда ҳам экилади ва ўт аралашмаларига қўшилади.

**Тарихи.** Ватани Судан давлати (Африка). Ўзбекистонда 20 асрнинг 20 йилларидан бери экилади. Тропик ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган.

**Биологияси.** Иссиқсевар ўсимлик, уруғи  $8-10^0$  да униб чиқади, мақбул ҳарорат йифиндиси  $25^0$ . Ҳарорат  $45^0$  бўлса ўсишдан тўхтайди. Фойдали ҳарорат йифиндиси  $1500-3000^0$ , ўсимлик —  $3-4^0$  да нобуд бўлади. Судан ўти курғоқчиликка чидамли ўсимлик, аммо сугорилганди яхши ўсиб, юқори ҳосил беради.

Судан ўти тоза, унумдор тупроқларда яхши ўсади, шўрга чидамли, озиққа талабчан. Бир тонна пичан еиштириш учун  $20-22$  кг азот,  $8-10$  кг фосфор ва  $20$  кг калий сарфланади.

**Ривожланиши.** Иссиқлиқ ва намлик етарли бўлса, майса  $4-5$  кунда ўсиб чиқади. Илдизи тезроқ ўсади. Ўсиш даврининг бошида ўсимлик секин ўсади. Тупланиш даврида поя баландлиги  $18-25$  см бўлади. Бешинчи барги ривожланганда тупланиш даври бошланади. Тупланиш даражаси най ўраш даврида  $7,5$ , рўвакланиш даврида  $8,4$ , гуллаганда  $9,1$ , етилганда— $10,0$  бўлади.

Рўвак чиқариш даври майсаланишдан  $6$  ҳафта ўтгандан кейин бошланади ва  $2-3$  ҳафта давом этади. Рўвак ривожланишидан  $3-4$  кун

үтгандан кейин гуллаш бошланади. Ҳар бир рўвак 7—9 кун гуллайди. Ўсув даври 100—120 кун давом этади.

**Агротехникаси.** Судан ўти қузги буғдой, баҳорги дон экинлари, дуккакли—дон ва қатор оралари ишлов бериладиган экинлардан бўшаган ерларга экиласди. У тупроқдан кўп озиқ элементларини ўзлаштиради. Судан ўтидан бўшаган ерга талаб миқдорида ўғит солиб, ҳар хил дала экинларини экиш мумкин.

Бу ўт баҳорги ўсимлик, аммо асосий ишлов кузда берилади. Органик ўғитлардан гектарига 20—25 т, гўнг ва 50—100 кг азот, 50—100 кг фосфор ҳамда 20—40 кг калий солиши тавсия қилинади. Судан ўти ёппасига қаторлаб экиласди, қатор ораси 15 см, экиш чуқурлиги 3—5 см лалми ерларда қатор ораси 30—60 см бўлиши мумкин.

Илмий тадқиқот ишлар натижасида экиш миқдори 25 кг/га маъқул деб топилган. Бу экиш меъёри 90 т/га кўкат етиштиришни таъминлайди. Сув танқис шароитда гектарига 8—12 кг уруғ экиласди. Судан ўти апрелдан то августгача экиб кўрилганда, 1 апрелда экилганда 796 ц, биринчи августда экилганда эса 187 ц кўкат ҳосили олинган. Эрта экилганда 4 марта ўрилган. Ҳар хил муддатда экиб, озуқа конвейери ташкил қилиш мумкин. Ёз охирида ер бўшаганда судан ўтини экиб қўшимча ҳосил олиш мумкин.

Судан ўти соф ҳолда ёки ҳар хил дуккакли ўсимликлар билан қўшиб экиласди. Ўзбекистонда судан ўтини соя билан қўшиб экиш мумкин. Судан ўти соя билан биргаликда қатор оралаб экиласди, қатор ораси 15 см, экиш меъёри судан ўтиники — 25 кг, сояники эса 40 кг. Соя 5—6 см чуқурликда экиласди. Бу экинларни апрелда экиш мумкин, кўкат ҳосили 800 ц/га. судан ўти соф ҳолда 650 ц/га ҳосил беради. Судан ўти кўкатида 9,6% оқсил, сояда — 16%, аралаш кўкатида — 13% оқсил бўлади.

Кўкат олиш учун судан ўтининг пояси 50 см га етганда ўриш мумкин. Рўвак чиқариш даврида ўрилса, юқори ҳосил олиш мумкин, аммо эрта ёки кеч ўриб судан ўтини озуқа конвейерига қўшиш мумкин.

Ўриш баландлиги одатда 5 см, дала нотекис бўлса, айниқса, лалми ерларда 8—12 см бўлади. Уруғ олиш учун биринчи ўрим қолдирилади, уруғ ҳосили 10—15 ц/га бўлади. Иккинчи ўримидан ҳам уруғ олиш мумкин, аммо иккинчи ўримида ҳосил камроқ бўлади.

## 6 – амалий машғулот

### Қўнғирбош ўтларнинг морфологияси

#### Судан ўти

**Топшириқ.** Судан ўтининг тузилишини ўрганиб олиш, морфологик белгиларини аниқ ўзлаштириш.

**Талаб қилинади.** Ўсимлик ва нав намуналари, гербарий, уруғ, ўкув қўлланма.

**Илдизи** — яхши ривожланган, попук илдиз, ён томонга 75 см гача тарқалган, тупроққа 2,5 м чуқурликка кириб боради.

**Пояси.** Сомонпоя, тик ўсади, цилиндрический, силлиқ, тупсиз, паренхима тўқималари билан тўлган. Ранги оч яшил, баландлиги 0,5—3,0 м гача бўлади, яхши тупланади, ўртacha бир тупида 12—25 та поя бўлади, ўримлардан кейин қайта тез ўсади, навига қараб асосий поясида 3 тадан 12 тагача бўғин бўлиб, ҳар биридан биттадан барг чиқади.

**Барги** — оддий йирик, узунлиги 60 см гача, туксиз, яшил рангли, рўвак чиқариш даврида ўсимлик сербарг бўлади.

**Гултўплами** — рўвак, рўваги тик ўсади, шакли тухумсимон, ёйик узунлиги 25—90 см гача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин, рўваги яхши шохланади, гул қобиқлари майин, бошоқча қобиқлари қаттиқ, силлиқ, сарғиш—жигар ранг, кул ранг, жигар ранг ва қора рангда.

**Меваси** — қобиқли дон, тухум шаклида. Доннинг ранги сарик, жигар ранг, қизғиш—қизил рангда, 1000 та уругининг вазни 5—15 г.

## **Оқ сўхта**

**Топширик.** Оқ сўхтанинг морфологик белгиларини аниқлаб тузилишини ўрганиш.

**Талааб қилинади.** Ўсимлик намунаси, гербаријси, уруғи, расмлар, ўқув қўлланма.

**Илдизи** попук илдиз, тупроққа 1 м гача кириб боради. Поясининг баландлиги 1—1,5 м, туп ҳосил қиласи, пояси сомонпоя, ингичка, тик ўсади, яшил, сарғиш—яшил рангли бўлади. Барг вазни пояга нисбатан 2—3 маротаба ортиқ бўлади.

Гултўплами — зичланган рўвак, меваси— қобиқли донча, уч қиррали, кул рангли, мингтасининг вазни 1—1,5 г бўлади.

## **Эркак ўт**

**Топширик.** Ўсимликнинг тузилишини ўрганиш, морфологик белгиларини аниқлаб олиш.

**Талааб қилинади.** Ўсимлик намуналари, гербариј, уруғ, ўқув қўлланма.

**Илдизи** попук илдиз, тупроққа 2—2,5 метргача кириб боради. Пояси говак, тик ўсади, баландлиги 50—80 см, яхши тупланади.

Гултўплами бошоқ. Бошоги тузилишига қараб кенг ва тор бошоқли бўлади. Уруғи майда, мингтасини вазни 1,8—2,1 г бўлади. Дончаси қобиқли.

## **Қўнғирбош**

**Топширик.** Кўнғирбош ўсимлигини тузилишини ўрганиб олиш, морфологик белгиларини аниқлаб бериш.

**Талааб қилинади.** Ўсимлик намунаси, гербариј, уруғи, ўқув қўлланма.

**Илдизи** — яхши ривожланган попуксимон илдиз.

**Пояси** — тик ўсади, баландлиги 30—40 см, яхши тупланади, чим ҳосил қиласи. Пояси қайта тез ўсади, яйловларда чорва молларини 4—5 маротаба яйловлатиш мумкин. Барги оддий, ингичка, узунлиги 60—70 см.

**Гултўплами** — ёйик рўвак, узунлиги 20 см, гул қобиқлари узун туклар билан қопланган, шу туфайли уруғини тозалаш анча қийин бўлади.

**Уруғи** (қобиқли донча) уч қиррали, кул—яшил рангли, узунлиги 2,25—2,75 мм, 1000 тасининг вазни 0,3 г.

### **Кўп ўримли мастак**

**Топширик.** Ўсимликнинг тузилишини ўрганиш, морфологик белгиларини аниқлаб олиш.

**Талаоб қилинади.** Ўсимлик намунаси, гербариј, уруғ, ўкув қўлланма.

**Илдизи** бақувват, яхши ривожланган попук илдиз, асосий қисми тупроқнинг хайдалма қатламида жойлашган.

**Пояси** — тик ўсади, силлиқ, сомонпоя яхши тупланади, бўйи 60—80 см бўлади. Бир мавсумда 2—4 маротаба ўрилади.

**Барги** узун, ништарсимон шаклда, хар хил бўғинидан ўсади.

**Гултўплами** бошоқ, узунлиги 10—16 см. Бошоқчалар кўпгулли 10—15 та гул бўлади. Ташқи гул қобигида калта қилтиги мавжуд.

**Меваси** — қобиқли донча, кулранг, 1000 тасининг вазни 1,8—2,0 г.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Кўнғирбошли ўтларнинг экологик аҳамияти.
2. Кўнғирбошли ўтларнинг тўйимлилиги.
3. Кўнғирбошли ўтлардан қандай озиқалар тайёранади?

## **2.6. ЯЙЛОВ ВА ПИЧАНЗОРЛАР**

Ем—хашак етиштириш икки усулда бажарилади: яйлов ва пичанзорларда ем—хашак етиштириш ва далаларда (ҳайдаладиган ерларда).

Яйлов — бу молларни ҳайдаб боқиладиган ўтзор. Пичанзор мавжуд ўтзор яйловлатишга нокулай бўлиб пичан учун ўриб олинади.

Ўзбекистонда табиий яйловлар кенг майдонни эгаллайди. Ўтлар қоплами, тупроқ тури, иқлим шароити хар хил бўлганлиги учун яйловлар бир неча турга бўлинади.

### **1. Чўл минтақасидаги яйловлар.**

Иқлими ўта континентал бўлади, ёғингарчилик кам (100—120 мм), кучли шамол, ҳаво намлиги паст. Ўртacha йиллик ҳарорат 12°C. ёз ойларида

юқори ҳарорат  $44\text{--}48^{\circ}\text{C}$  бўлади. Қиши совуқ, январнинг абсолют ҳарорати  $-32^{\circ}\text{ C}$ .

Минтақанинг тупроқлари ҳар хил — қум, қумоқ, шўр, шўрхок, тақир, соз—лёслидир. Тупроқ тури ўсимликлар дунёсига катта таъсир кўрсатади.

Бу минтақада буталардан оқ саксовул, оқ жузгун, қора саксовул, қорабаргак, ярим буталардан сингрен, чўғон, шувоқ, кўп йиллик ўтлардан илок, каррак, чалов, эфемер ва эфемероидлардан балиқ кўз, донашўр, оқ читир, ялтирибош каби ўсимликлар учрайди ва ҳосилнинг асосий қисмини ташкил қиласди.

Қумли чўл катта майдонни эгаллайди (бу Когон, Нурота, Фориш). Бу минтақада бута, ярим бута, кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар ва эфемерлар кўп учрайди. Шароитга қараб 1—6 ц/га пичан ҳосили олинади.

Соз—лёссли чўл кам майдонни эгаллайди.(Бу Мирзачўл, Қашқадарё, Сирдарёларнинг қирғоқлари). Бу ерларда ярим бута, эфемер ўтлар учрайди. Бу яйловларда йил бўйи қўйларни боқиш мумкин. Шароитга қараб ҳосил 2—8 ц/га бўлади.

Шўрхок чўл — Амударё, Сирдарё, Мурғаб, Зарафшон, Тежен дарёлар атрофидаги ерлар. Тузнинг миқдорига қараб тақир, қаттиқ, қуруқ, ҳўл шўрхок ва ботқоқ шўрхок майдонларга ажратилади. Бу минтақада ялтирибош, қўнғирбош, янтоқ, аччиқмия каби ўсимликлар ўсади. Ўт қоплами сийрак, ҳосил 0,5—5,0 ц/га бўлади.

Гипсли чўл кенг майдонни эгаллайди. — бу Устюрт, Конимех чўли, Қарноб чўли, Малик чўли, Нурота тоғ этакларидир. Бу минтақада шувоқлар кўп бўлади. Кўп учрайдиган ўсимликлардан буюргун, каврак, арпағон, читир, ялтирибош, қўнғирбош ва саксовулдир. Ҳосилдорлик 0,5—3,5 ц/га бўлади.

## **2. Адир минтақадаги яйловлар.**

Бу минтақа бироз салқин ва намгарчилик кўп бўлади. Ўртacha йиллик ҳарорат  $12,3^{\circ}\text{C}$ , ҳароратнинг максимуми  $42^{\circ}\text{C}$ . Қиши совуқ —  $4\text{--}25^{\circ}\text{C}$ , ёғингарчилик миқдори 200—400 мм бўлади. Тупроғи — ҳар хил турдаги бўз тупроқлар.

Учрайдиган ўсимликлар: бута ва ярим буталар — изень, шувоқ, терескен, күп йиллик ўтлар — бетага, каррак, ажриқбош, оқ сўхта, себарга, қашқарбеда, ранг ва ҳоказо.

Адир минтақасига денгиз сатҳидан 500 м дан 1600 м гача баландликда жойлашган майдонлар киради. Пастки адир (500—900 м денгиз сатҳидан) рельефи текис, асосий экинлари — ранг, қўнғирбош, нўхатак, ялтирибош ва бошқа бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар учрайди. Юқори адир — 900—1000 м баландликда, рельефи нотекис, асосий ўсимликлар — қўнғирбош, ранг, қўзиқулоқ, буғдойик, беда ва себарга турлари, ёввойи арпа, кийик ўт. Ҳосил 10—15 ц атрофига бўлади.

### **3. Тоз минтақасидаги яйловлар.**

Бу минтақа денгиз сатҳидан 1600—2800 м баландликда жойлашган. Ёз ойларида ўртacha ҳарорат 8—12°C, қиши совуқ, совуқ кунлар 3—4 ой давом этади. Ёғинлар микдори 500—900 мм. Минтақанинг пастки қисмларида тупроқларда гумус кўп, қўнғир рангда бўлади. Юқориги тоғнинг тупроқлари кул ранг, чувалчанг кўп учрайди. Рельефи мураккаб. Ўсимликларнинг турлари хилма — хил тоғ яйловларида терескен, наъматак, шувоқ, бетага, мушук қуйруқ, от қулоқ, тоғ арпа, тулки қуйруқ, тарик, қиёқ, қорабош, ола бута, тароқбош каби ўсимликлар кўп учрайди.

Пастки тоғли яйловларда эфемерлар, баргак, бетага учрайди. Текис майдонларидан пичан ўрилади, 25—30 ц ҳосил олинади.

### **4. Баланд тоз яйловлари.(Альп яйловлари).**

Бу минтақа денгиз сатҳидан 2600—3800 м ва ундан баланд бўлади. Яйлов майдони кам. Ҳаво паст, булутли кунлар кўп, ёзда ҳам ёғин бўлади. Тупроқлари тўқ қўнғир тусда ва қора бўлади. Бу яйловларда бута ва ярим буталардан тиконли терескен, тоғ шувоқ, арслон қулоқ, бетага, каррак, оқ гулхайри, сумбул, қўнғирбош ўтлар кўп бўлади. Ҳосили 5—14 ц/га яқин пичан олиш мумкин. Бу минтақада доривор ўсимликлар, мевали ва манзарали дараҳтлар ҳам кўп ўсади.

## **Табиий яйловларни ҳисобга олиш**

Табиий озуқа яйловлардан ва пичанзорлардан тўла фойдаланиш учун улар аниқ ҳисобга олинади. Яйловлар ва пичанзорлар ҳисобга олинганда аввал чегараси ва майдони аниқланади. Шу майдонни харитадаги рақами ва маҳаллий номини ёзиш, сув манбаи, ер ости сувлар чуқурлиги, тупроқ тури ва фитосанитар ҳолати, ўсимлик қоплами, сони, тури, ҳосилдорлиги, озуқалик қиммати, маданий—техник ҳолати (дараҳтлар, буталар, тўнкалар, тошлар, рельефи), аҳоли, ферма ва сув манбаидан узоқлигига баҳо бериб яйловларни ҳосилини ошириш чоралари аниқланади.

Сув манбаи таҳлили қилинганда ёғингарчилик миқдорининг етарлилиги, қурғоқчилик бўлиши, ер ости сувларини чуқурлиги ҳисобга олинади.

Тупроқ тури аниқ кўрсатилади — тусли бўз тупроқ, ўтлоқи ботқоқ ва ҳоказо, тупроқнинг фитоасанитар ҳолати — бу касаллик, зааркунанда ва бегона ўтлардан тозалиги ҳисобга олинади ва унумдорлиги ҳам баҳоланади.

Ўт қоплами аниқланганда ўсимлик турлари, сони, озуқа қимматлиги, ҳазм бўлиши, заҳарли ва зарарли ўсимликларни мавжудлиги, фойдали ўсимликларни ҳосилдорлиги аниқланади.

Маданий—техник ҳолатига баҳо берилганда бир гектар майдонда дараҳт ва буталар сони, баландлиги, йўғонлиги, тупроқ юзасининг ҳолати, нотекислиги, тош ва бошқа қурилиш қолдиқлари ҳисобга олинади. Ҳисобга олиш ишларини натижасида таҳлил қилинган ўтзордан қандай фойдаланиш мумкинлиги (пичан ўриб олиш учун ёки молларни яйловлатиш мумкинлиги) ёки яхшилаш усуллари тавсия этилади. Яйлов ва пичанзорларни ҳисобга олган ҳайъат аъзолари яхшилаш усулларини ҳам тавсия қиласди. Яйловлар икки усулда яхшиланади: юзаки ва тубдан.

## **Яйловларни яхшилаш**

Яйловни юза яхшилаш — бу табиий яйлов ўсимлик қопламини бузмасдан унинг ҳосилдорлигини оширишга мўлжалланган чора тадбирлардир. Юза яхшилаш тизими ўз навбатида табиий яйловдаги

ўсимликларни сув, ҳаво ва озуқа тизимини яхшилаш йўли билан улардан узоқ муддатли озуқа олиш кузатилган. Яйловларни тубдан яхшилаш — бу мавжуд ўтзорни йўқ қилиб (ҳайдалади) янги ўтзор барпо этиш.

Яйловларни яхшилашдан аввал маданий—техник ишлар олиб борилади. Бу ишларни натижасида фойдали ем—хашак ўтлар ўсадиган майдон кенгайтирилади, ҳосили ошади. Аввал яйловлар дараҳт ва буталардан тозаланади. Бу ДП—24, МТП—13 машиналарида бажарилади. Тўнкаларни чиқарилади ва яйловлар юзаси текисланади, бунда фрезер, бульдозердан фойдаланилади.

Яйловларни ҳосилини оширишда сув тизимини ўрни катта. Асосий сув манбаи — бу Амударё, Сирдарё ва кичик дарёлар — Мурғаб, Теджен, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё. Бундан ташкари бир нечта сув омборлари мавжуд. Яйловларни сув тизимини яхшилашда ер ости сувларидан фойдаланиш мумкин. Суғориш учун булоқ, кичик сойлар ва далаларнинг оқава сувларидан фойдаланиш мумкин. Айниқса тоғлардаги тез оқувчи сой ва дарёлар сувларидан яйловларни суғориш яхши самара беради.

Маданий—техник ишлар бажарилгандан кейин агротехник тадбирлар ўтказилади. Ўтлар қопламини тўлдириш мақсадида шу минтақада ўсадиган ўсимликларнинг уруғи йиғилиб маълум вақтда экилади. Умуман яйловни яхшилаш бир йилда бажарилмайди, бу 4—5 йилга давом этади, шунинг учун кўшимча экиш зарур. Ўтзор кетма—кет 4—5 йил мобайнида яхшиланади. Экиш муддати, меъёри турлари бўйича хар хил бўлади.

Яйловларда кўпинча чогон, изень, терескен, астрагал, шувоқ, саксовул экиш яхши натижа беради. Экиш меъёри чогонда 8—19 кг/га, изень 3—4 кг, терескен 12—15 кг, шувоқ 0,5—1,0 кг, оқ саксовул 5—8 кг/га. Экиш усули кенг қаторлаб, қатор ораси 45—60 см, фақат терескенда 60—80 см, саксовулда 100—120 см. Экиш чуқурлиги уругни катталигига қараб 0,5—3,0 см. Уруг кузда ёки қиши ойларида экилади.

Адирларда ўт қопламини 20% ни бўта, 65% ярим бўта ва 15% ўтлар ташкил қиласи. Гипсли яйловларда 20—25% бута, 50—60% ярим бута,

25—30% ўтлар бўлиши яхши ҳосил олишни таъминлайди. Соз лёссли яйловларда 35% бута, 35% ярим бута ва 30% ўтлар ташкил қиласди.

Яйловларда мол боқиш ва пичан ўриш натижасида ҳосил камаяди. Тупроқнинг физикавий, кимёвий ва биологик жараёнлари ўзгаради. Шунинг учун ўғит қўлланиши талаб қилинади. Органик ўғитлар 3—4 йилда бир марта 15—20 т/га, минерал ўғитлардан фосфор 60—80 кг, калий 60—90 кг/га қўлланилади. Ўғитлар мунтазам қўлланилса яйловлар анча маданийлашади.

Яйловларда табиий ўт қопламини ҳосили қониқарсиз бўлса, бу ўтзор йўқ қилинади ва янги ўтзор барпо этилади.

### **Маданий сугориладиган яйловлар барпо этиш**

Сувли ерларди маданий яйлов ташкил қилиш мумкин. Яйловлар қисқа ва узоқ муддатли бўлади. Қисқа муддатли яйловлар 1—5 йил, узоқ муддатли яйловлар 5—10 йил мобайнида мол боқиш мумкин.

Яйлов ташкил қилиш учун ўт тури ва уруғ экиш меъёри (кг/га).

Чўл минтақаларида эркак ўт (8—10 кг), баргак (30—40 кг) экилади (13—жадвал). Қисқа муддатли яйлов ташкил қилинганда бир йиллик ўтлар ҳам экилади (судан ўти, берсим, шабдар). Маданий яйловлар серҳосилли бўлади.

*13—жадвал*

### **Яйлов ташкил қилиш учун ўт тури ва уруғ экиш меъёри**

T. р	Экин тури	Экиш меъёри, млн дона га	Уруғнинг яроқлилиги, %	Экиш меъёри, кг.га
1.	<b>Аралашима</b>			
	Беда	8,0	88,2	17,0
	Кўп ўримли мастак	4,0	85,5	10,0
	Яйлов мастаги	4,0	87,3	10,0
2	<b>ЖАМИ</b>	16,0		37,0
	Беда	8,0	88,2	17,0
	Кўп ўримли мастак	5,2	85,5	13,0

	Оқ сүхта	2,8	86,4	4,0
	<b>ЖАМИ</b>	16,0		34
3	Беда	8,0	88,2	17,0
	Күп ўримли мастак	3,0	85,5	7
	Яйлов мастаги	3,0	87,3	7,0
	Оқ сүхта	2,0	86,4	3,0
	<b>ЖАМИ</b>	16,0		34,0
4	Беда	8	88,2	17
	Күп ўримли мастак	4	85,5	10,0
	Қилтиқсиз костер	4	85,5	16,0
5	Беда	8	88,2	17,0
	Күп ўримли мастак	3	85,5	7
	Яйлов мастаги	2	87,3	5,0
	Қилтиқсиз ялтирибош	3	85,5	12,0
	<b>ЖАМИ</b>	16		41
6	Беда	8	88,2	17,0
	Күп ўримли мастак	3	85,5	7
	Яйлов мастаги	1,5	87,3	3,0
	Қилтиқсиз ялтирибош	2,5	85,5	10,0
	Оқ сүхта	1,5	86,4	2,0
	<b>ЖАМИ</b>	16		40
7	Беда	5,6	88,2	12,0
	Қизил себарга	2,4	88,2	5,0
	Күп ўримли мастак	3	85,5	7,0
	Яйлов мастаги	2,5	87,3	6,0
	Қилтиқсиз ялтирибош	2,5	85,5	10,0
	<b>ЖАМИ</b>	16		40

Изоҳ: экиш меъёри уруг унувчанлиги 100% бўлган шароит учун.

### Яйловларни парваришлаш

Яйловлатиш даврида яйловларда маълум агротехник тадбирлар ўтказилади.

1. Бегона ўтларга қарши курашиш — яйлов ва пичанзорларда ҳайвонлар емайдиган ва кам ҳосиллий ўсимликларни йўқ қилиш керак. Бунинг учун боқиши тўғри ташкил қилиш керак, фойдаланиш мумкин (2,4—Д бутил эфир 2—3 кг/га).

2. Орасига экиш — турли сабабларга кўра сийраклашиб кетган жойларда ўтлар аралашмаси экилади. Экиш меъёри, муддати яйлов барпо этилганидек бўлади.

3. Тупроқда ҳаво тизимини яхшилаш — борона ва дискалаш каби тадбирлар ўтказилади. Бунда яйловларнинг ҳолати, тупроқ ва иқлим шароити ҳисобга олинади.

4. Ўриш — моллар яйловда боқилгандан кейин, ейилмай қолган ўтларни ўриш лозим. Бу тадбир кейинги ўримларни текис ўсиб чиқишига ёрдам беради. Ейилмасдан қолган ўт дағаллашади, қурийди, яйловлар секин— секин маданий ҳолатини йўқотади.

5. Суғориш — маданий яйловларда қолган ўтлар ўрилгандан кейин суғорилади.

6. Ўғитлаш — режада кўрсатилган бўлса суғоришдан олдин ўғит солинади.

7. Моллар боқилгандан кейин гўнги майдонга ёйилади борона ёрдамида.

### **Яйловлардан фойдаланиш тартиби**

Йиллар давомида яйловлардан яхши ҳосил олиш учун улардан оқилона фойдаланиш лозим.

1. **Яйловларни жиҳозлаш.** Яйлов ферма яқин бўлса(1—2 км) моллар суғоришга, соғишга ва дам олиш учун фермага ҳайдаб келтирилади. Яйлов фермадан узоқ бўлса яйлов атрофида вақтинчалик уйлар қурилади, бунда

ветеринария хизмати, чўпонларни яшаш, молларни соғиш ва суғориш учун шарт—шароит яратилади.

2. Яйловлатиш усули — Яйловда моллар уч хил усулда боқилади:

— Эркин боқилади — Моллар яйловда эркин юради, ҳоҳлаган жойдан ўтлайди.

— Боғлаб боқиш — Ҳар бир бош мол қозикларга боғлаб қўйилади.

Маълум доирадаги ўт ейилгандан кейин янги жойга боғланади.

— Загон усулида боқиш — яйлов бир нечта загонларга (майдароқ қисмларга) бўлинади, моллар загонларда қабул қилинган тартибда боқилади.

— Эркин боқиши усули Ўзбекистоннинг табиий яйловларда қўлланади, ҳосили кам ўтзорларда фақат шу усулда яйловлатилади. Боғлаб боқиши усули маданий суғориладиган серҳосилли майдони кам ўтзорларда қўлланилади. Бу кичик фермаларда қўлланиши мумкин. Бу усулда яйлов жуда тежамлик билан фойдаланилади. Суғориладиган катта майдонли яйловларда бир нечта майдонларга бўлинниб моллар яйловлатилади. Бу усуларда ҳам яйловлардан тўла ва тўғри фойдаланиш мумкин.

Бир загоннинг майдонини аниқлаш учун пода сони, ҳосилдорлик ва бир кунда бир бош мол ўт ейиш меъёри ва бир загонда неча кун мол боқилишини билиш керак.

Бир загон майдони аниқлангандан кейи мавжуд яйлов майдони шу рақамга бўлинади, шунда загонларни сони келиб чиқади.

Загонларда майдонларни яйловлатиш, айрим ўримлардан пичан тайёрлаш ва уруғ олиш тартиби аниқ режалаштирилади.

3. Яйловлатиш муддати— Янги барпо этилган яйловларда дуккакли ўтлар шоналаш, қўнғирбош ўтлар най ўраш даврига ўтганда яйловлатиш мумкин. Эски яйловларда ҳосил етарли бўлганда ( ўтларни баландлиги 15—20 см) яйловлатиш мумкин. Кузда совуқ тушишига 25—30 кун қолганда яйловлатишни тўхтатиш лозим. Совуқ тушиш вақтгача агротехник тадбирлар ўтказилади.

Кун давомида одатда эрталаб ва тушдан кейин яйловлатилади, куннинг иссиқ соатларида яйловлатилмайди

Чўл минтақасида йил давомида яйловлатилади, фақат ёз ойларида.

Яйловлатиш тартиби— Эрталаб яйловлатилганда дағал, кам тўйимли баланд ўсган ўтлар жойда яйловлатилади. Кечкурун эса сернам, тўйимлиги юқори жойларда яйловлатилади. Агар хўжаликда ҳар хил моллар бўлса, олдин йирик шоҳли моллар, кейин майда шоҳли моллар яйловлатилади.

Чорвачилик хўжаликларда яйловлар маҳсус бир мол турига ажратилиши мумкин. Масалан, касал моллар алоҳида яйловлатилади, бузоклар эса тўйимли, серсуви ўтзорда боқиласди.

## 7 – Амалий машғулот

### **Яйлов ва пичанзорларнинг ҳосилдорлигини, сифимини аниқлаш**

**Топшириқ** —1 Яйлов ҳосилдорлигини аниқлаш.—2 Яйлов сифимини аниқлаш.—3. Талаб қилинадигон озиқа режимини тузиш

**Талаоб қилинади** — Бу топшириқлар ўтзорларда бажарилади

**1. Яйлов ҳосилдорлигини аниқлаш** — Бир яйлов 4—та жойидан 2 кв.м ҳисобли майдонча ажратилади. Шу майдончадан 5 см баландликда ўт ўрилади, тортилади. 4—та майдончадан ўрилган кўкат вазни қўшилади ва 4 га бўлинади. Чиққан маълумотдан гектардан олинадиган ҳосил ҳисобланади.

Мисол; 2 кв м дан 2 кг кўкат олинса , гектаридан 100ц кўкат олинади.

### **2. Яйлов сифимини аниқлаш**

Яйлов сифими — бу демак 1 га яйловда нечта бош молни яйловлатиш мумкин.

Яйлов сифими қўйдаги формула бўйича аниқланади:

У

Н — \_\_\_\_\_,

В.П

Н — яйлов сифими

У — ҳосил, кг/га.

В — бир кунда ейиладиган қўкат миқдори (бош/кг)

П — яйловлатиш даври (кун)

### **3. Бир йилда (ойда, кварталда) талаб қилинадиган озиқа миқдорини аниқлаш.**

Озуқа етиштириш режасини тузишда қўйдаги маълумотларга асосланади:

—Мол сони турлари бўйича.

—Ҳар куни ейиладиган қўкат миқдори (мол турлари бўйича, бош/кг ҳисобида).

— Яйловни ҳосилдорлиги, ц/га.

— Яйловлатиш даври, кун.

— Талаб қилинадиган маҳсус ем—хашак экинларини экилиши (экин майдони, ҳосилдорлиги).

## **2.7. ЯШИЛ КОНВЕЙЕР**

Қишлоқ хўжалик хайвонларини яйловлатиш мавсумида узлуксиз қўкат билан таъмин қилш учун олиб борилган технологик, хўжалик ва таҳқилий ишларнинг тизими яшил конвейер деб юритилади. Яшил конвейер уч хил турда бўлади. Бу – табиий, аралаш ва сунъий турлари.

Табиий яшил конвейер –бу табиий яйловлар ва пичанзорлардан фойдаланиб эрта баҳордан то кузгача молларни узлуксиз қўкат билан таъмин қилишга айтилади. Яшил конвейер турларини орасида бу энг орzon ва ташкил қилиши энг қулайдир. Табиий яйловларда ва пичанзорлардаги ҳосил молларни талабига жавоб бериши лозим.

Аралаш яшил конвейер –бу табиий ўтлоқлардан ва маҳсус экилган ем—хашак экинлардан экиб молларни яйловлатиш мавсумида узлуксиз қўкат билан таъмин қилишдид.. Маълумки табиий ўтлоқларда аксарият ҳолда баҳорда ва кузда ўтлар ўсган бўлади, ёзга келиб бу ўтлар қурийди, шунинг учун бу даврда маҳсус экилган ем—хашак экинлардан олинган ҳосил билан молларни қўкат билан таъминлаш мумкин.

Сунъий яшил конвейер – бу фақат махсус экилган ем—хашак экинларни экиб яйловлатиш мавсумида молларни узлуксиз кўкат билан таъминлашдир. Бу яшил конвейер турларини орасида энг қийинидир. Ўзбекистон шароитида кўпроқ шу яшил конвейерни тури кўпроқ учрайди.

Яшил конвейерни ташкил қилиш учун қуидагиларни аниқлаш лозим:

- Экинларни танлаш
- Талаб қилинадиган кўкат микдорини аниқлаш
- Талаб қилинадиган кўкат билан таъмин қилиш учун ҳар бир экинни экин майдонини аниқлаш.

Талаб қилинадиган кўкат микдорини аниқлаш учун хўжаликдаги молларни сонини аниқлаш, ҳар бир бош моллга талаб қилинадиган кўкат микдори, қайсики бу молларни турига, ёшига боғлиқ

#### *14—жадвал*

#### **Бир бош молга едириладиган кўкатнинг ўртача меъёри**

T. р	Молларнинг тури ва ёши	Бир кунги Кўкат меъёри,кг
1	Ўртача вазни 500 кг келадиган сигирлар: —суткада 10—12 л сут беради —суткада 14—16 л сут беради —суткада 18—20 л сут беради	65—75 45—55 55—65
2	Бўқалар	25—35
3	Ғунажинлар	30
4	Бир ёшдан катта бузоқлар	30—40
5	БИр ёшга етмаган бузоқлар	15—25
6	Ишчи отлар	30—40
7	Болали она чўчка	10—15
8	Эркак чўчқалар	5—7
9	Бўрдоқига боқиладиган чўчқалар	3—5
10	КАтта ёшдагт қўйлар	6—8

Ем—хашак экинлари хосилдорлиги, түйимлилиги, хазм бўлиши ва иктиносидий самарасига караб танланади. Яшил конвейерга экинлар танлашда хўжаликда йил давомида барча озука турларини тайёрлаш имконияти хисобга олинади, шунинг учун бу экинлар сирасига ўтлар, силосбоп экинлар, ширали озука берадиган тугунак мевалилар ва илдизмевалилар, хашаки полиз экинлари қушилади. Ўтлар жумласида бир ва кўп йилликлари бўлиши лозим. Ем—хашак экинлари орасида оксилга бой дуккакли экинлар хам бўлиши максадга мувофиқдир. Ўртача бир яшил конвейер тизимига 5—7 хил экин тури қўшилади. Экин тури кўп бўлгани сари уларни етиштиришда кийинчиликлар хам орта боради. Одатда, яшил конвейерга маккажўхори, жўхори, судан ўти, кузги жавдар, арпа, сули, тритикале, беда, кизил себарга, хашаки ковок, хашаки лавлаги, соя, бурчок., кўк нўхат, нўхат танланади. Экинларни танлашда тупрок—иклим шароити хам хисобга олинади. Шўрланган тупрокларда шўрга чидамли, сув танкис минтакаларда кургокчиликка бардошли экинлар танланади.

### *15—жадвал*

#### **Яшил конвейер тизимлари**

Йирик шохли қора моллар учун сув етарли минтақада яшил конвейер тизими

( Яйловлатиш муддати— апрел— ноябр. X.Атабаева )

T/ р	Экин турлари	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати Бошланиши Тугаши
1	Кузги жавдар—кузги вика	Октябр	— май
2	Кузги хашаки буғдой—вика	Октябр	Май
3	Беда, баргак	Эски	Май июн

4	Күк нүхат – арпа	Октябр	Май — июн
5	Күк нүхат – бурчоқ	Октябр	Июн
6	Маккажүхори	Март	Июн — июл
7	Маккажүхори –соя	Апрел	Июл — август
8	Беда, баргак	Эски	Июл — август
9	Судан ўти	Март	Июд — август
10	Маккажүхори	Апрел	Июл
11	Жүхори	Апрел	Сертябр
11	Хашаки лавлаги	Март	Сентябр — ноябр

16—жадвал

Қўйлар учун яшил конвейер тизими  
(Яйловлатиш муддати—апрел—октябр)

T/ р	Экинлар	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати Бошланиши Тугаши
1	Кузги жавдар—кузги вика	октябр	Апрел — май
2	Кузги буғдой—кузги вика	октябр	Апрел — май
3	Беда—мастак	октябр	Май — июн
4	Сули – кўк нүхат	октябр	Июн
5	Судан ўти	апрел	Июл
6	Беда— мастак	октябр	Июн — июл
7	Маккажүхори	март	Август

8	Беда— мастак	октябр	Сентябр
9	Сули – бурчоқ	июн	Сентябр — октябр

17—жадвал

Күрғоқчилик минтақаси учун яшил конвейер тизими  
(яйловлатиш муддати— апрел— ноябр)

T/ p	Экинлар	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати Бошланиши Тугаши
1	Табиий яйловлар	—	Апрел — май
2	Сунъий яйловлар	Октябр	Июн
3	Сули— бурчоқ	Октябр	Июн
4	Судан ўти, жўхори	Апрел	Июл
5	Судан ўти, жўхори, беда, тариқ	Март, апрел	Август
6	Судан ўти, хашаки полиз экинлар, беда	Март, апрел	Сентябр
7	Беда, судан ўти, хашаки полиз экинлар	Март, апрел	Октябр — ноябр

18—жадвал

Шўрланган тупроқлар учун яшил конвейер тизими  
(Яйловлатиш муддати— апрел— октябр)

T/ p	Экинлар	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати Бошланиши Тугаши
1	Кузги жавдар, эркак ўт	Октябр	Апрел — май

2	Эркак ўт, қашқарбеда	октябр	Май — июн
3	Судан ўти, жүхори, қашқарбеда	Апрел, октябр	Июн — Июл
4	Судан ўти, жүхори	Апрел	Август
5	Судан ўти, эркак ўт	Март	Сентябр
6	Судан ўти, хашаки полиз экинлар	Март, апрел	Октябр

19—жадвал

Чүчқалар учун яшил конвейер тизими  
(яйловлатиш муддати— апрел—октябр)

T/ р	Экинлар	Экиш муддати	Фойдаланиш муддати Бошланиши Тугаши
1	Кузги жавдар— кузги вика	Октябр	Апрел Май
2	Кузги хашаки буғдой	Октябр	Апрел Май
3	Беда – 1 ўрим	эски	Май
4	Арпа – күк нүхат	Октябр	Май Июн
5	Сули— бурчоқ	Октябр	Май Июн
6	Беда – 2 ўрим	Октябр	Июн
7	Маккажүхори— соя	Апрел	Июл Август
8	Соя	Апрел	Август Сенябр
9	Маккажүхори—соя	Апрел	Июл Сентябр
10	Кабачки	Март	Июл Сентябр
11	Судан ўти – 2 ўрим	Март	Июл Август
12	Жүхори, судан ўти	Март, апрел	Июл

			Сентябр
13	Хашаки қовоқ, лавлаги	март	Август Сенябр
14	Топинамбур	март	Август Октябр

Яшил конвейернинг мисол учун келтирилган тизимлари таҳминий. Экин турлари, етиштириш технологияси ( экиш муддати ва фойдаланиш муддатлари ) ҳар хил бўлиши мумкин.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

- 1.Ҳайвонларни йил давомида кўкат билан таъминлаш мумкинми?
- 2.Яйловлатиш даврида дағал озиқалар билан фойдаланиладими?.
- 3.Молларни яйловлатиш усулини билдингизми
- 4.Яйлов ва пичанзолларнинг фарқини тафсивлаб беринг

#### **Амалий машғулот № 8**

##### **Яшил конвейер тизимини тузиб бериш**

*Топшириқ* – Бир хўжалик мисолида яшил конвейер тизимини тузиб бериш

*Талаб қилинади* – Ем–хашак экинларни етиштириш технологияси бўйича жадваллар, хўжаликнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ( экин майдони, экинларни ҳосилдорлиги, мавжул ҳайвонларни сони ва тури). Бу иш ўқитувчи ёрдамида бажарилади.

#### **2.8. Озуқалардан кўк ўт тайёрлаш технологияси**

Қишлоқ хўжалик молларига едириладиган озиқалар орасида кўкат озиқалар ўзининг юқори тўйимлилиги билан ажралиб туради.

Кўкат озиқаларда витаминалар, минерал моддалар кўп бўлади. Республикаизда кўкат озиқа сифатида беда ва маккажўхори озиқалари кўп

кўлланилади. Беда кўкатида оқсил, витаминлар, каротин кўп бўлади. Маккажўхори кўкатида енгил ҳазм бўладиган углеводлар кўп, аммо оқсил моддалар етарли эмас. Агар йил давомида молларни экилган экинлардан кўкат тайёрлаб боқилса ёки яйловларда йил давомида яйловлатиш имконияти бўлганда, озиқа этиштириш анча арzon бўлар эди ва кўкатда нам етарли бўлганлиги туфайли осон ҳазм бўлади, кўкат озиқалари хушбой бўлади. Аммо кўкат озиқаларни сақлаш бирмунча қийин. Кўкатларни майдалаб юқори хароратда қуритиб кўкат уни тайёрланади. Бу витамишли ун дуккакли ўтлардан тайёрланса сифати юқори бўлади.

Кўкат озиқаларни сақлаб бўлмайди, шунинг учун ем—хашак экинларни этиштириш технологияси шундай бажарилиши лозим—ки, талаб қилинадиган муддатда кўкат билан таъминлаш. Бу яшил конвейер тизимида бажарилиши мумкин.

## 20—жадвал

Кўкат озиқаларнинг тўйимлилиги(1 кг кўкат таркибида, г)

Т.р	Экин турлари	Сув миқдори	Оқсил	Каротин Мг	Озиқа Бирлиги
1	Беда—гуллашда	640	168	136	0,84
2	Маккажўхори	659	88	35	0,90
3	СУдан ўти	725	125	144	0,92
4	Беда—кўкат уни	118	137	40	0,66

Ишлаб чиқаришда кўкатлардан аксарият холда пичан тайёрланади. Пичан дағал озукалар орасида тўйимлилиги, таркибида оқсил, витаминаларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Бошка озукаларга қараганда пичан кўп кўлланилади. Чорвачиликда ишлатиладиган озукаларнинг 40 фоизини пичан ташкил килади. Унинг сифати экин турига, ўриш муллга ва ўриш баландлигига bogлик.

## 18—жадвал

Хар хил экинлардан тайёрланган пичан сифати

Т.р	Пичан тури	Озуқа бирлиги	Осон ўзлаштириладиган Протемнг/кг
1	Беда—ўртача	0,47	88
2	Беда—гуллаш бошланганда	0,41	101
3	Маккажўхори пичани	0,57	44
4	Сули пичани	0,39	61
5	Тарик пичани	0,49	48
6	Жавдар пичани	0,49	48
7	Судан ўти пичани	0,55	41
8	Рапс пичани	0,49	26

Маълумки, ўсимлик қисмларининг тўйимлилиги бир хил эмас. Барг ва гул таркибида оқсил, минерал тузлар ва витаминалар кўп бўлади. МАсалан, улар таркибида оқсил поядагига нисбатан 2 баравар, каротин 10—15 баравар, ҳазм бўлиши 40 фоизга ортиқ. Шунинг учун юқори сифатли пичан тайёрлашда ўтларни ўришнинг мақбул муддатини аниқлаш лозим. ТАбиий яйловларда ўтлар тўла гуллаганда ўрилади. Дуккакли экинларда шоналаш даврида оқсил кўп тўпланади, аммо бу даврда ўрилса, кам ҳосил беради. Шунинг учун одатда, ишлаб чиқаришда кўпчилик ўтлар гуллаш даврининг бошланишида ўрилади. КЕч ўрилганда барги, оқсили, камайиб, пичан сифати пасаяди. ФАр бир далада ўтларнинг ривожланишига қараб, ўриш муддати белгиланади. Кўп ва бир йиллик ўтлар бир неча маротаба ўрилади, лекин хамма ўримларини бир хил муддатда амалга ошириш мумкин эмас. Ўт уни тайёрлаш учун эса ўтлар эрта ўрилади. Ўриш муддати йиллар ва ўримлар бўйича ўзгартириб турилиши лозим.

Пичан сифати ўтларни ўриш баландлигига, бу эса навбатдаги ўримларнинг кайта ўсишига боғлиқ. Агар 6 см ўрнига 12 см колдириб ўрилса, ҳосил 20—45 фоизга камаяди. Ўсимликнинг пастки кисмида оксид микдори кам бўлади. Аммо 4 см.дан паст ўриш мумкин эмас, чунки бу навбатдаги ўрим суст

ўсишига сабаб бўлади. Шунинг учун ўтлар ўртача яйловда 4—6 см, табиий ўтлокдарда 6—7 см, нотекис ерларда 8—10 см. баландликдан ўрилади.

Ўтлар махсус техника ёрдамида ўриб, ташилади хамда ғарамланади. Ўриш учун КДП—4,0, КС—2,1, КСП—2,1 А, ётиб колган ўтлар учун эса КРН—2,1 машиналари ишлатилади. Ўтлар тез куриши учун махсус ПТП—2,0 машина ёрдамида сал эзғиланади. Табиий пичанзорларда КДП—4,0, махсус экилган ўтзорларда КНУ—6 ва ПТП—2,0 машиналари кўлланилади.

Пичан тайёрлаш тартиби:

1. Ўтларни ўриш ва эзғилаш (КС—2,1, ПТП—2,0);
2. Ўрилган ўтларни ағдариш (ГВК—6,0, Е—247/249);
3. Ўрилган ўтларни йиғиш (ГВК—6,0, ГП—14,0, ПСБ—1,6) ва (ГУТ—2,5) сакданадиган ерларга ташиш;
4. Пичанни ғарамлаш (СНУ—0,5);
5. Пичаннинг намлиги меъёридан ортик, буўса, вентиляторлар ёрдамида куритилади. Сакланадиган пичаннинг намлиги 17—20 фоиз атрофида бўлиши лозим).

Пичанни сақлаш учун юзаси тоза, сув тўпланмайдиган махсус жой тайёрланади. Ғарамнинг баландлиги 5—7 м, эни тубида 4 м, ўрта кисмида 5,5 м, юкорига караб камаяди. Узунлиги 20 м ва ундан хам ортик. бўлади. Усти дағал поялар, плёнка билан копланади. Сувдан асраб сақланганда, бир неча йил сифатини йўкотмаслиги мумкин. Ғарамлар ораси 30—40 м, фермагача 100 м бўлиши лозим. Ғарамлар атрофида сув тўпланиб колмаслиги учун 20—25 см чукурликда эгатлар олинади. Оддий усулда тайёрланган пичаннинг сифати сақлаш даврида 7—8 фоизга, зичланган пичанники 2—2,5 фоизга пасаяди.

Пичаннинг сифати хиди, ранги (сарик., яшил, сарғиш—яшил, кўк—яшил, тўк сарик), ўрилган даври (гули, шонасига караб), намлиги (бир кисм пичан кўлга олиб ишқаланади, агар барги тўкилиб кетса, намлиги меъёрдан кам, агар пичаннинг усти нам бўлса, намлиги ортиқча, енгил буралиб, барги

тўкилмаса, намлиги меъёрда эканлиги) аниқланади. Пичан сифати давлат андозаларига кўра 2 та синфга бўлинади: биринчи синфга кирадиган пичандада 5 фоизгача ейилмайдиган кўшилмалар ва 1 фоизгача захарли ўсимликлар бўлиши мумкин. Иккинчи синфга мансуб пичан таркибида 10 фоизгача ейил—майдиган кўшилмалар ва 2 фоизгача захарли ўсимликлар бўлишига йўл кўйилади. Талабга кўра, пичан хушбуй, сарик., яшил рангли, намлиги 17 фоиз, захарли ўсимликлар микдори 1 фоиз, чанг босмаган, юкори сифатли бўлиши лозим.

Пичандан пичан уни, зичланган брикетлар, донадор (гранула)—лаштирилган озукалар тайёрлаш мумкин.

### **Амалий машғулот № 9**

#### **Пичаннинг ҳажми ва сифатини аниклаш**

*Топшириқ:* Пичаннинг сифати ва ҳажмини аниклаш.

*Талаб қилинади:* пичан турлари бўйича намуналар, термостат, тарози, услугубий қўлланма, тарқатма материал.

Пичан намлиги оддий усулда аникланади. У 60F қилиб боғланганда, шитирлаган товуш эшитилса, намлиги 15 фоиз, 60Fн сикилганда ёки буралганда ғирчилласа, намлиги 17 фоиз, боди буралганда ғирчилламай, буралган жойидан сув чикса, намлиги 23—25 фоизга тўғри келади. Пичан намлигини унинг намунаси тарозида тортилиб, сўнгра термостатда куритилганда аник, билиш мумкин.

Пичанни хисобга олиш учун ғарамларининг ҳажми аникланади.

Бунда ғарамнинг узунлиги, эни ва белбоғининг узунлигини билиш лозим. Эни хар икки томонидан ўлчаниб, олинган сонлар қўшилади, йиғиндиси эса тенг иккига бўлинади. Ғарамнинг пастки томони тор бўлса, хар икки томонидан икки мартадан ўлчаш керак. Олдин ғарам юкориги кенг кисмидан, сўнгра пастидан ўлчанади, олинган сонлар қўшилади ва йиғиндиси иккига бўлинади. Узунлиги хам икки томонидан ўлчанади, олинган сонлар кўшиб, йиғиндиси тенг иккига бўлинади. Ғарамнинг белбоғи узунлиги бўйича

ўлчанади. Баландлиги хар хил бўлиши мумкин, шунинг учун белбоғи 3 жойдан ўлчанади, уларнинг ўртачаси хисобга олинади. Шундай килиб, пичан ғарамининг эни, бўйи, белбоғининг узунлигига караб хажмини аниклаш мумкин.

Бунда 1 м<sup>3</sup> пичан тарозида тортилади ва хажмига караб ғарамнинг вазни хисобланади. Пичаннинг вазни турига караб хар хил бўлади.

### **Силос ва сенаж тайёrlаш**

Киш ойларида чорва молларини ширали озука билан бокиш учун силос тайёрланади. Бунда герметик усул кўлланилади. Силослаш жараёнида хосил бўлган сут кислотаси сабабли чиритиш бактериялари, аэроб бактерияларининг барчаси нобуд бўлади. Силоснинг мухити (рН) ўртacha 4,2 бўлиши лозим. Силос — серсув, шираси камрок., лекин минерал моддаларга бой озука. Унинг сифати силослаш учун фойдаланилган экин тури, ўриш муддати, силослаш технологияси ва сакдаш шароитига боғлик.. Бу максадда керакли ўсимликларни тўғри танлаш лозим, чунки улар орасида яхши силосланадиган, қийин силосланадиган ва силосланмайдиган турлари бўлиши мумкин. Маккажўхори, жўхори, судан ўти, кунгабокар, полиз экинларидан яхши силос тайёрланади. Бу экинлар таркибида канд микдори кўп. Кийин силосланадиган экинлар гурухига мансуб себарга, кашкарбеда, яйлов ўтлари таркибида эса, аксинча, канд камдир. Силосланмайдиган экинлардан бўлган беда, баргак, бурчок, соя таркибида канд жуда кам микдорда бўлади.

Экинларнинг силосланиш хусусияти уларнинг ривожланиш муддатига ҳам боғликлигини хисобга олиб, кўкатни ўриш муддатини тўғри аниқлаш керак. Думбул пишиш даврида ўрилган маккажўхори намлиги 70 фоиз бўлганда, 100 кг силос таркибида 25 озука бирлиги ва 2,1 кг хазм бўладиган протеин, сут—думбул пишиш даврида намлиги 76 фоиз бўлган маккажўхори ўрилганда, 100 кг силос таркибида 20 озука бирлиги ва 1,2 кг протеин,

маккажўхори сут—пишиш даврида ўрилиб, намлиги 80 фоиз бўлганда, 100 кг силос таркибида 17 озука бирлиги ва 2,0 кг протеин мавжуд бўлади.

Силосланадиган экинларни ўриш муддатлари: 1) маккажўхори — донининг думбул пишиш даврида; 2) кунгабокар — 5 фоиз гуллаганд; 3) судан ўги — рўвакланиш даврида; 4) жўхори — донининг думбул пишиш палласида; 5) соя — пастки дуккаклари пишиши пайтида; 6) кўп йиллик кўнғирбош ўтлар — гуллаш даврининг бошланишида; 7) кўп йиллик дуккакли ўтлар — шоналаш даврида. Шунинг учун айтиш мумкинки, силоснинг сифати ўсимлик ривожланишининг кайси даврида силос учун ўрилганига боғлик.. Масалан, маккажўхори силосининг сифати куйидагича бўлади (1 кг силоси таркибида):

- 1) дон ривожланишнинг бошланишида 0,18 озука бирлиги ва 13,6 г протеин;
- 2) сут пишиш даврида 0,22 ва 13,0;
- 3) сут—думбул пишиш даврида 0,30 ва 13,0;
- 4) думбул пишиш даврида 0,32 ва 14,0
- 5) тўла пишиш даврида 0,39 озука бирлиги ва 14,6 г протеин бўлади.

**Кўкатнинг намлиги** 75 фоиздан ортиқ. бўлмаслиги керак. Агар намлиги шундан зиёда бўлса, унга дағал, курук. озукалар, намлиги меъёрдан кам бўлса, ширали серсув озукалар кўшилади. Кўкат намлиги 60—70 фоизлигига тайёрланган силос сифати яхши бўлиб, нобудгарчилик 10—12 фоизга камаяди. 75—78 фоиз намлиқда 14—15 фоиз, 80 фоиз ва ундан ортиқ. намлиқда 15 фоиздан кўпроқ. курук модда нобуд бўлиши мумкин. Кўкат намлиги 80 фоизга тушса, силоснинг сифати паст бўлади. Аксарият холларда хосил йиғилишида ем—хашак экинларининг намлиги 60—70 фоизни ташкил килади.

**Кўкатни майдалаш** унинг намлигига боғлик.. Кўкат майдаланса, яхши зичланиб, оралиқдаги хаво микдори камаяди. Намлиги 60—70 фоизли кўкат 2 см. ли бўлакларга, намлик 75—80 фоиз бўлганда, 4—5 см. ли ў, 80 фоиздан ортиқ. намлиқда эса 8—12 см. ли килиб киймаланади. Бу усулда курук. модданинг нобудгарчилиги камаяди.

**Силос иншоотлари** силос тайёрлаш ва саклашга хизмат килади. Герметик усулда ёпилиб, силосни сувдан, хаводан ва паст хароратдан сақловчи бу иншоотлардан техника ёрдамида фойдаланиш имконияти хам туғилади. Улар ўғит

ва кимёвий моддалар сакланадиган жойлардан камида 300 м узокликда бўлиши керак. Чукурлар ва миноралар шундай иншоотлардан хисобланади. Силос микдори кам бўлса, чукурларда, кўп бўлса, минораларда тайерланади. Чукурлар мавжуд курилиш материаллари (бетон, ФИШТ, тош) дан бунёд этилади, хажми етиштирилган ва йигиб олинган хосилга боғлик.. Чукур эни кўкатни зичлаштирадиган тракторнинг икки энига, узунлиги 2—3 энига, чукурлиги 1,5—2,0 м. га тўғри келади. Чукурлар юзаси дағал поялар ва тупрок билан копланиб, четлари герметик усулда ёпилади. Улар устини ёпиш учун плёнкалардан фойдаланиш мумкин. Тайёрланган силос бир йилгача сакланади.

**Силос тайёрлаш технологияси.** Силосланадиган экин макбул муддатда ўрилиб, иншоотларда майдаланади ва чукурларда трактор ердамида зичлаштирилади, чукур тўлгандан кейин усти герметик усулда ёпилади.

**Силоснинг сифатини ошириш** усулига мувофик., кийин силосланадиган экинларга 1,5—3 фоиз микдорида бошка моддалар кўшилади, дуккакли экинларга картошка, ун (1 тонна кукатга 40—50 кг ун), оқсилли моддалар, туз ва сув кўшилади. Силос иншоотларида иссик, харорат 35—37°C бўлиши керак.

**Сенаж** — ўриб, сўлитилган кўп ва бир йиллик ўтлардан тайёрланиб, намлиги 50—55 фоиз бўлган юкори сифатли озука хисобланади. Сенажнинг сифати ўтларнинг ўрилиш муддатига боғлик. Дуккакли ўтлар шоналаш даврида, кўнғирбош ўтлар гуллаш даврида ўрилади.

Сенаж хам силос сакланадиган иншоотларда тайёрланади ва сакланади. Сенаж учун асосан, миноралар қулай. Ўтлар макбул даврда ўрилиб, майдаланади ва иншоотларда трактор ердамида зичланади. Минораларда маҳсус зичлаштирувчи мосламалар хам кўлланилади. Чукурлар усти герметик усулда ёпилади. Сенажни сув ва хаводан саклаш зарур. У чорва молларига киш ойларида кўкат ўрнида берилади.

## Амалий машғулот № 10

## **Силос ва сенажнинг сифатини аниқлаш**

*Топшириқ:* Силос ва сенаж сифатининг белгилари ва курсаткичлари билан танишиш.

*Талаб қилинади:* силос ва сенаж намуналари, идишлар, термостат, услугубий кўлланма, тарқатма материал

Силос бостирилганидан бир ой ўтгач, унинг  $1\text{ м}^3$  вазнига караб бутун вазни аниқданади. Силоснинг сифатига баҳо бериш учун чукурнинг четидан 50 см ва уч томонидан 3,5 м ичкаридан 2 та намуна олинади. Силос бостирилганидан икки ой ўтиб олинган намуналар 2—3 л хажмидаги идишларга солинади ва оғзи бекитилиб, комиссияга топширилади. Силос сифатига кўра 3 синфга бўлинади.

21—жадвал

### **Силоснинг сифати**

Т.р	Кўрсаткичлар	1—синф	2—синф	3—синф
1	Куруқ, модда, фоиз			
	Ўтлар силосида	30	30	30
	Янги ўрилган ўтлар	25	20	10
	Кунгабоқар силосида	18	15	12
2	Протеин микдори, фоиз			
	Дуккакли ўтлар	14	12	10
	Фалласимон ўтлар	12	10	8
3	Каротин, мг/кг	60	40	30
4	Кул, фоиз	13	15	17
5	Силоснинг мухити (рН)	3,9—4,3	3,9—4,3	3,8—4,5
6	Сут кислотаси, фоиз	50	40	20
7	Мой кислотаси, фоиз	0,1	0,2	0,3

Ушбу талабларга тўғри келмайдиган силос молларга берилмайди.

Бахолашда бир чукурдаги ва таркиби бир хил бўлган сенаждан камида 1,5 кг намуна олинади. Сенаж хам сифатига кўра 3 синфга бўлинади

22—жадвал

### **Сенажнинг сифати**

Т.	Курсаткичлар	1—синф	2—синф	3—синф
----	--------------	--------	--------	--------

1	2	3	4	5
1	КУРУКмодда микдори, фоиз			
	Дуккақдошлар сенажида	40—55	40—55	40—55
	Кўнғирбош сенажида	40—60	40—60	40—60
2	Протеин микдори, фоиз			
	Дуккақдошлар	15	13	II
	Кўнғирбошли сенажида	13	11	9
3	Клетчатка, фоиз	29	32	35
4	Кул, фоиз	12	14	15
5	Углеводлар микдори, фоиз	2		
6	Каротин.мг/кг	55	40	30
1	Мой кислотаси,фоиз	—	0.1	<и

10—жадвалдаги сифат қўрсагкичларига тўғри келмайдитан сенажни молларга бермаслик керак. Сенаж яшил. сарғиши—яшил. оч жигарранг,хўшбой хидли бўлади. Сифати кониқарсиз сенаж тўқ жигар ранг ёки кора рангли бўлади.

## Омихта ем тайёрлаш технологияси

Чорвачиликни юқори сифатли тўйимли озука билам таъминлашда маҳсус рецептга кўра омихта ем тайёрланади. Унинг таркибида оксил, мой, карбон сувлари. минерал молддлар нисбати талаб даражасида режалаштирилади. Қишлоқ хўжалиги молларининг турига, ёшига караб, рецептлар ҳар хил бўлади (давлат андозалари бўйича 70 дан ортик, рецептлар мавжуд). Омихта емларнинг асосий таркиби донли (60—90 фоизи)ва дуккакли экинлар донидан иборат. Омихта ем озиқ—овкат саноатининг чикиндиси, кепак. дон кипиғи, маккажўхори сўтаси, кунжара, пичан уни. меласса аралашмасидан тайёрланади. Бу озукалар майлаланиб, тозаланади ва маълум меъёрга келтирилиб. аралаштирилади. Талаб килинган холда оз микдорда витамнилар. микроунсурлар, туз қўшилади. Емнинг таркиби ва сифати бир хил бўлиши учун бу қўшилмалар яхшилаб аралаштирилиши зарур.

Тайёрланган омихта ем оддий сочма. Донадор( гранула)лаштирилган ва зичлаштирилган (брикетлаштирилган) шаклга келтирилади. Омихта емнинг

тўйимлилиги унинг таркибига қўшилган озукалар тўйимлилигига боғлик.  
Буни 11—жадвалдан кўриш мумкнин.

Чигит кунжараси қўшилганда унинг таркибидаги госсипол микдори 0,06 фоиздан ошмаслиги лозим. Аммо молларнинг тури ва ёшига караб бу чеклов 7 фоизгача қўтарилади.

23—жавдал

**Омихта ем манбаларининг тўйимлилиги**

(Н.П.Козьмина маълумоти)

Т.р	Экинлар	Озуқа бирлиги	Оқсили,кг	Клетчатка, Кг
1	Маккажўхори,дон	133,7	7,4	2,2
2	Маккажўхори, сўта	112	4,5	5,5
3	Сули дони	100	12	9,2
4	Арпа дони	120,5	8,1	4,8
5	Тариқ дони	95,5	8,4	9,6
6	Жўхори дони	118,8	9	3
7	Буғдой дони	119,5	11,7	3,2
8	Жавдар дони	118,4	10,2	2,4
9	Кўк нўҳат дони	117	19,5	5,1
10	Ясмиқ дони	116,3	21,6	3,8
11	Бурчоқ дони	102	22,9	5,4
12	Вика дони	116	22,7	5,3
13	Кунгабоқар кунжараси	108	39,6	13,7
14	Чигит кунжараси	115	35,2	9,7
15	Зифир кунжараси	115	28,5	9,3

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Атабаева Х. ва бошқ.—Ем—хашак етиштириш—Т.Мехнат. 1977

2.Атабаева Х.Н. ва бошқ.—Ўсимлиқшунослик—Т.Мехнат,2000

- 3.Абдукаримов Д.Т.ва бошқ.—Деҳқончилик асослари ва ем—хашак этиштириш”—Т.Мехнат,1977
- 4.Артукметов З.А.,Атабаева Х.Н.—Агрономия асослари ва ем—хашак этиштириш—Т.Мехнат,2003
- 5.Атабаева Х.Н., Юлдашева З., Исламов А.—Ботаника. Ем—хашак этиштириш, агрономия асослари—Т.Янги аср авлоди, 2008
- 6.Далакъян В.,Асанов Р.,Ким Л.—Корма Узбекистана,—Т.Узбекистан,1980

<b>МУНДАРИЖА</b>	<b>БЕТ</b>
<b>КИРИШ</b>	<b>3</b>
<b>1 – АГРОНОМИЯ АСОСЛАРИ</b>	<b>5</b>

1. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳаёт омиллари ва уларни бошқариш	5
2. Тупроқ ва унинг унумдорлиги.	12
3. Ўсимлик зарапкунандалари	18
4. Алмашлаб экиш	31
5. Ўғитлар ва уларнинг қўлланиши	40
6. Ерга ишлов бериш	48
7. Уруғлик ва уни экиш	61
8. Тупроқ мелиорацияси	71
<b>2 – ЕМ – ХАШАК ЕТИШТИРИШ</b>	81
Озуқа турлари ва сифат кўрсаткичлари	81
1. Хашаки донли ва дон—дуккакли экинлар	88
2. Ширали озуқа олинадиган хашаки тугунакмевалилар, илдизмевалилар, полиз ва силосбоп экинлар	146
3. Ем—хашак ўтлар	186
4. Яйлов ва пичанзорлар	221
5. Яшил конвейер	232
6. Озуқалардан кўк ўт тайёрлаш технологияси	239
7. Силос ва сенаж тайёрлаш	243
8. Омухта ем тайёрлаш технологияси	246

Введение	3
<b>I. ОСНОВЫ АГРОНОМИИ</b>	<b>5</b>
1. Жизненные факторы сельскохозяйственных растений и их управление	5
2. Почва и её плодородие	12
3. Вредители растений	18
4. Севооборот	31
5. Удобрения и их применение	40
6. Обработка почвы	48
7. Семена и их посев	61
8. Почвенная мелиорация	71
<b>II. ВЫРАЩИВАНИЕ КОРМОВ</b>	<b>81</b>
1. Кормовые зерновые и зернобобовые культуры	81
2. Кормовые клубнеплоды, корнеплоды, силосные и бахчевые культуры, дающие сочные корма	146
3. Кормовые травы	186
4. Пастбища и сенокосы	221
5. Зеленый конвейер	232
6. Технология заготовки кормов из зеленой массы	239
7. Технология заготовки силоса и сенажа	243
8. Технология заготовки комбикормов	248

Список использованной литературы